

УНСУРУЛМАОЛИЙ ҚАЙКОВУС

ҚОБУСНОМА

[Форсчадан Мұхаммад Ризо Оғақий таржимаси]

S. W.

ТОШКЕНТ «ЎҚИТУВЧИ» 1986

Нашрга тайёрловчи: филология фанлари
кандидати С. Долимов

Тақризчи: филология фанлари
кандидати В. Раҳмонов

Шарқ классик педагогикасининг ажойиб намуналаридан бири бўлган «Қобуснома» адабиётшунос Субутой Долимов томонидан ҳозирги ўзбек тилида уч марта нашрга тайёрланган.

Муҳаммад Ризо Оғаҳий таржимасидаги ушбу нашр С. Долимов нинг сўз бошиси, айrim шарҳ ва лугати билан биринчи марта китобхонларга тақдим этилмоқда.

1022891
291
ннв: 2260

К 4306010000-309
353 (04)-85 166-86

© «Ўқитувчи» нашриёти, 1986 й.

УНСУРУЛМАОЛИИ КАЙКОВУСНИНГ «ҚОБУСНОМА» АСАРИ ҲАҚИДА

Шарқ оламида илмий-тарбиявий ва педагогик томондан китобхонлар диққатини жалб қилган муҳим асарлардан бири — Кайковуснинг 1082—1083 мелодий, 475 ҳижрий йилларда яратилган «Қобуснома» асаридир. Кайковус бу асарни ўғли Гилоншоҳга бағишилади.

X—XI асрлар феодал жамиятида маданият, илм-фан, санъат ва адабиёт анчагина ривожланган ва тараққий этган давр эди. Абу Абдуллоҳ Рудакий, Абул-қосим Фирдавсий, Абул Ҳасан бинни Аҳмад Унсурий каби шоир ва олимлар X—XI асрнинг йирик намояндлари эдилар. «Қобуснома» ҳам мазкур XI асрнинг кўзга ташланиб турган меваларидан ҳисобланади.

«Қобуснома» рус ва гарб шарқшуносларининг, шарқ олимлари ва педагогларининг диққатини жалб этди. Бу олимлар «Қобуснома»ни диққат билан ўргандилар ва ўз тилларига таржима қилдилар. Масалан, 1702—1705 йилларда турк тилларига, 1786—87 йилларда Муҳаммад Сидиқ Рашидий томонидан уйғур тилига, тахминан 1860 йилда Муҳаммад Ризо Оғаҳий томонидан ўзбек тилига, 1881 йилда эса Қаюм Носирий томонидан татар тилига таржима қилинган. Бу таржималар туркӣ тиллардаги энг нодир нусхалар бўлиб қолди. Булардан ташқари, «Қобуснома» 1886 йилда рус тилига, шунингдек француз тилига, 1811 йилда эса немис тилига таржима қилинди ва бу миллатлар ҳам уни ўз она тилларида диққат билан ўргана бошлидилар.

Улуғ Октябрь социалистик революциясидан сўнг «Қобуснома»га қизиқиш янада кучайди ва шарқшунос олим, марҳум Е. Э. Бертельс томонидан 1953 йилда иккинчи марта рус тилига таржима қилинди. Демак, «Қо-

буснома» ҳамиша шарқшунос олимларнинг диққат марказида бўлиб келди.

«Қобуснома»нинг автори Унсурулмаолий Қайковус Қаспий денгизининг жанубий қирғоғида яшаган Гилон қабиласидандир. У 412 ҳижрий, 1021—1022 мелодий йилида майда феодал оиласида туғилди ва «Қобуснома»ни 475 ҳижрий, 1082—1083 мелодий йилида яратди. Бу ҳақда Қайковус ўз асарида: «Сана 475 да бошлидим»¹ — деб маълумот беради. Бу даврда Қайковус 63 ёшда бўлиб, анчагина кексайиб қолган эди, у ўғлига: «Писарам, ман пир шудам» — деб ўзининг қариганилигидан маълумот беради ва ўз асари «Қобуснома»ни ўғлига бағишлади.

IX—X аср ўрталариға қадар тараққий этган Сомонийлар давлати X аср охири ва XI аср бошларида қаттиқ таназзулга учрайди, ўзаро низолар кучаяди, эксплуатация зўрайди, халқ қўзғолонлари кескин тус олади. Сомонийларнинг ҳарбий кучлари меҳнаткашлардан ва қул туркий қабилалардан тузилган эди, ҳарбий амалдорлар ҳам туркий қабилалардан ђборат эди. Сомоний давлатининг тушкунлигидан фойдаланиб, туркий қабилалар уларнинг ҳукмронлигини заифлаштирадилар. Қорахонийлар династияси эса Фарғонадан Хитойга қадар тарқалган туркий қабилаларни бирлаштириб, Сомонийларга қарши кескин кураш очди ва 899 йилда Сомонийлар династиясини емириб ташлади. Сомоний давлатининг жанубий чегараси султон Маҳмуд Фазнавий қўлига ўтди. Маҳмуд турк қулларидан бирининг ўғли бўлиб, унинг отаси Фазна ҳокими эди ва Сомонийларга қарам эди. Отаси вафот этгандан сўнг, Маҳмуд Сомонийларнинг тушкунлигидан фойдаланиб, мустақил ҳукumat тузади ва Хурросонни ўзига қарам қилиб олади. Султон Маҳмуд Фазна шаҳрига катта эътибор беради ва халқ кучи билан обод қилади. Ниҳоят, Фазна Шарқда катта аҳамиятга эга бўлган шаҳарга айланади.

Султон Маҳмуд Фазнавий foят золим подшоҳлардан эди. У шиаларни ва ислом динини қабул қилмаган ҳиндларни қаттиқ жазолайди, кишиларни эркин фикрлашга асло йўл қўймайди. Шундай қилиб, Сомонийлар

¹ Мавъизатномаи Қайковус. Оғадий таржимаси. Бундан кейиаги далиллар мазкур китобдан олинди.

династияси XI асрдан бошлаб феодал жамияти тарихида ўз мавқенин йўқотади.

Кайковуснинг бобоси Қобус ва унинг хонадони Сомонийлар династияси билан яқин муносабатда бўлди, уларнинг шаън-шавкати, юришларида иштирок этди. Герман Вамберининг айтишича, Вушмагир ўғли Шамсулмаолий Қобус... уйгур хонларидан бўлган Иликхоннинг қўшини устидан икки марта ғалаба қилди. Аммо бу билан Қобус Сомонийлар хонадонини тиклай олмади¹.

Бу вақтда Қобус Сабуктагиннинг ёрдами билан Табаристонни забт қиласи ва шу ўлкада ҳукмдор бўлиб қолади, Журжонни эса пойтахтга айлантиради.

Шамсулмаолий Қобус ғоят золим ҳукмдорлардан бўлиб, арзимаган айби учун одамларни жазолайверади. Унинг бу зулмини Муҳаммад Хованд Мирхонд «Равзатус сафо»нинг тўртинчи жилдига ҳаққоний баён қиласи. Қобуснинг бу истибдодини Латиф Алибек Озар Исфаҳоний ўзиннинг Бомбайда «Оташкадаи Озар» номи билан чоп этилган «Тазкираи оташкада» асарида қўйидагича баён қиласи: «...Аъён лашкарро ба гуноҳи андак ба қатл расониди. Охирил амир умаро иттифоқ карда: уро аз салтанат халь ба маҳбас фиристоданд, фарзандаш Манучехр бинни Қобусро бар тахти ҳукумат нишонида»².

Таржимаси:

«...Лашкар аъёнлари озгина гуноҳ қилишса, ўлимга юборарди. Ниҳоят амирлар иттифоқ қилишиб, уни салтанатдан олиб ташлаб, ҳибсга юбордилар ва Қобуснинг фарзанди Манучехрни ҳукумат тахтига ўтқаздилар».

Қобуснинг бундай феъл-атворини набираси Кайковус ҳам эътироф қиласи. Кайковус ўз асари — «Қобуснома»да бобоси Қобус ҳақида шундай дейди: Менинг бобом Шамсулмаолий бағоят қаттол киши эрди ва ҳеч кишининг гуноҳин афв қилмас эрди».

Аммо шуни ҳам қайд қилиб ўтиш керакки, Шамсулмаолий Қобус ўз замонасидаги феодал табақаси учун зарур бўлган ҳамма илмларни ўрганди. Айниқса у адабиёт муҳини ва шоир эди. Форс, араб тилида шеърлар ёэди. У араб, форс тилини ва унинг услубини мукам-

¹ Герман Вамбери. Бухоро ёхуд Мовароунаҳр тарихи. Москва, 1924 йил, 145-бет.

² Латиф Алибек Озар Оташкада. «Оташкадаи Озар», Бомбай, 1299 йил, 23-бет.

мал ўрганди ҳамда классик араб тилида тузилган «Номалар»нинг автори бўлди. Ниҳоят, у ўз атрофига машҳур илм, адабиёт, санъат аҳлларини тўплади ва Журжонни йирик адабий марказга айлантирди.

Машҳур ўзбек олими Абу Райхон Беруний Райдан қайтиб келиб, Қобуснинг ҳузурида — Журжонда яшади ва Қобуснинг саройида катта ҳурматга сазовор бўлди. У бу ерда ўзининг бир қанча илмий асарларини яратди ва Хоразм тинчигандан сўнг ўз юртига қайтди.

Қобуснинг набираси Кайковус ҳам ўз замонасининг анча маълумотли зиёлиси эди. У ўз даврининг илмли кишиларидан бўлиб, музика ва табииёт илмига ғоят иштиёқ билан қаради. Унинг кўп илмлардан хабардор бўлгани авторнинг «Қобуснома» асарида яқол кўриниб туради.

Кайковус «Қобуснома»ни яратишдан олдин ўз салафларининг асарлари билан танишди. Тоҳирийлар замонасида яратилган педагогик асарларни ўқиб чиқди. У ўз давридаги маданий шаҳарлар, мамлакатлар билан ҳам танишади, жумладан, Бухоро, Самарқанд шаҳарларига, Хоразм ўлкасига боради ва у ердаги олимлар билан суҳбатлашади, уларнинг илмий-педагогик ишларини ўрганади. Ҳусусан, Носир Хисравнинг таълим-тарбияга оид фикрларини ифода этувчи «Саодатнома» ва «Рўшноинома» асарлари унинг диққатини ўзига жалб этди.

Маълумки, ахлоқ синфи жамиятда синфи бўлади. Антагонистик жамиятда, бир томондан, маълум даврга қадар ҳоким синфнинг ахлоқи тараққий этади ва мустаҳкамланади, иккинчи томондан, эзилган синфнинг ахлоқи ҳам ривожланиб боради. Биринчиси ҳоким табақанинг манфаатини ҳимоя қиласа, иккинчиси ижтимоий зўравонликни, эзилган синф усидаги жабр-зулмни қоралайди ва ҳоким синфга қарши курашни ифода этади. Қулчилик жамиятида қулдорлар билан қуллар ахлоқи, феодализм жамиятида феодаллар билан деҳқонлар ахлоқи, капитализм жамиятида буржуазия билан пролетариат ахлоқи доимо бир-бирига қарама-қарши бўлган. Ахлоқнинг бундай синфилиги ҳақида Ф. Энгельс ўзининг «Анти-Дюринг» асарида шундай деган эди: «...ҳозирга қадар ҳар қандай ахлоқ назарияси пировард натижада жамиятнинг мавжуд иқтисодий аҳволининг маҳсули бўлиб келган, деймиз. Жамият эса ҳозирга қадар синфий қарама-қаршиликлар ичидан ҳа-

ракатланиб келганлигидан, ахлоқ ҳам ҳамиша синфий ахлоқ бўлиб келган: бу ахлоқ ё ҳоким синфининг ҳукмронлигини оқлар ва манфаатини ёқлар эди ёки эзилгаи синф етарли равишда кучли бўлиб қолганда, унинг мазкур ҳукмронликка қарши қаҳр-ғазабини ифодалар ва мазлумларнинг келажак манфаатини ҳимоя қилиб чиқар эди¹.

Кайковус ўз синфининг, ўз табақасининг йирик намояндаси, шарқшунос олим Е. Э. Бертельс айтганидек, у ўз даврининг ниқобсиз феодалидир. Буни китобнинг 23- боби («Асир сотиб олмоқ баёни», яъни «Қул (асир) сотиб олиш ҳақида») билан 32- боби («Тижорат ва бозоргонлик зикрида», яъни «Савдогарчилик ва сотиб оларлик ҳақида») айниқса яққол кўрсатиб туради. Унинг бу хусусияти «Қобуснома» асарининг мазмунини ёритиш учун замин ҳозирлади ва ўша даврдаги зодагон оиласининг тарбиясига баҳо бериш учун асос бўлади.

Рус ва Ғарб педагог олимлари бола тарбиясига, унинг ахлоқий масалаларига қанчалик эътибор берган бўлсалар, Шарқ олимлари ҳам шунчалик катта эътибор берганлар. Бу тарбия Шарқ олимлари томонидан яратилган асарларда ўз ифодасини топди. Жумладан, машҳур ҳинд масали «Қалила ва Димна», Низомул Мулкнинг «Сиёсатнома», Носир Хисравнинг «Саодатнома», «Рӯшноинома», Юсуф Ҳос Ҳожибининг «Қутадғу билик», Маҳмуд Қошиборийнинг «Девони луготит турк», Аҳмад Юғнакийнинг «Хибатул ҳақойиқ», Алишер Навоининг «Маҳбубул қулуб», «Вақфия» каби асарлари муҳим аҳамиятга эга бўлган манбалардир, «Қобуснома» эса шулар жумласидандир.

Ўрта Осиё классик шоирлари (Абулқосим Фирдавсий, Абу Абдулло Рудакий, Носир Хисрав, Юсуф Ҳос Ҳожиб, Аҳмад Юғнакий, Саккокий, Алишер Навоий, Абдураҳмон Жомий, Махтумқули, Огаҳий ва бошқалар) ўзларининг бебаҳо бадиий асарларида ажойиб педагогик фикрларни, жамият ҳаётига оид инсонпарварлик, ҳалол меҳнат каби ахлоқий тушунчаларни ифода этдилар. Хусусан, педагогик фикрларни ривожлантиришда ҳалқлар орасидаги дўстлик, маданий алоқалар катта аҳамиятга эга бўлди. Академик Қори Ниёзов бу дўстликнинг асосий моҳиятини белгилаб дейди: «Ўрта Осиё ҳалқлари қадим даврдан бошлаб Эрон, Ҳиндистон, Хи-

¹ Ф. Энгельс. Анти-Дюринг, «Узбекистон» нашриёти, 1979, 90-бет.

той, Сибирь, Шарқий Европа ва Қавказ халқлари билан иқтисодий, сиёсий ва маданий томондан мустаҳкам алоқада бўлганлар. Бунда, Ўрта Осиёда, маҳаллий халқ ва қўшни халқнинг маданият соҳасидаги муваффақиятлари бир-бири билан чатишиб кетди ва синтезлаштирилди. Ўрта Осиё халқлари — ўз маданиятини яратиб, бу қўшни халқлар маданиятини ўрганиб ва унинг энг яхши хусусиятларини ижодий ишлаб чиқиб, жаҳон маданиятини тараққий эттириб ва бойитиб, илгарига қараб қадам ташладилар»¹.

Ўрта Осиё халқлари, шу жумладан ўзбек ва тожик халқлари орасидаги қадимий дўстлик бу халқларнинг тараққиётiga замин ҳозирлади. Шу муносабат билан ўзбек халқи таржимонлари, шоир ва ёзувчилари форс-тожик тилидаги асарларни ўзбек тилига таржима қилдилар ва ўзлари икки тилда (ўзбек ва форс-тожик тилида), баъзан уч тилда (ўзбек, форс-тожик, араб тилида) асарлар яратдилар. Қутб Хоразмий Низомий Ганжавийнинг, Сайфи Саройи Муслиҳиддин Саъдийнинг асарларини, Оғаҳий «Қобуснома», «Ахлоқи Мұхсиний», «Зубдатул ҳикоят» ва бошқа асарларни, Мулда Фазлуллоҳ Алмайи машҳур ҳинд масали — «Қалила ва Димна» асарини ўзбек тилига таржима қилдилар ва бу билан ўзбек адабиётидаги педагогик фикрларни бойитдилар.

Араблар истилоси даврида Шарқда, шу жумладан Ўрта Осиёда икки хил ўқув юрти мавжуд эди: бири ибтидоий (бошланғич) мактаб, иккинчиси мадраса. Ҳар иккала типдаги мактабда кўпроқ ислом дини ақидалари ўқитилар ва ёд олишга алоҳида эътибор берилар эди.

IX—X асрларда маориф ва маданият бирмунча тараққий этган, халқ фарзандлари илм-маърифат олишга интила бошлаган эди. Академик В. В. Бартольднинг маълумотига қараганда, Ҳаргун қишлоғида (Самарқанд атрофида Абгор мавзеидаги қишлоқ) истиқомат килган бир камбағал деҳқон 848 (233 ҳижрий) йилда икки ўғлини Самарқанд шаҳрига ўқиш учун юборган. Улар Самарқандда уч йил илм ўргандилар, уларнинг онаси болаларини юнг йигириб таъминлаб турган.

¹ Т. Н. Каи Ниязов. Астрономическая школа Ўлугбека. Москва—Ленинград, 1950, 9—10-бетлар.

Ўша даврда Самарқанд шаҳрининг ўзида 17 та мадраса бўлиб, унда даврниг машҳур олимлари дарс бердилар. Марв, Нишопур шаҳарларидағи мадрасалар ҳукумат қарамоғида бўлиб, мударрислар маош билан таъмин этилган эди. XI аср бошларида ҳукумат мадрасалари ташкил қилинади, бу мадрасаларда дин олимларигина эмас, балки аниқ фанлар олимлари ҳам лекция ўқирдилар¹. Шу билан бирга мадрасаларни вақфлар ҳам таъмин этар эди. Бухоро ва Самарқанд мадрасаларида илоҳиёт билан бирга аниқ фанлар (риёзиёт, фалакиёт, ҳандаса, тиббиёт ва бошқалар), гуманитар илмлар (мантиқ, илми аруз, илми қофия, илми маоний, илми баён, илми бадеъ ва бошқалар) ҳам ўқитилади. Шу муносабат билан Бухоро, Самарқанд, Хива мадрасаларига олимлар, маърифатпарварлар йигилдилар ва улар илм эгаларини тарбиялаб етиштирилар. Бу даврда тасаввуф маслагининг энг реакцион формалари мактаб ва мадрасаларга кириб келди ва тарбия соҳасида тарки дунёчиликни, дунёдан воз кечиб узлатга чекинишни тарғиб қилди. Шу муносабат билан тарбия соҳасида иккى оқим вужудга келди. Бири диний фикрларни тарғиб қилувчи, тарки дунёчиликка қақирувчи, фақат илоҳий «илмлар»ни, докматик фикрларни ақлнинг асосий моҳияти деб тушунувчи, инсоннинг ҳар бир қилмишини тақдир билан боғловчи реакцион оқим бўлиб, Фаззолий, Яссавий, Сулаймон Боқирғоний, Ҳўжа Аҳрор кабилар бу оқимнинг йирик нағояндлари эдилар. Булар мадрасаларда фалакиёт, тиббиёт, ҳандаса, алжабр, жуғрофия каби аниқ фанларни ўқитилишига тамомила қарши чиқдилар ва бу фанларни мадрасалардан чиқариб ташлаш учун курашдилар. Мазкур реакцион гуруҳлар мазлум оммани ҳар кандай жабр-жафоларга, адолатсизликларга чидашга, очлик-яланғочликка қаноат қилишга ундейдилар, улар меҳнаткаш халқнинг диққатини ҳоким табақага қарши курашдан четга тортадилар. Дин ва қора гуруҳларнинг бу реакцион хусусиятини характерлаб, В. И. Ленин бундай деб ёзган эди: «Дин умр бўйи бошқаларга ишлаб, муҳтоҷлик ва ғарибликда яшаб келган халқ оммасини ҳар ерда ва ҳамма жойда эзадиган руҳий зулм шаклларидан биридир... Бутун умр бўйи меҳнат

¹ М. Арипов (Орифи). Из истории педагогической мысли таджикского народа, Душанбе, 1962, 52—53- бетлар.

қилган ва мұхтожликтан чиқмаган кишига дин, бу дунё азобига чида ва сабр қил, деб таълим беради ва, бунинг ажрини нариги дунёда топишга умид боғла, деб тасалли беради»¹.

Феодализм истибоди күчайған бир даврда, ислом дини намояндаларининг доимий таъқиби остида иккинчи гуруҳ дунёвий илм вакиллари — жаҳон аҳамиятига эга бўлган буюк олимлар ва шоирлар майдонга келди. Жумладан, буюк математик, географ ва астроном Ал-Хоразмий, ўз замонасининг энциклопедист олимларидан Абу Райхон Беруний, табобат ва математикада, шерьяят ва фалсафада жаҳон бўйлаб шуҳрат қозонган Абу Али ибн Сино, Шарқ адабиётининг энг йирик намояндаларидан Низомий Ганжавий, Носир Хисрав, Муслиҳиддин Саъдий, Умар Хайём, Алишер Навоий каби олим ва шоирлар кишилик маданиятининг тараққиёти учун ўзларининг илмий, бадиий ижодлари билан катта ҳисса қўшдилар. Булар тиббиёт, фалакиёт, музика, адабиёт, жуғрофия, алжабр, ҳандаса каби илмлар билан ёш авлодни тарбиялашга ҳам катта ҳисса қўшдилар. Бу олимлар ақлни биринчи ўринга қўйдилар. Жумладан, машҳур форс-тожик шоири Абу Абдуллоҳ Рудакий бундай дейди:

*Ақллilar айтур, ақл — подшодир,
Ақл барчага бир — фармонраводир.
Кишилар танининг ақл лашкари,
Бутун шаҳват, орзу унинг чокари²*

Абулқосим Фирдавсий Тусий эса ақлнинг бутун фазилатларига алоҳида эътибор бериб, бундай дейди:

* * * * *
*Ақл йўл кўрсатиб, дилни этар шод,
Ҳар икки оламда ақлли обод
Ақл бир тирик жон. у билмас завол
Ақл турмуш асли, буни ёдлаб ол.
Ақлдан ғамгинлик, шодлик, ўқтамлик.
Ақлдан борлигу, йўқлигу камлик.
Киши иш қиларкан беақлу идрок,
Бўлур қилмишидан юрак бағри чок.*

¹ В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами. 12-т. 151—152-бетлар.

² Мазкур ва қўйидаги парчаларнинг ҳаммаси проф. Ш. Шомузamedовнинг «Форс-тожик адабиёти классиклари» асаридан олинди.

Кўрамизки, форс-тожик шоирлари ақлга шундай юксак баҳо берадилар.

Реакцион педагог олимлар инсоннинг ҳаётини, фаолиятини унинг тақдири, ёзмиши билан боғласалар, прогрессив олимлар ва мутафаккирлар ақлни биринчи ўринга қўядилар ва инсон ҳаётидаги ҳамма фалокат ва мусибат, шодлик ва эҳтироснинг сабабчиси деб ақлни кўрсатадилар ва инсон ўзининг ақлий фаолияти билан ўз тақдирини яратади, деган фикрни илгари сурадилар. Шунинг учун прогрессив педагог олимлар инсоннинг ақл орқали ҳар қандай билимни эгаллашига қодир эканини таъкидладилар ва инсоннинг қобилиятига қаттиқ ишондилар. Уларнинг бу фикри инсон шахсини тарбиялаш учун хизмат қилди, инсонпарварлик каби ғояларни майдонга келтирди. Шунинг учун Рудакий, Фирдавсий, Носир Хисрав, Низомий Ганжавий каби шоирларнинг асарларида ва, шунингдек, Кайковуснинг «Қобуснома» асарида тарбия, ахлоқ масалалари асосий урин олди.

II

«Қобуснома» 44 бобдан иборат бўлиб, булардан тўрт боби диний характердадир, қолган 40 боби ҳаётий воқеаларни ифода этади.

Кайковус ўзининг ҳаётий тажрибалари билан ўғли Гилоншоҳни тарбиялашини истайди ва бу панд-насиҳатларини ўғли учун энг қимматбаҳо мерос деб таъкидлайди. Ў ўз асари «Қобуснома»да ўғли Гилоншоҳга мурожаат қилиб, умидим шуки, сен шу пандларни қабул қилгайсан. Бу билан мен оталик вазифасини бажо келтирган бўлурман. Билгилки, халқнинг расми, одати шундай: югуриб-елиб, қидириб-ахтариб дунёдан бирор нарса ҳосил қиласди ва бу топган нарсасини ўзининг энг яхши кўрган кишисига қолдириб кетади. Мен дунёда мана шу сўзларни ҳосил қилдим, сен эса менинг учун энг қимматбаҳолисан. Менга сафар вақти яқинлашди, дунёдан нима ҳосил қилган бўлсам, сенинг олдингга қўйдим, токи ўзингга бино қўймагайсан ва ўзингга номуносиб ишларни қилмагайсан, деган пандларни айтади.

«Қобуснома»нинг дастлабки тўрт боби диний масалаларга багишланган, чунки Кайковус диний ақидаларга, илоҳий тушунчаларга ишонч билан қарайди,

дин ва унинг ақидаларига танқидий муносабатда бўла олмайди. Худди шунингдек, «Қобуснома» автори қуллар масаласига ҳам (23- боб) феодал синф нуқтai назаридан қараб баҳо беради.

Асарнинг бешинча боби «Ота-она ҳаққини билмак зикрида» деб аталади. Бу бобда автор ёшларни отаонани ҳурмат қилишга чақиради. Ота-она ўз фарзанди учун «ўлимга ҳам тайёр» туришини таъкидлайди. Айни замонда ота-онанинг кўнглини ранжитмасликка, уларни ҳурмат қилишга ва ширин сўзлар билан муносабатда бўлишга ундаиди.

Қайковус ота-онага ҳурмат ҳиссига катта эътибор беради. У, бир томондан, болани ота-онани ҳурмат қилишга, уларни ранжитмасликка чақирса, иккинчи томондан, ота-онани болага яхши ва тўғри тарбия беришга ундаиди. Айни замонда, автор ота-онани ҳурмат қилишни фарзанднинг ақлли ва доно, ўқиган бўлиши билан боғлайди ва: «Ҳар бир фарзандки оқил ва доно бўлса, ота-она меҳр-муҳаббатин адo этмакдин бош тортмағай»— дейди у. Шу билан бирга, Қайковус отаонани ҳурмат қилиш масаласига баъзан диний эътиқод юзасидан қараса, баъзан инсонпарварлик нуқтai назаридан қарайди. Шу боисдан ҳам: «Сен ота-онанинг ҳаққига дин нуқтai назаридан риоя қилмасанг ҳам, ақл юзидан, мурувват юзасидан риоя қил»,— деб уқтиради.

Қайковус аристократ табақасидан бўлгани сабабли ота-она ҳурматини мерос билан боғлайди, аммо мерос деб ота-онани ранжитганларни қоралайди. Маълумки, Қайковус замонасида тож-тахт мерос эди. Салтанатни ғаллаш мақсадида фарзандлар, шаҳзодалар ўз отаоналарига ҳурматсизлик қилганлар, ҳатто ўз ота-оналарини қатл қилганлар. Бу воқеаларга Қайковус алоҳида диққат қиласи. Шунинг учун у «Мерос олмоқ ҳирси била ота-онанг ўлимини ҳаргиз тиламағил»,— деб таъкидлайди.

Шунингдек, бу бобда Қайковус ота-она ҳаққини билмак хусусида ғоят муҳим бир фикрни баён қиласи, яъни у ўзбек ва тожик халқининг «нима эксанг, шуни ўрасан» деган машҳур бир мақолини ишлатади. Бу мақолнинг асли маъноси шундан иборатки, киши одамларга яхшилик қилса, катталарга ҳурмат, кичикларга мурувват кўрсатса, унинг бу яхшилиги бошқа кишидан қайтади ва аксинча, агар у одамларга ёмонлик, дилозорлик қилса, бу ҳам бошқалардан қайтади. Қайковус

мана шу принципга асосланиб, «Ота-она ҳаққини билмак зикрида» деган бобида ўғлига насиҳат қилиб, бундай дейди: «...ўз фарзандинг сенинг ҳақингда қандай бўлишин тиласонг, сен ҳам ота-онанг ҳақида шундай бўлғил, нединким сен ота-онаңг ҳақида нима иш қилсанг, фарзандинг ҳам сен ҳақингда шундай иш қилур».

Ўз даврининг мутафаккирлари каби, Кайковус ҳам ақлга алоҳида эътибор беради, ақлнинг ҳар қандай давлатдан юқори туришини таъкидлайди. Шунинг учун фарзанднинг ақл эгаси бўлишини ҳамма нарсадан улуғ деб билади: «Агар молсиэликдан қашшоқ бўлсанг, ақлдан бой бўлмоққа ҳаракат қил, чунки мол била бой бўлғондан ақл била бой бўлғон яхшироқдўр. Ақл била мол жам этса бўлур, аммо мол била ақл ўрганиб бўлмас. Билғилки, ақл бир қимматбаҳо нарсаки, уни ўғри ололмас, у ўтда ёнмас ва сувда оқмас». Хусусан, олтинчи боб («Ҳунарнинг афзаллиги ва қадри баланд, олий табиатли бўлмоқлик ҳақида») диққатга сазовордир. Кайковус аристократ табақасининг вакили, аммо у баъзи ижтимоий, ҳаётий масалаларда ўз синфини инкор этади. Жамият тараққиётида у биринчи ўрининг ўз синфининг ахлоқини эмас, балки ўша даврда муҳим ўрин тутған ҳунар ва илмни қўяди. Мъълумки, Кайковуснинг насл-насаби (унинг шажараси), бобоси Қобуснинг айтишича, Сомонийларга бориб тақалади¹. Аммо Кайковус яшаган даврда бу наслаб ўзининг шоншавкатини йўқотган, авторнинг ўзи эса кичик бир феодалга айланган эди. У подшолик, шаън-шавкатдан кўра ҳунар, билим эгаллашни, билимсиз, ҳунарсиз ҳар қандай юқори табақа, насл-насабли шахс ҳам ҳеч нарсага арзимаслигини баён қилиб, бундай дейди: «Агар киши ҳар қанча олий наслаб ва асл бўлса-ю, аммо ҳунари бўлмаса, у халойиқнинг иззат ва ҳурматидан ноумид бўлур. Улуғлик ақл ва билим биладур, насл-наслаб била эмас. Отни сенга ота ва онанг қўймишлар, сен унга ғарра бўлмағил... бу от фақат бир нишондин бошқа нарса эмасдур... Аммо сен ҳунар била бир номга эга бўлғил». Бу фикрлар билан автор ўғлини қобилиятли шахс бўлишга, ишсиз, фаолиятсиз, ялқов одам бўлмасликка чақиради.

Кайковус халққа яқин туришни, халқ манфаатини кўзлашни фарзандига уқтиради, чунки у ўзининг эски

¹ М. А. Салье. Абу Райхон Беруний, Тошкент, 1960 йил, 23-бет.

феодал шаън-шавкатидан ажралгани учун ҳалқ тақдирига суюниб қолган эди. Шунинг учун у ҳалқнинг озгирия яхшилигини ҳам кўп кўриш лозимлигини ва қайси нарса ҳалқ манфаатига яқин туришини ўрганиш лозимлигини уқтиради. У баданд мартабага эга бўлишни насл-насаб билан боғламайди, балки ақл ва ҳунар билан боғлайди. Автор ақл ва ҳунар ўрганиб, баданд мартабага эришиш кераклиги ҳақидаги ўз фикрини исботлаш учун Суқрот ҳакимдан мисоллар келтиради: «Суқрот ҳаким айтурки: ҳунардан яхшироқ нарса йўқдур ва донишдан улуғроқ нарса йўқдир, шармдан яхшироқ зевар йўқдур ва бадхўйликдан ёмонроқ душман йўқдур».

Кайковус ўз табақаси фарзандларининг меҳнатга қобилиятсиз эканлигини, меҳнатсиз на илмга ва на маърифатга эга бўлиш мумкинлигини ўзининг ҳаётий тажрибаси орқали тушунди. Хусусан, Сомонийлар авладининг таназзули, уларнинг турмуш учун қобилиятсиз шахслар эканлиги Кайковуснинг кўзини очди. Шунинг учун у ўғлини меҳнат қилишга, ҳунар ўрганишга чақирди ва билимни эгалламоқ учун «меҳнат қилмоқ, бадани ялқовлик ва бекорчиликдан қутқармоқ фойдалидур. Нединким, бекорчилик ва ялқовлик баданинг фасод ва беморлигига сабаб бўлур. Агар баданга роҳат бериб, уни ўзингга бўйсундирмасанг» унда тандурустлик била мартабали бўла олмассан...»

Кайковус мағрурликни, такаббурликни қоралайди. Унинг бобоси Қобус илм ва адабиёт муҳиби бўлса ҳам, ўзининг илми билан эмас, балки зулмкорлиги билан мағрурланарди. Кайковус эса мағрурликни ёқтирамайди ва кимки мағрурланса, албатта, ҳамиша пушаймон бўлади, дейди.

Лекин Кайковус замонасидаги зиддиятларнинг таъсири остида қолади ва бу зиддиятлар унинг асарида акс этади: юқорида у меҳнат ва ҳунарни, илм-маърифатни ўрганишни таъкидлаган бўлса, йигирма еттинчи бобда («Фарзанд парвариш қилмоқ зикрида») ахлоқ, тарбия, ҳунар ва меҳнатга аристократик нуқтаи назардан қарайди. У хулқ-одатни туғма деб тасаввур қиласди, аммо у күчсизлигидан, юмшоқлигидан ва заифлигидан уни намоён қила олмайди, деб тушунтиради.

Шу билан бирга Кайковус одоб ва ҳунарни юқори табақа мероси, касбни эса ҳалқнинг мероси деб талқин қиласди ва юқори табақа фарзандларига одоб ва ҳу-

нардан яхшироқ мерос йўқдир, ҳалойиқнинг фарзандларига эса касб ва ҳунардан яхшироқ мерос йўқдир, дейди. Аммо юқори табақа фарзандлари турмуш кечириш учун эмас, зарурат учун ҳунар ўрганишини таъкидлайди, яъни кунлардан бир куни тасодифан керак бўлиб қолиши учун ҳунар ўрганиш зарурлигини баён қиласди. Бу фикрни исботлаш учун автор «авлиё подшо» Гиштосбнинг ёшлик чоғида Рум шаҳарларидан бирига бориб темирчига шогирд тушиб, ўз жонини сақлаб қолганини мисол келтиради. Ҳатто Кайковус юқори табақа фарзандлари юз хил ҳунарга эга бўлиб, уни ишлатмаса ҳам, буни айб ҳисобламайди. Бу билан Кайковус ўз табақасини имтиёзли қилиб кўрсатади:

Ҳар ҳолда Кайковус ёшларга хилма-хил касб эгаси бўлишни, хилма-хил ҳунар ўрганишини тавсия қиласди, яъни у ҳалқа ҳунар ва касбни, ҳарбий кишига ҳарбий илмларни, сувда сузишни, от минйшни, чавгон уришни, каманд ташлашни ўрганишини тавсия қиласди.¹ Феодализм ҳукмронлик қилган даврда бундай ҳарбий илмларни ўрганиш ўша даврнинг талаби эди.

«Қобуснома»нинг энг муҳим бобларидан бири қирқ тўртинчӣ бобдир. Бу бобда Кайковуснинг дунёқарашиняна ҳам очиқроқ намоён бўлади: автор бутун одамларни уч гуруҳга бўлади ва бу гуруҳларнинг жамиятда тутган ўрнини аниқлайди.) Айни замонда, автор одамларнинг энг яхши фазилатларини, уларнинг хулқ-атворини, хислатларини ҳам уч хилга бўлади: ақл, тўғрилик, жувонмардлик (инсонпарварлик, сахийлик, қўли очиқлик). Кайковуснинг фикрича, одамларнинг ҳаммаси шундай сифатларга эга бўлишни истайдилар, лекин бу хислатларга улар эриша олмайдилар. Чунки улардаги баъзи хислатлар: жумладан, сусткашлик, бефаҳмлик, ҳовлиқмалик унинг яхши хислатга эришишидаги ўйуни бекитиб қўяди. Демак, Кайковус ҳамма масалага инсоннинг ўзи сабабчи деб таъкидлайди.

Кайковус инсоннинг атрофини ўраб олган ташқи дунёга алоҳида эътибор беради, яъни у инсоннинг ташқи дунёга бўлган муносабатини, ташқи дунё билан алоқасини аниқлашдан олдин, зоҳирий дунёдаги бор мавжудотнинг ўзаро бир-бири билан бўлган муносабатини аниқлашга алоҳида эътибор этади ва бу муҳим масалани ҳал қилишга интилади.

Кайковуснинг фалсафий қарашларининг муҳим томони шундаки, у ҳаётдаги мавжудотни бир-бирига ало-

қадор ва бир-бири билан зиддиятдадир деб талқин қиласи. Масалан, у ўғли Гилоншоҳга мурожаат қилиб, бундай дейди: «Демак, инсоннинг баданида бир қисм табний кучлар ва осмон гумбази, юлдузлар, моддалар, унсурлар, шакллар, жонлар, ақллар мавжуддур... ва ҳар бири... мураккаб мажму бўлмишидур». Кайковус нинг фикрича, ташқи дунёдаги мавжудот ё бевосита ёки билвосита бир-бири билан боғланиши мумкин. Бир-бирига зид бўлмаган ва бир-бирига ўхшаёт бўлган мавжудот бевосита муносабатда бўлади, бир-бирига қарама-қарши бўлган моддалар эса билвосита муносабатда бўлади. Шунга кўра, автор: «Ундоқким, бу улуғ жаҳонда кўргингдурки, буларнинг бари жавоҳирда мутталиф бўлсалар ҳам афлос ва табое табиат бандида бир-бирига сартосар бўлмишлар, шундоқким ўт ва сув барча сифатда бир-бирига зиддурлар. Бас, тупроқ, ўт ва сувнинг... барча зид ва хосиятларнинг орасига Ер улуғ банд бўлиб тушди», — дейди.

Автор кишининг руҳий ҳолатини ҳам икки катта гуруҳга бўлади: жисмоний сезгини, яъни эшитиш, кўриш, ҳидлаш, тотиш ва ушлаб кўриш сезгиларини, «модда» (ҳаюло) билан, руҳий ҳиссиётни, яъни ёд олиш, тафаккур, ҳаёл, сўзламоқ, тадбир қилмоқни «жон» билан боғлайди. Бирини моддий ҳаёт, иккинчисини руҳий ҳаёт натижаси деб қўрсатади.

Кайковус инсоннинг бу икки хусусиятидан ташқари учинчи хусусиятини ҳам кўрсатиб ўтади. Буни инсон жисмидағи энг қадрли нарсалар деб атайди, бу нарсаларга инсоннинг энг яхши фазилатини, яъни жувонмардлик, донишмандлик, камолот, олижанобликни киритади.

Автор инсоннинг бу хусусиятини ақл билан боғлайди ва жувонмардлик, донишмандлик, камолот, олижаноблик — буларнинг ҳаммаси олий ақл ташаббуси билан баданда пайдо бўлади, деб қарайди ва бу фикрларидан, тан жон билан, жон нафас билан, нафас ақл билан тириkdir, деган холосага келади.

Аммо Кайковус юқорида зикр қилинган масалаларга идеалистик нуқтаи назардан қараб, буларнинг ҳаммаси худо томонидан берилган деб талқин қиласи.

Кайковус инсонга табиатиниң бир жузъи деб қаради, яъни у инсонни табиатдан ажralган ҳолда тасаввур қилмайди, аксинча инсон билан табиат орасидаги муносабатларни таъкидлайди. Мазкур тушунчани у

одамнинг танасида табиий кучнинг бир қисми, яъни кўк гумбази, юлдузлар, моддалар, унсурлар, нафас ва ақл мавжудлиги, буларнинг ҳар бири алоҳида бир олам эканлигини у фалсафий фикрлар нуқтаи назаридан талқин қиласди.

Қайковус, хусусан, хилма-хил моддалар орасидаги алоқани, уларнинг бир-бирига тааллуқли эканини қайд қиласди. Аммо яна идеалистик талқин қилиб, бу моддаларнинг алоқасини илоҳий кучга боғлайди. Демак, у буларнинг (табиий куч, кўк гумбази, юлдузлар, моддалар, унсурлар, нафас, ақл — С. Д.) бир-бирига муносабати йўқ эди, олло таоло буларни бир-бирига боғланган деб тушунади.

Қайковус ўз асарида инсонга катта аҳамият берди ва бундай деди: «Одамнинг тани кўзга кўринадурғон ва кўзга кўринмайдурғон моддалардан тузилғон». Айни замонда, автор «Қобуснома»нинг бош қисмида инсонга юксак баҳо бериб, дунёда одамнинг билмаган ва танимаган ҳеч нарсаси йўқдир, дейди. Шунинг учун автор инсонни табиат оламида буюк бир дунё билади ва инсоннинг ҳар бир воқеани шууд қилувчи қудратли ақлга эга эканини таъкидлайди. Бундай қараш натижасида Қайковус инсонни гуруҳларга бўлади ва ҳар бир инсонни гуруҳнинг жамиятда тутган ўрнини белгилаб беради: «Эй фарзанд, билғилки, ҳакимлар ақл ва жувонмардликдан алфоз (сўз) била жасадсиз бир неча сурат ясадбурлар, бу суратлар тан, жон, ҳавос (сезги) ва маоний (маънолар) суратидир. Дебдиларки, тани — жувонмардлик, жони — ростлик, ҳавоси — дониш ва маонийси — сафодур. Бу суратларни халққа тақсим қилдилар: бир гуруҳга тан тегди, ўзга нарса етмади, бир гуруҳга тан, жон, ҳавос ва маоний етди,... тан етғон гуруҳ... иёрлар, сипоҳлардурки, халойиқ уларга жувонмард деб от қўйдилар. Жон ва тан етғон гуруҳ зоҳира маърифат соҳибидурки, халойиқ уларга сохта маърифат номи қўйдилар. Бир гуруҳга тан, жон ва ҳиссият етди, булар ҳукамо авлиё ва анбиёлардурлар, халойиқ уларга дониш ва афзун деб от қўйдилар».

Қайковус бу гуруҳларнинг жамиятда тутган ўрнини бирин-кетин санаб ўтади, аммо инсонларнинг бир хил хулққа, сифатга эга эмаслигини, бу гуруҳларнинг хулқатвори эътибори билан турлича эканини аниқлаб беради. Инсон хулқи хилма-хил жамиятда ва хилма-хил ижтимоий гуруҳлар орасида бирига маъқул бўлса, ик-

кинчисига маъқул эмаслигини, бир гуруҳда жамият аъзолари инсоннинг шу хулқини қўллаб-қўлтиқласа, иккинчи гуруҳ бундай хулқни бир нуқсон тариқасида қабул қилишини таъқидлайди. Мана шу фикрга асосланиб, Кайковус жувонмардликнинг асосини уч гуруҳга бўлади. «Жувонмардликнинг асли уч нарсадур: бир улким, айтғон сўзингни ўзинг қилсанг, иккинчиси улким, ростликка хилоф қилмасанг ва учинчиси улким, хайр ишини илгари тутсанг». Айни замонда, «Қобуснома» автори ҳар бир гуруҳнинг хулқ-авторини, уларнинг жамиятда тутган ўрники белгилаб ўтади. Хусусан, жувонмардлик ва иёрликни таърифлаб, бундай дейди: «Билғил, жувонмардлик ва иёрлик шул кишига сазовордурки, унинг бир қанча ҳунари бўлсин. Бири улки, далир ва мардона (жасурлик ва мардлик), сабо, рост ваъда, пок дил, пок аврат (ростгўйлик) ва пок забон бўлса, яна бири улким, ўз сўзидин андиша қилиб, асирларга дастгир бўлса, бечораларга мадад еткурса, ёмонларнинг ёмонлигини яхшилардан йироқ тутса... одамларга зиён ва зарар еткурмаса».

«Эй фарзанд, бу хабарлардаким мен иёрларни ёд қилдим, бироқ сипоҳийлар ҳам бу расм била бўлмоқлари шартдурки, сипоҳийнинг иши ҳам иёрлик иши била тамом бўлур. Лекин каримлик, меҳмондўстлик, сахиyllик, тўғрилик, ҳақшунослик, пок жомалик, яхши қуролланиш сипоҳийга мансубдур».

Кайковус тафаккур ва ақлни юксак баҳолади, аммо ақл ва тафаккурни тавҳид билан боғлади. Лекин у ншратни, рақсни, қўшиқни рад қилмайди. Аммо буларни «тасалли воситаси» деб қарайди ва буларга диний тус беради.

Кайковус ақл масаласига катта эътибор беради. У инсон билан ҳайвон орасидаги баъзи бир умумийликни тўғри кўрсатади. Аммо автор инсоннинг ҳайвондан қанчалик юқори туришини ҳам баён қиласди, яъни инсон руҳий ҳолатининг ҳайвоннинг савқу табиатидан нақадар юқори эканини тасдиқлайди. Мана шундай фикрлардан сўнг автор инсонлар орасидаги қобилият ва истеъод масаласига ўтади.

Автор «Қобуснома»нинг мазкур 44-бобида, юқоридаги фикрлардан ташқари, инсон қобилиятининг хилма-хил эканлигини ҳам баён қиласди.) У инсон ақлига алоҳида эътибор беради ва уни иккига бўлади: «...ақл икки хилдур: бири туғма ақлдурки, буни азалий (та-

бийи ақл) дерлар, иккинчisi қасбий ақл, буни муктасиб (үрганилган ақл) дерлар. Қасбий ақлга дониш ҳам дерлар. Муктасибни үрганса бўлур, аммо азалий ақл худонинг неъматидур, уни таълим била үрганиб бўлмас. Худо агар сенга азалий ақл берғон бўлса, сен муктасиб ақлни үрганмоққа кўшиш қил, токи азалий била муктасибни вобаста қилғил. Шунда ҳалқ орасида улуғ ва азиз одам бўлурсан... Сен муктасиб ақлни пеша этмақда хато қилмагил, уни кучинг етгўнча үрганғил, нединким оқиллар тоифасидин бўлмасанг ҳам донишлар тоифасидандурсан, иккисидин бирига эга бўлғонинг яхсидур. Дерларким, агар ота бўлмаса, онадин яхши киши йўқдур. Ақлли бўлмоқ истасанг, унда ҳикмат (фалсафа) үргангилки, ақл ҳикмат била камол топгусидур. Бир куни Аристотолис донишдин: «ақлнинг кучи нимадандур?»— деб сўрабдурлар. Донишманд: «Ҳамма кишининг кучи овқатдандур, ақлнинг кучи ҳикматдандур»— деб жавоб берибдур».

Қайковуснинг ақлни шу хилда икки категорияга бўлиши унинг идеализм фалсафасининг намояндаси эканлигидан далолат беради. Аммо Қайковус худо томонидан берилган ақлга эмас, меҳнат билан топилган ақлга алоҳида эътибор беради ва уни қадрлайди. Муктасиб ақлнинг такомиллашиб боришини, табиий ақлнинг муктасиб ақлсиз ривожланмаслигини, ҳатто табиий ақлга эга бўлганларнинг муктасиб ақлсиз бирор иш қила олмасликларини таъкидлайди. Муктасиб ақл меҳнат орқали қўлга киритиларкан, табиий ақл ҳам таълим орқали вужудга келади, демак, табиий ақл таълим-тарбиясиз тараққий этмайди. Шундай қилиб, Қайковус, бир томондан, табиий ақлни эътироф қилса, иккинчи томондан ҳар бир шахснинг ақлий тараққиётига эга эканини ҳам эътироф қиласди. У ҳар иккала ақлий куч учун таълим-тарбия зарур эканлигини таъкидлайди.

Ҳайковус ўз асарида тарбияга алоҳида диққат қиласди ва тарбияни инсон ақлини, шахсий ҳаётини таркиб топтирувчи омиллардан деб билади. Ҳусусан, инсонни тарбиялашда ҳаётий таъсирнинг ролини эътироф қиласди. Масалан, автор бир ўринда шундай дейди: «Гарчи ҳар кишини турмуш устоди дониш этмаса, ҳеч ким унга сўз үргатмоқ учун азият чекмасин, нединким, меҳнати зоеъ кетғай». Демак, кишини тарбиялашда ҳаётний таъсирнинг роли Қайковуснинг диққатидан чегда қолмади.

Кайковуснинг фикрича, тарбиядан мақсад инсонни ҳозирги замон ва келажак учун яроқли шахс қилиб етиширишdir. Автор инсоннинг дунёни билиш қобилятига эга эканлигини таъкидлайди ва шу билиш орқали ҳаёт учун зарур бўлган нарсаларни қўлга кирилади. Унинг фикрича, инсон худодан бошқа ҳамма мавжудотни танийди, у ҳамма нарсани обьектив қабул қиласди, дунёда одам билмаган ва таниматган ҳеч нарса йўқ эканлигини тан олади. Аммо автор ўз замонасида ҳамма нарсани билиш мумкин эмаслигини, буни фақат келажак ҳал қилишини кўрсатиб ўтади. Бу ҳақда Кайковус ўз асарида бир ҳикояни мисол тариқасида келтиради. Ҳикояда Хисравнинг донишманд вазири Абузуржимеҳрнинг подшонинг саволига берган жавоби характерлидир. «(Хисрав) яна сўради: Ҳамма нарсани ким билади?» Абузуржимеҳр деди: «Ҳамма нарсани ҳамма билади, аммо (бундай киши) ҳали онадин туғилмамишдур». Лекин Кайковус бундай фикрлар билан бирга дунёни билиш соҳасида идеализмга ҳам берилади. Кайковуснинг фикрича, дунёни билишдан мақсад ундан фойдаланишdir. Дунёнинг бутун гўзаллиги, орасталиги, зэгулиги инсонга мансубdir, дейди. Лекин иккинчи бир ўринда эса у бу фикридан воз кечиб, жамиятни бири ҳукмдор, бошқаси маҳкум: бири тўювчи, иккинчиси тўйдирувчи шаклида тасаввур қиласди ва жамиятни худо шундай яратди, деб таърифлайди («Пайғамбарларнинг сифати ҳақида» деган боби).

«Қобуснома»нинг еттинчи боби сухандонлик билан баланд мартабага эга бўлиш масаласига бағишлианди. Бу бобда автор нутқнинг гўзал маъноли бўлиши, нутқда сўзни ноўрин ишлатмай, ўз ўринда ишлатиш масалаларини ёритади, тўғри сўзлашга, ёлғон сўзламасликка, нутқни халққа маъқул қилишта ундейди.

Кайковус фақат нутқ сўзлашни эмас, балки бошқаларнинг сўзи ва нутқидан ибрат олишини таъкидлайди, шундай йўл билан ҳам яхши нотиқ бўлиш мумкинлигини уқтиради:

«Эй фарзанд, токи қила олсанг сўз эшитмакдин қочмағилки, киши сўз эшитмак била сухангўйлик (иотиқлик) ҳосил қилур». Бу фикрни Кайковус далиллар билан исботлайди: «Бир ўғлон онадин туғилса, унга ернинг остидан бир жой қилиб, сут бериб, ул жойда парвариш қилсалар, онаси ва дояси унга гапирмасалар, у ўғлон ҳеч кишининг сўзин эшитмаса, улуг бўлғонда

у лол (соқов) бўлур. Ииллар ўтиб сўз эшитса, ўрганса, у сухангўй бўлғай». Иккинчи бир ўринда: «Онадин кимки кар туғилса, ул лол бўлур» — дейди. Бу фикр билан Кайковус сўзни илоҳий деб талқин қилмайди, аксинча сўзни инсон яратади, сўз инсонлар орасида алоқа воситаси сифатида хизмат қилади деган фикрни илгари суради.

Тарбия соҳасида Кайковусни кўпроқ донишмандлар сўзи қизиқтиради, шунинг учун у сухандон бўлишда донишмандлар сўзини тинглашни тавсия қилади. Айниқса, у ёлғон ва беҳуда сўзлашни қаттиқ қоралайди: «Эй фарзанд, демак ёлғон ва беҳуда сўз айтмагил, беҳуда сўз айтмоқ девоналиknинг бир қисмидур», — дейди.

«Қобуснома»даги «Мажоз (ҳазил-мазаҳ) қилмоқ, шатранж (шахмат), нард ўйнамоқ зикрида», «Шикорга (овга) чиқмоқ зикрида», «Чавгон ўйнамоқ зикрида», «Уруш қилмоқ зикрида» каби бир қатор бобларни Кайковус юқори табақа фарзандлари тарбиясига бағишлайди. Айрим бобларда эса автор жисмоний тарбияга алоҳида эътибор беради ва ўзининг ёшликда олган тарбиясини мисолга келтиради, жисмоний тарбиянинг бошқа турлари қаторида сувда сузиши ўрганишнинг зарурлигини ҳам уқтириб ўтади.

Кайковус овқатланиш, дам олиш, ҳаммомга бориш, меҳмондорчилик, шароб ичиш каби ҳаётий масалаларни ёритишига ҳаракат қилади ва «Қобуснома»да инсоннинг бундай кундалик ишлари муҳим ўринни эгаллади.

Ёшларнинг илм ўрганишига Кайковус алоҳида эътибор беради. Унинг фикрича, илм (фан) инсонни ҳар томонлама камол топтирадики, хусусан, у табиинёт, астрономия ва музикага оид илмларга диққат билан қаради. Бу илмларни ўрганишни ҳар бир ёшнинг вазифаси деб билди.

«Қобуснома»нинг 43- боби деҳқончилик ва бозор ҳунарларига бағишиланади. Бу бобда автор ўғлига қандай қилиб деҳқончилик қилишини, қандай қилса ҳосилни кўпроқ олиш мумкинлигини ўргатади, яъни бақувват ҳўқизга эга бўлиш, экинни вақтида экиш, ерни шудгор қилиш каби ҳаётий масалаларга алоҳида диққат қиласи.

Кайковус ўз асарида ёшларнинг хулқ-атворига алоҳида эътибор берди. Уларга инсонпарвар бўлишни, ҳалққа ширин муомала қилишини таъкидлади. Шунинг-

дек, дўст ва душманга қандай муносабатда бўлиш каби масалаларни ҳам ўз асарида ёритди.

«Қобуснома» ҳаётий ва амалий масалаларни кенг очиб беради. Автор бу масалаларни ўз турмушида кўрган ва учратган. Бу ҳаётий муаммоларни Кайковус ҳикоялар, мақоллар ва донишмандларнинг ҳикматли сўзлари воситасида исботлайди. Шунинг учун ҳам «Қобуснома» XI аср Шарқ педагогикиси тарихида фоят қимматли асалар қаторига киради.

III

Огаҳий мутафаккир, донишманд ва севимли шоир эди. У XIX асрда яшаб, ижод этган шоирларнинг энг маҳсулдоридир, яъни у умрининг охирига қадар фақат ижодий иш билан машғул бўлди. Қисқаси, у Алишер Навоийдан сўнг ижодий маҳсулотда биринчи ўринда туради.

Муҳаммад Ризо Эрниёэ ўғли Огаҳий болалик кезларидаёқ ўз она тилиси — ўзбек тили билан бир қаторда форс ва араб тилларини мукаммал эгаллаб олган эди. Лекин асосан ўзбек тилида ижод қилди. У яратган шеърий мисралар ўзининг сержилолиги билан кишиларни ҳамон ўзига ром қилиб келмоқда.

Огаҳий шоир сифатида ўз шеърларини тўплаб «Таъваз ул-ошиқин» («Ошиқлар тумори») номли девон тузди. Девон машҳур котиблар томонидан бир неча бор кўчирилди ва чоп этилди. Девондан ўрин олган ижтимоий, ахлоқий ва муҳаббат мавзусидаги гўзал ғазаллар, мухаммас, рубоий ва маснавийларда шоирнинг ўз тафаккури, бой ички дунёси, замонага, зулм ва золимларга нафрати, оддий меҳнаткаш халқа муҳаббати уфуриб туради. Хуллас, Огаҳий бу шеърларда инсоннинг энг гўзал фазилатларини, муҳаббат мотивларини ва шунингдек, ўзининг юрак дардлари — шодлик ва қайғусини бадиий мисраларда маҳорат билан тарнум этган.

Огаҳий яшаган феодализм даврида Хоразмда реакцион оқим билан бир қаторда маърифатпарварлик, тинчлик фояларини тарғиб қилувчи прогрессив адабий ҳаракат майдонга келган эди. Огаҳий ана шу илфор адабий ҳаракатнинг вакили сифатида замондошлари

Мунис, Комил, Рожий, Нозим, Диловар каби шоирлар билан ҳамкорликда умр кечирди.

Огаҳий Хоразм тарихидан бешта китоб тартиб этди. Уларнинг биринчиси — «Риёз-уд-давла» 1844 йилда ёзилиб, унда Оллоқулихон ҳукмронлиги даври (1825—1843) воқеалари тасвирланган.

Огаҳийнинг иккинчи тарихий асари «Зубдат ут-таворих» Раҳимқулихоннинг Хоразмда ҳукмронлик қилган давридаги (1843—1846) тарихий воқеаларни ўз ичига олади.

Шоир ўзининг «Жоме ул-воқеоти султоний» асарини 1846—1855 йилларда ҳукмронлик қилган Муҳаммад Аминхон даври воқеаларига бағишилайди.

Тўртинчиси «Гулшани давлат» деб аталиб, унда Сайд Муҳаммад Баҳодирхон ҳукмронлиги даврида (1856—1865) рўй берган воқеалар қаламга олинади.

Огаҳийнинг сўнгги асари «Шоҳиди иқбол» Муҳаммад Раҳимхон Сонийнинг (1865—1910) тахтга ўтириши воқеалари билан бошланиб, 1872 йили чор қўшинларининг Хива устига қилган ҳарбий юришлари тасвири билан узилиб қолади. Чунки 1874 йилда буюк инсон, оташқалб шоирнинг юраги уришдан тўхтади. Шу боисдан ҳам у бошлаган иш охирига етказилмай чала қолди. Бу асар ҳозир Салников-Шчедрин номидаги Ленинград шаҳар халқ кутубхонасида сақланмоқда.

Огаҳий ўзининг юксак истеъоди, сермаҳсул ижоди билан забардаст олим, санъаткор шоир сифатидагина эмас, балки моҳир таржимон сифатида ҳам адабиётимиз тарихида алоҳида ўрин эгаллади. У бу соҳада ҳам ўз ижодини тарихий асарлардан бошлади. Огаҳий машҳур тарихчи Муҳаммад ибн Ховандшоҳ Мирхонд (XV аср) томонидан ёзилган кўп томлик «Равзат ус-сафо» асарининг II ва III жилларини ўзбек талига таржима қилган. Кейинчалик Низомиддин Муҳаммад бинни Муҳаммад Муқим Ҳиротийнинг «Табақоти Акбаршоҳий» номли асарини, Муҳаммад Маҳдий Астрободийнинг «Тарихи Нодирий» китобини, шунингдек Муҳаммад Юсуф Муншийнинг Балх ҳокими Муҳаммад Муқимхонга бағишилаб ёзган «Тазкираи Муқимхоний» асарини, 1858—1859 йилларда эса машҳур олим Маҳмуд бинни Шайх Али бинни Имомиддин Фиждувонийнинг «Мифтоҳ ут-толибин» асарини форс тилидан ўзбек тилига таржима қилди. «Мифтоҳ ут-толибин»нинг шоир қўли

билан кўчирилган ягона нусхаси ҳозир ЎзССР ФА Шарқшунослик институтида сақланмоқда.

Шу нарса характерлики, шоир Огаҳий бадий асарларнинг таржимасига таржимон сифатида анча маҳоратга эришгандан сўнг қўл урган. Масалан, у 1862—1863 йилларда Саъдий Шерозийнинг машҳур «Гулистан» асарини, 1868—1869 йилларда Абдураҳмон Жомиййнинг «Юсуф ва Зулайҳо», Бадриддин Ҳилолийнинг «Шоҳ ва гадо» асарларини ўзбек тилига моҳирона таржима қилди.

Огаҳий ўзи таржима қилаётган асарларнинг мазмунига, уларнинг тарбиявий моҳиятига жиддий эътибор берарди. Шунинг учун ҳам Огаҳий таржималари орасида фалсафий, ахлоқий-таълимий характердаги асарлар алоҳида ўринни эгаллайди. Масалан, Ҳиндистонда ҳокимлик қилган подшоҳлардан Муҳаммадшоҳ Аврангзеб замонида яшаган олимлардан Муҳаммад Вориснинг «Зубдат ул-ҳикоят» и насиҳатнома характеристидаги асардир. Огаҳий таржима қилган бу асарнинг фақат биргина нусхаси бизгача етиб келган. Шунингдек, Қайковуснинг «Қобуснома»си ҳам биринчи марта Огаҳий томонидан ўзбек тилига таржима қилинди.

Маълумки, Огаҳийнинг амакиси Шермуҳаммад Мунис биринчи бўлиб «Саводи таълим» китобини яратди. Табиий, Огаҳий ўз устози Мунисдан ҳар жиҳатдан таълим олади ва ўз поэзиясида, таржималарида таълим-тарбия масаласига алоҳида эътибор беради. У бир ўринда:

*«Илм андоқ ганжи нофеъдур бани одамғаким,
Кимда ул бўлса, ики олам бўлур обод анго»* —
деб илмга катта эътибор беради. Шунинг учун шоир тарихий, бадий асарлар билан бирга таълимий-дидактик асарларни ҳам таржима қилади. Жумладан, «Зубдат ул-ҳикоят» («Ҳикояларнинг энг яхшиси»), «Мифтоҳут толибин» («Талабгорларнинг калити»), «Ахлоқи муҳсиний», «Насиҳатномаи Қайковус» («Қобуснома»), Саъдийнинг «Гулистан» асарини ўзбек тилига таржима қилди. Бу асарлар Шарқ педагогика тарихи соҳасида катта роль ўйнайди ва XIX асрда халқни ва ёш авлодни тарбиялашда асосий омиллардан ҳисобланади. Хусусан, «Қобуснома» таълим соҳасида катта аҳамиятга эга бўлди.

«Қобуснома»нинг Огаҳий ўз қўли билан қилган таржимаси топилмади. «Қобуснома»нинг таржималари

бошқа котиблар томонидан кўчирилган. Бу таржималарнинг иккита нодир нусхаси Беруний номидаги Шарқшунослик институтида, бир қўл ёзма нусхаси Салтиков-Шчедрин номидаги Ленинград Давлат Халқ кутубхонасида сақланади. Огаҳий форсий нусхадан таржима қилгани аниқ, буни «Қобуснома»нинг сўз бошисида таржимон Огаҳий Муҳаммад Раҳимхон Ферузнинг тилидан сўзлаб, шундай дейди: «Мазкур насиҳатномани илкимга бериб дедиким, бу нусхани туркий тили бирла таржима қил, то турк тавойифининг авоми доғи бу пандлардин баҳра олғай ва бизнинг отимиз, сенинг сўзинг олам инқирозигача замон авроқида боқи қолғай».

Шубҳасиз, Огаҳий асарни форсчадан таржима қиласди, аммо форсчанинг қандай нусхасидан таржима қилгани номаълум. Огаҳийнинг таржимасини профессор Е. Э. Бертельснинг рус тилига қилган таржимаси билан солиштирганда, Огаҳийнинг таржимаси қисқароқ кўринди, аммо Огаҳийнинг таржимаси асли нусхага анча яқин, услуби мустаҳкам, ишлатган истилоҳлари оригинал.

Шуни қайд этиш керақки, «Қобуснома»нинг биринчи тўрт боби илоҳиёт билан боғланади. Аммо Огаҳий мазкур тўрт бобни ўрганишда ҳам инсон фазилатларини биринчи ўринга қўйди ва ўша боблардаги инсонга хос бўлган фазилатлар, гўзалликлар, инсоннинг меҳнат ва курашларини пайқай билди ва шу фазилатларни таржимон сифатида биринчи планга чиқара олди.

Мисол тариқасида мазкур боблардан айрим жумлаларни келтирамиз.

«Эй фарзанд билғилким, жаҳонда одамнинг билмазон ва танимафон ҳеч нарсаси йўқдур...

Танимоқ нақшдекдур, танилғон нарса манқушдекдур¹ ва таниғувчи наққошдекдур. Манқуш нақшни қабул қилмаса, ҳеч наққош унга нақш қилмағусидур. Кўрмасмусан, мум нақшни тошдин яхшироқ қабул қилур. Бу жиҳатдин мумдин муҳр тузадурлар ва тошдан тузатмаслар. Демак, барча танилғон нарсада танимоқ қабули бордур. Сен ўзингга боқғил,... соэға қараб созандани таниғил...

Восита бўлмаса, ҳеч нарсада шараф², манзилат³ ва тарбият бўлмағусидур...

¹ Манқуш — нақшланган, безалган.

² Шараф — улуғлик, мартаба. ³ Манзилат — даража, лаёкат, қадр, мартаба.

Барча доноларга маълумдурки, ҳар киши қайси жамоага тобе бўлмоқ тиласа, ул жамоа била суҳбат қилмоғи керакдур. Ҳар киши бадбаҳт ва шақий¹ бўлмоқ тиласа, ёмонларнинг суҳбатини ихтиёр қилур».

Огаҳий таржимасининг тили XIX аср ўзбек адабий тилидир. Шуни қайд қилиб ўтиш керакки, XIX аср поэзия ва таржима тиллари халқ тилига анча яқиндир, аммо оригинал тарихий асарларининг тили араб ва форс тилларининг кўпроқ аралашуви нуқтаи назаридан анча мураккабдир. Огаҳийнинг таржима асарлари ва тарихий асарларининг тилига ҳам шундай баҳо берсак хато қилмаган бўламиз. Шунга қарамай, гап структураси, ишлатган истилоҳлар, айрим сўзларнинг қўлланиши нуқтаи назаридан XIX аср ўзбек адабий тили ҳозирги замон ўзбек адабий тилидан анчагина фарқ қиласди.

«Қобуснома»ни форс тилидан ўзбек тилига таржима қилишда Огаҳий асосан XIX аср Хоразм ўзбек тилидан мукаммал фойдаланди. Шунинг билан бир қаторда, таржимон Хоразм шеваларини ҳам ишлатди. Масалан, уchoқ (том), зангу (нарвон, шоти), сотғун-олғун, динор, юзмак ва ҳоказо. Иккинчидан, ўша замон ўзбек тили луғат фондига сингиб қолган араб, форс тилидаги сўзлардан ҳам фойдаланди.

Биз «Қобуснома»нинг ҳозирги нашрини тайёрлашда китобхонларга енгиллик түғдириш мақсадида араб, форс тилидаги сўзларнинг таржимасини, шеваларнинг ҳозирги замон формаларини беришга ва ҳаттоқи кўпгина жойларда айрим жумлаларни ҳозирги замон ўзбек тилига яқинлаштириб беришга ҳаракат қилдик.

Огаҳий таржимасини тўлдириш мақсадида баъзи ўринларда форс-тожик ҳамда Е. Э. Бертельснинг «Кабуснамэ» нусхаларидан фойдаландик, услубни равон қилиш мақсадида баъзан сўз ва жумлалар ҳам киритдик, бундай сўзлар ва жумлаларни эса қавс ичида бердик.

Ниҳоят, диний терминларни олиб ташладик. Аммо услугуб жиҳатидан XIX аср Хоразм услубини сақлашга ҳаракат қилдик.

Албатта, Огаҳийнинг мазкур таржимаси Шарқ педагогикасини, жумладан, ўзбек педагогикаси тарихини бойитишда катта роль ўйнайди.

С. ДОЛИМОВ,
филология фанлари кандидати.

¹ Шақий — баҳтсиз, бузуқи.

МАВЪИЗАТНОМАИ КАЙКОВУС

(Кайковуснинг насиҳатномаси)

... Бу муборак овонда¹ амир Унсурулмаолий Кайковус бинни Искандар бинни Қобус бинни Вушмагирнинг ўз ўғли Гилоншоҳ учун жам қилғон насиҳатномаси ул шаҳзодай озоданинг назари анварига етишди ва мусафро хотирига уни («Қобуснома»ни) туркий тил била таржима қилдирмоқ таманноси² тушди. Бу бандай фақир Муҳаммад Ризо мироб Огаҳий, бир куни ул жаноб (нинг) (Сайд Мухаммад Раҳим Баҳодирхон) мажлисига бориб, ... ҳам ул мажлиснинг бир гӯшасида ўтиредим. Дарҳол менга неча турлик меҳрибонликлар кўргузиб, мазкур «Насиҳатномаи»ни илкимга бериб дедики: «Бу нусхани туркий тили била таржима қил, токи турк тавойифи (гуруҳлари)нинг авоми³ ҳам бу пандлардан баҳра олғай...».

Фақирким, ул жанобдин бундоғ марҳаматларни кўрдим. Қуллуқ қилиб, таълим русумин⁴ бажо келтурдим. Хушҳоллик била ул... мажлисдан чиқиб, ўзимнинг вайронга кулбамга келиб бир гӯшада ўлтурдим ва ихлос қаламин эътиқод⁵ авроқига⁶ сурдим ва қудратим борича саъю кўшиш⁷ умурин⁸ зуҳурга⁹ еткурдим. Энди... умидим шулки, бу хизмат ибтидоси¹⁰ ихитом¹¹ сарҳадига¹² етушғай ва шаҳзодай озоданинг ҳумоюн¹³ хотирига мақбул ва марғуб¹⁴ тушғай, токим фақир ул жанобнинг лутғ ва марҳамати бодасидин¹⁵ сарҳуш ва сероб бўлғайман ва ул сарҳушлик воситаси била бу ранжиғи ғамнинг оғир юқидин... тезроқ қутулғайман...

¹ Овон — вақтлар. ² Таманно — орзу. ³ Авом — ҳалойиқ. ⁴ Руслум — одат. ⁵ Эътиқод — ишонч. ⁶ Авроқ — саҳифалар. ⁷ Кўшиш — ҳаракат. ⁸ Умур — ишлар, воқеалар. ⁹ Зуҳур — пайдо бўлмоқ. ¹⁰ Ибтидо — бошлаш. ¹¹ Ихитом — тамом бўлиш. ¹² Сарҳад — чегара. ¹³ Ҳумоюн — муборак. ¹⁴ Марғуб — севимли. ¹⁵ Бода — май, шароб.

Энди бу «Насиҳатнома» жомеининг сўзи булдурким, туркий иборати била мастур¹ бўлур.

Бу пандни жам этгувчи амир Унсурулмаолий Қайковус бинни Искандар бинни Қобус бинни Вушмагир ўзини (нг) фарзанди Гилоншоҳга дедики: «Эй фарзанд, мен қарибман ва ожизлик менга голиб бўлубдур, ўлим вақти яқин келибдур, тириклик азлий²нинг ёрлиги бир китобдурки, уни хеч бир чора кўрувчининг қўли ҳийла-гарлик била қира (йўқ қила) олмағусидур.

Бас, эй фарзанд, мен ўзимни ўлумга бафоят ёвуқ топдим ва шундоқ маслаҳат кўрдимки, менга тирикликдан жудо бўлмоқлик ёрлиги етушмасидан бурун... ҳар мушкул ишнинг тузилиши ва яхши от қолдирмоқ кўшиши бобида бир неча сўз баён қилғайман, токи сен ундан баҳра олғайсан ва мен оталик меҳри шартини бажо келтурғайман.

Эй фарзанд, сенга замона ситамининг қўли етмасдан бурун ҳушиңг қулоқи била менинг сўзимни эшифтинг ва бу пандлар била икки жаҳонда яхши ном чиқарғил. Менинг сўзимни эшитмоқдин ибо қилмағил. Агар менинг сўзимни қабул қилиб, ундан баҳра олсанг, ўзгалар доғим (янада) қабул қилурлар ва унга яраша иш қилмоқни ғанимат билурлар. Чунки замона тақозоси шундоқдурки, ҳеч фарзанд отасининг пандин қабул этмағусидур, нединким йигитлар ғафлат юзидан ўз ботинида³ ўзларини бирдан-бир дониш фаҳм қилурлар ва ўз донишларини қариларнинг донишидин афзал билурлар. Гарчи бу сўз менга маълумдур, лекин оталик меҳри мени хомуш бўлурга қўймади. Шул вожиб бир қанча пандларни ўзим яратдим ва уни қирқ тўрт бобга жам қилдим, ҳар бобида бир неча сўз зикр этдим.

Эй фарзанд, умид шулки, сен бу пандларни қабул қилғайсан ва мен оталик шартин бажо қилмиш бўлғаймен. Билғилки, жаҳон ҳалқининг расми шулдирки, такупўй⁴ ва жустужўй⁵ қилиб дунёда бирор нарса ҳосил этарлар ва уни ўзларининг яхши кўргон кишисинiga қўйиб кетарлар. Мен дунёда ушбу сўзларни ҳосил қилмишман ва менинг яхши кўргон кишим сендуурсан. Менга риҳлат⁶ вақти ёвуқ етди, дунёдин ҳар нимаки

¹ Мастур — ёзилган, кўчирилган. ² Азл — узоқлаштириш.
³ Ботин — ички дунё, кўнгил. ⁴ Такупўй — югуриш, слиш. ⁵ Жустужўй — қидириш, излаци. ⁶ Риҳлат — жўнаш.

Ҳосил қилдим, сенинг олдингга қўйдим, токим худком¹
бўлмағайсан ва бeroҳлик² йўлига қадам қўймағайсан.

Эй фарзанд, икки тарафдин ҳам сенинг аслинг ва
насабинг покдур ва улуғдур. Бобонг Малик Шамсул-
маолий Қобус бинни Вушмагир Аъшақ Фарҳодоннинг
набирасидур. Аъшақ Фарҳодон Қайхусравнинг замони-
да Гilon мулкининг подшоҳи бўлғон ва Гilon мамла-
кати сенинг авлод-аждодингга ундин ёдгор бўлиб қол-
ди. Менинг онамнинг момоси «Марзбоннома» отлиқ ки-
тобнинг мусаннифи маликзодаи Алмарзбон бинни Руст-
ам бинни Шарвииининг қизидур. Унинг ўн учинчи ота-
си Ануширавон Одилнинг биродари Қубоднинг ўғли
Қайковусдур. Сенинг онанг султон Маҳмуд Фозий бинни
Насрииддин Сабуктагинни (нг) фарзанди ва менинг
момом Дайлимийлар подшоҳи Ҳасан Ферузоннинг қи-
зидур.

Бас, эй фарзанд, аслингнинг қадру ҳимматин бил
ва асли кам одамлардин бўлмағил. Ҳар нечаким мен
сенда яхшилик нишонасин фаҳм қилурман ва лекин
сўз тақрорин ўзимга вожиб билурман. Эй фарзанд,
огоҳ бўлки, менинг охират сари кетмоғим ёвуқдур, сен
ҳам менинг изимдан тез етгунгдур...

Бу жаҳон бир зироатгоҳдур, ҳар нима эксанг, шуни
ўрарсан ва ҳар на сўз десанг, шунинг жавобин эши-
турсан... Бу жойда иффатли, парҳезкорларнинг ҳимма-
ти шерларнинг ҳимматидекдур, бадкирдорларнинг ҳим-
мати итларнинг ҳимматидекдур. Ит ҳар сайдниким
олса, ўша жойда ер, шер ҳар сайдники олса, бошқа
жойда ер...

¹ Худком — қайсар. ² Бeroҳ — йўлсиз, адашган.

Бешинчи боб

ОТА ВА ОНА ҲАҚИНИ БИЛМАК ЗИКРИДА

Эй фарзанд, билғилки, ақл юзасидан фарзандга ота-онани иззат ва ҳурмат қилиш вожибдур, нединким унинг асли ота ва онадур. Ота ва онани нима учун ҳурмат қилурман деб кўнглингга келтурмағил, билғилки улар сенинг учун ўлимга ҳам тайёр турадурлар.

Ҳар фарзандки оқил ва доно бўлса, хеч вақт ота-онанинг меҳр ҳақини адо қилмоқдан холи бўлмағусидур. Ота-она фармонбардордур. Бу фармонбардорликда ҳам иш бўлғай ва ҳам фармон бўлғай. Ота-онанинг иши сени парвариш қилмоқдур ва фармони сенга яхшилик ўргатмоқдур. Эй фарзанд, шул важдин ота-онангни сағал ҳам ранжитмағил.

Айтишларича, амиралмўъминин Алидан сўрадиларки: «Фарзандда ота-онанинг ҳақи қанчадур?» Ҳазрат Али деди: «Ҳақ таоло бу адабни расулнинг... ота-онаси ўлимида кўргузди. Нединким, бу ҳазрат ота-онасининг ҳаётлик айёмин топса эрди, уларни ўзидан илгари тутмоқ, уларнинг ҳақини билмоқ ва уларга фарзандлик юзидан тавозеъ кўргузмоқ вожиб бўлур эрди».

Бас, ота-онанинг ҳақига дин нуқтаи назаридан риоя қилмасанг ҳам, ақл юзидан, мурувват юзидан риоя қил ва кўрғил ота ва она аслда сени жон ва дил била парвариш қилмишлар. Агар улар ҳақида камчиликлар қилсанг, тақсир кўргузсанг, сен ҳеч яхшиликка сазовор эмасдурсан, нединким ҳар киши аслнинг яхшилигин билмаса, ўзганинг ҳам яхшилигин билмагусидур. Уз фарзандинг сенинг ҳақинингда қандай бўлишин тиласанг, сен ҳам ота-онанг ҳақида шундай бўлғил, нединким сен ота-онанг ҳақида нима иш қилсанг, фарзандинг ҳам сенинг ҳақинингда шундоқ иш қилур, чунки одам мевага, ота-она дарахтга ўхшайдур. Дарахтни ҳар қанча яхши тарбият қилсанг, меваси шунча яхшироқ ва ширинроқ

бўлур. Ота-онага иззат ва ҳурматни қанча кўп қилсанг, уларнинг сенинг ҳақингдаги дуоси шунча тезроқ муста-жоб бўлур.

Зинҳор мерос олмоқ ҳирси била ота-онанг ўлимин тиламагилки, уларнинг ризқи била сенинг ризқинг етишур. Ота-онанинг ўлимини тиламагил, чунки ота-она ўлмай юрсалар ҳам ризқинг етишаверади, нединким, ризқ мақсумдур¹ ва у ҳар йўл била сенга восил бўлур. Рўзий насиба учун ўзингни кўп ранж-машаққатга қўймагил, рўзий ранж ва азоб-уқубат била зиёда бўлмагусидур.

Ҳоли-аҳволи сендан яхшироқ бўлғон кишиларга қа-рамагил, ҳоли-аҳволи сендан ёмонроқ бўлғон кишилар-га қарағил.

Агар молсизликдан қашшоқ бўлсанг, ақлдан бой бўлмоққа саъӣ кўргузғилки, мол била бой бўлғондан, ақл била бой бўлғон яхшироқдур, нединким ақл била мол жам этса бўлур, аммо мол била ақл ўрганиб бўлмас. Билғил, ақл бир молдурки, уни ўғри ололмас, у ўтда ёнмас, сувга оқмас.

Бас, агар ақлинг бўлса ҳунар ўрганигил, нединким ҳунарсиз ақл-бошисиз тан, суратсиз бадандекдир. Ун-доқким дебдурлар: ал-адаб — суратил ақл.

Олтинчи боб

ҲУНАР АФЗУНЛИГИ.² БАЛАНД ҚАДР ВА ОЛИЙ ТАБ БЎЛМОҚ ЗИКРИДА

Эй фарзанд, огоҳ бўлки, ҳунарсиз киши ҳамиша фойдасиз бўлур ва ҳеч кишига нафъ еткурмас. Билурсанки, хори муғилоннинг³ тани бордур, аммо сояси йўқдур. Ҳунарсиз киши ҳам хори муғилон янглиғ на ўзига ва на ўзгага фойда берур.

Агар киши ҳар қанчаки олий насаб ва асл бўлса, аммо ҳунари бўлмаса, халойиқнинг иззат ва ҳурматидин ноумид бўлур. Агар кишида ҳам насаб гавҳари ва ҳам ҳунар зевари⁴ бўлмаса, ундан баттарроқдур. Жаҳд қилғил, агар гавҳаринг ҳар нечаким асл бўлса, унга ғарра бўлмагил, нединким тан гавҳари ҳунар зевари била музайян⁵ бўлмаса, у ҳеч нарсага арзимагусидур.

¹ Мақсум — таъсимланган, бўлинган. ² Афзунлик — ортиқлик.

³ Хори муғилон — бир хил тиканли бута. ⁴ Зевар — безак, зийнат.

⁵ Музайян — зийнатланган.

Андоқким дебдурлар: «Улуғлик ақл ва донишлик биладур, гавҳар ва наасаб била бўлмас».

Отини ота ва онанг қўймишлар, сен унга ғарра бўлмагил, нединким, ул от маҳзи¹ бир нишондин ўзга нарса эрмасдур. Аммо сен ҳунар била бир номга эга бўлғил. Ўзингни «Жаъфар», «Мұхаммад», «Аҳмад», «устод», «хўжа», «фозил» оти била атаб, аммо унга лойиқ бўлмасанг, у от эрмасдур. Агар кишида наасаб гавҳари бўлса, аммо ҳунар зевари бўлмаса, у ҳеч кишининг суҳбатига лойиқ бўлмағусидур. Гарчи бу икки гавҳар ҳосил қилғон кишини топсанг, этагини маҳкам тутеил ва ундин илкингни чекмағил, билки у барча кишиларнинг мушкулин осон қилғай.

Барча ҳунардин сўз ҳунари яхшироқдур, нединким,...ҳамма маҳлуқотдин одам яхшироқ яралди ва ўзга жониворлардин одам ўн даража зиёдадур ва бу ўн даража одамнинг баданида ҳамиша бордур. Беши ташида зоҳирдур, беши ичида пинҳондур. Ул пинҳон нарсалар: бири, бир нарсани ёд олмоқ; бири, ҳамиша эсда сақламоқ, бири тахайюл²; бири таҳаввур³, бири такаллум⁴. Аммо ул бештаким ташида зоҳирдур: бу завқ, яъни эшитмоқ, кўрмоқ, ҳид билмоқ, тотмоқ, сийпала-моқ, яъни сезув. Булар гарчи бошқа жониворларда бўлса ҳам, одамда бўлғондек эмасдурлар. Бу сабабдан одамзод ўзга жониворларга подшоҳ манзаласидандур.

Шуларни билғонингдан кейин тилингни яхши ҳунар била ўргатғил ва мулойим сўздин бошқа нарсани одат қилмағил. Нединким, тилга ҳар нечук сўзни ўргатсанг, шуни айтур, сўзни ўз жойида ишлатғил, сўз агар яхши бўлса, аммо ноўрин ишлатилса, гарчанд у ҳар нечук яхши сўз бўлса ҳам ёмон, нобоп эшитилур. Шунинг учун беҳуда сўзламағилки, фойдасиздур. Бундай бефойда сўз зиён келтирур ва ҳар сўзки ундан ҳунар иси келмаса, бундай сўзни гапирмаслик лозим. Ҳакимлар дебдурлар: «Сўз бир нашъадур, ундан хумор пайдо бўлур».

Аммо сўралмағон сўзни айтмағил ва беҳуда сўздан парҳез қилғил, ҳар бир сўзни сўрасалар, рост айтғил. Сендан талаб қилмаса, кишига насиҳат қилмағил, панд бермағил, хусусан сени тингламағон кишига ҳеч сўз дема, чунки бундай кишилар пандни эшитмағайлар.

¹ Маҳз — холис. ² Тахайюл — хаёлга келтирмоқ. ³ Таҳаввур — разаб ва шиддат билан ҳужум этиш. ⁴ Такаллум — сўзлаш.

Кўп кишиларнинг орасида бир кишига панд-насиҳат қилмағил.

Агар бирор киши қажликка¹ одат қилғон бўлса, унинг ёнига бормағилки, у ҳаргиз рост сўзламас. Нединким бир дараҳт эгри бўлса, то уни чолиб йўнмагунча у тўғри бўлмас.

Мулойим сўзга баҳил бўлмағил, халқ мулойим сўз эшитмаса, мол ва дунёга мағрур бўлур. Қаттиқ сўз демағил, яхши сўз дерил, токи яхши сўз эшитғайсан. Шўристонға тухум сочмағилким ҳосил бермағай, меҳнатинг беҳуда бўлғай, яъни яхшиликни билмағон кишига яхшилик қилмоқ шўристон ерга тухум сочмоқдур. Аммо яхшиликка лойиқ кишидан яхшиликни дариф тутмағил ва унга ҳам яхшиликни ўргатғил...

Эй фарзанд, яхшилик қил ва қилғон яхшиликдин ҳаргиз пушаймон бўлмағил. Бир кишига бир яхшилик қилсанг, кўргилки, яхшилик қилғон вақтда у кишига нақадар роҳат етғон бўлса, сенинг кўнглингга ҳам ундан зиёдроқ шодлик ва хуррамлик етишур. Агар бир кишига ёмонлик қилсанг, унга нақадар ранж етса, сенинг кўнглингга ҳам ул миқдор танглик етишур. Демак, бу жаҳонда яхшилик ва ёмонлик мукофоти, албатта, етгусидур. Менинг бу сўзимга мункир бўлмағилки, ҳар киши бутун умрида бир кишига яхшилик ё ёмонлик қилғон бўлса, бу ҳақда андиша қилсин, менинг бу сўзим ростдур. Бас, агар қила олсанг ҳеч кишидан яхшиликни дариф тутмағил, яхшиликнинг фойдаси бир куни рўёбга чиқар.

Ҳикоят. Андоқ эшитибманки, Мутаваккил^{1*} у айёмда Бағдод халифаси эрди. Унинг Фатҳ отлиғ бир бандаси бор эрди, у ғоятда донишманд, гўзал сиймоли, адаблиғ ва таваккалчи эрди. Ҳамма илм ва санъатни ўрганганди. Мутаваккил Фатҳни фарзанд атаб, ўз фарзандларидан ҳам азиизроқ тутарди. Бир куни Фатҳ сувда юзмоқни ўрганмоқ тилади ва кемачилар келиб унга Дажла дарёсида сувда юзишни ўргатдилар. Аммо Фатҳ ёш бола эрди, сувда юзишни ҳали у қадарли яхши билмасди, шунга қарамай: «Мен энди юзишни яхши ўрғондим»— деб кемачиларга айтмай: танҳо ўзи Дажла дарёси қирғоғига бориб, ўзини сувға ташлади. Сув тез оқарди. Фатҳни оқизиб кетди. Фатҳ юзмоқдин

¹ Қажлик — қингирлик, ёлғончилик.

^{1*} Юлдузчали сўзларнинг изоҳи китобнинг охирида берилган.

ожиз эрди ва сувнинг юзида қалқиб борарди. Ниҳоят, тўлқин зарбидан қирғоққа чиқиб қолди. Бир айланмада дарё қирғоғида сув мавжининг қилғон ўнгирликлари бор эрди. Фатҳ шу ўнгирликларниң бирига тушиб ўтириди ва «Жонимни ҳалокат гирдобидан қутқардим, энди худои таоло ҳар на хоҳласа, уни кўргумдур» деб етти кун муддати мазкур ўнгурда ўтириди. Бир неча кундан кейин: «Фатҳ сувга ташлаб ғарқ бўлди ва сувнинг юзида қалқиб қолди. Билмадик, қирғоққа чиқдиму ё чиқмадиму» — деб Мутаваккилга хабар еткурдилар. Мутаваккил кемачиларни чақириб деди: «Ҳар киши Фатҳнинг ўлугин ётиригин келтурса, унга минг динор берурман» ва ўзи «То Фатҳни кўрмагунимча таом емағайман» — деб онт ичди. Кемачилар ўзларин дарёга ташлаб шўнғиб ва юзиб, ҳар тарафга бориб Фатҳни ахтарур эрдилар. Еттинчи куни иттифоқо бир кемачи ул ўнгурга етиб, Фатҳни кўриб шод бўлди ва унга деди: «Ушбу ерда турғил, то мен бир қайиқ келтируб, сени халифанинг қошига олиб кетай» ва тезда Мутаваккил халифанинг олдига қайтиб келиб деди: «Эй, амиралмўъминин, агар мен Фатҳни сенинг олдингга тирик олиб келсам, менга нима берурсан?». Мутаваккил деди: «Беш минг динор берурман». Кемачи қайтиб бориб Фатҳни тирик келтурди. Халифа унга ваъда қилғон динорни берди ва вазирга деди: «Хазинага борғил, қанча мол бўлса, ярмини дарвешларга берғил». Ондин сўнг деди: «Таом келтуринг, Фатҳ етти кундан бери очдур». Фатҳ деди: «Мен тўқдурман». Халифа деди: «Дажла дарёси суви билан тўйғондурсан?». Фатҳ деди: «Йўқ, етти кун муддатида ҳар кун бир табақ¹ ичида йигирма чоғлик нон сувнинг юзида оқиб келур эрди ва мен чустлик била² ундан икки-уч нон олиб ер эдим. Менинг тириклигимга сабаб ул эрди.

Ҳар нонга бундак хат ёзилмиш эрди: «Мен ким, Мұхаммад бинни Ҳусайн ал-Аскоф, яъни бу нонларни дарёга ташлағон киши Ҳусайн кафшдўзнинг ўғли Мұхаммаддур».

Мутаваккил: «Ҳар куни Дажла дарёсига нон ташлағон кимдур? Амиралмўъминин уни қадрлайди ва бахтиёр қиласди, ўзин маълум қилсун» деб шаҳарга жар солдирди. Сўнгги кун бир киши келиб: «Мен эрдим» — деди. Халифа: «Нишонинг борму?» — деб сўради. Ул: «Нишо-

¹ Табақ — лаган. ² Чуст — чаққон.

ним улдурки, ҳар көннинг юзида «Мұҳаммад бинни Ҳусайн ал-Аскоф» деб ёзилғон хат бор»— деб жавоб берди. Халифа: «Нишонинг дурусттур, аммо неча муддаттін бери дарёга нон ташларсан?»— деб сўради. Ул: «Бир йил бўлди» — деб жавоб берди. Халифа: «Бундан муддаонг нима эрди?»— деб сўради. Ул одам: «Бундоқ әшитиб эрдимким, яхшилик қилиб дарёга ташлағил то бир кун сенга фойдаси етғай», аммо менинг қўлимдаш бошқа яхшилик келмас эрди ва қудратим етғони ушбу нон эрдики, дарёга ташлаб, ундин менга қандай фойда етушғай?— деб кўз тутар эдим»— деди. Халифа деди: «Ҳар нимани әшиитдинг — қилдинг, ҳар нимаким қилдинг — унинг фойдасини топдинг».

Дарҳол унга Бағдодда кўп мулк ва асбоб берди ва у оз вақт ичиди муҳтарам ва муҳташам бўлди. Унинг авлоди ва иҳфоди¹ ҳануз Бағдодда бордур. Мен ал-Қоиймби-амриллоҳи замонида ҳажга бормиши эрдим. Байтуллоҳи зиёрат қилиб Бағдодга келдим ва Бағдодда ҳам у кишининг фарзандларини кўрдим ва бу ҳикоятни ҳам шу тариқа әшиитдим.

Эй фарзанд, ҳаргиз яхшилик қилмоқни тарқ әтмайил, ҳамиша яхшиликни халойиққа кўргуэгил ва асло унинг аксин кўргузмагил бошқа тил била сўзламагил. Бошқа кўнгил била фикр әтмагил, буғдойни кўргузиб арпани сотмагил ва барча ерда ўзингдин дод² бергил. Ҳар кишиким ўзидин дод берса, доди мустағни бўлур. Агар ғаминг бўлса, ғам ва шодлиғи бор кишининг ёнида айтгил ва шодликни ношод кишиларнинг қошида зоҳир қилмагил, ҳар турлук иш учун дилтанг бўлмагилким, бу иш ёш ўғлоннинг ишидур.

Билғилки, донишмандлар охири ғам бўлғон шодликни шодлик билмаслар ва охири шодлик бўлғон ғамни ғам ҳисоб қилмаслар. Ноумидлик вақтида умидворроқ бўл ва ноумидликка умид әшигин боғлиқ бил, умид әшигин ноумидликка боғлиқ қилмагил. Ҳеч кишининг меҳнатини зоеъ қилмагил ва ҳар кишининг ҳолига лоийқ ҳақини бажо келтургил. Ҳусусан, ўзингнинг яқин қариндошларингга имкон борича яхшилик қил ва ўзингнинг қабила ва уруғинг қариларини иззат, ҳурмат қил.... лекин уларга бутқул муҳлис бўлмагил. Уларнинг ҳунарини кўрсанг, айбларига ҳам қарагил. Агар бегонадан

¹ Иҳфод — насл. ² Дод — инсоғ, адолат, ёрдам; дод бермоқ — додига етмоқ.

хавфсиз бўлсанг, мазкур хавфсизлик даврни ўзинг сақла, хавфсизликни хавфлилик гумон қилмағил. Гумон қилиб заҳар ичиш нодонликдан ёмонроқдур.

Халқнинг оз ҳунарини кўп кўргил, ҳаққин яхши билғил. Беҳунарликдан, беҳирадликдан яхши от ва яхши таом қўлга келтура олсанг, беҳунар, беҳирад бўлғил, йўқ эрса ҳунар ўрганғил. Ўрганмак, эшитмакдин номус қилмағил, то хижолат ва пушаймонлиғдин қутулғайсан.

Халойиқнинг/айб ва ҳунарига боққил, уларнинг наф ва зарари на чоғлиқдур. Бунинг фойда ва зиёнлари қайси ерга қадар борур, ундан сўнг ўз манфаатингни талаб қил. Кўргил, қайси нарса ҳалқни манфаатга яқин қилур. Узинг ана шундог ақл ва ҳунарни ўрганмоқ била баландликка кўтарилурсан. Бу иш сенга икки нарса била ҳосил бўлур: ё билғон ҳунарга яраша иш қилмоқ била ё билмағон ҳунарни ўрганмоқ била. Суқрот^{2*} ҳаким айтурки: «Ҳунардин яхшироқ нарса йўқтур ва донишдан улуғроқ нарса йўқтур, шармдин яхшироқ зевар йўқтур ва бадхўйликдин ёмонроқ душман йўқтур». Ҳунарни ул вақтда ўрганурсанки, агар бир соатни ҳам бекор ўтказмасанг. Агар ул вақтда доно киши ҳозир бўлмаса, нодондин ўрганғил, чунки ҳунарни нодондин яхшироқ ўрганса бўлур. Бу шул жиҳатдинки, ҳар вақт кўнгул кўзи ва ақл назари била нодонга боқсанг, унинг нописандида ишларин кўруб, ундин парҳез қилурсан. Искандар деди: «Барча дўстлардин худ манфаат топарман, аммо душманлардин ундин кўпроқ манфаат топарман. Сабаби менинг ёмон феълимни дўстлар манфаат юзидин пинҳон тутарлар ва мен уни билмай қолурман. Душманлар душманлик жиҳатидан ул феълни менга айтурлар ва мен ул феълни ўзимдин йироқ тутарман».

Эй фарзанд, сен ҳам ҳунарни донодин ўрганмасанг, нодондин ўрганғил. Барча катта, кичикка ҳунар ўргатмак вожибдур, нединким киши ҳунар ўрганмоқ била ўз ҳамроҳларидан баланд мартабада бўлур. Чунки ўзингда ҳунар кўриб ўз тенгларингда ул фазилатни кўрмасанг, ўзингни улардин баланд кўрассан ва улар яна сени ўзларидан баланд мартабада билурлар. Ҳунарманд киши улдурким, фазли ва ҳунар сабаби била қадр ва мартабаси ўзгалардин баланд бўлғон эканин билиб фазл ва ҳунарга аввалгидин зиёдроқ ҳаракат қилғай ва бурунғидин зиёдроқ фозил ва ҳунарманд бўлғай. Ҳар кишики бундоқ қилса тезда ҳалқнинг ора-

сида азиз ва улуг бўлғай. Бас, буни билғон киши фазл ва ҳунардин қўл тортса, бу ақлсизлик нишонасидур. Ҳунар ўрганмоқда меҳнат қилмоқ, бадани ялқовлик, яъни бекорчиликдин қутқармоқ фойдалидур, нединким бекорчилик баданинг фасод ва беморлиғига сабаб бўлур. Агар баданга ранж бериб, уни ўзингга мутеъ қилмасанг, қаҳр била мартабали бўла олмассан. Нединким, бадан коҳилликни¹ ва роҳатни дўст тутғони жиҳатидин ҳам ўз ихтиёри била сенга фармонбардор бўлмас. Ул сабаб билаким, баданда асли ҳаракат йўқтур. У ҳаракатни фармон била қилур, ўз муроди била қилмас ва то сен буюрмағунча баданинг ҳеч ишга рағбати бўлмас.

Бас, эй фарзанд, баданинг ўзингга мутеъ қил ва уни қаҳр била итоатга буюргил.

Ҳар киши ўз баданин ўзига мутеъ қилса, ўзгаларнинг баданин ҳам мутеъ қила олур, чунки ҳар киши ўз баданин ўзига фармонбардор қилса фазл ва ҳунар ўрганмак била икки жаҳоннинг саломат ва шарофатин ҳосил қилур.

Барча дониш ва ҳунарнинг сармояси: адаб, тавозъе, ҳаё, пок диллик, парҳезкорлик, беозорлик, сабр ва матонатлиқдур. Лекин кўп вақтлар бўлурки, шарм кишига зиён еткарур. Шундай шармли бўлмағилки, бу ишингга халал еткармасин, нединким, кўп вақтлар бўлурки, бешармлик била мақсад ҳосил бўлур. Агар қила олсанг фаҳш, ёлғон ва ножувонмардликдин шарм қилғил, салоҳиятлик сўз ва манфаатлик ишдин шармни қўйғил. Кўп кишилар бўлурки, шарм қилиб ўзларининг барча мақсадларидин айрилурлар. Сен ул миқдор шарм қилғилки, бу имон субути ҳосилига сабаб бўлсин. Ўзингга зарар ва зиён етказур даражада шарм қилмағил.

Сенга шарм жойин ва бешарм жойин билмак лозимдур, токим қайси яхшироқ бўлса уни қилғайсан. Дебурлар: «Яхшилик муқаддимаси шармдур, ёмонлиқ муқаддимаси бешархезкорлик ва бешармликдур».

Нодон била ҳамсуҳбат бўлмағил, хусусан сени доно гумон этгон била.

Ўз жаҳлингга хурсанд бўлмағил ва некном² кишилар била суҳбат тутғил, некномлар суҳбати шарофатидин некном бўлғунг ва ҳамиша саъй ва кўшиш қилғил-

¹ Коҳил — суст, бўш.

² Некном — яхши.

ки, олимлар маҳбуби бўлғайсан ва жоҳиллар марғуби¹ бўлмағайсан. Ундоқким, бир ҳикоятда эшиғонман:

Ҳикоят. Бир кун Афлотун^{2*} ўлтурмиш эрди, шаҳар халқининг улуғларидин бир киши унинг саломига келиб ўлтурдиди ва ҳар турлук сўз айтиб туриб, сўз орасида деди:

— Эй, ҳаким, бугун фалон одамни кўрдум. Ул сени таъриф этиб, ҳақингга кўп дуолар қилди ва мен унинг шукрин сенга еткурмакдаман.

Афлотун ҳайрон бўлди. Ул киши деди:

— Эй, менинг бу сўзимдин ҳайрон ва дилтанг бўлдингму?

Афлотун деди:

— Йўқ хўжа, менга сенинг сўзингдин ҳеч ранж ва танглик етушмади. Лекин менинг фикримда улуғ мусибат мавжуд бўлди. Нединки, мени бир жоҳил таъриф қилмиш ва менинг ишим унга мақбул тушмиш. Гўё мен бир жоҳилона иш қилмиш эрманки, мени бир жоҳил тавсиф этғай. Мен шул важдин ғамгинманки, жоҳилларнинг марғуби бўлмишман. Нединким, жоҳилнинг марғуби жоҳил бўлғусидур.

Яна бу маънода бир ҳикоят ёдимга тушки.

Ҳикоят. Эшиғибманки, Муҳаммад Закариёй Розий⁴* ўзининг шогирдларидин бир жамоа била ўлтурмиш эрди, бир девона уларнинг олдига келди ва ҳеч кишига қарамади. Аммо бир кун Муҳаммад Закариёйнинг юзига қараб кулди. Ундан сўнг Муҳаммад Закариёй бир яхши таом буюруб, пиширтириб еди.

Шогирдлари сўради:

— Эй ҳаким, бу таомни бурун емас эднингиз, ҳозир нечук ерсиз?

Ҳаким деди:

— Ул девона менинг юзимга қараб кулғони учун ерман, нединким ул то бу вақтгача менга илтифот қилмас эрди ва юзимга қараб кулмас эрди. Энди билдимки, ул мени ўз аҳлидин ҳисоб қилди. Андоқким дебдурлар:

*«Кабутар бо кабутар, ғоз бо ғоз
Кунад ҳамжинс бо ҳамжинс парвоз»*

Тундлик ва тезликни одат қилмагил. Лекин ул миқдор ҳам мулойим бўлмағилки, сени одамлар ёмон кўр-

¹ Марғуб — севимли, ёқимли.

масунлар ва дурушт¹ бўлмағилки, сендин қочмасунлар. Дўст ва душманга мувофақат қилмоқдин мурод ҳосил қиласа бўлур деб барча била мувофиқ бўлмағил.

Ҳеч кимга ёмонлик ўргатмагил, ўргатмак ҳам ёмонликнинг биридур. Агар бир киши сенга ҳеч гуноҳсиз озор берса, сен унга бермағил, одамнинг асили кам озорликдур.

Агар одам эрсанг, кам озор бўл, халойиққа хулқингни яхши қил. Одамга дийдор керакдур, нединким ойнага қарағон агар дийдори яхши бўлса кирдорини ҳам дийдоридек қилғай. Чунки яхшидин ёмонликнинг чиқмоғи яхши эмасдур, яъни буғдойдин арпа кўкармоғи номуносидур. Агар киши ойнага қарағонда юзи ёмон кўринса ҳам яхшилик қилсун, йўқ эрса ёмонлик устига ёмонликни зиёда қилмиш бўлғай ва икки ёмоннинг бир ерда жамъ бўлмоғи ниҳоятда ёмондур.

Мушфиқларни қабул этғил ва улар била ҳар вақт хилватда суҳбат қилғил, нединким улардин кўпроқ фойда сенга хилват вақтда етар. Бу сўзларни мен сенга баён қилдим, агар уқиб, билиб фазл ва ҳунарлар ҳосил қилсанг, унда ҳам фазл ва ҳунарингга Fappa² бўлмағил ва ўзингни нодон санамагил. Доно ул вақтда бўлурсанким, нодонликдин хабардор бўлсанг.

Ҳикоят. Эшитибманким, Хисрав Парвез^{5*}нинг подшоҳлиғи замонида ва Абузуржмеҳр⁶* нинг вазирлиги вақтида Румдин бир элчи келди. Хисрав уни олдиға ҷақириб Абузуржмеҳрнинг донолигини унга маълум этмак истади ва элчининг қошида Абузуржмеҳрга деди: «Эй фалони, ҳар нарсаки оламда бордур, сен унинг барчасин билурсан». Хисравнинг бу сўздан муддаоси: «Абузуржмеҳр биламан деб ҳозир жавоб беради», деб ўйларди. Аммо Абузуржмеҳр: «Билмасман» деб жавоб берди. Хисрав бу жавобдин танг бўлуб, элчининг қошида кўп хижолат чекди ва яна сўради: «Унда ҳамма нарсани ким билур?». Абузуржмеҳр: «Ҳамма нарсани ҳамма билур, аммо ҳамма нарса ҳануз онадин туғулмамишдур»,— деди.

Эй фарзанд, сен ҳар нечаки доно бўлсанг, ўзингни ҳалқдин донороқ билмағил, нединким ўзингни нодон билдинг — доно бўлдинг. Рост, доно ул кишидурким, қачон ўзин нодон ва ожиз ҳисоблар. Чунки Сукрот ҳа-

¹ Дурушт — қўпол, дағал. ² Fappa — мағрур.

ким айтурки: «Агар бир киши десаким, Сүқрот ҳаким донишмандтур ва жаҳон донишнинг даъвосин қилур. Дарҳол айтур эрдимки, мен ожизман ва ҳеч нарсани билмасман. Лекин бу сўзни ҳам айта олмагумдур, не-динким, бу сўз ҳам мен томондин айтилғон улуғ даъводур».

Демак, эй фарзанд, донишлиғингга ғарра бўлмағил. Киши донишлиғига ғарра бўлса, албатта ул ҳамиша пушаймон бўлур.

Ҳар ишда машварат¹ қил, нединким, машварат қилмоқни айб билмағил, оқил ва мушфиқ дўстларга машварат қил..., ҳар ишда ўз ёрларингга машварат қил...

Билғилким, бир кишининг раъий икки кишининг раъий чоғлиқ бўлмағусидур ва бир кўз икки кўз янглиғ кўра олмағусидур. Кўрмасмусанким, бир табиб бемор бўлса, ўз муолижасига зътимод қилмағусидир. Бошқа бир табибни келтуриб, унинг машварати била даво қилғусидир.

Агар ўз ҳамжинсингдин бирининг сенга иши тушса, унинг ишин биткарурга жонинг била ҳаракат қилғил. Агар ул душман бўлса ҳам мол харжин ва тан ранжин ундин дариғ тутмағил. Чунки агар ул сен унинг мушкулин осон қилғонингни билса, бул жиҳатдин унинг душманлиғи дўстликка айланур.

Сухандон кишилар сенинг саломингга келсалар, уларни ҳурмат қил ва эҳсон кўргазғил. Шунда сендин улар хушҳол ва миннатдор бўлғайлар ва ҳамиша саломингга келғайлар. Жаҳонда нокасроқ киши ул кишидурким, ҳеч ким унинг саломига келмағай.

Сухандон кишилар била ҳам сұхбатда бўлғил ва қандай қилиб сўзлаш кераклиги шартларин ҳам билғил.

Еттинчи боб

СУХАНДОНЛИК БИЛА БАЛАВД МАРТАБАЛИ БЎЛМОҚ ЗИКРИДА

Киши сухандон, сухангўй (нотиқ) бўлиши керак. Аммо, эй фарзанд, сен сухангўй бўлғил ва лекин дурғўй (ёлғончи) бўлмағил. Ростғўйликда ўзинг шуҳрат қозонғил, токим бирор вақт зарурат юзидин ёлғон

¹ Машварат — кенгаш, маслаҳат.

сүз десанг қабул қилғайлар. Ҳар сүз десанг ҳам рост деғил ва лекин ёлғонга ўхшагон ростни демағилким, ростга ўхшаган дуруғ дуруғга ўхшагон ростдин яхшидур, нединким ул дуруғ мақбул бўлур, аммо ул рост мақбул бўлмас. Демак, номақбул ростни айтишдин парҳез қил, токи менинг била Абу Сувор Шопур бинни Абу ал-Фазлнинг⁷ *орасиндағи воқеа сенинг бошингда содир бўлмасин.

Ҳикоят. Билғил, мен амиралмўминин замонинда бир йил ҳаждан қайтиб келиб, Ганжада қарор тутдим. Ҳиндистонга кўп ғазот қилмиш эрдим, Румга ҳам юриш қилмоқни ўйлардим. Абу Сувор Ганжада улуғ подшоҳ эрди. Ул бағоят хушманд, одил, сахий ва фозил киши эрди. Бир кун мени кўруб кўп ҳурмат қилди ва менинг била сўзлашмоқ мақсадинда ҳар турли сўз сўрар ва мендин маъқул жавоб эшитар эрди. Менинг сўзларим унга маъқул тушуб, кўп қарамлар қилиб, менга кўнгул қўйди. Мен ҳам унинг эҳсонларин кўриб, унга кўнгул қўйдим. Шул сабаб била бир неча йил Ганжада муқим бўлдим ва ҳамиша подшоҳнинг мажлисида ҳозир эрдим. Подшоҳ мендин ҳар турли сўзларни сўрар эрди. Бир куни сўз орасига менинг вилоятим тушди ва мендин Гургон⁸ * қишлоғи ҳолидин сўради. Вилоятларнинг ажойиб-ғаройибларидин сўз очилди. Сўз асносинда мен дедим: «Гургонда Сиёваск деғон бир кент бордур ва унинг бир чашма суви бордурким, ул кентдин узоқроқдур. Хотинлар жам бўлуб, ҳар бири бир кўза кўтариб, ул чашмага бориб сув олурлар ва кўзани бошлирига кўтариб, барчаси ҳамроҳ бўлиб уйларига қайтадилар. Уларнинг орасида бир хотин кўза кўтармай, барчадин илгари юруб, йўлига эҳтиёт бўлуб, назар ташлаб боради. Нединким ул ерларда бир кўк қурт бордур. Уни сизак дерлар. Агар ул қуртдин бирини топсалар, йўлдин олиб, йироққа ташлайдурлар, токим хотинлар ул қуртни билмай босиб ўлдурмасунлар. Агар сув кўтарғон хотинлардин бири қуртни босиб ўлдурса, бошига кўтарғон кўзадаги сув сасиб, бадбўй бўлиб кетади. Шундан кейин аввал сувни тўкиш, кўзани ювиш керак бўлади ва кўзани тозалағон хотин қайтиб бориб чашмадин сув олади.

Мен бу сўзни дедим, аммо амир Абу Сувор туршрўй (бадбуруш, қовоғи солиқ) бўлуб, мендин юз ўғурда ва бир неча кун менга бурунғидек (аввалғидек) мулокот ва илтифот қилмади.

Бир кун Фирузон Дайлимий⁹* бу аҳволни менга айтди: «Амир сендин гина қилиб деди: «Фалон киши бағоят донодур, аммо ёш ўғлонларға айтгудек ёлғон сўзни менга айтадур. Унингдек кишидан менингдек подшонинг олдида бунингдек дуруғ сўзни айтмоқ муносиб эмасдур».

Мен бу сўзни эшиғондин сўнг дарҳол Ганжадан Гургонга бир киши юбориб, уламонинг шаҳодати била бир гувоҳ хат талаб қилдим. Гургоннинг барча уламо, қозилари бу кентнинг, қуртнинг ҳоли ва қиссаси ростлиғи ҳақида гувоҳ бўлишиб, бу бобда бир хат ёзиб юбордилар.

Бу хат тўрт ой муддатида менга етиб келди. Мен уни подшоҳга кўргуздим. Подшоҳ уни ўқиди ва табасум қилиб деди: «Мен худ¹ таҳқиқ² билурманким, сенингдек кишидин ёлғон сўз зоҳир бўлмағусидур, хусусан, менингдек подшоҳнинг олдида... Аммо тўрт ой муддатида икки юз одил кишининг гувоҳлиғи била бир рост сўзни айтмоқ муносиб эмасдур. Бунингдек сўзлар аввал исбот этилғай, ундин сўнг ул сўзни қабул этғайлар».

Эй фарзанд, билғилки, сўз тўрт нав бўлур, ундоқким ҳалойиқ ҳам тўрт нав бўлғондек. Бири улким, билур ва билғонин ҳам билур. Ул олимдур, унга тобе бўлмоқ керакдур. Бири улдурким, билмас ва билмағонин билур, ул қобилдур, унга ўргатмоқ керак. Бири улдурким, билур ва билғонин билмас, ул уйқудадур, уни бедор қилмоқ керакдур. Бири улдурким, билмас ва билмағонин ҳам билмас, у жоҳилдур, ундин қочмоқ керакдур. Аммо деб эрдимки, сўз ҳам тўрт навъдур: бири, билинмайтурғон ва айтилмайтурғон; иккиланчи, айтилатурғон ва билинатурғон; учлончи, ҳам билинатурғон ва ҳам билишга заруратсиз, аммо айтса бўлатурғон; тўрталончи, билинатурғон ва айтилмайтурғон. Аммо айтилмайтурғон ва билинмайтурғон ундоқ сўздурки, ... дунёнинг салохи унга боғлиқдир. Ул сўздин айтуб-чига ҳам, эшиғувчига ҳам кўп наф етар. Аммо билинатурғон, бироқ айтилмайтурғон ундоқ сўздурки, бир муҳташам одамнинг айби сенга маълум бўлур. Лекин ақл тариқидин хаёлга келсанг, уни айтмоқ бешармликдур. Чунки айтсанг, ул муҳташамнинг қаҳри, ё ул дўст-

¹ Худ — ўз, ўзим. ² Таҳқиқи — бирор нарсанинг ҳақиқатини излаш, текшириб кўриш.

нинг озори сенда ҳосил бўлур ёхуд ўз бошингга улуғ шўриш ва ғавғо пайдо қилурсан. Шул важдин ҳам бул сўз билинатурғон, аммо айтилмайтурғон сўздур. Бу сўзларнинг яхшироғи ҳам билинатурғон ва ҳам айтила-турғон сўздур.

Бу тўрт нав сўзниг икки юзи бордур. Бири хўб ва бири зишт. Ҳар сўзни халойиққа зоҳир қилсанг, яхши юз била зоҳир қил, токи мақбул бўлсун ва халойиқ се-нинг сўз била баланд мартабага эгалифингни билсун-лар. Нединким кишининг мартабасини сўзи била билурлар, аммо сўзниг мартабасини киши била бил-маслар, чунки ҳар кишининг аҳволи ўз сўзининг остида пинҳондур, яъни бир сўзни бир иборат била айтса бў-лур, эшитғон кишининг эса кўнгли ундин тира¹ бўлғай ва яна ўшал сўзни бир иборат била айтса бўлурким, эшитғон кишининг жони ундин роҳатда бўлғай.

Ҳикоят. Ундоқ эшитдимки, бир кечада Хорун-ар Рашид¹⁰* бир туш кўрдиким, оғзидин барча тишлиари тў-кулмиш. Эрта тонг туриб бир муаббирни² чақириб сўрдиким, «бу тушнинг таъбири недур?». Муаббир де-ди: «Эй амиралмўъминин, сенинг олдингда барча хеш, ақрабо ва қариндошларинг ўлгусидур. Андоғким, сен-дин ўзга ҳеч киши қолмағувсидир». Бу сўзни эшитғон Хорун-ар Рашид: «Менинг юзимга бундоқ дардлиғ ва андуҳлиғ сўзни айтдинг. Менинг барча қариндошларим ўлсалар, сўнгра мен қандоғ ишга ярарман ва на янглиғ рўзғор сурарман?»— деди ва унга юз таёқ урмоқ бу-юрди. Сўнг бошқа бир муаббирни чақириб, тушин ун-га таҳрир³ қилди. Муаббир деди: «Эй амиралмўъми-нин, сенинг умринг барча ақраболаринг умридин узоқ бўлур». Хорун-ар Рашид деди: «Барча ақлнинг йўли бирдур ва икковининг таъбирининг негизи бир ерга бо-пур, аммо бу иборат била ул иборатнинг орасида фарқ бағоят кўлдур». Буюрди, сўнгги муаббирга юз тилло бердилар...

Эй фарзанд, сўзниг юзин ва орқасин билғил ва уларга риоя қилғил, ҳар на сўз десанг юзи била дегил, то сухангўй бўлғайсан. Агар сўз айтиб, сўзниг нечук эканин билмасанг қушга ўхшарсанки, унга тўти дерлар, ул доим сўзлар, аммо сўзниг маъносин билмас.

¹ Тира — қоронғу. ² Муаббир — тушни таъбири қилувчи. ³ Таҳрир-мақсадни оғзаки англатиш.

Сухангүй шул киши бўлғайки, ул ҳар сўзни деса, халққа маъқул бўлғай ва халқ ҳам ҳар сўз деса унга маъқул бўлғай. Бундай кишилар оқиллар қаторига кирғай, йўқ эрса ул инсон суратида мавжуд бўлғон бир ҳайвондор.

Сўзни бағоят улуғ билғил, сўз осмондин келмас ва ул хор нарса эмасдўр. Қай бир сўзники билсанг жойин ўткармай айтғил, вақтни зое қилмағил, йўқ эрса донишга ситам қилғон бўлғайсан. Ҳар сўз десанг рост деғил ва бемаъниликни даъво қилғувчи бўлмағил.

Билмағон илмдин дам урмагил ва ундин нон талаб қилмағил. Ҳар на матлубинг бўлса билғон илм ва ҳунардин ҳосил бўлур. Билмағон ҳунар даъвосидин ҳеч нарса ҳосил бўлмас, фақат беҳуда заҳмат чекарсан.

Ҳикоят. Бундоғ айтурларки, Ануширавон Одилнинг¹¹* замонида бир хотин Абузуржмеҳрнинг олдига келиб, ундин бир савол сўрди. Абузуржмеҳр ул саволни билмамиш эрди ва хотинга қараб деди: «Эй хотин, ул сўзни сен сўрорсан, уни билмасман». Ул хотин деди: «Сен бугина сўзники билмассан, подшоҳнинг неъматин нечун ерсан?». Абузуржмеҳр деди: «Билғон сўз учун ерман, аммо билмағон сўз учун емасман. Ҳар сўзники билмасман, подшоҳ менга ул сўз учун ҳеч нарса бермас ва ҳарна берса билғон сўзим учун берур».

Аммо, эй фарзанд, ҳеч кишининг олдида ифрат¹ қилмағил ва ифратни шумлиқ деб билғил. Ҳар ишда миёна (ўртача) бўлғил, сўз айтмоқда ва иш қилмоқда... сангин....² бўлғил. Розингни³ ўзингдин ўзга кишига айтмағил, агар айтсанг сўнгра уни роз демагил.

Халойиқнинг орасида бир кишининг қулоғига сўз айтиш яхши эмасдур. Агар бу сўз гарчанд яхши сўз бўлса ҳам, ташқарисиндан уни ёмон сўз деб гумон қиладилар ва кўп одамлар бир-бирларидан даргумон бўладилар. Гар сўз демоқчи бўлсанг шундай сўз дегилки, сўзингнинг ростлиғига гувоҳлик берсинлар. Агар ўзингни зўрлик била айбор қилмоқ тиламасанг, бирор нарсага гувоҳ бўлмағил ва агар гувоҳ бўлсанг гувоҳлик берар вақтда иҳтиroz⁴ бўлғил. Агар гувоҳлик берсанг, майл била бермағил.

Ҳар сўзни андиша била бошлиғил, токи айтғон сўзингдин пушаймон бўлмағайсан,

¹ Ифрат — ҳаддан ошиш. ² Сангин — оғир. ³ Роз — сир. ⁴ Иҳтиroz — сақланиш, эҳтиётланиш.

Андишани илгари тутмоқ ҳам бир нау кароматтур. Ҳеч сүзни эшитишдан дилтантг бўлмағил. Ул сўз ишинингга хоҳ ярасун, хоҳ ярамасун, уни эшифтгил, то юзингга сўз эшиги бекланмасун ва фойдаси фавт¹ бўлмасин.

Совуқ сўзлик бўлмағил. Совуқ сўз бир тухумдур, ундин душманлик ҳосил бўлур.

Агар ҳар қанча доно бўлсанг ҳам ўзингни нодон тутфил, токи сенга ҳунар ўргатиш эшиги ҳамиша очиқ бўлғай. Гар сўзни ва ҳунарни яхши билсанг ҳам ҳеч бир сўзни синдиримағил, тўғри таъриф қилғил ва уни бир рангда айтғил: хосга хос сўз, омийга омий сўз деғил, токи у ҳикматга мувоғиқ бўлсун ва эшиғон кишига оғир келмасин, йўқса сўзингни далил ва ҳужжат била ҳам эшиғтағайлар. Ундин сўнг уларнинг ризосига қараб сўзлағил, то саломат бўлгайсан.

Эй фарзанд, агар ҳар нечаким сухандоқ бўлсанг, ўзингни билғондан камроқ тутғил, то сўзлаш вақтида нодон ва бебурд бўлиб қолмағайсан. Кўп билиб, оз сўзлағил ва кам билиб кўп сўз демагил. Нима учунки, ақлсиз шундоғ киши бўлладур — у кўп сўзлар. Дебдурларки, хомушлиқ саломатлик сабабидур, чунки кўп сўзлагучи оқил киши бўлса ҳам, авом уни ақлсиз дерлар. Ақлсиз киши хомуш бўлса, уни оқил ҳисоблайдилар. Ҳар неча пок, порсо², равиш³ бўлсанг ҳам ўзингни таъриф қилмағилки, ҳеч киши сенинг гувоҳлиғингни эшиғмас. Кўшиш қилким, халойиқ сени таъриф қилсунлар ва шундоқ сўз деғилким, у ишга ярасун, бекор ва зое кетмасун.

Ҳикоят. Бир донишманд киши бор эрди. У Зинжон вилоятининг шайхи ҳамда музаккар⁴ ва музакки⁵ эрди ва бир алавий йигит бор эрди. У ҳам музаккарлик қилиур эрди. Ҳамиша бу иккovi бир-бири била мукошафа⁶ қилиур эрдилар. Курсининг устида ўлтуриб бир-бирига кўп таъна ва маломат қилиур эрдилар. Бир кун бу алавий курсининг устида ул шайхни «кофир» деди. Бу хабар шайхга етиб, бир кун ул ҳам курсининг устида деди: «Агар мен кофир бўлсам, бу алавий ҳаромзодадур». Бу хабар алавийнинг қулоғига етди. Алавий дарҳол ўрнидан сапчиб туриб, суръат била Рай шаҳрига

¹ Фавт — қўлдан бериш, йўқотиш, ўлим; фавт бўлмоқ — ўлмоқ.

² Порсо — художўй, ёмон ишлардан сақланувчи. ³ Равиш — йўл, йўсин, қонда. ⁴ Музаккар — покиза, тоза. ⁵ Музакки — нотиқ. ⁶ Мукошафа — фош қилиш.

бориб, ул шаҳарнинг ҳокими Соҳиб Аббоднинг¹²* олди-га борди ҳам ул шайхдин шикоят қилиб йиғлади ва деди: «Равомудурким, сизнинг айёмингизда ул шайх расул алайҳиссаломнинг фарзандига ҳаромзода деғай». Бу сўздин Соҳиб Аббоднинг қаҳри келиб, дарҳол киши буюруб, ул шайхни Рай шаҳрига келтурди ва ўзи Райнинг барча сайидлари ва фиқҳлари билан музолим¹ девонида ўлтуруб, ул шайхни ҳам бу ерга ҳозир қилиб, деди: «Эй шайх, сен имом Шофейй асҳобининг² имомларидаурсан. Ўзинг бағоят олим, қари ва гўрнинг лабига яқин ёвуқ етғон кишидурсан. Не учун расул алайҳиссаломнинг фарзандига ҳаромзода дерсан? Энди айтғон сўзингни дуруст қил. Йўқ эрса сенга шундоқ уқубат³ қилурманки, барча халойиқ сендин ибрат олғайлар ва бундин буён ҳеч киши бундоқ беадаблиғ қилмағайлар».

Шайх деди: «Бу ишда адл қилғилким, менинг гувоҳим алавийнинг ўзикур ва унинг ўзига ўзидан яхши гувоҳ талаб қилмағил. Аммо менинг сўзим била у ҳалолзодадур». Соҳиб Аббод деди: «Қайси важҳ била?». Шайх деди: «Халқнинг барчаси билурларки, унинг онасининг никоҳин мен қилмишман. Ул курсининг устида ўтириб, мени «кофур» дебдур. Агар ул бу сўзни эътиқод юзидин айтғон бўлса, унда кофурнинг никоҳи дуруст бўлмағусидур ва ул ўз сўзи билан бешак ҳаромзода бўлмағусидур. Агар ул бу сўзни эътиқод юзидин айтмағон бўлса, ул ёлғончидур. Ҳеч шак йўқдурким, бу иккининг бири бўлур. Энди унга шариат ҳукми била сиз на қилсангиз қилинг». Бу сўздин сўнг алавий ниҳоятда хижолатманд бўлуб, ҳеч жавоб қила олмади ва андишасиз айтғон сўзи ўзига шунча зарар еткурди.

Эй фарзанд, демак ёлғон ва беҳуда сўз айтмағилким, беҳуда сўз айтмак девоналиникнинг бир қисмидур. Ҳар кишига сўз айтур бўлсанг қарагил, ул сенинг сўзингга харидорму ёки харидор эмасму? Агарда уни сўзингга харидор топсанг, унга сўзингни сотғил. Йўқ эрса ул сўзни қўйиб, шундоқ сўз деғилким, унга хуш келсин ва сенинг сўзингга харидор бўлсин: Лекин инсон била инсон бўлғил, одамий била одам бўлғил, нединким инсон бошқа, одамий бошқадур. Ҳар кишиким ғаф-

¹ Музолим — мазлама, зулм кўрган, мазлум. ² Асҳоб — суҳбатдошлар. ³ Уқубат — жазо.

лат уйқусидин бедор бўлса, халойиқ била қандоқ зиндагонлиғ¹ қиласин мен баён қилдим.

Эй фарзанд, токи қила олсанг, сўз эшитмакдин қочмагилким, киши сўз эшитмак била сухангўйлик ҳосил қилур. Аввало буни шундоқ далиллаш мумкин, агар бир ўғлон онадин туғилса, унга ернинг остидан бир жой қилиб сут бериб, ул жойда парвариш қиссалар, онаси ва дояси унга гапирмасалар, у ўғлон ҳеч кишининг сўзин эшитмаса, улуғ бўлғонда лол² бўлур. Кўрмасмусанким, барча лоллар кар бўлурлар.

Бу сўэни қабул қилғил, хусусан донишмандларнинг сўзин, нединким донишлар дебдуллар: «Дононинг панднасиҳати кўнгил кўзин равшан қилур, нединким, ул панд ақл ва ҳикмат кўзининг сурмаси ва тўтиёсидур». Бас, бу тоифанинг сўзин ҳушқулоги била эшитмак керакдур. Бу жамоанинг сўзида манфаат кўпдур. Бу вақтда Ануширавон Одилнинг бадеъ³ ва нофеъ⁴ сўзларидин бир неча сўз ёдимга келди, уни бу китобда рақам қилдим.

Эй фарзанд, сен дағи ўқигайсан, билғайсан, ёд қилғайсан ва унга қараб иш қилғайсан, нединким ул подшоҳнинг сўзларига ва пандларига амал қилмоқ сенга ўзга ишдин вожиб ва лозимдур. Огоҳ бўлким, мен ўтғон халифаларнинг қиссаларин ҳам ўқимишман. Бир кун маъмун халифа Ануширавон Одилнинг турбатини⁵ кўрмоққа борди ва унинг даҳмасининг қиссаси бафоят узундур. Аммо мақсад булдур: Маъмун унинг даҳмасига бориб очиб кўрдики, унинг аъзоси бир тахтнинг устида тупроқ бўлиб ётибдур. Унинг тахти устида даҳма деворига паҳлавий⁶ иборат била бир неча сўз зар била ёзилмишдур. Маъмун буюрди ва паҳлавий лафзин билатурғон далирларни⁷, ҳозир қилдилар. Улар ёзилғон хатни ўқиб, арабий иборат била таржима қилдилар. У арабий иборат ажам^{13*} халқининг орасида маъруф ва машҳур эрди. Унда шундай деб эрди: «То мен тирик ва подшоҳ эрдим, барча бандалар менинг адлимдин баҳраманд эрдилар. Менинг хизматимға ҳар кишиким келмиш эрди, менинг марҳаматимдин баҳравар бўлур эрди. Мана энди ожизлик вақти келди, бундин ўзга ҳеч чора топмадим ва бу сўзларни даҳма деворига ёздим:

¹ Зиндагонлиғ — ҳаёт кечириш, тириклик, тирик бўлиш.

² Лол — соқов. ³ Бадеъ — ёмон. ⁴ Нофеъ — гўзал. ⁵ Турбат — қабр. ⁶ Паҳлавий — қадимги форс тили. ⁷ Далир — паҳлавон, ботир.

агар бирон киши менинг эиёратимға келса бу сўзларни ўқисин, билсин ва бу сўзларнинг фойдасидин маҳрум қолмасин, менинг бу пандларим у кишининг қадам ранжининг музди¹ бўлсин». Ануширавоннинг ул пандлари бу туур.

Сақкизинчи боб

АНУШИРАВОН ПАНДЛАРИН ЕД ОЛМОҚ ЗИКРИДА

Эй фарзанд, Ануширавон деди: «Модомики, кеча ва кундуз келадурлар ва кетадурлар, барча ҳолларнинг тағайюри² ва табаддули³га таажжуб кўргузмағил».

Яна деди: «Халқ не важдин бир бор пушаймон бўлғон ишдин яна пушаймон бўлур?»

Ва яна деди: «Кишининг тириклиги унинг муроди била бўлмаса, нечун ўзин тирик санағай?».

Яна деди: «Хунарсиз киши била дўстлик қилмағил нединким бундай киши дўстлик ва душманликка лойиқ эрмасдур».

Яна деди: «Ўзини доно санағон нодондин парҳез қилғил».

Яна деди: «Гарчанд ҳар қанча талҳ бўлса ҳам, ҳақ сўзни айтғил».

Яна деди: «Агар розимни душман билмасин десанг, дўстингга айтмағил».

Яна деди: «Ҳар бандани⁴ сотарлар ва сотиб оларлар. Аммо ул банда нафс бандасидин озодроқ бўлғай».

Яна деди: «Ҳар кишининг (билими) бўлса-ю, аммо унга лойиқ ақли бўлмаса, бу билим унга зарар еткаргу-сидур».

Яна деди: «Агар ҳар кишини турмуш устоди доно этмаса, ҳеч бир доно унга сўз ўргатиш учун ранж чекмасун, ранжи зое бўлур».

Яна деди: «Нодондин барча нарсани сақламоқ осондур, худди нодондин ўз танин сақлафондек».

Яна деди: «Агар халқ сенинг ҳақингда яхши сўз айтарин тиласанг, халқ ҳақида яхши сўз айтғил».

Яна деди: «Агар халқ ҳақидан чеккан ранжинг зое бўлмаслиғин тиласанг, ўзинг ҳақингда халқ чеккан ранжин зое қилмағил».

¹ Музди — иш ҳақи.

² Тағайюр—ўзгариш. ³ Табаддул—алмашиниб туриш. ⁴ Банда—қул.

Яна деди: «Агар еру дўст бўлмоқни тиласанг сер-
гиналиқ бўлмағил».

Яна деди: «Агар ғамсиз бўлмоқ тиласанг, ҳасадлик
бўлмағил».

Яна деди: «Осон зиндагонлик сурмоқ сенга мусассар
бўлса, ўз ютуфингни қўлдин бермағил».

Яна деди: «Агар ранжишдин узоқ бўлишни иста-
санг, битмайдигон иш учун урунмағил».

Яна деди: «Агар сени девона демасунлар десанг,
топилмас нарсани ахтармағил».

Яна деди: «Агар беобрў бўлмайин десанг, яхшилик-
ни касб қилғил».

Яна деди: «Агар шармисор бўлмайин десанг, қил-
мағон ишни қилдим дема».

Яна деди: «Агар ўз сирингнинг очилишини истама-
санг, бироннинг сирини фош қилмағил».

Яна деди: «Агар юзимнинг пардаси йиртилмасин де-
санг, бироннинг юз пардасин йиртмағил».

Яна деди: «Агар изимдин кулмасунлар десанг, зер-
дастлар¹га шафқатлиғ бўлғил».

Яна деди: «Узоқ пушаймонлиқдин холис бўлмоқ
тиласанг, кўнгил ҳавоси била иш қилмағил».

Яна деди: «Агар зийраклардин бўлмоқ тиласанг,
юзингни халқнинг кўзгусида кўргил».

Яна деди: «Агар қадрли бўлмоқ тиласанг, халқниң
қадрин билғил».

Яна деди: «Агар халқ сенинг сўзинг била иш қилмо-
гин тиласанг, сен ўз сўзинг била иш қилғил».

Яна деди: «Агар халойиқ орасида марғуб бўлмоқ
тиласанг, пинҳон сўзингни ошкор қилмағил».

Яна деди: «Агар барча одамдин (юқори) бўлмоқ ти-
ласанг, вафолиғ бўлғил».

Яна деди: «Агар айбисизлар қаторида бўлмоқликни
тиласанг, тамаъни кўнгулга келтурмағил».

Яна деди: «Агар додгарлар² зумрасидин³ бўлмоқ
тиласанг, зердастларни итоатингда яхши тутғил».

Яна деди: «Агар халойиқнинг ёмон сўзларидин йи-
роқ бўлмоқ тиласанг улардин зўрлиғ била ҳеч нарса
олмағил».

Яна деди: «Агар халойиқнинг севимлиси бўлмоқ
тиласанг, улардин ҳеч нимани аямағил».

¹ Зердаст — бироннинг қўли остида яшовчи.

² Додгар — адолатли, одил. ³ Зумра — туда, гурух.

Яна деди: «Агар тилинг узун бўлмоғин тиласанг, қўлингни қисқа қилғил».

Эй фарзанд, Ануширавон Одилнинг сўзлари ва пандлари бу турур. Буларни ўқигил ва уни хор тутмағил, нединким бу сўзлардин ҳам ҳикмат, ҳам салтанатнинг иси келур. Буларнинг барчасин йигитлик вақтида ўқигил ва билғил. Аммо қарифондан сўнг пандни эшитмоқча ҳожат йўқдур, қарилар ҳар бобдин хабардор бўлурлар ва улар панд эшитмоқдан ожиз бўлурлар.

Тўққизинчи боб

ҚАРИЛИК ВА ЙИГИТЛИК СИФАТИ ЗИКРИДА

Эй фарзанд, ҳар нечун йигит бўлсанг ҳам, ақлинг қари бўлсун. Мен сенга: «Йигитлик қилмағил» демасман. Аммо йигитликни чидам била қилғил. Енгил йигитлардин бўлмағил, чунки йигитларга оғирлик муносибдур. Бу ҳақда Аристотолис^{14 *} дониш шундай дебдур: «Йигитлик жунуннинг бир навъидур». Жоҳил йигитлардин бўлмағил, жоҳилликдин бало пайдо бўлғусидур. Йигитлик замонида зиндагонлик қил, токим қарифон чоғда ўз ҳолингга йигламағил. Ҳар қанча ёш бўлсанг ҳам ҳеч вақтда ўлимдин бехабар бўлмағил, нединким ўлим на қарини ва на йигитни қўйғувсидур.

Ҳикоят. Ундоқ эшитибманким, бир шаҳарда бир пардозгир устанинг дўкони бор эрди ва қозуққа бир кўзани осиб қўймиш эрди. Унинг иши шул эрдиким, ҳар ўликни гўристонга кетирғонларида уста кўзанинг ичига бир тош ташлар эрди ва ҳар ойда ул тошларни санаб неча киши ўлғонин билур эрди. Яна кўзани бўшатиб, уни мазкур қозуққа осиб қўяр эрди. Яна шул зайл бир ой муддатинда кўзага тош ташлар эрди. У неча вақтгача умрини шундай ўтказди. Қазо етиб ул пардозгир ўлди. Бир неча кундан сўнг бир киши уни йўқлаб келди. Унинг ўлғонидин бу кишининг хабари йўқ эрди. Дўконнинг эшиги боғлиқ эрди. У устанинг ҳамсоғи (қўшниси) дан: «Пардозгир дўконида йўқдур, қаерга кетғон?»— деб сўради. Ҳамсоғи эрса: «Пардозгир ҳам кўзанинг ичига тушди»— дея жавоб берди.

Эй фарзанд, ҳушёр бўл, йигитликка ғарра бўлмағил, афв тилагил ва ўлимдин қўрқғил, то ул пардозгир янглиғ оғир юқ ва гуноҳ била кўзанинг ичига тушмагайсан.

Барча вақт йигитлар била суҳбатда бўлмагил, қарилар била ҳам суҳбатда бўлғил ва мажлисингни ҳам қарилар била ва ҳам йигитлар суҳбати била музайян қил, нединким йигитлар билмағон кўп нарсани қарилар билурлар. Йигитларнинг одати андоқдурким, улар қариларни кўп тамасхур¹ қилиб ўйнарлар, улар қариларни йигитликка муҳтож билурлар. Ушбу сабаб била қариларни тамасхур қилиб, беҳурмат қилмоқлари яхши эмасдур. Чунки қарилар қанчалик йигитлик орзусида бўлсалар, йигитлар ҳам бешак қарилик орзусидурлар. Лекин қарилар ул орзуга етибдурлар, аммо йигитларга маълум эрмаским, бул орзуга улар ё етгайлар, ё етмагайлар. Яхши назар қил, чунки қари ва йигит бир-бирларининг маҳсадидур.

Йигит ўзини ҳамма кишидин донороқ билур, аммо шул иши била у барчадин нодонроқдур. Бас, эй фарзанд, бундоқ йигитларнинг қаторидин бўлмагил, қариларни ҳурмат қилғил. Улар ҳақида беҳуда сўз демагил, уларнинг олдида одоб ва мискинлик (камтарлик) била сўзлағил.

Ҳикоят. Ундоқ эшитибманким, юз йил яшағон ва қадди ёйдек ҳам бўлғон бир қари киши қўлига асо ту туб борур эрди. Бир йигит уни тамасхур қилиб деди: «Эй шайх, ушбу ёйни неча тангага олдинг? Айтғил, то мен ҳам олурман». Шайх деди: «Агар умр топсанг ва сабр қилсанг бу ёйни сенга текинга берурлар».

Эй фарзанд, қарилик ҳолига етсанг йигитлардин йироқ бўлғил, нединким қарилиғда йигит феълин қилмоқ номуносидур ва йигитликда қарилар феълин қилмоқ ҳам ёмон кўринур. Ўзиға оро берғон қаридин қочғил, нединким зоҳирин безагон қари жоҳил йигитдин ёмонроқдур. Нопок қарилардин қочғил. Йигитлик замонин ғанимат бил ва унға муносиб иш қил, чунки сезгиларнинг ишдин қолиб, эшитмоқ, кўрмоқ, ишламоқ, маза топмоқ, қаттиқ ва юмшоқни сийпалаб билмоқ лаззатидин жудо бўлсанг, ундоқ тирикликтин ўзинг ҳам шод бўла олмассан, ўзгани ҳам шод қила олмассан. Шунда одамларнинг бўйниға тушган оғир юк бўлурсан, ундоқ тирикликтин эса ўлим яхшироқдур. Аммо қарифонда йигит хаёли ва мажолидин йироқ бўл, чунки қарилик ўлимга яқинроқдур.

¹ Тамасхур — масхаралаш.

Барча халойиқнинг умри қуёш янглиғдур: йигитларнинг қуёши машриқдадур, қариларнинг қуёши мағрибдадур ва мағрибда бўлғон қуёш тез ботғусидур. Бу сабабдин қариларга йигитлар феълин қилмоқ номуносибдур.

Эй фарзанд, ҳамиша қариларга тараҳҳум қил, қарилик бир беморликдур, ҳеч киши уни кўришга бормас. Қарилик иллатдурки, ўлимдан бошқа ҳеч киши унинг иложи борисин билмас. Қарилар то ўлгунча қарилик ранжидин асло қутулмаслар. Ундин бошқа ҳар иллат борки, ул иллатнинг ҳар кун яхшироқ бўлмоқ умиди бордур, аммо қарилик иллати ҳар кун ёмонроқ бўлур ва яхшилик умиди йўқдур. Фақир (мен) бир китобда ўқимишманким, одамнинг қуввати то ўттиз тўрт йилгача ҳар кун зиёда бўлур. Ўттиз ёшдин сўнг қуёш осмоннинг ўртасига етғондек зиёда бўлмай ва нуқсон топмай туар. Ундин сўнг ботиш сайри оҳистароқ бўлғай. Қирқ ёшига етғондин сўнг то эллик ёшғача ҳар йил ўзида нуқсон кўргайким, бурунги йилда кўрмамиш бўлғай. Эллик ёшидин олтмиш ёшғача ҳар ой ўзида нуқсон кўрарким, аввалги ойда кўрмамиш бўлғай. Агар ёши олтмишдан ўтса, ҳар соатда дард ва ранж кўргайким, ўтғон соатда кўрмамиш бўлғай. Умрнинг ҳадди қирқ йил бўлур. Мана, умр нурининг қирқлончи зинасига чиқдинг, энди юқорига йўл топмағунгдур, ундин сўнг даража ошмогинг учун пастга тушиб, бурунги жойингга етмоғинг лозимдур.

Эй фарзанд, қариликнинг ҳикоятин сенинг олдингда шул жиҳатдин айтдимки, мен ундин гиламандтурман¹. Нединким, қарилик душмандур ва душмандин шикоят этмак ажаб эрмасдур. Сен менинг дўст кишимдурсан. Душманнинг шикояти дўстнинг олдида айтурлар (илоҳим сен ҳам фарзандларингга шундай шикоят қилғайсан), нединким, қариларнинг дард ва ранжин қарилар яхши билурлар.

Отам ҳожиблар² жумласидин эрди ва уни ҳожиби комил дер эрдилар. Ул саксон ёшдин ўтғон қари киши эрди. Бир куни от олмоқ тилади. Унинг олдига бир от келтурдиларки, от ниҳоятда семиз ва ҳушранг эрди. Ул отни кўриб хоҳлади ва лабларин очиб, тишини кўрди. Бироқ от қари эркон, бул жиҳатдан уни олмади. Мен дедим: «Эй ота, ул отни фалони олди, сиз нечун

¹ Гиламандтурман — норозимав. ² Ҳожиб — пардалор.

олмадингиз? Отам деди: «У йигит кишидур, қарилек ранжидин хабари йўқдур. Ул отнинг ранг ва суратига маҳлиё бўлибдур. Бу ишда у маъзурдур. Мен қарилек нинг ранж, офат ва заифликларидин хабардордурман. Қари от олсам маъзур бўлмағумдур».

Эй фарзанд, агар қарилек мақомига етсанг, бир жойда мутамаккин¹ бўлғил. Айниқса қарилекда хусусан бенаволикда² сафар қилмоқ ақлдин йироқдур. Нединким, қарилек бир душмандур ва бенаволик ҳам бир душмандур. Бу икки душман била сафар қилмоқ доноликтин эрмасдур. Аммо агар бир иш бошингга тушса ва изтироб³ била уйингдин чиқсанг ва агар сафарда яхшироқ роҳат олсанг, ҳаргиз уйингни орзу қилмағил, мол ва озуқ талаб қилмағил. Ҳар жойдаким ишингга (тартиб) топсанг, унда мақом қил ва у жойни ўзингга яхши мол ва озуқ бил. Уз ҳолингнинг фойдасига қаралғил. Дебдурларким, некбахтлар⁴ ўз ҳолин яхши бўлишлиғин орзу қилурлар, бадбахтлар эса озуқ ва мол жам этмакни яхши иш билурлар. Аммо сен ўзингда бир яхши хол кўрсанг ва бир фойдали ишни қўлга киритсанг, жаҳд қилиб ул ишингни событ ва маҳкам қил, то шу ишни мустаҳкам қилмағунча ундан баландроқ ишни талаб қилмағил, токи баландликни талаб қилиш била пастликка тушмағайсан. Дебдурларким, яхши нарсани қўйиб, ундин яхшироқ нарсани талаб қилмағил, бундай маҳалда тамаъ била ундин ҳам бебаҳра қолғайсан. Аммо ўз рўзғорингни ўткармакда бетартиб бўлмағил. Агар дўст ва душманинг кўзига яхши кўринмоқ тиласанг даража ва ҳунарингни халойиқнинг орасида зоҳир қил, беҳуда зиндагонлик қилмағил ва барча ишингни тартиб била қилғил.

Унинчи боб

ТАМКИН⁵ ШАРОФАТИНИНГ ВА ТАОМ ТАРТИБИНИНГ БАЁНИ

Эй фарзанд, билғилки, авом⁶, халойиқнинг барча ишларида вақт тартиби йўқдур. Улар вақтига ва бевақтига қарамаслар. Аммо ҳушманд⁷ кишилар ўзларининг ҳар бир ишларига аниқ вақтни тайин этибдурлар. Улар кеча

¹ Мутамаккин — бир жойда маҳкам турувчи. ² Бенаволик — қашшоқлик, камбағаллик. ³ Изтироб — бетоқатлик.

⁴ Некбахт — баҳтиёр.

⁵ Тамкин — сабот, оғирлик, нафси тийиш. ⁶ Авом — кўпчилик.

⁷ Ҳушманд — ақлли.

ва кундузнинг йигирма тўрт соатин ўз ишларига тақсим қилибдурлар. Бир ишни яна бир ишдин фарқ этиб, унга вақт, ҳад¹ ва андоза² пайдо қилибдурлар, токи ишлари бир-бирига аралашмай. Уларнинг хизматкашлари ҳам қайси вақтда қайси ишга машғул бўлурин яхши билғайлар. Шунда уларнинг барча ишлари тартиб била бўлғай.

Даст аввал таом емак сўзининг маъносин билғил. Бозор одамларининг одати шундоқдурки, уларнинг аксари қисми таомни оқшом ерлар, бу беҳад зиёндур ва улар ҳамиша ўз жонларига бешак қасд қилғайлар.

Сипаҳпеша одамларнинг одати шундоқдурки, улар вақтига ва бевақтига қарамаслар. Вақт топсалар, емакка машғул бўлғайлар. Бу одат ҳайвонларнинг одатидур, нединким улар ҳар вақт алаф³ топсалар, емак била машғул бўлурлар. Аммо хос⁴ ва муҳташам⁵ одамларнинг одати улдурки, кеча ва кундузда бир марта ба таом ерлар. Нафсни тийишнинг бу йўли бафоят яхшидур. Лекин бадан бафоят заиф бўлур. Бас, энди шул нарса яхшидурки, муҳташам одамлар тонг вақтида хилватда бирон нарса ерлар. Шундин сўнг ташқарига чиқиб, то пешин вақтигача ўзларининг ишларига машғул бўлғайлар. Ундин сўнг ҳар на таом бўлса ҳозир қилғайлар ва атрофларида ким бўлса, уни ҳам чақириб бирга егайлар.

Эй фарзанд, агар таом бўлса ҳамтовоқларингни чақириғил, то сенинг бирла таом есунлар, аммо таомни тез емагил ва оҳиста егил. Таом емак вақтида одамлар била сўзлашғил, бу ислом шартидур, лекин бошингни қўйи солиб ўтур, ҳамтовоқларингнинг олғон луқмасига қарамагил.

Ҳикоят. Эшитибманки, бир вақт Соҳиби Исмоил бинни Соҳиби Аббос ўзининг қариндошлари ва надимлари била таом ер эрди. Бир киши табақдин бир луқма кўтарди. Унинг луқмасида бир мўй бор эрди. Соҳиби Исмоил уни кўруб деди: «Эй фалони, у мўйни луқмадин олғил». Ул киши луқмани ташлаб, мажлисдин чиқиб кетди. Соҳиб бир кишини буюрди. Ул киши чиқиб кетғон одамни қайтариб мажлисга келтурди. Соҳиб деди: «Эй фалони, нечун таом еб бўлмасдан бизнинг дастурхонимиздин чиқиб кетдинг?» Ул киши деди: «Бир

¹ Ҳад — чегара. ² Андоза — ўлчов. ³ Алаф — ўт, кўкат. ⁴ Хос — зътиборли. ⁵ Муҳташам — мўътабар.

луқмада бир мүйни күрғон кишининг таомин емак менға лойиқ әмасдур». Соҳиб бул сўздан ниҳоятда хижолатманд бўлди.

Эй фарзанд, таом вақтида ўз-ўзингга машғул бўлғил, ундин сўнг табақ қўймоқ буюргил. Мұҳташам халқнинг расми икки нав бўлур: мажлисга турлук таом келтуруб, баъзиси ўзиға бурун табақ қўйдурур, ондин сўнг ўзгаларға қўйдурур; баъзилар олдин табақни бошқаларға қўйдириб, ундин сўнг ўзи олур. Сўнгиси олижаноб, карам аҳлининг тариқидур ва аввалғиси сиёsat аҳлининг тариқидур. Аммо турлик таом ва ранго-ранг табақ келтурмак ул сабабдинки, барча одамнинг қорни бирдек әмасдур. Пурхўр¹ ва камхўр — ҳамма бирдек тўйсинлар. Агар сенинг олдингдағи табақ ичидаги мазалиғ нарса турғон бўлса, ўзгаларнинг олдидаги мазалиғ нарса бўлмаса, мазкур таомдин ўзгаларға ҳам насиб берғил. Таом устида туршрўй² бўлмағил ва таомнинг фалони яхши, фалони ёмон демағилким, бу сўзлар таом устида яхши эрмасдур.

Мана таом емак тартибин билдинг, әнди шароб ичмак тартибин ҳам билғил, нединким шароб ичмакнинг ҳам жойи ва расми бордур.

Ўн биринчи боб

ШАРОВ ИЧМАК ЗИКРИДА

Эй фарзанд, билғилки сенга шароб ич деб айтмасман, аммо ичма деб ҳам айтмасман, негаки ёш йигитлар қари кишининг сўзи била йигитлик вақтининг ишларин тарқ этмаслар. Менга ҳам йигитлигимда кўп панд бердилар, мен ҳам қабул қилмадим, аммо эллик ёшимдан сўнг товба-товфиқни қабул этдим.

Эй фарзанд, агар шароб ичмасанг икки жаҳон фойдасини топғунгдур: ҳақ таоллонинг хушнудлигин ҳосил қилғунгдур ва халқнинг маломатидин қутулғунгдур, мен ҳам сени ўзимга ниҳоятсиз дўст тутғумдур. Лекин сен ёш йигитдурсан, ҳарифлар (улфатлар) сенга шароб ичирмай қўймас, мен буни аниқ билурман. Шундай бўлғоч гарчи бир ҳол била шароб ичар бўлсанг ичмак расмин билғил, нединким агар билмай ичсанг заҳардур,

¹ Пурхўр — кўмакай, кўп егувчи.

² Туршрўй — бадбуруш, қовоғи солиқ.

уни билиб иссанг позаҳардур. Ҳақиқатдан ҳам агар ҳар таом ва шаробни исроф била есанг ё иссанг заҳардур. Бу жиҳатдин дебдурларким, агар кўп ичилмаса ва андозасидин чиқилмаса, заҳар позаҳардур.

Таомнинг изидин агар ташна бўлсанг уч мартаба шароб ичфил ва агар ташна бўлмасанг, уч соат миқдор таваққуф¹ қил, нединким агар меъда қавий² ва яхши бўлса, таомни ҳар қанча кўп ва исроф била есанг ҳам ҳазм қилур. Шундоқки, меъда уч соатда таомнинг қувватин олур ва жигарга еткарур, жигар эса уни барча ажсад³ га тақсим қилур, нединким жигар тақсим қилғувчиidur. Сўнгғида неки ортиб қолса, барин ичакка йўллар. Саккиз соатда меъда таомдин батамом холи бўлур. Агар меъданинг бу миқдор қуввати бўлмае, у меъда эрмасдур, қовоқдур. Шунинг учун деб эрдиким, таом егандин уч соатдин сўнг набиз⁴ ичфил. Бу жиҳатдин дедимки, то меъдада таом пишиб (ҳазм бўлиб), танангнинг тўрт табъи⁵ ундин ўзларининг насибин олсинлар. Ундин сўнг набиз ичфил, то ҳам шаробдин ва ҳам таомдин баҳра олғайсан. Аммо шароб ичмакни намози дигарда ибтидо қил, то сен маст бўлғунча оқшом бўлғай ва халойиқ мастлиғингни кўрмағай. Mastlikdin сақлан, яъни йиқилмағилки, йиқилиш ёмон бўлур. Шароб ичмак учун боққа ва саҳрога кўп бормағил. Агар борсанг, то уйга қайтиб келгунингча маст бўлмағил ва мастликни уйингда қилғил. Уй ичидаги қилғон ишни ташқарида қилиб бўлмағусидур, нединким уй ичининг яширин ҳолати дараҳт соясидин пўшидароқдур⁶, нединким киши ўз уйидаги подшоҳ бўлса ҳам, дашт фазосида⁷ ғарибдур. Агар мунъим⁸ ва муҳташам кишилар ҳам фурбатга⁹ тушсалар, маълумдурки, қўли қисқа бўлур ва ҳеч нарсага қудрати етмас.

Набиз ичфил, аммо икки коса ва уч коса ичмали. Иштаҳа бор вақтида ичмали. Луқмаларни кўп емакдин, қадаҳларни кўп ичмакдин парҳез қилғил, нединким ҳар шароб ичишда тўймоқ ва маст бўлмоқ муносиб эрмасдур. Бир ютум шаробни камроқ ичфил, бир луқма таомни камроқ егил. Демак, таом луқмасин кам-

¹ Таваққуф — тўхташ. ² Қавий — куали, қувватли. ³ Ажсад — жисмлар.

⁴ Набиз — курмо ёки узумдан қилинган май. ⁵ Табъи — таркиби. ⁶ Пўшида — яширин, махфий. ⁷ Фазо — очиқ ер, майдон, кенглил. ⁸ Мунъим — неъмат берувчи, ризқ берувчи. ⁹ Фурбат — ғариблик, кимсасизлик, мусофирилик.

роқ егил, шароб косасин камроқ ичғиң, төки иккисин ҳам зааридин құтулғайсан.

Шаробхұрларнинг ҳосили иккі нарасадур: ә беморлик ёки девоналиқ. Нединким шаробхұр ә маст бұлур ә махмур. Агар маст бұлса, девоналар жумласидин бұлур ва агар махмур бұлса, беморлар зұмрасидин бұлур, нединким хумор¹ беморликнинг бир навъидур. Демак ундоқ ишга мойил бўлмоқ нолозимдур, чунки унинг ҳосили ә беморлик, ә девоналиқдур.

Эй фарзанд, билурманким, сен бу сўзлар била шароб ичмакдин воз кечмассан. Аммо қила олсанг сабуҳий² ичмакни одат қилмагил ва агар иттифоқо сабуҳий ичсанг вақти била ичким, хушмандлар сабуҳийни ёмон дебдурлар. Сабуҳийнинг дастлабки шумлиғи улдурки, эрта тонг намози фавт бұлур, яна кечагининг бухори³ думоғдин ҳануз кетмасдин бурун кундузнинг бухори унинг устиға юкланур ва молихулё⁴ иллати шундин ҳосил бўлур. Чунки иккى муфсиднинг⁵ фасоди бир муфсиднинг фасодидин кўпроқ бўлур. Яна шулким, ҳар вақт ҳалқ уйқуға борса, сен иочор бедор бўлурсан, ҳалқ бедор бўлғанда сен уйқуда бўлурсан. Кундуз ухлаб, оқшом уйғоқ бўлсанг сўнғги кун барча аъзонг хаста бўлур. Бундоғ улуғ гуноҳни қилиб, сўнгра пушаймонлиғ чекарсан.

Эй фарзанд, агар набиз ичмакни тарқ эта олмасанг, жума кечаси ичмасликни одат қил... Ва яна жума кечаси ичмасанг бир ҳафта ичмакдин кўнглинг совур, дунёда некномлиғ ҳосил бўлур. Бир ҳафта шароб ичмакдин хориғон думоғинг, томирларинг, кўзинг, ақлинг, нафасинг ва руҳинг шул бир кечада осойиш топар ва осудалиғ ҳосил бўлур. Яна молингға тавфир⁶ бўлур ва ҳалқ сен ҳақингда яхши сўзин айтурлар. Демак, бундоғ фойдали ишни одат қилмоқ керакдур.

Ўн иккинчи боб

МЕҲМОН ОЛМОҚ ВА МЕҲМОН БЎЛМОҚ ЗИКРИДА

Эй фарзанд, билғилким, ҳар кун бегона одамларни меҳмон қилмагил, нединким ҳар кун меҳмон олсанг

¹ Хумор — ичкиликтан кейин бош оғриғи. ² Сабуҳий — тонг пайтидаги ичкилиқ. ³ Бухори — бүғ, туман, пар. ⁴ Молихулё — савдойлилк касали, бир хил руҳий касал. ⁵ Муфсид — зарарли, фасодчи, бузувчи. ⁶ Тавфир — кўпайиш, орттириш, фойда.

меҳмонга лойиқ ишларни кўнгул муродича қила олмагунгдур. Кўргилким, кўнглинг ҳар ойда неча мартаба меҳмон чақирмоқ тилайди, Агар уч мартаба чақиришини тиласа, бир мартаба чақирғил, уч мартабада қиладигон харажатингни бир мартабада қилғил, то дастурхонинг айбсиз бўлғай ва айбжўй¹ларнинг тили боғлиқ бўлғай.

Ҳар вақт меҳмонларинг уйингга оёқ қўйсалар, сен барча одамларинг била уларнинг олдилариға чиққил ва яхши сўз била мулоқот² қил, то улар сенинг шукрингни айтсинглар.

Агар мева вақти бўлса, таом емасдан аввал мева келтурғил то баҳузуридил есунлар.

Бир замон таваққуф қил ундин сўнг барча одамларни ўлтурғуз ва ўзинг ўлтурмағил, токи барча меҳмонлар иттифоқ била есунлар. Меҳмонлар бир-икки сўрамагунча сен ўлтурма. Улар ўлтурғил ва бизларга мувофақат³ қил (бизлар розимиз) десалар, сен айтғилким: «Мени қўйинглар, то сизларга хизмат қилғумдур». Агар яна такрор таклиф қилсалар, ундин сўнг ўлтурғил ва уларга мувофақат кўргузғил, аммо ҳаммадин пастда ўлтурғил. Ҳар соат: «Эй фалони, таомни яхши егил, ҳеч нима емадинг ва мен сенга лойиқ ҳеч иш қила олмадим. Иншооллоҳ келгуси сафар бунинг узрин яхшироқ қилғумдур»,— деб айтмағил. Бу улуғ ва муҳташамларнинг сўзи эрмасдур, балки бозорийларнинг ва авбошлар⁴ нинг лафзиидур. Бундоқ сўздин ҳалқ хижолат ерлар, таом емаслар ва овқатга тўймасдан туриб кетарлар. Бизларнинг Гilonда яхши расмларимиз борки, агар меҳмон чақирсалар, дастурхон ёзиб, таомларни келтуруб қўярлар ва кўзаларда сув ҳам келтуриб, дастурхоннинг четларига қўярлар. Барча меҳмонларни таомнинг атрофига ўлтурғузиб, ўзлари чиқиб кетарлар. Бир киши табақ ва косаларнинг саранжоми учун қолур. Меҳмон таомдин кўнгли хоҳлагунча ер, ундин сўнг мезбон ўтиришга келур. Араб ҳалқининг дастури ҳам шундайдур.

Меҳмонлар таом еб бўлуб, қўл ювондан сўнг атр ва гулоб келтуруб, мажлисни муаттар қилғил. Меҳмонларнинг чокар ва хизматкорларига ҳам яхши риоя қилғил, нединким, кишининг яхши отин улар чиқарурлар. Мажлисга нуқл⁵ ни кўп келтурғил ва хушловоз мутриб-

¹ Айбжўй — камситувчи, айб ахтарувчи. ² Мулоқот — учрашув, кўришув. ³ Мувофақат — келишиш, мувофиқлик, бирорвнинг розилигини олиш. ⁴ Авбош — бебош, саёқ, дайди, безори. ⁵ Нуқл — мөвәчева.

ларни¹ ҳам ҳозир қилғил. Набиз ҳам муҳайе қилғил, нединким меҳмонлар таомдин сүнг шароб ичиб, нағма ва наво эшилсалар хушхол бўлурлар. Агар коса ва таомингда бир айб ва тақсир воқе бўлса, бунинг била пўшида² бўлур.

Шароб ичмак улуғ гуноҳдур. Агар гуноҳ қилмоқ тилемасанг бемаза ва бетартилик қилмагил. Бас, агар менинг бу сўзларимни айтғонимдек қилсанг ўзингни меҳмонга ва меҳмоннинг ҳақин ўзингга вожиб билғил.

Ҳикоят. Эшилдимки, ибн Муқла Мансур^{15*} Тамимийнинг ўғли Насрга Басра ҳокими амалини бёрди. Сўнгги йилда уни ҷақириб кўп ситойиш³ қилди. Айтурларки, у кўп давлатлиғ ва неъматлиғ киши эрди. Халифа ундин кўп мол тамаъ қиларди. Улар ҳисоб қилдилар, кўп мол унинг (Насрнинг) бўйнига юкланди. Ибн Муқла унга деди: «Ё бу молни берғил, ёки зинданга кирғил». Наср деди: «Эй мавлоно, менинг кўп молим бордур, аммо бу ерда ҳозир эмасдур. Менга бир ой муҳлат берғил ва бу миқдор мол учун мени зинданга солмоқ муносиб эрмасдур». Ибн Муқла буни: «Мол бермоққа тоқати йўқтур, бу сўзни кўнгил била айтмади»,— деб гумон қилди. Ниҳоят унга деди: «Сени ўз жойингга юбориб бу молни олмоқ зарур. Аммо амиралмўъмининнинг фармони буки, менинг ҳовлиминнинг бир ҳужрасида ўлтурғил ва бир ой менга меҳмон бўлгил». Наср қабул қилиб ибн Муқланинг уйида маҳбус бўлиб ўлтурди. Иттифоқо ул ой ражон ойи эрди. Ибн Муқла ҳар куни Насрни ифтторга ҷақириб, унинг била рўзасин очар эрди. Ийддин сўнг ибн Муқла Насрга киши юбориб, ўшал молни талаб қилди. Наср: «Мен ул зарни бердим»— деди. Ул киши: «Кимга бердинг?» деди. Наср: «Ибн Муқлаға бердим»— деди. Бу сўзни ибн Муқла эшитиб ҳайрон бўлди ва Насрни олдига ҷақириб: «Эй Наср, зарни менга қачон бердинг?» деди. Наср деди: «Мен сенга зарни берғоним йўқ, лекин бир неча муддат сенинг таомингни текин едим ва сенга меҳмон бўлуб, ҳар куни рўзани сенинг бирла очдим, энди ийд (байрам) келди, сенинг зар талаб қилишга ҳақинг қолмади». Ибн Муқла бу сўздин хушхол бўлди ва кулиб деди: «Зат (тилҳат)ни олғил, хушвақт бўлиб кетғил, ул зарни сенга бағишлиладим». Наср бу сабаб била зар бермоқдин қутулди.

¹ Мутриб — чолгучи, созанда, ашулачи. ² Пушида — яширин, маҳфий. ³ Ситойиш — мақташ.

Бас, эй фарзанд меҳмондил бўлғил ва меҳмонга таъна қилмағил, ҳарвақт очиқ юзлик бўлғил, токи ҳар кишиким меҳмонинг бўлса, шодлик била таомингни есин. Лекин ўзинг набизни кам ичғил, меҳмондин аввал маст бўлмағил ва ҳамиша очиқ юз, хуш хандон бўлғил. Аммо беҳуда кулмағил, кўп кулмак бир навъ девоналиф дур, оз кулмак бир навъ сиёсат ва бурдборлиғ¹ дур, нединким, дебдурлар беҳуда ва бевақт кулгу ғам ва карбо² вақтида воқе бўлур.

Меҳмонлар маст бўлғондин сўнг кетмак тиласалар бир марта, икки марта тавозеъ била кетманг деб илтимос қил ва учинчи мартабада кетмак тиласалар, лутф кўргузуб рухсат берғил. Агар хизматкорларинг бир хато қилғон бўлсалар, меҳмоннинг қошида туршруй бўлуб, уларни коҳиш³ қилмағил ва хатосин афв қилғил.

Агар меҳмон ҳар нечук қаттиқ сўз айтса, унга қаттиқ сўз демагил, балки ҳурматини сақлағил.

Ҳикоят. Ундоқ эшитибманким, халифа Муътасим^{16*} бир гуноҳкорни олдига келтуруб ўлдирмоқ тилади. Ул киши: «Эй амиралмўъминин,... мени бир коса сув била меҳмон қилким, мен бафоят ташнадурман, ундин сўнг ҳарна қилмоқ тиласанг буюргил». Халифа Муътасим ҳам ул онтнинг ҳурматин сақлаб буюрди, унга сув бердилар. Ул киши сувни ичфондин сўнг араб расми била: «Ҳайран касираб ё амиралмўъминин, энди бир коса сув била сенинг меҳмоннинг бўлдим. Агар мурувват тариқида меҳмонни ўлдирмоқ вожиб бўлса, буюргилким мени ўлдурсинлар. Агар афв қилсанг, мен сенинг олдингда барча журмимдан⁴ тавба қилурман». Муътасим: «Рост айтурсан, меҳмон ҳақи улуғдур. Энди гуноҳингни афв қилдим ва сен ҳам тавба қилиб, бундин буёқ ҳеч бир хотога қадам қўймағил»,— деди.

Демак, эй фарзанд, агар меҳмон бўлсанг, ҳар кишинига меҳмон бўлуб боравермағил, чунки ҳашмат шавкатингга зиён еткарурсан. Агар меҳмон бўлуб бир ерга борсанг, кўп оч бўлуб бормағил ва тез юруб бормағилким, таом емакдин маъзур бўлуб ўлтурсанг, мезбон озор топор. Агар таомни кўп есанг, ҳалқнинг кўзига ёмон кўринур. Шунинг учун мезбоннинг ўйига кирсанг ўзингга муносиб жойда ўлтурғил. У гарчи ошно кишининг уйи бўлса ҳам таом ва набизнинг устида корфар-

¹ Бурдборлиғ — бардошлиқ, оғирлик, сабр-тоқатлик.

² Карбо — азоб-уқубат. ³ Коҳиш — камситиш. ⁴ Журм — гуноҳ.

молиқ¹ құлмағил, яъни мезбоннинг хизматкорларига. «Эй фалони, бу уй менинг ўз уйимдур ва табакни у ерга қўйғил, ўзгаларнинг таом ва косасига қўл урманил»— демагил. Ўз чокарларингга зулолни² олиб бермагилким, дебдурлар, меҳмоннинг уйидин нарса олиш — уят.

Шароб ичиб кўп маст бўлмағил, қайтар чоғда йўл асносида мастилик асари сендин зоҳир бўлмасун ва халқ ҳолингни билмасунлар. Ҳар неча мастилик тиласанг ўз уйингда бўлғил. Агар сен шароб ичғон вақтда тобеъларинг ҳар неча гуноҳ қилсалар ҳам уларга адаб ва гўшмол³ бермагил, нединким уни ҳеч киши адаб санамас ва дерларки, бадмастилик қиладур. Неки қилмоқ тиласанг, шароб ичмағон вақтда қилғил, ул бадмастилик эмасдур. Дебдурларким, девоналиғ гуногун⁴ арбада⁵, яна гуногундурким, мастилик девоналиктандур. Бас, бу айтғон сўзлардин парҳез қил. Бегона одамнинг қошида ҳеч вақт маст ва хароб бўлмағил. Ўзингнинг аёл ва бандаларинг орасида бўлғон тақдирингда ҳам одоб била умр кечирғил.

Ўн учинчи боб

МАЗОҲ ҚИЛМОҚ ШАТРАНЖ⁶ ВА НАРД ЎЙНАМОҚ ОДОБИН БАЕНИ

Эй фарзанд, билғилким, кўп кишилар дебдурларким, мазоҳ — фасоднинг муқаддимасидур. Мазоҳ, яъни хонаки сўз била кишига дахл этмакдин ҳазар қилғил. Агар мазоҳ қилсанг мастиликда қилмоғилки, кўпроқ шур ва шар⁷ мазоҳдин пайдо бўлур ва фаҳш ҳақида сўз очишдин шарм қилғил. Хусусан, нард ва шатранж ўйнағон вақтда икки кишининг орасида низо пайдо бўлур деб айтмагил. Нард ва шатранж ўйнамоқни кўп одат қилмагил. Агар ўйнасанг гаров боғлаб ўйнамоғилки, ул қиморбозлиғ бўлур. Танга қўймай ўйнамоқ адабдантур. Агар ўйнамоқни яхши билсанг ҳам қиморбозликда машҳур бўлғон киши била ўйнамағил. Нард ва шатранж ўйнамоқда адаб улдурким, сен биринчи бўлиб муҳрагаг⁸ қўл урмагайсан, то ҳарифинг¹⁰ аввал на қилмоқ тиласа, шундоқ қилсун. Агар нард бўлса, аввал қаъбатайн¹¹ ни

¹ Корфармо — иш кўрсатувчи, иш буюрувчи, иш боши. ² Зулол — тиниқ сув, оппоқ ширин сув. ³ Гўшмол — танбек. ⁴ Гуногун — ранг-баранг, хилма-хил. ⁵ Арбада — шовқин-сурон, қий-чув, ғазаб.

⁶ Мазоҳ — ҳазил-мазаҳ. ⁷ Шатранж — шахмат. ⁸ Шур ва шар — фитна ва фасод. ⁹ Муҳра — шахмат доналари. ¹⁰ Ҳариф — рақиб. ¹¹ Қаъбатайн — нард ўйинидаги икки сўнгак.

ҳарифингга берғил. Аммо маstлар, турк ва авбошлар била ҳаргиз гаров боғлаб ўйнамоғил ва бир шўриш ортирмағил. Нардда қаъбатайнинг нақши учун ҳарфинг била урушмағил ва фалон ишни қилдинг деб онт ичмағил. Агар рост десанг ҳам уни барча киши ёлғон дерлар. Ҳосил улким, мазоҳ ва арбададин пархез қилғил.

Гарчи мазоҳ қилмоқ айб эрмасдур, аммо ундин эҳтиёт бўл..

Эй фарзанд, агар мазоҳ қилсанг ўзингдин пастроқ кишига қилғил, йўқ эрса қилмағил, то сенинг иззатинг кетмасун. Агар ночор айтсанг ўзингга баробар одамларга айтғил, то агар бир жавоб берсалар айб бўлмағай.

Фаҳш¹ айтмоқдин пархез қилғил. Ҳаддан зиёда мазоҳ қилмағилким, ул одамни хор ва бемиқдор² қилғувчи мазоҳ бўлур. Нединким, ҳар сўз десанг, ҳалқдин уни эшитурсан ва ҳар иш қилсанг, улусдин³ уни кўрарсан. Аммо ҳеч киши била урушмағил, нединким урушмоқ оқил ва муҳташам кишиларнинг иши эрмасдур, ёш ўғлонларнинг ва хотинларнинг ишидур. Агар иттифоқо бир киши била урушсанг, оғзингга келғон дашном ва фаҳшларни айтмағил. Ул миқдор урушғилки, ярашмоққа жой қолсун. Бирдан бешармлик қилмағил, бу иш бозори, авбошларнинг одатидур. Одатларнинг яхшироғи тавозеъли бўлмоқдур.

Шароб ичмак, мазоҳ қилмоқ ва ишқбозлик этмак йигитларнинг ишидур. Чунки ўз ишиннга ҳаддин ташқари қадам урмасанг ҳалқнинг маломатидин қутулурсан.

Билғилки, энди ишқбозликдин ҳам билғонимча сўзлайдурман. Билмасманки, сен уни бажо келтура олурмусан ё келтура олмасмусан? Бир дилдорға ошиқ бўлмоқ бағоят душвордур⁴.

Ун тўртинчи боб

ИШҚ ВА УНИНГ ОДАТЛАРИ ЗИКРИДА

Эй фарзанд, то кишининг табъи латиф бўлмағунча ошиқ бўлмағусидир, нединким ишқ бешак табъи латифликдин пайдо бўлур. Ҳар нарсаки табъи латифликдин

¹ Фаҳш — ярамас сўз, қабиҳлик, ҳақорат. ² Бемиқдор — бекадр.

³ Улус — ҳалқ. ⁴ Душвор — қийин.

пайдо бўлса, ул бешак латиф бўлур. Шул важдинким латиф табъдин латифлик туғулур.

Кўрмасмусан, йигитларнинг кўпи ошиқ бўлур. Ул жиҳатдин йигитларнинг табъи қариларнинг табъидин латиф бўлур. Фализ табъ ва ёлқов киши ҳеч вақт ошиқ бўлмас. Нединким бу бир иллатдурким, у руҳонийларга кўпроқ тушар. Аммо сен жаҳд қилиб ошиқ бўлмағилким, ошиқ бўлмоқ бағоят қаттиқ ишдур. Хусусан қашшоқликда бир муфлис¹ киши ошиқ бўлса унинг қарашлари, термулишлари қон била боғланади, қари кишининг эса олтинсиз муроди ҳосил бўлмағусидир. Бас, агар иттифоқо бир вақт сенга ошиқ бўлмоқ насиб қисла, зинҳор дилтанг бўлмағил. Нединким киши ошиқ бўлса ё висолда, ё фироқда бўлур. Билғилки, бир йиллик висол роҳати бир кунлик фироқ меҳнатига арзигусидир. Нединким ошиқлик сартосар ранж ва меҳнатдур. Агар фироқда бўлсанг, ҳамиша азобдур ва агар висолда бўлсанг, маъшуқанг сенинг кўнглингнинг ҳолидиз хабари бўлмаса унинг нозу бадхўйлиғидин² висолнинг роҳатин билмассан. Агар маъшуқанг фариштага муқарраб³ бўлса ҳам ҳеч вақт халқнинг маломатидин қутула олмассан, халқ ҳамиша сенинг маломатинг ва маъшуқанг шикоятида бўлурлар, нединки халқнинг одати шундоқдур. Бас, гар шундай экан ўзингни сақлағил ва ошиқликдин парҳез қил, ошиқ бўлмоқ хирадмандларнинг иши эрмасдур. Хирадмандлар⁴ ошиқликдин парҳез қилмишлар, нединким аввал бир зебо суратни кўргусидур, ундин сўнг кўнгулга писанд⁵ тушгусидир. Кўнгулга писанд тушғондин сўнг табъ унга мойил бўлур, кўнгул унинг суратини тақозо қилур. Агар сен шаҳватингни кўнглинг ихтиёрига қўйсанг кўнглингни шаҳватга тобеъ қилурсан ва уни (маъшуқани) яна бир кўрмоқ тадбирида бўлурсан. Иккни марта кўрғондин сўнг кўнглинг ҳавоси ғолиб бўлур, ундин сўнг уч мартаба кўрмакка қасд қилурсан. Учлончи мартаба уни кўруб, ҳар сўз айтиб жавобин эшитсанг, ихтиёри қўлингдин берурсан ва ундин сўнг ўзингни сақламоқ тиласанг ҳам сақлай олмассан. Иш илкингдин кетур. Ҳар кун ишқ зиёда бўлур, сўнгра кўнгулга ноилож тобеъ бўлурсан. Аммо агар биринчи кўрғонда ўзингни сақласанг, ақлни кўнгулга муаккал⁶ қилсанг ва

¹ Муфлис — камбағал, бечора. ² Бадхўйлик — ярамас қилиқ.
³ Муқарраб — яқин.

⁴ Хирадмандлар — ақлли кишилар. ⁵ Писанд — ёқтирилган, маъқул саналган. ⁶ Муаккал — вакил этилган, бирор иш топширилган киши.

ўзингни ўзга нарсага машғул этсанг ва маъшуқангнинг дийдоридин кўз юмиб, ўзга ерда қарор тутсанг, бир ҳафта ранж чекарсан ва ул балодин ўзингни қутқарурсан.

Лекин бундоқ иш ҳар кишининг иши әрмасдур. Бу иллатнинг иложин қилмоққа бир хирадманд киши керакдур.

Ишқ иллатнинг доруси ҳамиша оғир юқ чекмак, узоқ сафар қилмоқ ва доимо ўзини ранжга тутмоқ — бунга ўхашаш ишларни ихтиёр этмакдин ўзга нарса әмасдур.

Аммо шундоқ кишини дўст тутки, сенга унинг суҳбатидин ва хизматидин роҳат етишсин. Шунда уни қабул қил, нединким ошиқлик бошқа ва дўстлик бошқадур. Ошиқликда кишининг вақти гоҳо хуш бўлса, гоҳо ноҳуш бўлур, аммо ошиқликда мудом ранж ва балода бўлур. Агар киши йигитликда ошиқ бўлса узурдур, уни ҳар киши кўрса маъзур тутғай ва айтурким, йигитдур, айби йўқдур, лекин жаҳд қилким, қарилликда ошиқ бўлмагил. Қарининг ҳеч узри йўқдур, агар авомун-нос¹дин бўлсанг иш бир нав осондур, агар подшоҳлардин бўлсанг, зинҳор андиша қил ва ҳеч кишига кўнгул боғламаким, подшоҳга қарилликда ишқбоз бўлмоқ бафоят қийиндир.

Ҳикоят. Андокким, бобом Шамсул Маолийнинг^{17*} замонинда бундоқ хабар келтурдиларки, бир бозоргон² нинг бир зебо ғуломи бор эрди. У ғуломининг баҳосин икки минг динор дер эрди. Аҳмад Жағдий^{18*} амирнинг вазири эрди ва амир унга: «Шу ғуломни сотиб ол» деб буюрди. Аҳмад Жағдий ул ғуломни икки минг динорга сотиб олди ва Гургонга келтуруб амирга кўргузди. Амир қабул қилиб, бул ғуломга таштдориғ³ мансабин берди. Бир неча муддатдин сўнг амир қўлин ювиб ўлтурғон ҳолда ул ғуломга назар қилди. Ғулом кўзига бафоят яхши кўринди. Бир замон ўтгондин сўнг бу ҳолни ўзининг вазири Абул Аббосга баён қилиб деди: «Бу ғуломни озод қилдим ва фалон кентни унга бағишлидим. Унинг отига ёрлиқ ёзгил, унга бир яхши қиз олиб берки, то соқоли чиққунча ўзининг уйида ўлтурсун, ҳаргиз ташқари чиқмасун». Абул Аббос деди: «Жон била қабул қилурмен, аммо бу банданинг муддаоси улдурки, бу ишдин мақсадингиз на эрканин билсам. Амир деди: «Бугун

¹ Авомун-нос — оддий ҳалқ. ² Бозоргон — савдогар. ³ Таштдориғ — сочиқ тутувчи, яъни қўлга сув қўйиб турувчи хизматкор.





шундог ҳолга дучор бўлдим: саксон ёшга кирғон подшоҳнинг ошиқ бўлмоғи бафоят қабиҳдур. Мени... бандалар ва лашкарларнинг ҳолидин огоҳ бўлмоқ учун, мамлакатнинг низомин тузмоқ учун подшоҳ қилибдур. Агар мен бугун ишққа машғул бўлсан, фуқаронинг аҳволи била шуғулланишини тарк этсан, халқнинг маломатидин на янглиғ қутулурман?»

Тўғри, агар йигит ошиқ бўлса, маъзурдур. Аммо одам ҳар нечаким йигит бўлса ҳам ошиқ бўлуб, бирдин ўзин олдурмасин, сиёsat, ваҳшат йўлларин барҳам урмасун.

Ҳикоят. Ундоғ эшитибманки, Фаэнин вилоятида ўн нафар ғулом бор эрди. Уларнинг бирини Нуштегин дер эдилар. Султон Масъуд уни барча қулларидин дўст туттар эрди. Бир неча йил шу аҳвонда ўтди. Султон ўн ғуломнинг орасида қайси бирига муҳаббат пайдо қилғонин, унинг маъшуқи қайси эканлиғин ҳеч ким билмас эрди. Беш йил шундоқ юрди. Бир кун султон маст ҳолда буюрдиким: «Отам Аёзга улуфа¹, ер, пул бағишламиш эрди, уларни Нуштегин отига ёрлиғ ёзинглар». Халойиқ шундин сўнг султоннинг мақсуди Нуштегин эрканин билдилар.

Эй фарзанд, билғилки, мен сенга ҳаммасин айтдим, аммо билурманки гарчи бошингга ишқ савдоси тушса менинг айтғон сўзим била иш қилмассан.

Гас, агар ошиқ бўлсанг шундог қишига бўлғилки, ул маъшуқалиққа лойиқ бўлсун, Батлимус^{19*} (Птоломей) ва Афлотундек киши бўлмаса ва Яъқубининг ўғли Юсуфдек^{20*} сабоҳати (ҳусни) бўлмаса ҳам, бир оз малоҳати бўлсун. Шунда халойиқнинг тили таъна ва маломатдин боғлиқ бўлғай ва сенинг ишқингни маъзур тутғайлар, нединким халқ бирорвинг маломатин қилмоқдин ва айбларин айтмоқдин бир лаҳза форир эмасдур. Аммо бир жойга меҳмон бўлсанг, маъшуқангни ўзингга ҳамроҳ қилиб олиб бормагил. Агар олиб борсанг, бегоналар қошида унинг била машғул бўлмагил ва кўнглингни унга банд қилмагил, нединким уни ҳеч ким тилга олмайди ва ҳамма уни ўзингдек кўради деб хаёл қилмагил. Сенинг кўзингга у ҳар қанча яхши кўринса ҳам, ўзгаларнинг кўзинға шу миқдор ёмонроқ кўринур.

¹ Улуфа — аскар ва амалдорларга белгилаб қўйилган маош ва озиқ-овқатлар.

Ҳар замон унга мева беравермагил ва ёнингга чақириб қулоғига сўзламагилким, ҳалқ ҳар хил гумон қиласди.

Ўн олтинчи боб¹

ҲАММОМГА БОРМОҚ ЗИКРИДА

Эй фарзанд, билғилким, агар ҳаммомга бориш ниятинг бўлса қорнинг тўқ вақтида бормагил, бу била ўзингга зиёни еткарурсан. Ҳаммомга ҳар кун боришинг фойдаси йўқдур, балки зиёни бордур, чунки ҳаммом одамнинг сүяклари, баданларини мулоийм қилиб қаттиқлигини йўқотади. Шундан кейин у ҳар куни ҳаммомга бориши оdat қилур. Агар бир кун бормаса киши ўзини бемордек сезади, барча баданларин қотиб қолғондек ҳис этадур. Демак, ҳаммомга бир кун бориб, бир кун бормағон яхшидур, чунки бадан тинчланади ва ҳалқ ҳам бу одатингни раънолиқقا² мансуб қилмаслар.

Хоҳ ёз, хоҳ қишида ҳаммомга борсанг, аввал совуқ хонада ўтири, бу хонада баданинг роҳат қилсин. Сўнгра иссиқ хонага, яъни ўртадағи уйга кириб, унда бир соат ўтиргил, токи иссиқ уйдан роҳат қилғил. Иссиқ сенга таъсир қилғондан кейин хилват хонага бориб, унда ювингил.

Иссиқ сувнинг ичида ўтирмағил, кўп иссиқ ва кўп совуқ сувни бошингдан қўймағил, мұътадил³ сувни қўйғил. Агар ҳаммом холи бўлса, ғанимат билғил, чунки донишмандлар холи ҳаммомни ғанимат билғайлар.

Ҳаммомга қандай кирғон бўлсанг, шундай чиқиб кетғил, яъни мўйни қуритиб чиқғил. Чунки ҳўл мўй била чиқиб йўл юрмоқ улуғларнинг иши эмас ва ҳўл мўй била улуғларнинг саломига бориш ҳам одобдан эмасдур.

Демак, сен ҳаммомнинг наф ва зарарин билдинг, аммо ҳаммомда сув ва шарбат ичишдан парҳез қилғил. Бунинг зиёни кўндур, истисқо касали шундан пайдо бўлур. Агар жуда ҳам хумор ва ташна бўлсанг, оз ичғил, бу била хумор ва ташналик шиддати босилғай.

¹ Ун бешинчи боб тушириб қолдирилди. ² Раънолиқ — мағрурлық. ³ Мұътадил — ўртача.

Донишмандлар ҳаммомдин чиқадигон бўлсалар ҳаммомнинг жомаҳонасида бир оз ухлаб оладилар, сўнгра ҳаммомдин чиқиб кетадилар.

Ўн еттинчи боб

УХЛАМОҚ ВА ОСУДА¹ БЎЛМОҚ ЗИКРИДА

Эй фарзанд, билғилки, донишмандлар уйқуни кичик ўлим дебдурлар. Ул жиҳатдин ўлғон киши ухлағон киши била баробардур ва бу икковининг ҳам ҳеч бири оламдин огоҳ эмаслар.

Кўп ухламоқ ёмон одатдурки, баданни суст ва табиатни вайрон қилур, юзнинг суратин бошқа ҳолга айлантирур. Олти нарса кишига етишса унинг юз суратини ўзгартиради² бири дарҳол мусассар бўлғон шодлик, бири ногоҳ етишғон ғам, бири қаҳр, бири уйқу, бири мастилик ва яна бири қарилукдур. Одам қари бўлса сурати ўзгарди, аммо бу ўзгариш бошқа турга киради. Аммо киши ухлағон вақтда тирик ёки ўлик деб ҳукм чиқарип бўлмас, яъни ўлғон кишига ҳукм йўқдир, ухлоғон кишига ҳам ҳукм йўқдур.

Кўп ухлаш зиён қилғонидек, ухламаслик ҳам зарар қилур. Масалан, агар бир одамни етмиш икки соат, яъни уч кеча-кундуз жўрттага ухлатмасдан олиб юрилса, тўсатдан ўлим хавфи туғилади. Аммо ҳамма ишнинг ўлчови бордур. Чунки кеча-кундуз йигирма тўрт соат бўлур. Шундан саккиз соатни ибодатга, саккиз соатни ишратга ва руҳни тоза қўймоққа ва саккиз соатни мана шу ўн олти соат давомида қўйналғон аъзоларга ором бермакка тайин этмоқ керакдур, токи аъзо ҳаракат такаллуфидин осуда бўлсин. Аммо жоҳиллар ушбу йигирма тўрт соатнинг ярмин уйқу била ўткариб ва ярмида бедор бўлурлар. Коҳиллар² икки ҳиссасида ухлаб, бир ҳиссасида ўзга ишга машғул бўлурлар. Оқиллар бир ҳиссасида ухлаб, икки ҳиссасида бедор бўлурлар.

Билғилки, кеча бандаларнинг роҳат ва осойиши учун яратилғон ва тан жон била тирикдур. Тан жоннинг маконидур. Жон унда мутамаккиндур.

Жоннинг уч хосияти бордур: ҳаёт, ҳаракат ва сукун (ҳаракатсизлик). Таннинг ҳам уч хосияти бордур: мамот (ўлим), сукун ва оғирлик. Модомики, жон тан била

¹ Осуда бўлмоқ — дам олмоқ. ² Коҳиллар — ялқовлар.

муттасил¹дур күнгүл танни ўз хосияти била сақлар, ундиң сүңг күнгил танга иш буюрар, гоҳо күнгил танни ўз хосияти била ишдин қўяр ва ғафлатга чекиб, уйқуга элтар. Таннинг уйқуга борғони бир қулаб тушғон уйдек бўлади. Уй қулагон чоғда ичидаги ҳар ким бўлса, уни босиб қолади. Худди шунингдек, уйқу ҳам кишининг ҳамма аъзосин босиб, гўё ер била яксон қилур. Шунда қулоқ сўз эшитмас, кўз ҳеч нарса кўрмас, бурун исни, оғиз мазани, қўл юмшоқ, қаттиқ, оғир, енгилни билмас.

Уйқу беҳикмат яратилмади, балки барча ҳайвонотнинг роҳат ва осойишлари учун яратилди. Аммо уйқу учун кўп вақт сарф қилиб, кундузни кечага айлантиримоқ ҳикматдин эрмасдур. Аммо улуғлар ёз фаслида чошт² вақти қайлула³ қилсалар раводур, филжумла⁴, бизларга умримизнинг кўпроғин бедорликда ўткармак керакдур, нединким, туганмас узоқ уйқу олдимиизда бордур.

Эй фарзанд, уйқу қилмоқ тиласанг оқшом ё кундуз танҳо ухлағил, ё бир зебо шоҳид била ухлағил, нединким ўлғон била ухлағон баробардур, икковининг ҳам оламдин хабари йўқдур. Лекин бири ҳаёт уйқусидир ва бири мамот уйқусидир. Аммо икковининг орасидағи бундай фарқни билмоқ керакдур.

Эрта туришни одат қил.. Ҳар кишиким қуёш чиққунча уйқуда бўлса, ризқи кам бўлур...

Агар ишинг бўлмаса, кўнглинг тиласа шикор⁵ тамо шасига борсанг ва сайд андоғлиқ⁶ қилсанг раводур.

Ўн саккизинчи боб ШИКОРГА ЧИҚМОҚ ЗИКРИДА

Эй фарзанд, билғилким, отга минмоқ, шикорга бормоқ ва чавгон ўйнамоқ улуғларнинг ҳамда подшоҳларнинг ишидур. Аммо ҳар ишининг ҳадди, андоғаси ва тартиби бўлур. Ҳар куни шикорга чиқмағил, тартиб бузилур. Бир ҳафта етти кундир. Икки кун шикорга чиқғил... икки кун ўз рўзғоринг ишига машғул бўлғил.

¹. Муттасил — тулаш. ² Чошт — тушга яқин вақт. ³ Қайлула — чоштгоҳ вақтидаги уйқу. ⁴ Филжумла — қисқаси, бир сўз билан, лўнда қилиб гапиргандা. ⁵ Шикор — ов. ⁶ Сайд андоғлиқ — овчилик.

От минсанг кичик отга минмағилким, кишининг жусаси ҳар қанча улуғ бўлса ҳам кичик ва ҳақир¹ кўрунур. Агар кишининг сурати ҳар қанча ҳақир бўлса ҳам, катта отга минса шукуҳлик² ва ҳайбатлик кўринур.

Сафарда йўрға отга минғилким роҳат қиласан. Шаҳарда юртоқ, тунд ва шўх отга минғил, токи отнинг юртоқ ва шўхлиғи сабаби била ўзингдин ғофил бўлмағайсан. Шикорга чиқсанг, беҳуда от чопмагил, беҳуда от чопмоқ боланинг ишидур.

Қочғон дарранданинг изидин от чопмагил, нединким, унда заардин бошқа ҳосил йўқдур. Бизнинг аслимиздин икки улуғ подшоҳ сибоъ³ ва дарранданинг шикорида ҳалок бўлдилар: бири менинг отамнинг бобоен амир Вушмагир бини Марзаён ибн-Зиар бинни Зиёр ва бири менинг амакимнинг ўғли амир Шараф ал-Маолий.

Сен дарранданинг изидан чопмагил, то сендин кичиклар ҳам чопмасунлар. Сен бир улуғ подшоҳнинг олдида бўласанг на ўзингни кўргузмак ва ном чиқармак учун чопсанг арзиди.

Агар шикор томошасига майлинг бўлса қарчиғай, итолуку, шоҳин, шунқор ва ит била шикор қилмоққа машғул бўлғил. Бу вақтда ҳам шикор қилгунгдур ҳам сенга ҳеч хатар бўлмағусидур ва ҳар қанча сайд қилсанг, гўшти емакка ярағусидур. Агар сибоъни сайд қилсанг, гўшти емакка ва пўстини киймакка ярамоғусидур. Бас, шикор қилсанг икки тариқада қилғилким, подшоҳлар икки тариқада қилурлар: баъзилари ўз қўллари била қуш солурлар ва баъзилар ўз қўллари била қуш солмаслар. Агар подшоҳ бўлмасанг, кўнглинг қандай хоҳласа, шундай қил, агар подшоҳ бўлсанг ва ўз қўлинг била қуш солмоқ тиласанг, раводур. Аммо ҳеч қачон қарчиғайнин икки марта учирмагил, бу иш подшоҳларнинг иши эрмасдур. Яна агар қуш солмоқ тиласанг, бошқа қушни олиб солғил, нединким, подшоҳларнинг шикор қилишдин мақсуди гўшт эмас, балки тамошадур. Агар подшоҳ ит била шикор қилса, итнинг қалодасин⁴ ўз қўли била очмоғи муносиб эрмасдур. Уни подшоҳнинг олдида турғон бандалар очсун ва подшоҳ назорат қилиб турсун.

¹ Ҳақир—кучсиз, паст, тубан. ² Шукуҳлиғ—савлатли, ҳайбатли.

³ Сибоъ — йиртқич ҳайвонлар.

⁴ Қалода — итнинг бўйнига тақилган ҳалқасимон тасма.

Ұн тұққизинчи боб

ЧАВГОН ЎЙНАМОҚ ЗИКРИДА

Әй фарзанд, агар чавгон үйнамоқ тиласанғ тоқ-тоқ үйнағыл, аммо ҳамма вақт үйнамоқни одат құлмағилки, күп кишилар бу ишда күп балоларга учрабдурлар.

Хикоят. Бундоқ айтурларким, Амир бинни Лайс-нинг²¹* бир күзи күр эрди. Хурасонга амир бўлғондан сўнг, тўп үйнамоқ учун бир кун саҳрода кетаётган эрди. Унинг Азҳархар²²* деғон бир сипоҳсолори¹ бор эрди. У келиб Амир бинни Лайс минғон отнинг жиловин ушлаб деди: «Сени тўп үйнагали юбормайман, чунки сенга чавгон үйнамоқ раво эрмас». Амир бинни Лайс деди: «Нима учун чавгон үйнаш сизларга раво-ю, менга раво эмас?». Азҳархар деди: «Шунинг учунки, бизларнинг икки кўзимиз бордур. Агар тўп тегиб бир кўзимизни кўр қиласа, яна бир кўзимиз қолур. Шу бир кўз била оламни кўрармиз. Сенинг эса фақат бир кўзинг бор. Агар тўп тегиб уни ҳам кўр қиласа, Хурасоннинг амирлиғидин айрилурсан». Амир бинни Лайс деди: «Хар бўлсанғ ҳам рост айтурсан, сўзингни қабул қилдим. Бундан буён ҳаргиз чавгон үйнамасман».

Әй фарзанд, агар тамоша учун бир-икки мартаба чавгон үйнасанғ раводур ва лекин кўп отлиғ била чиқиб издиҳом² құлмағилким, саккиз отлиқдан зиёда бўлишга ҳожат йўқ. Сен майдоннинг бир бошида турғил, яна бир киши майдоннинг охирида турсин. Олти киши майдонда тўпни урсин, ҳар вақт тўп сенинг тарафингга келса, тўпни урғил ва майдоннинг охирига сурғил, аммо оломоннинг ичига отмағил, чавгон үйинининг йўли шудур. Шу била бирга, мэррага етказишга муваффақ бўл. Аммо уруш майдонига кирсанг, сусткашлик құлмагил, даранг³, сусткашлик яхши эрмасдур.

Иигирманчи боб

УРУШ ҚИЛМОҚ ЗИКРИДА

Әй фарзанд, билғилки, урушда даранг, сустлик мақбул эрмасдур. Чунки уруш майдонига кирсанг ҳаргиз тақсир⁴ кўргузмагил ва жонингга раҳм құлмагил. Не-

¹ Сипоҳсолар — бош қўмондон. ² Издиҳом — тўда, омма, оломон.
³ Даранг — аста-секинлик. ⁴ Тақсир — камчилик.

динким, ҳар кишига гўрда ётмоқ муқаррар бўлса, уйда ётмоққа имкон бўлмас. Маъракада¹ ҳаракат қилиб илгари қадам қўя олмасанг ҳам, аммо бир қадамни кейин қўймағил, чунки маъракада душманлар ўртасига тушсанг, урушдин асло илгари чиқмағил. Чунки уруш била душман қўлидин қутулласан. Сенинг ҳаракат ва чобуклиғинг² ни кўрсалар, улар тағин ҳам сендин кўпроқ ғайрат ва шиддатга тушарлар. Шундай жойда ўлимга кўнгил қўйғил ва далир³ бўлғилким, қисқа қилич баҳодирларнинг қўли бирла узун бўлур.

Асло қўрқмағил. Андак қўрқинч кўнглингга келса, минг жонинг бўлса ҳам бирин ул маҳлакадин⁴ омон қутқара олмассан ва ярамас киши устингдин ғалаба қилур. Сен эса мақтул⁵ бўлурсан ва бадномлик била ёт чиқарурсан, қўрқоқлик била машҳур бўлурсан, омманинг орасида ҳеч эътиборинг бўлмас. Бу янглиғ тирикликтин ўлим яхшироқдур. Аммо ноҳақ қон тўқмоққа ботирлик қилмағил.

Шарнат била қатли вожиб бўлғон кишиларнинг, ўғриларнинг, қароқчиларнинг қонин тўқфилки, ноҳақ қон тўксанд икки жаҳонда балога гирифтор бўлурсан. Аввал улким, қисматингга яраша жазо топурсан, иккинчидан, бу жаҳонда ёмон от кўтарурсан. Ҳеч одам сендин шод бўлмас ва хизматкорларнинг умиди сендин узуулур. Ҳамма сендин қочиб, кўнгилларидин душман тутарлар. Ноҳақ қоннинг мукофотин танҳо ўзинг у жаҳону, бу жаҳонда кўргунгдур.

Мен буни китобларда ўқимишман ва тажриба ҳам қилмишман. Агар золим бу жаҳонда «мукофотин» кўрмаса, албатта ўзидин сўнг фарзандлари кўргусидур... Эй фарзанд ўзингга, фарзандларингга раҳм қилғил ва ноҳақ қон тўқмағил. Аммо ҳақ қонни тўқмакда сустлик кўргазмағилким, бу сустлик ўзингга зарар қилғусидур.

Ҳикоят. Андоқ айтурларки, менинг бобом Шамсулмаолий бафоят қаттол киши эрди ва ҳеч бир кишининг гуноҳин афв қилмас эрди. Унинг бадлиғидин лашкари гина пайдо қилиб, менинг амаким Фалакулмаолий^{23*} била бир бўлдилар. Фалакулмаолий лашкар била бирга келиб, отаси била Шамсулмаолийни тутдилар. Ул зарурат юза-

¹ Маърака — жанг, уруш майдони. ² Чобўк — чаққон, эпчил.
³ Далир — юракли, жасур. ⁴ Маҳлака — қўрқинчили. ⁵ Мақтул — қатл этилган, ўлдирилган.

сидин мулк бегонага кетмасун деб лашкарнинг сўзи билла бундоқ ишни қилди. Алқисса уни (Шамсулмаолийни) тутуб, банд қилиб, бир отга миндириб, атрофига қоровуллар қўйиб, Хаёник қалъасига жўнатдилар. Унинг муаккалларидин бири Абдуллоҳ Жаммозабон отлиқ бир киши эрди. Шамсулмаолий унга деди: «Эй Абдуллоҳ, менинг бунча улуғифим била бу ҳолга гирифтор бўлмоғимга ким сабаб бўлди?» Абдуллоҳ беш кишининг отини айтиб дедиким: «Булар сабаб бўлдилар ва мен ҳам уларнинг орасида эрдим. Мен уларнинг барчасига онт бериб ишни бу ерга еткурдим. Лекин бу ишни ўзингдин кўргил». Шамсулмаолий деди: «Нима учун?» Абдуллоҳ деди: «Халқнинг қонин кўп тўkkанинг учун бу ҳол сенинг бошингга тушди». Шамсулмаолий деди: «Сен ёлғон айтурсан, бу иш менинг бошимга киши ўлдурғоним учун тушмади, балки киши ўлдурмағоним учун тушди. Нединким, мен сени ва ул беш кишини ўлдирсан эрди, бу ҳолга гирифтор бўлмас эрдим».

Эй фарзанд, бу сўзни шу жиҳатдин дедимким, муносиб жойда қон тўкишдин воз кечмағил. Ҳар ким қочса, уни қаттиқ қувмағил. Уруш вақтида ўлимдин қўрқмағил ва жонингни аямағил, токи баданингни итлар емасинлар. Аниқ билғилки, ҳар киши бир кун туғулубдур, бир кун ўлгусидур. Нединким, жонивор уч навдур: бири сўзлайтурғон тириклар, бири нотиқлар, бири ўликлар, яъни фаришталар, одамлар, ваҳшийлар. Бас, маълум бўлдики, барча тирик ўлгусидир ва ҳеч киши ажал етмай ўлмагусидур. Демак, эй фарзанд бундоқ эътиқод қилиб қўшиш қилмоқ керакдур, токи яхши от ва олий даражага эга бўлғайсан.

Амиралмўъминнин Али Розиёни шундоғ дебдурлар... билғилки, жаҳонда мол ва неъмат қўлингга тушса, уларни жамлашга ҳаракат қилғил, яхши сақлағил ва жойида харж этғил».

Иигирма биринчи боб

МОЛ ЖАМ ЭТМОҚНИНГ ЗИКРИДА

Эй фарзанд, ўзингни мол жам этмакдин гоғил тутмагил ва лекин ҳар нарсани этмак тиласанг жаҳд қилғил, токи ҳалоллик била жам бўлсун ва ҳамиша сенга боқий ҳамда ёқимли бўлсун.

Жам этғондин сұнг яхши сақлағил ва ҳар ботил¹ иш учун уни құлдин бермағил, нединким сақламоқ йиғишин дин мушкулдур. Агар керак вактида зарур иш учун олиб харж этсанг, ҳаракат қилиб унинг үрнини тұлдурғил. Агар ҳарж этиб, яна жойин тұлдирмасанг, агар Қоруннинг^{24*} ганжидек² бўлса ҳам, у бир кунда йўқ бўлур.

Молни доимий турар деб унга кўнгул қўймағил. Токи бирор вақт у йўқ бўлса тангдил бўлмағайсан.

Агар молинг кўп бўлса уни тақдир ва тадбир била ишга яратғил. Нединким тақдир ва тадбир била яралғон озгина мол тақдирсиз ва тадбирсиз кўп молдин яхшироқдур. Агар мол оз бўлса ҳам яхши сақламоқни вожиб билғилки, ҳар киши оз нарсани сақлай олмаса, кўп нарсани ҳам сақлай олмағусидур.

Мол жам этарда коҳиллик қилмағил, бу бадбаҳтлик-нинг шогирдидур.

Ўзингга ранж берғил, яъни ўзинг Машаққат торғил, нединким мол қийинчилик била йигилади ва коҳиллик била йўқ бўлур. Донолар дебдурларки: «Ҳаракат қилинг, то ободон бўлғайсизлар ва озга қаноат қилинг, токи молларингиз кўп бўлғай, юмшоқ табиатли ва ширин сўз бўлинг, дўстингиз кўп бўлғай».

Демак, кўп ранж била топилғон ганжни ғафлат ва коҳиллик била қўлдин бермак ақлли кишининг иши эрмасдур. Қашшоқ бўлғондан сұнг ҳар қанча пушаймон бўлса, суд³ қилмайдур. Демак, молинг барқарор бўлғунча машаққат устига машаққат чекғил, сен бундин баҳраманд бўлғайсан.

Бироқ мол ҳар қанча азиз бўлса ҳам, уни дўстлардин дариф тутмағил. Ҳар ҳолда молни гўрингга олиб бормагунгдур. Аммо дахлинг⁴ на чоғлиқ бўлса, харжинг ҳам ул миқдор бўлсун. Шунда сенга қашшоқлик машаққати юзланмағай. Ҳар кишики харжини дахлидин оз қилса, ҳеч вақт қашшоқ бўлмағай.

Бор молингга қаноатда бўлғил, қаноат туганмас ганждур ва сенга тақсим этилғон насиба, кундалик овқат сенга, албатта, етишгусидур.

Яхши сўз ё халқнинг шафоати била ҳар ишкі сенга вожиб бўлса, ул ишга йигилғон молни бадал⁵ қилмағил, чунки молсиз одамнинг ҳеч қадри бўлмағусидур. Чунки халойиққа бойнинг ҳеч фойдаси бўлмаса ҳам уни дўст

¹ Ботил — бузилган, бузук. ² Ганж — бойлик, газна.

³ Суд — фойда. ⁴ Даҳл — даромад. ⁵ Бадал — айирбош, алмаштириш, сарф қилиш.

тутғусидур, ҳеч зарари етмаса ҳам қашшоқларни душман тутғусидур. Бас, халққа қашшоқликдин ёмон ҳол йўқдур...

Халқнинг оройиши¹ мўл бермакдур ва ҳар кишининг оройиши на чоғлиқ кўп бўлса, унинг қадрин шул чоғлиқ билғил. Аммо исрофни шум эътиқод қилғил. Ҳар ишнинг бир сабаби бордур. Аммо қашшоқликнинг сабаби исрофдур. Истроф танҳо молнинг харжида эрмас, балки овқатда, хулқда, сўзламакда ва ўзга ишларда ҳам ёмондур. Истроф тани алдар, нафсга ранж еткарур, ақлни қочириур, тирикни ўлдирур. Кўрмасмусанму, чироқнинг тириклиги ёғ бил ндур. Агар ёғни ҳаддан зиёда солсанг, ёғ фатила (пилик) нинг бөшига келиб, чироф ўчар. У ёғки чироқнинг ҳаётига сабаб эрди, исроф жиҳатидин мамотига (сўнишига) сабаб бўлур.

Донишлар дебдурларки, ҳеч бир ишда исроф қилмагил, исроф қилғувчи барча вақт зиёнкордур. Аммо тириклики талх қилғудек қаттиқлик қилмагил. Рўзгрингнинг зарурий ишларида тақсир нуқсон кўргузмагил. Жонингга жабр қилмагил: мол ҳар нечаким азиздур, аммо жонингдин азиз эрмасдур. Алқисса, жаҳд этиб йиғинғон молингни баҳилларнинг қўлига топширмағил ва шаробхўр, қиморбозларга эътимод қилмагил. Барча кишини ўғри гумон этмагил, токи молинг ўғридин омон бўлғай.

Мол жам этмакда хато қилмагил, ҳар одам ўз ишида хато қилса саодатдан маҳрум бўлғай ва муддаоларидин бебаҳра қолғай, нединким, роҳат меҳнатдадур. Шундоқки, бугуннинг роҳати кечаги меҳнатнинг натижасидур.

Ҳар нарса қўлингга тушса: бир тангадин икки ҳиссани ўз оиласнганга харж этгил, бир ҳиссани қарилғи ва ожизлиғи вақтининг зарурий ишларига эҳтиёт қилиб қўйғил ва ундин кўз юмиб, асло унга қўл урмагил. Қолғон икки ҳиссани ўзингнинг зийнат ва асбобингга сарф этгил.

Жавоҳир, зар ва мис асбоби тартиб била бўлсун. Агар бундин зиёдроқ бўлса, мулк олғил ва бундоғ асбобларни олғондин сўнг сотмагил. Ҳозир сотиб, яна керак вақтида олурман деб ўйламагил, чунки олинмай қолиши ҳам мумкин, уйинг асбобсиэ қолур ва оз фурсатда барча муфлис камбағалларнинг муфлиси бўлурсан.

¹ Оройиш — зийнат.

Ҳар зарурий иш учун қарз этмағил ва гаров бериб фойдасин емағил.

Қарзни бетамкин¹ликка улуғ далил билғил.

Қила олсанг, кишига танга қарз бермағил. Хусусан дүст кишиларгаки, қайтиб олмоқнинг озори бермағоннинг озоридин күпроқдур. Агар берсанг, берғон зарни ўз молинг санамағил ва уни дўстимга бағишладим деб хаёл этғил. Ўзи бермагунча уйдин талаб қилмағил, то олмоқ сабаби била дўстликка зарар етмасун ва дўстинг душман бўлмасун.

Молингдин мустаҳиқларга² едурғил. Ўзгаларнинг молидин тамаъ қилмағил, токим барча халойиқнинг яхшироқ ва азизроғи бўлғайсан.

Молингни ўзгаларнинг моли деб билғил, ўзгаларнинг молин ўз молингдан зиёдроқ билғил, токи омонатга хиёнат қилмаслик, тўғрилик била халқа машҳур бўлғайсан.

Иигирма иккинчи боб

ОМОНАТНИ САҚЛАМОҚ ЗИКРИДА

Эй фарзанд, агар сенга бир киши омонат топширса, то қила олсанг, ҳеч ҳол била қабул қилмағил. Ул жиҳатдинки, омонатни қабул қилмоқ бағоят душвордур. Мардум ва жувонмардликнинг йўли улдурки, омонатни қабул қилмағил ва агар қабул қилсанг, яхши сақлағил, токи омонатни эгасига саломат топширгайсан.

Ҳикоят. Мен шундоқ эшишибманки, бир киши бир кечча саҳар вақтида қоронфуда уйидин ташқари чиқди ва ҳаммомга бормоқ тилади. Ўз дўстларидин биринга деди: «Менинг била ҳаммомга ҳамроҳ бўлуб борғил». Ул деди: «Сенга ҳамроҳлик қилурман ва лекин ҳаммомга кирмасман, нединким, менинг бир зарурий ишим бордур». Ул киши ҳамроҳи била ҳаммом томонга кетди. Иккни йўлнинг айрилғон бошига бориб, ҳаммомга борғувчи кишига хабар қилмай изига қайтди ва ўзга йўлга равона бўлди. Иттифоқо, бир ўри ҳаммомга боргувчининг изидин тушди. Лекин ул киши: «Изимдин кетатурғон дўстимдур»— деб хаёл этди. Ул кишининг қўйнида юз тиллоси бор эрди. Ҳаммомнинг эшигида тиљлони қўйни-

¹ Тамкин — оғирлик, чидам. ² Мустаҳиқ — муносиб, лойиқ.

дин чиқариб, кеча қоронғусида танимай тиллони ўғрига берди ва деди: «Эй биродар, мен ҳаммомга кириб чиққунча бу зар сенда турсун, ҳаммомдин чиқсан менга топширгил». Ўғри зарни олиб, ул жойда ўлтурди. Ул киши ҳаммомдин чиқиб, лиbosларин кийиб йўлга равона бўлди. Ўғри унинг изидин чақириб деди: «Эй жувонмард, келғил ва мендан зарингни олғил. Бугун мен сенинг омонатингни сақлаб ўз ишимдин қолдим». Ул киши деди: «Сен кимдурсан, бу олтин қандай олтиндир?»

Ўғри деди:

— Мен бир ўғридурман ва бу сенинг менга топширган зарингдур. Ул киши деди:

— Агар сен ўғри бўлсанг, нима учун бу зарни олиб кетмадинг?

Ўғри деди:

— Агар минг тилло бўлса ҳам сендин андиша қилмай олиб кетар эрдим. Лекин сен бу зарни менга омонат топшурдинг. Омонатга хиёнат қилмоқ жувонмардликдин эрмасдур.

Бас, эй фарзанд, омонат қабул қилиб, омон сақлаб, то эгасига топширгунча сенга кўп ранж етадур. Омонат эгаси сендин ҳеч миннатдор бўлмағусидур ва айтадур-ким: «Топшурғон молимни олдим, унга не зарар тушди». Демак, чеккан ранжинг зоеъ бўлур. Агар омонатга бир оғат етиб йўқ бўлса, сенинг сўзингга ҳеч киши ишонмагусидур ва сен халойиқнинг ўртасида хиёнатчи номи била машҳур бўлурсан. Ана шундай туҳматни бўйинга кўтармак яхши эрмасдур. Агар мункир бўлсанг, сендин жабр-ситам била олурлар. Шундин сўнг сенга ҳеч одам эътибор қилмас.

Аммо агар сен бир кишига омонат қўймоқ тиласанг, молингни пинҳон бермағил ва икки одил гувоҳнинг олдидаги берғил. Бир нима берсанг қози хати олиб берғил, то сўнгра қозининг олдига бормоқдин қутулғайсан ва агар қозининг олдига борсанг ожиз ва залил¹ бўлмағайсан. Токи қила олсанг, ҳаргиз онт ичмағил ва онт ичмак била машҳур бўлмағил. Агар зарурат бўлғон вақтда онт ичсанг қабул бўлғай. Ундин сўнг тавонгар ва ростгўй бўлсанг ҳам, ўзингни дарвешлар жумласидин ҳисоблаб, камтар бўлғил, нединким, бадномлик ва дуруғўйликнинг охири қашшоқликдур.

¹ Залил — хор, тубан.

Омонатга хиёнат қилмағил, омонатни кимәйи зар дебдурлар. Ростгүй бўлғил, олам моли ростгүйликка во-«бастадур.¹ Кўшиш қил, то фириб емағайсан ва ҳазар қил, то фириб бермағайсан.

Иигирма тўртинчи боб²

УЙ ВА ЕР СОТИБ ОЛМОҚ ҲАҚИДА³

Билғил ва шоҳид бўлғилки, эй фарзанд, агар сен ер, уй сотиб олмоқ истасанг ва уни сотмоқ истамасанг, қонунга итоат эт. Сотиб олмоқ бўлсанг, касодлик вақтида сотиб ол, сотмоқчи бўлсанг талаб қилинган вақтда сот, фойда қидир, бундан уялма, дермишларки, бирон нарсани сотиб олмоқчи бўлсанг, усталик қил. Савдолашувни қўлдин берма, чунки савдолашув ва сўраш— ярим савдодур.

Бир нарса сотиб олар бўлсанг, зарар била фойдаси бир хилда бўлсин. Хонавайрон бўлмоқни тиламасанг, даромад устидан харажат қилма. Агар сармояга зарар етказишни истамасанг, зарар келтирувчи фойдадин сақлан. Мўл-кўлчиликка эга бўлмоқни, қашшоқ бўлмасликини, бировга тобеъ ва очкўз бўлмасликини тиласанг, ҳар ишда сабр қил. Сабр қилмоқ оқилларнинг ишидур. Ҳар қандай ишда ўз фойдангга бепарво бўлма, нединким, бепарволик ҳам аҳмоқликдур... Шошиш била ҳар бир иш раво бўлмас.

Агар уй сотиб олмоқчи бўлсанг, тўғри одамлар яшайдирғон кўчадин сотиб олғил,⁴ шаҳар атрофидин, девор тагидаги уйлардан сотиб олмағил. Арzon бўлур деб бузуқ уй сотиб олмағил. Уй олмоқчи бўлсанг аввал қўшнини кўр, араблар аввал қўшни, кейин уй, деганлар.

Донишманд Абузуржмеҳр дейди: «Тўрт нарса оғир фалокатдур: биринчиси — ёмон қўшни; иккинчиси — катта оила; учинчиси — жиззаки хотин; тўртинчиси — муҳтоҗлиқ».

...Шундай бир кўчадан уй сотиб олғинки, ...қўшнинг инсоғли одам бўлсин. Уй сотиб олғонингда қўшнини ҳурмат қил, унинг ҳақ-хуқуқига риоя қил, чунки шундай дейдилар: қўшни ҳаммадан ҳам катта ҳуқуққа эга.

¹ Вобаста — боғлиқ, бир-бирига боғлиқ. ² Иигирма учинчи боб тушириб қолдирилди. ³ Бу бобнинг бош қисми Оғаҳий таржимасида йўқ, форсча қўлләэмадан таржима қилинди (С. Д.).

Ўз кўчангдаги ва маҳаллангдаги одамлар била яхши яша, касалларни бориб кўр ва ҳол-аҳволларини сўра, кимга таъзия билдириш зарур бўлса, таъзия билдириш, ўлимга иштирок эт. Қўшининг ҳар бир ишига ғрдам бер. Агар қўшини шод-хуррам бўлса, шодлигига шерик бўл. Мумкин қадар таом ёки кийим-бошдан совғалар юбор, чунки сен шу кўчада энг ҳурматли кишилардан бўлғил.¹

Ҳамсоянинг ёш ўғлонларини кўрсанг, ўпид қучоғинга олиб навозиш² кўргузғил, кўчанинг қариларин кўрсанг иззат ва ҳурмат расмин бажо келтур. Ҳар киши бир кишига бир ишни қилса, ул киши ҳам унга шул ишни қилур ва киши ҳар неча яхшилик ё ёмонлик кўрса, ўз феълидин кўрар. Демак, номуносиб ишни қилмоғил ва нолойиқ сўзни айтмоғилким, ҳар ким қилинмайдурғон ишни қилса, айтилмайдурғон сўзни айтса, бошқадин қайтур ва бирордин шундоқ сўзни эшитур.

Ватан қилмоқ тиласанг, улуғ шаҳарлардан ватан қилғилки, сенинг беҳбудинг³ ундаудур. Уй олсанг шундоқ уй олғилки, томи ўзгаларнинг томидин баландроқ бўлсун, то халойиқ сени кўрмасунлар, ва сөн ҳам халойиқни кўрмағайсан.

Агар ер ва бор олсанг, мададсиз⁴ ва ҳамсоясиз ердин олмағил ва товошлиғ ерга рағбат қилмағил. Ҳар қандай ер олсанг айбисиз ва шубҳасиз ерни олғайсан ва айблиғ, шубҳалиғ ер олмағил. Ер олсанг унга иморат солмоққа машғул бўлғил ва ҳар кун янги-янги иморатлар қилғил, то ҳамма вақт уни янги ва ҳуррам кўрғайсан. Ҳаргиз ер ва боғни⁵ иморатидин қўл тортмағилки, ерга ҳар қанча хиёмат қилсанг азиз бўлур ва ҳосил беरур. Агар хиёмат қилмасанг ер юзи сенинг еринг бўлса ҳам ҳеч фойдаси йўқдур, балки зарадур.

Иигирма бешинчи боб

ЧОҲАРПОЙ (ОТ) СОТИВ ОЛМОҚНИНГ ЗИКРИДА

Эй фарзанд, агар от олмоқ тиласанг ҳушёр бўл, то хато қилмағайсанки, от била одамнинг зоти бирдек бўлур: яхши от ва яхши одамга ҳар нечук оғир қўйсанг

¹ Шу ўриндан Огаҳий таржимаси бошланади. ² Навозиш — яхшилик қилиш, сийлаш, меҳрибонлик кўрсатиш. ³ Беҳбуд — яхшилик, соғломлик, фойда, најот. ⁴ Мададсиз — кўмаксиз, ёрдамсиз.

күтарур. Агар ёмон от ва ёмон одамни ҳар нечаким ёмон десанг ҳануза оздур. Донишлар дебдурларки, жаҳон одам била барподур ва одамлар ҳайвонлар била барподур. Ҳайвонот жумласининг яхшироғи оттур. Уни азиз тутмоқ ҳам кадхудоликдур ва ҳам муруватдантур. Масалда айтурларки, отни ва либосни яхши тутғил, токи от ва либос ҳам сени яхши тутғай.

Отнинг яхши, ёмонин билмоқ одамларнинг яхши ва ёмонин билмакдин мушкулдур, нединким, одам сўзлайдур ва унинг қандайлигин сўзининг маъносидин билса бўлур. От сўзламас ва унинг давоси дийдоридур. Аввал отнинг дийдорига қарагил, дийдорига назар этғон киши хато қилмайдур, нединки, яхши отнинг дийдори одатда яхши бўлур ва ёмоннинг сурати ёмон бўлур.

Яхши кўркам отга астон байтара дерлар. Унинг тиши нозик, пайваста туташган ва оқ бўлғай. Пастки лаби узуроқ, бурни баландроқ ва кенг, манглайи кенг, чеккаси очиқ, қулоғи узун ва қулоқларининг ораси очиқ, бўйни тўғри, бўйнининг туви йўғон, орқаси баланд, буғуни қисқа, сийнаси кенг, қўл-оғенинг ораси очиқ,¹ қўйруғи қаттиқ ва узун, қўйруғининг турраси¹ нозик ва қисқа, кўё ва киприги қора бўлур. Йўл юрғонда ҳушёрдур ва орқаси қисқа, қўйруғи ўсуқ, сағриси кенг, икки сонининг ораси гўшт била тўлиқ ва бир-бирига ёпишғон бўлғай. Шунинг учун минғон киши ҳаракат қилса, унинг ҳаракатидин огоҳ бўлғай. Бу аломатларни баён қилдим. Агар бу аломатлар ҳар бир отда бўлса яхши бўлур.

Яна ҳар рангнинг бир наф ҳунари бўлур. Энг яхши рангли от тўриқ ва хурмо ранг бўлур. Ўл иссиқ ва соvuққа бардошли бўлур. Аммо хурмо ранг от, яъни жийрон от заиф бўлур. Агар гўшти, сонларининг ораси, қўл-оғи, туёғи, лабининг ости, манглайи ва қўйруғи қора бўлса, кўп яхши бўлур. Саман от, яъни сариқ қизилга мойил от бағоят яхши бўлур. Агар саман отнинг юзида нуқта-нуқта қораси бўлса, манглайи, гўшти, сонининг ораси, кўзи ва лаби қора бўлса, ул энг яхши саман от саналғай. Гулгун тусли, яъни у бир рангда бўлса ва аблак² асари бўлмаса ва адҳам³, яъни тим қора бўлса, кўзи қизил бўлмаса, ул ҳам яхшидур. Нединким, аксари қизил кўзли от девона ва айбдор бўлур. Бўз отнинг яхшиси кам бўлур. Кўк рангдаги от кўпинча бадфеъл

¹ Тұрраси — көжили.

² Аблак — ола-була, оқ-қора тусли. ³ Адҳам — қора тўриқ от.

бўлур. Хусусан кўзининг кети, туёғи оқ бўлса, бадхулқ бўлур. Кул ранг туслик отнинг оёқлари оқ бўлса, яхши от бўлур. Аблақ от ёмон бўлур ва унинг яхши қилиқлиси кам бўлур.

Мана сен отларнинг фазилатларин билдинг, энди айбларин ҳам билғил. Отларнинг бир неча турлик айблари бўлур: ҳар айбники ишга зиёни бўлса, кўргувчига ҳам зиёни бўлғай. Яна шундай ҳам от бўлурки, ўзи шум бўлур ва эгасин ўлдиратурғон бўлур. Бундай от ўзининг шу айби била бадхўй бўлур.

Ҳар айб, иллатнинг бир оти бордур. Отнинг ёмонин шул айб ва иллат била билса бўлур. Буларнинг аломатларин айтурман. Билғилки, отнинг нуқсонларидин бири—гунглик. Гунг от йўлдан чиқиб, йўлин йўқотур. Бирор шарпадин ҳуркса, уни тўхтатиб бўлмас. Аъмо от, яъни шапкўр от янада ёмон бўлур. У ўзга отлар ҳурккан нарсадин ҳуркмас ва ҳар жойга сурсанг борур, парҳез қилмас ва сени сақламас. Қар от ҳам ёмон бўлур. Бунингдек отнинг аломати улким, ўзга отлар овоз берса, ул жавоб бермас ва ҳамиша қулоғи пастга осилғон бўлур. Чап от ҳам ёмон бўлур, кўп хато қилур. Бул отнинг аломати улки, уни бир уйга бурсанг, аввал чап сёғин бўсағадин ичкари қўяр.

Шилпиқ кўзли, яъни шапкўр от кундузи кўр бўлур. Бу отнинг аломати улки, кўзи кўк ўтга мойил бўлур. Ҳамиша кўзини очиқ тутар ва кипригини тебратмас. Айби бир кўзда бўлур, баъзи отнинг икки кўзида ҳам бўлур. Аҳвал, яъни ғилай отнинг айби сиртида бўлур, лекин араблар ва форслар бунингдек отга муборак деб қараплар. Шундоқ эшишибманким, Дулдул аҳвал эрди. Аржал ва аҳим от, яъни оёғи оқ от шум бўлур, агар чап қўли оқроқ бўлса, шумроқ бўлур. Кўк отнинг икки кўзи кўк бўлса, яхши бўлур. Аммо агар бир кўзи кўк бўлса, хусусан чап кўзи кўк бўлса, ёмон бўлур. Мурғаб от, яъни кўзи қаро от ёмон бўлур. Бура от ёки қўнғир от ҳам ёмон бўлур. Аҳвар от, яъни икки аёғи қийшиқ от ёмон бўлур. Форслар уни «камон пой» дерлар — ул кўпинча йиқилур. Қойиғ от, яъни кокилининг устида тик мўй бўлғон от шум бўлур. Макхуъ от, яъни кўлтиғининг остида тик мўй бўлғон от ҳам шум бўлур ва агар икки аёғи оқ бўлса янада шумроқ бўлур. Асдаф от, яъни туёғи кичик от ҳам шум бўлур; уни ахнаф от ҳам дерлар. Отнинг қўл ва аёқи узун бўлса, ёмон бўлур, бунингдек отни афрақ дерлар.

Аъзал от, яъни қўйруғи эгри от ҳам ёмон бўлур, уни аканаф ҳам дерлар... Ит қўйруқлик от ҳам ёмон бўлур. Афҳаж от ҳам ёмон бўлур, чунки у оёқларини қўлиниг ўрнига қўя олмас. Асбақ от ҳам ёмон бўлур, чунки у ҳамиша чўлоқ бўлур, нединким суякларининг бўғинларида шиш бўлур.

Аруи от ҳам ёмон бўлур, чунки қўл бўғинларида суяк бўдур. Бул суяк оёқларининг бўғинида бўлса, ақраи дерлар. Бундай от ниҳоятда ёмондур ва ул саркашлик қилур ва миндиргони қўймас.

Шамс от кўп кишиновчи ва тишлогич бўлур, заррот от телефон бўлур, бошин кўп кўтарғон от ҳам ёмон бўлур. Қарға кўз от ҳам ёмон бўлур.

Ҳикоят. Андоқким эшитибман, Аҳмад Фарифуннинг чўпони наврўз куни Аҳмаднинг олдига келиб деди: «Мен наврўзлик келтира олмадим, аммо наврўзликдин яхшироқ бир хуш хабар келтирдим». Аҳмад деди: «Айтғил!» Чўпон деди: «Ўтғон кечак сизнинг йилқиларингиз минг нафар зоғ кўзлик той туғди». Аҳмад уни юз таёқ уруб деди: «Бу нечук хушхабардурки, менинг минг тойим шабкўр бўлғай!»

Эй фарзанд, буларни билғондин сўнг отларнинг иллатларидин огоҳ бўлғилким, ҳар бирининг бир оти бордур... Мен бу иллатларни қисқача зикр қилдим. Агар бу воқеаларни мукаммал баён қилсан, сўз чўэйлур. Бу деганларимнинг барчаси отнинг айбидур. Аммо қариллик барчасидин ёмонроқ айбдур. Ҳар айбга илож қилса бўлур, лекин қарилликка илож қилиб бўлмас.

От минмак тиласанг, хурмо ранг катта отни минғил, нединким агар кишининг сурати ҳар қанча салобатли бўлса ҳам, кичик от минса ҳақир кўринур. Билғилки, отнинг чап тарафининг қовурғаси ўнг тарафининг қовурғасидин ортиқ бўлур, санаб кўргил, агар ҳар отнинг икки тарафи баробар бўлса, унда чап томонининг қобурғаси зиёдроқ бўлғон отни олғилки, у айбсиз ва югурак бўлур, ундин ҳеч от ўтолмас. Чаҳорпой, ер, бое ва бошқа нарсалар олишни истасанг, шундай нарсаларни олғилки, у тирикликда сенга фойда келтурсинг, сендин сўнг ворисларингга яна ҳам фойда берсун ва сенинг аҳли аёлларинг ҳам манфаат топсунлар.

хотин олмоқнинг зикрида

Эй фарзанд, агар хотин олмоқ тиласанг, ўз ҳурматингни яхши сақлағил. Гарчи мол азиз бўлса ҳам, хотин ва фарзандингдин дарир тутмағил. Аммо хотинни покдил, фарзандни фармонбардор ва меҳрибон тутғил, бу иш сенинг қўлингдадур.

Хотин талаб қилсанг, хотиннинг молин талаб қилмағил. Ниҳоятда хушрўй хотин олмағилки, уни маъшуқ тутарлар. Хотин пок ниҳод¹ ва пок дил бўлсин: кадбону² эрига дўст бўлғай. Ҳаёлиғ, тақводор, тили қисқа, молни яхши сақлағувчи бўлсун. Дебдурларки, яхши хотин эрнинг ва умрнинг роҳати бўлур.

Агар хотиннинг хўбрўй, меҳрибон ва мақбул бўлса ҳам ихтиёргини буткул унга бермағил ва унинг ҳукми остига кирмағил. Нединким, Искандарга дебдурлар: «Доронинг қизин нима ўчун олиб хотин қилмассан, бағоят хушрўйдур». Искандар деди: «Жаҳон ҳалқига ғолибман, энди бир хотинга мағлуб бўлсан, кўп ёмон кўринур». Бас, ўзингдин муҳташамроқ хотинни олмағил, қиз топилса, эридан қолғон хотинни талаб қилмағил. Нединким унинг (қиз боланинг) кўнглида сенинг меҳрингдин ўзга кишининг меҳри бўлмағай, ҳамма киши бирдек бўлғай деб гумон этғай ва ўзга кишидин тамаъ қилмағай.

Аммо дўст бўлмағон ва кадбону бўлмағон хотиндин қочғил, нединким, дебдурлар: «Кадбону бўлмағон тезроқ банд бўлур, аммо ул масобада³ эрмак. Бунингдек хотин сенинг молингни қўлингдин олиб, сўнгра сени унга молик бўлурға қўймағай, ундин сўнг сен унинг хотини бўлурсан, лекин ул сенга хотин бўлмас».

Хотин олсанг улуғ салоҳлиғ⁴ хонадондин хотин талаб қилғил. Ҳар турлик авбошнинг қизин олмағил, нединким, хотинни уйнинг кадбонулиги учун олурлар, шаҳват учун олмаслар.

Хотин камолга етғон, оқила бўлғон, онасининг кадбонулигин, отасининг кадхудолигин кўрғон ва билғон бўлсун. Агар бундоқ нозанин қўлингга тушса, уни асло қўлдин чиқармағил ва жаҳд қилиб уни олғил...

¹ Пок ниҳод — тоза табиат. ² Кадбону — ўй бекаси, ишчан хотин.

³ Масоба — даража, ҳолат. ⁴ Салоҳ — яхшилик.

Агар сен хотинингга рашклик қилмасанг, у сенга самимият била муносабатда бўлур. У сенга ота-онанг ва фарзандингдин ҳам мушфиқроқ бўлур ва сенга ундин дўстроқ киши бўлмас. Агар унга ғайрат¹ кўргузсанг, сенга минг душмандин душманроқ бўлур ва бегона душмандин ҳазар қилса бўлур, лекин ундин ҳазар қилиб бўлмас.

Агар қиз олсанг, уни ҳар қанча яхши кўресанг ҳам ҳар кеча унинг била ётмағил, ул барчанинг одати ушбу-дур деб хаёл этар, агар бир вақт сенинг узринг бўлса, ул хотин сенсиз сабр қилур. Агар ҳар кеча унинг била ётмоқни одат қилсанг, ул сенсиз ўзгани орзу қилур ва сабр қилмоқ душвор бўлур.

Ғайрат мардин² бажо келтурғил. Беғайрат кишини киши демағил. Ҳар кишида ғайрат бўлмаса, дини ҳам бўймағусидир. Хотинни айтғонимдек тутғондин сўнг, агар худойи таоло сенга фарзанд берса, унинг парвариши фикрида бўлғил.

Йигирма еттинчи боб

ФАРЗАНД ПАРВАРИШ ҚИЛМОҚ ЗИКРИДА

Эй, фарзанд, агар фарзандинг бўлса анга яхши от қўйғил, нединким, отадан фарзанд ҳақларидин бири, унга яхши от қўймоқдур. Яна бири улдурким, фарзандни оқил ва меҳрибон дояларга топшурғайсан. Суннат қилур вақтида суннат қилғайсан, қудратингга лойиқ тўй ва тамоша қилғайсан ҳамда ўқишини ўргатғайсан. Улуғроқ бўлғондан сўнг, агар раият³ бўлсанг, унга ҳунар ва касб ўргатғайсан, агар сипоҳ аҳлидин⁴ бўлсанг, сипоҳ илмин ўргатғайсан. Буларни билғондан сўнг шиноварлик, яъни сувда юзмакни ўргатғил. Андоқким, мен ўн ёшимда эрконда менинг бир ҳожибим бор эрди, унга Манзар соҳиб дер эрдилар. Ул от минмак илмин яхши билур эрди ва Райҳон отлиқ бир ходимим бор эрди. Отам мени ул икковига топширди, токи улар менга отда юрмоқ, наиза урмоқ, завбин отмоқ, чавгон урмоқ, каманд ташламоқ илмин ўргатғайлар. Мен уларнинг ёнида юриб, бир оз фурсатда от устида юришнинг барча илмин ўргандим ва ҳунарларини билдим. Үндан сўнг Манзар со-

¹ Ғайрат — рашқ, қизғаниш. ² Ғайрат марди — ҳақиқий рашқ.

³ Раият — тебе ҳалқ. ⁴ Сипоҳ аҳли — ҳарбий кишилар.

ҳиб ва Райхон ходим мени отамнинг олдига олиб бориб дедилар: «Эй амир, агар рухсат берсангиз эрта тонгда саҳрода фарзандингиз амирзода ўйнаса, сиз унинг барча ўрганғон ишларин кўрсангиз». Амир «Кўп яхши бўлур!»— деди. Мен иккинчи кун ҳар на билғон илмим ва ҳунаримни отамга намойиш қилдим, отам ҳожиб ва ходимга яхши хилъатлар инъом қилди. Ундин сўнг уларга деди: «Фарзандим ўргатғон ишларингизни барчасин яхши билибдур, ҳунарларнинг яхшисин ўргатмишсизлар, лекин яна бир зарур ҳунар қолибдур». Улар дедилар: «Ул на ҳунардур?» Отам деди: «Бу ўргатғон ҳунарларингизни зарур вақтда фарзандим учун бошқалар ҳам қила олур, лекин унинг ўзи қиладурғон, унинг учун бошқалар қила олмайтурғон ҳунар қолибдур». Улар «Ул қайси ҳунар?» дедилар. Амир: «Сувда юзмакдурким, бундай ишни фарзандим учун ҳамма одамлар қила олмас»,— деди. Шундан кейин иккиmallоҳни, яъни икки кемачини келтуриб, мени уларга топширди. Улар менга юзмак ҳунарин ўргатдилар. Мен каробит¹ била ул ишга машғул бўлдим ва яхши ўргандим. Бир вақт бир неча киши била кемага кириб (ўтириб) Дажла дарёсидин ўтар бўлдик. Тоғгира отлиғ жойда гирдоб бор эрди ва хавфлиғ жой эрди. Устод кемачилар ундин кўп мashaқ-қатлар била ўтар эрдилар. Биз кема била ўша жойга етушдик. Аммо кемачи уста эрмас эрди ва кемани нечук сурарни билмади. Алқисса, йигирма етти чоғлиқ киши барча бирдан ғарқ бўлдик. Аммо мен ва яна бир киши, яъни менинг ғуломим, уни эйрак Кайковус дер эрдилар, сузуб чиқдик. Бу воқеадин сўнг отамнинг меҳри кўнглумда беҳад зиёда бўлди, садақалар бердим ва кўп дуолар қилдим. Мен отамнинг бошига ҳам шундай иш тушғонин билмас эрдим. Шунинг учун менга юзмак ҳунарин ўргатғон экан.

Бас, керакдурким, ҳар турлик фазл ва ҳунарни фарзандингга ўргатғайсан, то оталик шафқати шартин бажо келтурмиш бўлғайсан. Киши бошига на иш тушарин билмагусидур, фазл ва ҳунар ишга ярагусидур.

Демак, фарзандингга ҳунар ва фазл ўргатмакда тақсир қилмагил ва ҳар илмни ўргатувда муаллимлар таълим учун урсалар, сен шафқат кўрғузгил, майли урсунлар, нединким ёш-ўғлон илм ва адабни таёқ била ўрганур ва ўз ихтиёри била ўрганмас. Аммо фарзанд беа-

¹ Каробит — хуррам-нохуррамлик билал.

даб бўлса ва сенинг ул сабабдин қаҳринг келса, ўз қўлинг била урмағил, муаллимларнинг таёки била қўрқутғил. Болаларга муаллимлар адаб берсунлар, токи сендан ўғлингнинг кўнглида гина қолмасин. Аммо унинг кўзига ўзингни ҳайбатлиғ кўргузғил, то сени хор тутмасин ва ҳамиша сендин қўрқиб юрсин. У бир нарсани орзу қилса, қудратинг етгуңча ундин аямағил, то танга ҳавоси била сенинг ўлимингни тиламасин.

Фарзандга адаб, ҳунар ўргатмакни мерос деб билғил. Агар сен хоҳ унга адаб ўргатғил, хоҳ ўргатмағил турмуш машаққатларининг ўзи унга ўргаттур. Үндоқким дебдурлар, ота-она тарбияламаса, кеча ва кундуз уни тарбиялайдур.

Оталиқ шартин бажо келтурғилки, фарзанднинг вужудга келғондагидек тириклиқ қиласин, яъни ҳар одами ки вужудга келур ва шу кундин эътиборан ҳулқи ва табиати унга ҳамроҳ бўлур, аммо ул ожизлик ва бекувватликдин уни намоён қила олмағусидур. Катта бўлғон сойин жисми ва руҳи қувват топар ва барча руҳи¹ ривожланадур, камолга етғондан сўнг тамоми яхшилик ва ёмонлигини зоҳир қилур. Лекин сен адаб, ҳунар ва дошишни фарзанднингга ўзингдин мерос қилғил, токи унинг ҳаққин бажо келтурмуш бўлғайсан. Чунки хос кишиларнинг фарзандларига адаб ва ҳунардин яхшироқ мерос йўқтур ва омий халойиқнинг фарзандларига ҳирфа², пеша³дин яхшироқ мерос йўқдур. Пеша қилмоқ (ўрганмоқ) муҳташамларнинг фарзандларига номуносиб кўринур. Аммо пеша ҳақиқатда барча ҳунарларнинг улуғидур. Агар хос одамларнинг фарзанди юз ҳунар билса ва лекин ҳеч қасбни қилмаса, айб эрмасдур. Ҳунар эса бир кун ишга ярагусидур.

Ҳикоят. Гиштосб^{25*} ўзининг мулки ва салтанатидин жудо бўлди. Унинг қиссаси бағоят узоқдур. Салтанатдин жудо бўлғондин сўнг Рум^{26*} шаҳарларидан Кустантана^{27*} шаҳрига борди. Ёнида бир танга йўқ эрди, кишилардин бир танга ҳам тилай олмади. Аммо ундоқ эрдиким, ёшлиқда бир темирчининг фарзандин кўрмиш эрдики, ул ҳунар ўрганиб, отаси била пичоқлар ва қиличлар тузатур эрди. Гиштосбнинг толеъига ушбу ҳунар эсига тушмиш. Ноилож, бир кун уларнинг олдига бориб, темирчилик пеша (ҳунарин) син ўғонмиш

¹ Барча руҳи — ҳамма феъл-атвори. ² Ҳирфа — савдо, ҳунар.
³ Пеша — қасб.

эрди. Бир кун Рум шаҳрига борди, лекин авқотгузарлик учун ҳеч нарсаси йўқ эрди. Охир бир темирчининг дўконига борди ва деди: «Мен бу ҳунарни билурман». Алар уни муздуруллик (мардикорчилик) учун ишлатди. Ул мазкур вилоятда мутаваққиф¹ бўлди ва ул ҳунар сабабидин ўз элига келгунча ҳеч кишига муҳтож бўлмади, унинг қиссаси машҳурдур. Ундин сўнг: «Ҳеч бир муҳташам, ҳашаматли, ҳайбатли киши ўз фарзандига ҳунар ва пеша ўргатмоқни айб билмасун. Кўп вақтлар бўлурки, мол, асбоб ва шиҷоат наф қилмағусидур. Бирон пешани ўрғонса, бир кун ул пеша ишга ярағусидур», — деб буюрди. Ундин сўнг Ажам аслзодалари орасида расм ундоқ бўлдиким, муҳташам кишилардин пешасиз ҳеч ким қолмади ва унга муҳтож бўлмасалар ҳам ўзларига ул ҳунарни одат қилдилар.

Бас, фарзандингга ҳар на ўргата олсанг ўргатғил, унинг фойдаси сенга ҳам етишур. Аммо фарзандинг ба-лоғатга етғон бўлса кўргил, унинг оила бошлиғи бўлмоққа, хотин олмоқ ва рўзгор ишларига машғул бўлмоқға салоҳияти бўлса, сен унга хотин олиб берғил, токи шу била сен унинг бу ҳақин ҳам бажарғон бўләйсан. Лекин агар ўғлингни ўйлантироқ ва қизингни эрга бермоқ тиласанг зинҳор ўз қариндошларинг била беришиб-олишмагил. Бегонадин хотин олғил, нединким ўз қариндошларингдин олмасанг ҳам улар сенинг била гўшт, қондек яқиндурлар. Бошқа қабиладин хотин олғил. Бу била бир қабилани икки қабила қилмиш бўлғайсан, бегонани ўзингта қариндош қилғайсан, токи бир қувватинг икки бўлғай, икки тарафдин мададинг ва қўмагинг кўпайғай.

Аммо агар билсангким, ўғлингда кадхудо² бўлмоқлик ва хотин олмоқлик майли бўлмаса, бир мусулмоннинг қизини балога қўймагилки, иккови ҳам бир-биридин безор бўлурлар. Киз ва йигитларни ўз ҳолига қўйғил, катта бўлғондан кейин ўзи нима қилса, шундоқ қилсун.

Агар қизинг бўлса, уни мастура дояларга топширгил, токи яхши парвариш қилғайлар ва каттароқ бўлғондан сўнг муаллимга топширгил... Балоғатга етғондан сўнг ҳаракат қилиб эрга берғил, унга шафқат ва марҳамат кўргузғил, нединким қиз отанинг асири бўлур. Ўғил

¹ Мутаваққиф — тўхташ, яшаб қолиш.

² Кадхудо — рўзгор боши.

отасиз бўлса ҳам бир иш талабига бора олур ва ўзин майшатлиғ тутар. Қиз эса ожиз ва бечора бўлур. Ҳар на боринг бўлса аввал бурун қизга берғил ва унинг асбобин тузатғил. Тезроқ уни бир кишининг бўйниға банд этғил, токи унинг ғамидин қутулғайсан. Агар қизинг эрга тегмағон бўлса, уйланмағон йигитга топширғил, токи унга кўнгул боғласин ва ул бунга кўнгул боғласин.

Ҳикоят. Ундоқ аштибманки, Ажам подшоҳининг қизи Шаҳрбонуни^{28*} асир этиб, Ажамдан Арабга Салмон Форисининг^{29*} уйиға келтурдилар ва шу ерда уни эрга бермоқчи бўлдилар. Шаҳрбону деди: «То куёвни кўрмагунимча унга хотин бўлмасман. Мени мезанага ўтқизиб, арабнинг сайидларини менинг олдимдин ўтказинглар. Мен қай кишини ихтиёр қилсам, ул киши менга эр бўлсун». Уни Салмоннинг уйида бир мезанага ўтқизиб қўйдилар ва Салмон ҳам унинг қошида ўлтуруб, сайидларни унинг олдидин ўтказиб, «бу фалон, бу фалондур» деб таъриф қилур эрди ва ҳар бирининг ҳақида бир нима дер эрди.

Ҳазрат Умар^{30*} келган вақтда Шаҳрбону: «Бу кимдур?»,— деб сўради. Салмон деди: «Умардур!». Шаҳрбону деди: «Бу бағоят улуғ ва муҳташам кишидур, аммо қарикур». Ундан сўнг ҳазрат Али^{31*} ўтди. Шаҳрбону сўради: «Бу кимдур?» Салмон деди: «Ҳазрат расул Акрамнинг амакизодаси Алидур». Шаҳрбону деди: «Бу бағоят улуғ ва муҳташамдур ва менга муносибдур. Лекин мен эрта қиёматда Фотимаи^{32*} заҳродин шарм қилурман, бу жиҳатдин уни қабул қилмасман». Ундан сўнг ҳазрат имом Ҳасанни^{33*} кўриб деди: «Бу менга лойиқдур, аммо кўп хотин олибдур. Бу сабабдин уни ҳам қабул қилмасман». Ундан сўнг имом Ҳусани^{34*} кўриб деди: «Бу киши менга муносибдур, яъни бўйдоқ йигитга эрга тегмағон қиз муносиб. Мен шу вақтга қадар эрга текканим йўқ, у ҳам шу вақтга қадар уйланмағон».

Аммо, эй фарзанд, яхши юзлик¹ куёв талаб қил ва қизингни хунук юзли одамга бермагил, нединким, қиз бадрўй йигитга кўнгул қўймағусидур ва сенга ҳамда куёвга бадномлик ҳосил бўлғусидур. Кўёвнинг юзи, сўзи пок бўлсун. У номусли ва кадхудо бўлмоғи керакдур.

¹ Яхши юзлик — хушрӯй.

аммо күёв неъмат ва ҳашаматда сендин пастроқ бўлсун, у сен била фахрлансан, аммо сен у била фахрланмагил, токи қизинг иззат ва роҳат била зиндагонлик қилсан. Бундоқ бўлғонидин сўнг куёвдин кўп нарса талиб қилмагил.

Қизингни канизакдек сотмагил, токи унинг ўзи муруват ва ҳамият¹ қондасин қўлдан бермағусидур. Сен ҳар нарсани қабул қилиб қизингни куёвингнинг бўйнига банд қилғил ва шунинг била қизингнинг ҳам меҳнатидин қутулғил.

Йигирма саккизинчи боб дуст тутмоқ зикрида

Эй фарзанд, билғилки, то киши тирикдур, дўстсиз бўлмағусидур. Кишининг дўстсиз бўлғонидин биродарсиз бўлғони яхшидур. Бир ҳакимдан сўрдилар: «Дўст яхшироқдурму, ё биродар?» Ҳаким айтди: «Дўст бўлса яхшидур».

Демак, дўстларнинг иши ҳақида ўйлағил, уларга ҳадялар бермоқ, муруватлар қилмоқ била дўстлик қондасин маҳкам қилғил. Нединким, ҳар киши дўстларни ёд қилмаса, дўстлар ҳам ёд қилмағусидур ва ул киши ҳамиша дўстсиз қолғусидур.

Ҳамма вақт дўст тутмоқни одат қилғил, зероки, ҳар кишининг дўсти кўп бўлса, айблари шунча сир тутилур ва фазилати кўлаюр. Лекин ҳар вақт янги дўст топсанг, кўхна дўстларни тарқ этмагил ва улардин юз ўтурмағил, токи ҳамиша дўстинг кўп бўлсан, дебдурларки, яхши дўст кишига улуғ танждур. Одамлар ҳақида ўйлаб кўрки, улар сен била дўстлик йўлига кирарлар, аммо ярим дўст бўлурлар. Шулар била соз муносабатда бўл ва улар била ҳар турлук яхши ва ёмонда муттафиқ² бўлғил, токи улар сендин кўп яхшиликларни кўрса, тадриж³ била кейинроқ яқдил дўст бўлурлар. Бир кун Искандардин сўрдиларки: «Бунча оз сармоя била бу миқдор кўп мулкни қандай хислат била қўлга киргуздинг?» Искандар жавоб бердиким: «Талаттуф⁴ била душманларни қўлга киритдим ва тааҳҳуд⁵ йўли била дўстларни

¹ Ҳамият — ор-номусни сақлаш. ² Муттафиқ — дўст, бирлашган.
³ Тадриж — аста-секин. ⁴ Талаттуф — раҳмдиллик, юмшоқлик билан муомала қилиш. ⁵ Тааҳҳуд — аҳд қилиш, сўз бериш.

йўлга солдим. Бу жиҳатдин шунча мамлакатни қўлга олдим».

Яна билғилки, дўстларнинг дўстлари ҳам дўстларингдур. Эҳтимолки, унинг ўша одамга дўстлиғи сенинг дўстлиғингдин кўпроқдур. Агар дўстинг сенинг душманнингни севса, бундай дўстдин эҳтиёт бўл, нединким бундай дўст душман тарафидин сенга ёмонлик қилишдин ҳам андиша қилмағай. Сенинг дўстингга душман бўлғон дўстдин ҳам парҳез этғил.

Ҳар дўстким, сендин ҳеч сабабсиз гинали бўлса, унинг дўстлиғидан тамаъ қилмағил ва жаҳонда ундан айблироқ ва ундан ҳам ёмонроқ бўлмағай.

Билғилки, жаҳонда айбисиз одам бўлмас, аммо сен салоҳиятлиғ, мурувватлиғ бўл, нединким бундайларнинг айби кам бўлур. Мурувватсиз, фазилатсиз кишини дўст тутмағилки, бундай кишининг хосияти бўлмас ва уларни нон дўстлари зумра¹ сидин тутғил, нединким улар нон дўстидурлар, ор ва номус дўсти эмасдурлар.

Яхши, ёмон одамни билғил ва икковига ҳам дўстлик қилғил. Яхшиларга кўнгул била ва ёмонларга тил била дўстлик қилғил, токи икки тоифанинг ҳам дўстлиғи сенга нисбатан ҳосил бўлсун, нединким, кишининг ҳожати танҳо дўстиға тушмағусидур. Бир вақт бўлурки, кишининг ҳожати зарурат юзидин ёмонларга ҳам тушғусидур. Демак, бу икки тоифанинг ҳам дўстлиғин ҳосил қилғил.

Ақлсиз одамлар била ҳаргиз дўст бўлмағил. Ақлсиз дўст ақлли душмандин ёмонроқдур, чунки ақлсиз дўст шундоқ иш қилурки, ақлли душман уни қила олмас. Мурувватлиғ, илмлиғ ва вафолиғ кишиларни дўст тутғилки, то сен ҳам ул фазилатлар била янада машҳур бўлғайсан. Бемурувват, меҳр-шафқатсиз, ҳунарсиз (илмсиз) кишилар била ўлтурмағил. Беҳунар била ўлтурғондан танҳолиғ яхшироқдур. Ҳаргиз дўстларнинг ҳақин зоеъ қилмағил, то сендин маломат қилмасунлар.

Одамлар икки гуруҳ бўлурлар: бири дўстларининг ҳақин зоеъ қилғувчи ва бири — яхшиликни яхши билғувчи. Билғилки, дўстликка лойиқ одамни икки нарса била билса бўлур: бири улки, дўстига тангдастлик етишғон вақтда қудрати етгунча молин дўстидин дариг қилмас ва қашшоқлик вақтида ундин юз ўғирмас, яна бири улки, дўсти бу жаҳондин ўтғондан сўнг ҳам ул дўстининг фарзандларин, қариндошларин ва дўстларин талаб қилғай, уларга яхшилик кўргузғай. Гоҳ-гоҳ ул дўстининг

мазори зиёратига борғай ва ҳасрат чекиб, дуолар қилғай.

Ҳикоят. Ундоғ эшитибманки, Сүқрот ҳакимни ўлдириш учун олиб бораётган чоңда унга: «Бутпараст бўл!» — деб кўп айтдилар. Ул деди: «Бундоқ сўзни айтурдин тил чекингларким, мен ҳаргиз ул ишни қилмасман!» Уни ўлдиришга олиб борар эдилар. Шогирдларидин бир жамоа унга ҳамроҳ бўлиб борар эдилар. Улар йиглаб, зорлиғ қилиб сўрадилар: «Эй ҳаким, энди ўлимга кўнгил қўймишсан, айтғил, сени қайси ерга дағн этайлик?» Сүқрот табассум қилиб деди: «Қай жойни кўнглунгиз тиласа, ул жойга дағн қилинг, яъни менинг жасадим қайда бўлса, сўнгакларим унда бўлғай, фақат мени ёд қилсангиз бас!»

Эй фарзанд, одамлар била дўстлигинг ўртача бўлсун. Дўстим кўп деб барчасига умид била кўнгул боғламағил, илгари ва кейинга қарагил. Дўстларингнинг эътиқодидин ғофил бўлмағил. Агар сенинг мингта дўстинг бўлса, зоҳирда барчасига сендин дўстроқ киши бўлмағай. Дўстликни фароғлиқда ва тангдастликда имтиҳон қилғил, фароғлиқда роз ва таом била, тангдастликда суд ва зиён била.

Ҳар дўстки, сенинг душманингни душман тутмас, уни дўст демагил.

Агар қашшоқ бўлсанг, молдор дўст талаб қилмағил, нединким қашшоқни ҳеч киши дўст тутмасиудур, хусусан молдорлар ёмон кўргусиудур. Үзингга лойиқ дўст ахтарғил. Агар сен молдор бўлсанг ва қашшоқ дўст тутсанг, бу раводур. Аммо ҳалқнинг дўстлиғига кўнглингни рост тутғил, токи барча ишларинг тўғри бўлғай!

Агар дўстингнинг кўнгли ҳеч гуноҳсиз сендин қолса, уни қайтиб келурга машғул бўлмағил, нединким тамаътири, кекчи дўстдин узоқ бўлғил, унинг дўстлиги ҳақиқий эрмасдур, балки тамаъ учундур. Ҳасадлиғ кишиларга ҳаргиз дўст бўлмағил, чунки ҳасадлик киши дўстлиқка лойиқ эрмасдур, чунки ҳосиднинг¹ ҳасади ҳаргиз кетмасиудур ва ҳамиша сендин озурда² ва гинадор бўлғусидур.

Эй фарзанд, сен чин дўст тутмоқ ҳолидин огоҳ бўлдинг, энди душман ҳолидин ҳам огоҳлик топғил.

¹ Ҳосид — ҳасадчи, бирорининг борлигини кўролмовчи. ² Озурда — озор чеккай, ранжиган.

Иигирма түйкөзинчи боб ДУШМАНДИН АНДИША ҚИЛМОҚ ЗИКРИДА

Эй фарзанд, жаҳд¹ қилиб ҳаргиз ҳеч кишини ўзинга душман тутмагил. Аммо бир киши ногоҳ сенга душман бўлса, асло қўрқмагил, лекин унинг ошкор ва ниҳон ишларидин ғофил бўлмагил ва ҳамиша унинг тадбирида бўлғил. Ҳар вақт унинг ҳийласидин хабардор бўлғил. Ҳамиша душманинг ҳолин ва фикр-хаёлин билмакнинг ҳаракатида бўлғил, то бир бало ва офатга гирифтор бўлмагайсан. Ишинг ривож топмаса, қувватинғ бўлмаса, душманга душманлик кўргузмагил. Ўзингни душманга улуғ кўргузғил. Агарчи ожиз бўлсанг ҳам ғайрат қил, ўзингни ожиз кўргузмагил.

Душманинг хуш сўзига кўнгул қўймагил. Агар душман ҳар қанча яхшилик кўргузса, ундин бегумон бўлмагил. Қувватлик душмандин ҳамиша ҳушёр ва эҳтиёт бўлғилки, дебдурлар: иккى кишидин қўрқмоқ керакдур: бири қавий² душман ва бири ғаддор³ дўст. Кичик душманни кам куч ва хор деб ўйламагил. Унга улуғ душмандин кўпроқ душманлик қил ва уни кичик, ожиз билмагил.

Ҳикоят: Шундоқ әшитибманким, Хуросонда Мухаллаб отлиғ бир муҳташам иёр^{35 *} бор эрди. У бир кун кўчада юриб борур эрди, йўлда ётғон бир қовуннинг пўчогига суруниб йиқилди. Дарҳол личногини чиқариб ҳалиги пўчоқни пичноқлади. Унинг чокари деди: «Сарҳанг⁴, бунча иёр ва муҳташам бўла туриб пўчоққа пичноқ урдинг, бунинг боиси недур, шарм қилмасмусан?» Мухаллаб деди: «Мени-ку йиқитғон пўчоқ бўлгач, хўш кимга пичноқ урай? Ҳар ким мени йиқса, ул душманимдур».

Демак (душман) ҳар қанча хор бўлса ҳам, уни хор ва ҳақири билмагилким, ҳар ким душманни хор тутса тезроқ ўзи хор бўлур.

Бас, душман сени ҳалок этмасун, балки сен унинг ҳалокати тадбирида бўлғил. Аммо душманга ғолиб бўлсанг, фахрланиб ҳамиша ожизлигин ва манкуб⁵ лиғин ҳалққа зоҳир қилмагил ва «шундай ғолиблик била унинг ожизлигига тараҳҳум қилдим»— демагил. Агар

¹ Жаҳд — тиришиб, астойдил ҳаракат қилиш.

² Қавий — кучли, қувватли. ³ Ғаддор — алдамчи, хиёнатчи, беражм, золим. ⁴ Сарҳанг — лашкарбоши. ⁵ Манкуб — баҳтсиз, авобда қолган, хароб.

ул сенга ғолиб бўлса, улуғ ору номусдурки, бир ожиз душманга мағлуб бўлмиш бўлғайсан. Агар душман бир кичик подшоҳ бўлса, ногоҳ бир улуғ подшоҳга ғолиб бўлса, шоирлар унинг отига зафарномалар айтурлар, котиблар фатҳномалар ёзурлар ва уни улуғ подшоҳдин баландроқ таъриф этурлар, унинг лашкарларини, пиёда ва суворийларини шердин, аждаҳодин зиёдароқ тавсиф қилурлар шаън-шавкат ва фавқулодда ҳодисаларни мадҳ қилишни вужудга келтиурлар, нединким агар ул мағлуб бўлғон улуғ подшоҳни ожизлик била мазаммат қилсалар, зафар топғон кичик подшоҳга ҳеч қандай ифтихор ва номдорлиғ бўлмағусидур.

Ҳикоят. Бир вақтда бир хотин подшоҳ бор эрди. Уни Саййида³⁶* дер эрдилар. (У хотин) Подшоҳ бағоят афифа, зоҳида¹ ва малик зода² хотин эрди. Саййида менинг онамнинг амакисига қиз эрди ва Фахруддавла-нинг хотини эрди. Фахруддавла вафот қилди, ундин бир ўғил фарзанд қолди. Унга Миждуддавла деб от қўйиб, подшоҳлик хутбасин унинг отига ўқидилар. Унга подшоҳлик отин бердилар. Аммо ўттиз йилгача онаси подшоҳлик қилди. Миждуддавла катта бўлди, аммо кўп ярамас эрди, оти подшоҳ, лекин ҳамиша канизаклар била ишрат сурар эрди. Онаси Рай, Исфаҳон ва Кўҳистон вилоятларида ўттиз йилдин кўпроқ подшоҳлик маснадида ўлтуриб, ҳукумат сўрарди.

Эй фарзанд, бу сўздин менинг мақсадим улдурким: сенинг бобонг султон Маҳмуд Фозий бир вақт ул хотиннинг олдиға элчи юбориб дедики: «Хутба ва сиккани³ менинг номимга музайян қилғил ва хирож берғил. Иўқ эрса бориб вилоятингни олиб, сени нес-нобуд қилурман ва кўп таҳдид, таҳвиф кўргузиб, вайрон қилурман»— деб нома юборди. Элчи номани ва пайғом⁴ни Саййидаға юборди. Саййида элчига деди: «Султон Маҳмудга айтғил, менинг эрим тириклидка сен биз томонга йўл солмасанг ва Райга ҳужум қилмасанг деб кўнглумга келур эрди. Менинг эрим ўлди, сўнг бу андиша менинг бошимга тушди ва дер эрдимки, султон Маҳмуд улуғ ва оқил подшоҳдур ва ўзи яхши билурки, шунингдек улуғ подшоҳ менингдек бир ожиз хотиннинг урушига келмоғи бағоят номуносидур. Энди шунча сўз била ҳам келмак

¹ Зоҳида — диндор. ² Малик зода — подшоҳзода. ³ Сикка — олтин, кумуш ва чақа пул устига урилган тамға. ⁴ Пайғом — хабар, дарак.

тиласа, келсун. Ҳақ гувоҳ бўлғайки, мен ҳаргиз қочмадумдур ва уруш майдонида барқарор турғумдур, нединким уруш икки ишдин ташқари бўлмағусидур; икки лашкарнинг бири шикаст ва бири зафар топғусидур. Агар мен унга шикаст берсам, барча оламға: «Жаҳон подшоҳларига шикаст берғон султонга шикаст бердим!»— деган мазмун била нома ёзарман. Яна шуаро¹ ва фузалолар² ҳам фатҳнома ёзарлар ва қасидалар айтарлар. Бу иш бутун оламга машҳур бўлур. Агар ул зафар топиб, менга шикаст еткурса, на сўз ёза олғай, чунки бир хотиннинг шикасти унингдек улуғ подшоҳга фатҳ ва фахр бўлмағусидур».

Султон Маҳмуд бу сўздин сўнг то ул хотин ўлмагунча унинг мулкига шикаст бермакка қасд этмади.

Демак, эй фарзанд, ҳеч душманни кичик тутмағил ва унинг ҳолидан ғоғил бўлмағил. Хусусан, уйдаги душмандин кўпроқ қўрқилики, унинг қилғон ишини бегона душман қила олмағай. Ул сендин хижолатманд бўлғондин сўнг ҳаргиз кўнглини сенинг фикрингдин холи қилмас. Сенинг барча аҳволингни билур, бегона душман эса уни билмас. Бас, ҳеч душманга яқдил, ҳақиқий дўстлик қилмағил ва лекин мажозий дўстлиғ қилғил. Эҳтимол, бундай дўстлик ҳақиқатга айланғай, нединким кўп дўстликнинг охiri душманликка ва кўп душманликнинг охiri дўстликка айланур. Сўнгти бўлғон дўстлик ёки душманлик маҳкам ва қаттиқроқ бўлур. Душмандин кўра дўстни кўпроқ қилмоққа жаҳд қилғил. Лекин мингта дўстинг бўлса, бирисин ҳам ўзингга душман қилмағил, нединким мингта дўстинг сени ҳимоя қила олмас ва ул бир душман сенга бадфеъллик била қарашдин бир нафас ғоғил бўлмас.

Халойиқнинг иссиқ ва совуғин кўтармакни ҳамиша ўзингга ор билғилки, ҳар киши ўз қадрин билмаса ўзига нуқсон қилур. Душман сендин қувватлироқ бўлса, унга душманлик изҳор қилмағил ва ҳар душман сендин ожизроқ бўлса, унинг макридин осуда бўлмағил. Агар душман омонлик тиласа, гарчи у бадкирдор ва қаттиқ душман бўлса ҳам, унга омонлик берғил ва буни улур давлат ва яхши ғанимат кўргил. Дебдуярларки: душманнинг қочғони ва омонлик тилағони (унинг) ўлғони била баробардур. Лекин бир душман сенинг илкингда ҳалок бўлса, унга шодлик қилмоғинг раводур ва агар ул ўз

¹ Шуаро — шоирлар. ² Фузало — олимлар, доинишмандлар.

ажали била ўлса, бунга шодмон бўлмагил. Агар ўзингни ўлмаслиғингни таҳқиқ¹ билсанг, ундан сўнг шодлик қил. Ҳакимлар дебдурларки: ҳар қиши душмандин бир нафас сўнг ўлса, бу ўлумни ғанимат деб билмак керакдур. Аммо барчамиз ўлмоғимизни билмағонимиздин сўнг душманинг ўлимига шодмон бўлмоғимиз муносиб эрмасдур. Барчамиз сафар қилурмиз ва ҳеч қачон ўзимиз била бирга яхшиликдин бошқа озуқни өлиб кета оймасмиз.

Ҳикоят. Эшитибманки, Искандар Зулқарнайн^{37 *} оламнинг атрофин айланиб, жаҳоннинг барча мамоликин² мусаххар³ қилди. Ундин сўнг ўз уйига келмак қасди била қайтиб Домған вилоятига етғон эрди, ажали етди, умаросига васият қилиб деди: «Мени бир тобутга қўйинг ва тобутнинг бир тарафин тешиб, ул тешикдин илкимни чиқариб, кафтимни очиб қўйинг, ундин сўнг тобутни кўтаринг, то барча халойиқ кўрсунларки, гарчи бутун жаҳон мамоликин олмишман, аммо охири холи (бўш) илик⁴ била жаҳондин борурман».

Бас, эй фарзанд, хоҳ дўстлиғ бўлсин ва хоҳ душманиғ бўлсин, барча ишни андоҳада эътидол⁵ била қилғил, нединким эътидол ақлнинг бир жузъидир. Бадҳоҳлар⁶га бадҳоҳ бўлғил, гарданкашларга⁷ гарданкаш бўлғил, ноҳон ва жанг-жўйларга сабр қилғил. Қаҳринг келғон вақтда қаҳрни ютғил ва дўст, душман била оҳиста сўзлашғил, яхши ва ёмон ҳар сўзким айтсанг, унинг жавобига кўз тутғил, ҳар сўзни халқнинг юзига айта олмассанг, изидан ҳам айтма. Сенинг айбингга тил оча олмайдек кишининг айбига ҳам тил очмагил, ҳаргиз икки юзлик бўлмагил ва икки юзлик одамдин йироқ бўлғил. Фаммоз⁸ кишидин қўрқғил, нединким унинг бир соатда бузғон ишин бир йилда тузатиб бўлмағусидур. Ҳар қанча улуғ ва муҳташам бўлсанг ҳам сендин кучлироқ киши била урушмагил. Фашёғурс^{38 *} ҳаким дебдурки: ўн хислатни ўзингга пеша қилғил, то балолардин қутулғайсан: бири шуки, ўзингдин зўр киши била урушмагил; тундхўй⁹ кишининг олдида сўзга лажож¹⁰ бермагил; ҳа-

¹ Таҳқиқ — бирор нарсанинг ҳақиқатини излаш, текшириб кўриш, ҳақиқат қилиш. ² Мамолик — мамлакатлар. ³ Мусаххар — ўзига қаратилган, фатҳ этилган. ⁴ Илик — қўл. ⁵ Эътидол — ўрта даражা, мўътадиллик. ⁶ Бадҳоҳ — бирорга ёмонлик соғинувчи. ⁷ Гарданкаш — бўйин товловчи, итоатсиз. ⁸ Фаммоз — чақимчи, сир очувчи.

⁹ Тундхўй — бир гаплик, ўз гапига қаттиқ турувчи, ўжар. ¹⁰ Лажож — бир иш ва талаб устида қаттиқ туриш.

суд¹ одам била мажлисда ўлтурмасыл; нодон киши била мунозара қылмасыл; риёй² одам била дүст бўлмасыл; ёлғончи одам била мумала қылмасыл; баҳил киши била сұхбат тутмасыл; ғаюр, тамкин киши била шароб ичмасыл; хотинлар била бир ерда кўп ўлтурмасыл; кишига сириңгни айтмасыл, токи обрўйинг тўкилмасин. Агар бир киши сенинг айбингни айтса, жаҳд ва саъӣ била ул айбни ўзингдин йироқ қылфасыл; ҳеч одамни ул миқдор таъриф қылмасылки, бир вақти келиб уни ма-заммат қила олмасысан ва ҳеч одамни ул соҳада ма-заммат қылмасылки, яна бир вақт келса уни таъриф эта олмасысан. Ҳар киши сенга муҳтоҷ бўлса, уни ги-ла, қаҳр била қўрқитмасыл, нединким ҳар киши сендин мустағний³ бўлмаса, сенинг гила ва қаҳрингдан қўрқма-ғусидур. Ҳар киши сенга муҳтоҷ бўлса, уни бирдан забун⁴ этмасыл ва агар улуғ гуноҳ қылғон бўлса ҳам афв этмасыл ва ўзингдин кичиклар била ободон, меҳрибон бўл-масыл, нединким кичиклар сенинг зироатгоҳингдурлар ва сенинг барча ишингни улар битказурлар. Агар мазраа⁵ вайрон бўлса, баргу⁶ навосиз⁷ ва ҳосилсиз қолғунгдур.

Бир ишни икки кишига буюрмасыл. Бу сенинг ам-рингдур, амринг халал топмасун. Нединким, дебурлар: икки киши шерик бўлса, қозон қайнамағусидур.

Агар бир киши сенга иш буюрса, ул ишни бажаришда ўзингга шерик тиламасыл, токи ул ишда халал зоҳир бўлмасай ва ул ишда обрўйлиғ бўлмасысан. Аммо дўст ва душманинг ҳақида карим⁸ бўлғасыл. Гуноҳи учун халқни қаттиқ тутмасыл ва ботил⁹ учун халқнинг уқу-батига кўнгул боғламасыл. Қарам ва лутф тарафин ил-гари тутғасыл, токи барча яхшига яхши кўринғасысан.

Ўттизинчи боб

АФВ ВА УҚУБАТ ҚЫЛМОҚ ЗИКРИДА

Эй фарзанд, ҳар нарса учун халқни уқубатга муста-ҳиқ¹⁰ билмасыл. Агар бир киши гуноҳ қилиб, уэр айтса қабул қылғасыл, нединким ул одамдур ва гуноҳни барча-дин бурун Одам қилибдур.

¹ Ҳасуд — ҳасадчи, кўролмовчи. ² Риёй — риёкор, иккюзлама-чи. ³ Мустағний — эҳтиёткор, тортинувачи. ⁴ Забун — ожиз бечора, кучсиә. ⁵ Мазраа, мазраъ — экин экиладиган ер, экинзор. ⁶ Барг — япроқ, бойлик. ⁷ Навосиз — мевасиз. ⁸ Карим — карамли, сахий, оли-жаноб. ⁹ Ботил — бузилган, бузук, бекор, беҳуда. ¹⁰ Мустаҳиқ — му-носиб, лойиқ.

Қаҳр била уқубат қилмағил, токи бир бегуноҳни уқубатга сазовор қилмағайсан. Ҳар нарса учун кишига ғазаб қилмағил ва ғазаб вақтида қаҳрни ютмоқни одат қил. Бир гуноҳ учун сендин афв тиласалар афв қилмоқни ўзингга вожиб бил. Агар гуноҳкорнинг гуноҳин афв қилмай, унга уқубат қилсанг, сенинг ундин зиёдалиғинг қачон маълум бўлғай? Унинг гуноҳин афв қилғонингдин сўнг уни койимағил ва унинг гуноҳин асло ёдингга келтurmағил, йўқ эрса гуноҳин афв қилмамиш бўлғайсан. Аммо ўзинг узр сўрагулик даражада гуноҳ қилмағил ва агар қилсанг узр қўлмоқдин¹ ор этмағил. Агар бир киши уқубатга лойиқ гуноҳ қилса, унинг гуноҳин ҳаддига қарагил ва гуноҳига лойиқ уқубат буюргил. Инсоф аҳли дебдурларки: уқубатни гуноҳга лойиқ қилмоқ керакдур. Аммо мен айтурманки, бир киши гуноҳ қилиб, унга уқубат қилмоқ вожиб бўлғон бўлса, сен унинг гуноҳига лойиқ уқубат қилмоқчи бўлсанг, раҳм, карам ва ҳалим тариқин қўлдин бермағил. Бу ҳолда шундоқ қилғилки, бир дирам гуноҳига ярим дирам уқубатни буюргил, токи бу била ҳам сиёсат расмин бажо келтурмиш бўлғайсан ва ҳам муруват ва карам шартин бажо келтурмиш бўлғайсан, ҳам каримлар хайлидин, ҳам сиёсат аҳлидин бўлғайсан, нединким, раҳмлик одамлардин раҳмсиз кишиларнинг иши пайдо бўлмоғи номуносидур.

Ҳикоят. Шундоқ эшитибманким, Муовиянинг^{39*} замонида бир жамоа гуноҳ қилдиларки, уларга ўлим вожиб эрди. Муовия уларни ўз олдида ўлдурмакка буюди. Уларнинг орасидин бир кишини ўлдурмак учун келтurdилар. Ул киши деди: «Эй амир, бизлар ўз гуноҳларимизға муқаррардурмиз. Ҳар уқубат қилсанг, бизларга сазовордорур. Аммо худо учун мендин икки калима сўз эшит ва жавобин берғил». Муовия деди: «Айтғил!» Ул гуноҳкор деди: «Барча оламда сенинг ҳалим-қараминг, муруватинг ҳақидағи сўз машҳур ва мунташирдур². Агар бизлар бу гуноҳни бирорта бераҳм ва золим подшоҳнинг олдида қилсак, ул подшоҳ бизларнинг ҳақимизда на иш қилур эрди?». Муовия деди: «Мен сизларга на иш қилмоқ бўлғон бўлсам, ул ҳам ушбу ишни қилур эди». Ул киши деди: «Сенинг шунча ҳалим, раҳим ва каримлиғингдин бизларга на фойда бўлгайки, гарчи сен

¹ Қўлмоқ — сўрамоқ. ² Мунташир — ёйилган, тарқалган, ҳаммага маълум бўлган.

бераҳм ва бемуруват подшоҳнинг қилғон ишин қилғайсан!» Муовия деди: «Агар бу сўзни бурунғи ўлғон киши айтса эрди, барчасин озод қилур эрдим, энди қолғонларин афв қилдим».

Бас, эй фарзанд, агар гуноҳкор афв тиласа, қабул қилғил. Агар ҳар киши сенга ҳожатманд бўлса, бақадри ҳол уни маҳрум қўймагил ва у ҳожатмандин ўз ҳақингда ёлғончи гумон айтмагил. Агар у сени яхши гумон этмаса эрди, сендин ҳожатин тиламас эрди. Ҳожатманд ҳожат тилар вақтда сенга асир бўлгусидур, асирларга эса раҳм қилмоқ керакдур, нединким асир бўлмоқ осон эрмасдур ва кўп мушкул ишдур. Бас, ушбу ишда тақсир¹ кўргузмағил, то икки жаҳон некном² лиғин топғайсан.

Агар сенинг бир кишига ҳожатинг тушса, бурун кўргулки, ул киши каримму, ё лаимму³. Агар карим бўлса, ҳожатингни тилағил, агар лаим бўлса тиламагил. Аммо каримдин ҳожат тиласанг ҳам кўп тиламагил, то қабул умиди кўпроқ бўлғай. Ҳожат тиламакда яхши андиша қилғил ва кўп талаттуф била ҳожатингни изҳор этғилики, ҳожат тиламоқдин талаттуф кўргузмак ҳожатни биткармакда улуғ шафеъдур⁴. Нединким, агар ҳожат тиламак қоидасин билсанг ҳеч жойдин ҳожатингни биткармай қайтмассан. Ҳар кишигаки муҳтоҷ бўлсанг, ўзингни унинг чокари, бандаси деб билғил...

Яна бурунғи ҳожат қабулига шукур қилмоқ сўнгги ҳожат қабулининг умидидур. Агар ҳар киши ҳожатингни раво қилмаса ўз бахтингдин кўргил ва ул одамдин гила қилмагил. Сенинг гила (гина) қилмоғингдин унинг парвоси йўқдур, чунки агар унинг парвоси бўлса эрди, ҳожатингни раво қилур эрди. Агар ҳожатинг тушғон киши лаим бўлса, ҳушёр вақтида ундин ҳеч нарса тилағил, бул вақтда у ҳаргиз ҳеч нарса бермағусидур. Аммо мастилик ҳолида тилағил, бахиллар ва лаимлар мастилик вақтида сахий бўлурлар, гарчи сўнгги кун пушаймон бўлсалар ҳам, мастилик чоғида карам қилурлар. Агар бир лаимга ишинг тушса, ўзингни раҳм жойида билғил, нединким, уч кишининг ҳолига раҳм қилмоқ керакдур: бири соҳиби ақл одамки, ақлсиз одамнинг зердасти бўлғай; бири ожиз одамнинг бўйни қавий

¹ Тақсир — камчилик кўрсатиш. ² Некном — яхши ном чиқарган.

³ Лайм — паст, хасис, нокас. ⁴ Шафеъ — воситачи, ҳимоячи.

одамга ҳам бўлғай; ва яна бири, карим киши лаим одамга муҳтоҷ бўлғай.

Эй фарзанд, агар бундин зиёдароқ илмни биладигон донишманд бўлсам эрди, сенга ўргатур эрдим ва оламдин кетар вақтимда беғам кетар эрдим. Аммо на қилайки донишдин лиёдамен. Шундоқ бўлса ҳам мендин нимаики сўз эшитғон бўлсанг қабул қилғил. Аммо сен хоҳ қабул қилғил, хоҳ қабул қилмағил, мен ҳар бир илм, ҳунардан билғонимча бир неча сўз айтдим, сўзда баҳиллик қилмадим.

Уттиз биринчи боб

ИЛМ ТАЛАБИ ВА ҚОЗИГАРЛИК ЗИКРИДА

Эй фарзанд, билғилки, аввал пеша¹лардин сўз айтуман, пешадин мақсад дўкондорлик эрмасдур. Ҳар киши ҳар ишни қўлига олса, ул ишни яхши билсин ва уни кўп варзиш² қилсин, токи ул ишдин кўп наф кўрғай. Бироқ одам наф ва ҳунарни талаб қилур. Пеша бағоят кўпдур, ҳар бирин бошқа-бошқа шарҳ қилмоқ мумкин эрмасдур ва сўз узолғусидур. Илмнинг сифати уч важҳандандур: ё бир пеша била боғланғон илм; илм била боғлиқ пеша; хайр ва далолатга тааллуқли одат. Бирор пеша била боғлиқ ишлар табиблик, мунажжимлик, муҳандислик, массоҳлик³, шоирлик ва буларга ўхшаш ишлардур. Илмга тааллуқи бор пеша: хунёгарлик⁴, байторлик⁵, бинокорлик, коризкунлик ва булардан ташқари ишлар ҳам бордур. Буларнинг ҳар бирисида шундоқ қоида бордурки, агар сен унинг расмин ва тартибин билмасанг, ҳар қанча уста бўлсанг ҳам, ул бобда серрайғон кишидек бўлурсан, яъни таажжубланиб турғайсан.

Ақлга маълум бўлғон пешани шарҳ қилмоқقا ҳожат йўқдур. Лекин мен билғонимча айтуман ва ҳар бирининг тартибин сенга баён қилурман. Булар икки ишдин ташқари эрмасдур: ё бир вақтда рӯзғор ҳаводисидин шундай бир вақт келурки, замон ҳодисалари била ул пешага муҳтоҷ бўлурсан. Муҳтоҷ бўлғон вақтда ҳар қайси пешанинг асроридин хабардор бўлғонинг ях-

¹ Пеша — ҳунар, касб. ² Варзиш — машқ, одат. ³ Массоҳ — ер ўлчовчи, танобчи. ⁴ Хунёгарлик — музика асборлари устаси. ⁵ Байторлик — отларни даволовчи.

шидур. Агар пешага муҳтож бўлмасанг, ушбу улуғлиғингда ўлтиурсан, лекин улуғларга барча илмни билмак лозимдур...

Фасл. Шариат илмининг пешаси қозилик, муфтилик ва музаккирликдур... Барча пешаларнинг орасида илми толиб бўлсанг, парҳезлар ва қониъ¹ бўлғил. Илмни дўст, бекорчи турмушни душман тутғил. Соҳиби тамкин ва сабук руҳ² бўлғил, кеч ётғил ва эрта турғил, китоб ва дарсга ҳарис³ бўлғил, ишдин малул⁴ бўлмағил, ҳифз⁵ этғил, такрор қилғил, ҳақ⁶ шунос бўлғил, ҳарна эшитсанг ёд қилғил, тақлидга рози бўлмағил, китоб, ажзо⁷, қалам, қаламтарош ва бунга ўхшаш нарсаларни ҳамиша ёнингда сақлағил, булардин ўзга нарсани ёдинингга асло келтурмағил. Оз сўзлағил ва узоқни ййлағил. Чунки ҳар бир толиби илм агар бу сифатда бўлса тез фурсатда замоннинг ягона кишиси бўлур.

Фасл. Эй фарзанд, муфти бўлсанг, диёнатлиғ бўлғил. Ҳифзинг ва дарс ўқишинг кўп бўлсун..., икки юзлик бўлмағил, тан ва либосингни пок тутғил ва ҳозиржавоб бўлғил. Ҳеч масалага то андиша қилмағунча жавоб бермағил. Ўз тақлидингга қонеъ бўлмағил ва кишининг тақлиди била ҳам иш қилмағил. Ўз раъйингни баланд билғил. Қандайдур икки изоҳга қаноат қилмағил, муътамад⁸ одамларнинг хати бўлмағунча ҳеч сўзга эътимод этмағил. Ҳар китобни ва жузвни (дафтарни) муқаддас тутғил. Агар рост сўз эшитмак тиласанг сўз ва ўйларга қарағил. Ҳар одамнинг ноаниқ сўзин эшитмағил.

Хабари мутавотир⁹ га қарағил ва ундин қочмасиғил. Жонкуярлик била сўзламасиғил. Агар мунозара қилмоқ¹⁰ тиласанг, ҳасмга¹⁰ қарағил, агар унинг била тортишмоқ-қа қувватинг бўлса ва сўз узайсун десанг далиллар ва мисоллар била мунозара қилғил. Йўқ эрса сўзни муқуф¹¹ қўйғил ва бир мисолга қаноат қилғил, бир исбот била тур, рад қилма, эҳтиёт бўлғилки, кейинги сўзинг аввалигини тескари баён қилмасин, яъни бурунғи сўзни кейинги сўз вайрон қилмасин. Агар фақиҳлар мунозара

¹ Қониъ — қаноатли. ² Сабук руҳ — шод-хуррам ҳаракатчан.

³ Ҳарис — бирор нарсага берилиш. ⁴ Малул — қайғули, ғамғин, хафа.

⁵ Ҳифз — сақлаш, ёдлаш. ⁶ Ҳақ — тўғри, рост, адл, лаёқат. ⁷ Ажзо — бир нарсанинг бўлаклари.

⁸ Муътамад — эътиқодли, ишончли, ⁹ Мутавотир — оғиздан-оғизга кўчган хабар, ёйилган, аён бўлган, оғизга тушган воқеа. ¹⁰ Ҳасм — душман, рақиб. ¹¹ Муқуф — сўзни қисқартириш.

қылсалар, сүзни урф-одатдин бошлағил ва урф-одатни қиёс, мумкинот била айтғил.

Мунозара усулида мужабет¹ ва номужабот, мумкинот ва номумкинот бўлса, айб эрмасдур. Охирги мақсадни аниқ маълум қилғил ва сўзни зийнат била деғил. Бағоят қисқа ва бағоят узун сўз айтмағил, бемаъни сўз демагил.

Фасл. Эй фарзанд, агар музаккир бўлсанг, ҳофиз бўлғил ва кўп нарсани ёд қилғил. Ҳеч киши била жадал² ва мунозара қилмағил. Курсининг устида ўлтириб (минбарга чиқиб) кўнглинг тилафон ишни даъво қилмағил, фасих³ тил била деғил, лиbosингни пок тутғил. Мажлисда ўлтурғон муридларинг орасида таъсирили сўз айтғил, токи ҳар сўзингни эшишиб улар наъра урсунлар ва мажлиsingни қиздирғил. Халқ йиғласа, сен ҳам гоҳо йиғлағил.

Курсининг устида суст ва совуқ сўзлик бўлиб ўлтурмағил, муридларинг ҳам суст бўлурлар. Ҳамиша мутаҳаррик⁴ бўлғил. Сўз айтур вақтингда мажлис аҳлига қарагил, агар сўз эшиитмоқ тиласалар сўз айтғил ва агар афсона эшиитмоқ тиласалар афсона айтғил. Чунки авом сенга харидор бўлиб, барча сени қабул этгондин сўнг ҳеч нимадан хавф этмағил. Ёмонроқ сўзни яхшироқ баҳога сотғил, нединким, қабул вақтида ҳар нарса сотсанг олурлар ва лекин қабул вақтида мудом қўрқинчда бўлғилки, музаккирларнинг хасми қабул вақтида пайдо бўлғусидур. Қабул топмағон жойда қарор тутмағил. Курсининг устида вақтингда ким сендан бир савонни сўрсалар, билғонингча жавоб берғил, билмағонингга: «курсининг устида бу масалага жавоб бермоқ муносиб эрмасдур ва уйга борғил, токи уйда бунга жавоб берурман»— деғил. Агар кўп лажож била таъна қилсалар, вараққа ёзсалар, айтғилким: «Бу масала мулҳид⁵ ва зиндиқлар⁶ масаласидур ва буни сўрагон одам мулҳид ва зиндиқдур». ...Ҳар сўзни бир мажлисда айтсанг, уни ёдингда сақлағил, токи уни яна қайтариб айтмағил ва беобру бўлмағил. Хушзабон бўлғил. Шаҳарларда кўп ўлтурмағилки, музаккирлар ва фолбинларнинг ризқи оёқ устида юрса кўп бўлур... Бозорда авомуннинг ораси-

¹ Мужабот — сабаб, баҳона. ² Жадал — тортишув, мунозара, жанжал.

³ Фасих — очик, равшан, равон. ⁴ Мутаҳаррик — ҳаракатланувчи, қимирлаб турувчи. ⁵ Мулҳид — дин аҳкомини бузғувчи, даҳри дин, фан, маслакка қарши турувчи. ⁶ Зиндиқлар — худосизлар, динга ишонмовчилар.

да күп сўзламагил, то уларнинг кўзига азиз кўрингайсан ва ёмон ишдин парҳез қилғил. Кўрсинишинлик¹ одобин сақлағил, такаббурликдин, ёлғон сўзлашдин ва ришва² дин йироқ бўлғил. Ва ўзинг қиладурғон ишни буюрғилки, ҳалқ ҳам қилсин.

Олим беамал бўлмағай. Илмни яхши ўрганғил. Билғон илмингни яхши иборалар била баён қилғил, то бемаъни даъво била хижолатманд бўлмағайсан. Ваъз ва пандни хавф ва рико била айтғил... Шундоқ сўзларни кўпроқ айтғилки, ўзинг унга қодир бўлсанг ва сенга ул сўз яхши маълум бўлғон бўлса, токи бемаъни даъво била шарманда бўлмағайсан.

Фасл. Эй фарзанд, агар донишмандликда баланд даражага етиб, қози бўлсанг оҳиста ва тамкин бўлғил ва тез фаҳм, соҳиби тадбир, пешбин³, мардумшунос⁴ ва соҳиби сиёсат бўлғил, ...ҳар гуруҳнинг урф-одатидин, йўл-йўриғидин хабардор, ҳар қавмнинг мазҳабидин огоҳ бўлғил. Керакдурким, қозилик ҳийлалари сенга маълум бўлғай. Агар бир вақт бир мазлум олдингға келса, унинг гуноҳи бўлмаса ва зулм етиб унинг ҳаққи бекор кетар бўлса, ул мазлумнинг фарёдига етғил ва тадбир юзидин ул мустаҳиқга ҳаққин еткургил.

Ҳикоят. Табаристонда бир қузот шахс бор эрди. Бу шахсни Абу-л-Аббос Руёй қозиюл қузот деб атар эрдилар. Бу одам ниҳоятда олим, мастур, пешбин ва соҳиб тадбир эрди. Бир куни бир киши унинг олдига: «Мендан юз тилло олди» деб бошқа бир кишининг устидан даъво қилиб келди. Қози унинг рақибидин сўради, у инкор қилди. Қози ул инкор этғон одамга: «Онт ичармусан?»— деб сўради. У киши: «Ичаман»,— деб жавоб берди. Қози даъво этғон кишига: «Гувоҳинг борму?»— деб сўради. У одам «йўқ», деб жавоб берди. Қози: «Гувоҳинг бўлмаса, унга онт берурман!»— деди. Ул чоғда муддаий⁵ зор-зор йиғлаб деди: «Эй қози, унга онт бермағил, ул ёлғон онт ичмоқдин асло қўрқмагусидур ва онт ичарга бағоят далирдур».

Қози деди:

— Мен шариатдин чиқа олмагумдур. Ё сен гувоҳ топғил, ё у онт исчин.

Муддаий қозининг олдида ўзин тупроққа ташлаб, зор-зор йиғлаб деди:

¹ Курсинишинлик — минбарда туриш. ² Ришва — пора.

³ Пешбин — олдиндан кўрувчи. ⁴ Мардумшунос — одамларни текшира оловчи. ⁵ Муддаий — даъеогар

— Эй қози, менинг гувоҳим йўқдур. У, албатта, онт ичар ва мен мазлум бўлиб қолурман. Зинҳор бир тадбир қилғил, йўқ эрса мени мазлум ва мағмум¹ қилурсан.

Қози унинг зорланғонин кўриб билдиким, унинг сўзи ростдур. Унга деди: «Эй хўжа, на важҳ била у кишига юз тилло қарз бермиш эрдинг?»

Мазлум деди: «Бу киши неча йилдин бери мен била дўст эрди. Иттифоқ бир канизакка ошиқ бўлди. Канизакнинг баҳоси юз эллик тилло эрди ва бу кишининг эллик тиллодин зиёда нақдга қудрати етмас эрди. Ҳеч илож топмай, оқшом-кундуз девоналардек ҳар тарафга юрар, йиғлар, фарёд чекар эрди.

Бир кун икковимиз тамоша учун саҳро сайрига чиқдик ва икковимиз танҳо бир дашт ичинда ҳар тарафга югурдик. Бир замон икковимиз бир жойда ўлтурдик. У киши менга канизак ҳақида айтиб, зор-зор йиғлаб деди: «Мен сенга йигирма йилдан бери дўст эрдим. Энди менинг ҳолимга тараҳҳум кўргизғил». Ноилож унинг ҳолига кўнглум куйиб дедим: «Эй дўст, сенда канизакнинг баҳосига еткулик ақчанг йўқдур. Бу ишда фарёдингга етиб, мадад бергудек ҳеч бир кишинг борму?»

У киши деди: «Йўқ, агар менинг фарёдимга сен етмасанг, ҳолим мушкулдир! Мен дедим: «Бори менинг юз тиллом бордурким, уни неча йилдин бери кўп меҳнатлар била жамъ этдим. Ушбу юз тиллони сенга берурман. Сен буни ўзингнинг эллик тиллонгнинг устига қўшиб, ул канизакни олғил ва бир ой муддат унинг била турғил, бир ойдин сўнг сотиб менинг заримни берғил». Бу киши мендин бу сўзни тинглагандин сўнг ўзин тупроқларга ташлаб онт ичдики: «Бир ойдин зиёда сақламасман. Бир ойдин сўнг хоҳ зиён бўлсин, хоҳ суд бўлсин сотиб сенинг тиллонгни берурман». Шундин сўнг мен ҳам ул юз тиллони белимдан ечиб олиб, унга бердим. Ул жойда мен ва унинг ўзидан бошқа киши йўқ эрди. Мана тўрт ой бўлибдур, канизакни ҳам согмайдур, менинг тилломни ҳам бермайдур». Қози деди: «Сен тиллони унга берғон вақтда қайси ерда ўлтурмиш эрдинг?» Ул деди: «Фалон дарахтнинг остида ўлтурниш эрдук». Қози деди: «Унда нечун гувоҳим йўқ дерсан?» Ул хасмға² деди: «Сен бу ерда ўлтурғил!» ва муддай-

¹ Мағмум — ғамли, ғамгин, ² Хасм — қарэдор.

га деди: «Сен тезроқ дарахтнинг остига бориб, ...да-рахтга айтғилки: «Қози сени, менинг олдимга келиб гувоҳлик берсун,— дер». Ҳасм бу сўзни эшитиб пинҳоний табассум қилди. Муддаий деди: «Эй қози, дарахт менинг сўзим била келмаса на иши қилай?» Қози деди: «Менинг муҳримни олиб борғил ва дарахтга айтғилки, бу қозининг муҳридур, қози сени айтиб юборди, борар эмушсан ва бу бобда кўргон ишининг гувоҳлик берар эмушсан, дегил».

Муддаий қозининг муҳрин олиб дарахт томонга равона бўлди ва ҳасм қозининг қошида ўлтурди. Қози бошқа ҳукмга машғул бўлди ва ҳасмга асло қарамади. Кўп вақтдин сўнг ўзга ҳукмларнинг орасида бир марта-ба ҳасмга қараб деди: «Фалон муддаий дарахтнинг ёнига етишғонмукан?» Ул деди: «Йўқ!» Қози яна ўзга ишларга машғул бўлди. Муддаий дарахтнинг остига бориб, муҳрни дарахтга кўргузуб: ...«Эй дарахт, сени қози чақирадур»— деди. Бир қанча замон ўлтуриб турди. Аммо дарахтдан ҳеч жавоб эшитмади ва ғамгин бўлиб қайтди. Қозининг олдиға келиб деди: «Эй қози, дарахтга муҳрингни кўргуздим, лекин келмади». Қози деди: «Сен билмадинг, дарахт келиб гувоҳлік берди». Үндин сўнг қози ҳасмга қараб деди: «Агар заринг бор бўлса, бу ишининг ҳақин бер, йўқ эрса канизакни со-тиб берғил». Ул киши деди: «Эй, қози, мен бу ерда ўл-турарман, ҳеч дарахт келиб гувоҳлик бермади-ку!» Қози деди: «Агар сен бу одамдин зарни олмағон бўлсанг, нима учун «муддаий ул дарахтнинг остига етдиму эр-кан, ё йўқ»,— дея сендин сўрағонимда, сен «йўқ» де-динг ва ул вақтда нечун: «Қайси дарахтдур ва ул муд-даий қайси ерга кетибдур, мен уни ҳаргиз билмас-ман»— демадинг». Қози ҳасмни мулзам қилиб, ундин тиллоларни муддаийга олиб берди.

Эй фарзанд, билғилки, барча ҳукмни китоб бўйича қилмаслар, ўз фикрлари билан ҳам ҳукм қилурлар ва бундоқ тадбирлар била ҳам ишни билиб олурлар.

Ўйингда мутавозеъ¹ бўл. Ҳукм мажлисида ҳайбатлиғ ўлтурғил. Лекин туршрўй бўлмағил, савлатлиғ бўлғил ва ҳар турли сўзни эшитмоқда ва ҳукм қилмоқда малъул бўлмағил ва сабр қилғил. Муфтиларга машварат қил. Ҳар вақт очиқ фикр билан сўзлағил. Ҳеч вақтда мазҳаблар, масалалар дарсидин холи бўлмағил, таж-

¹ Мутавозеъ — кибрисиз, адабли, тавозели.

риба ва тадбирни ҳам қўлдин бермагилки, булар қози ва қонунлар раъйига баробардур ва кўп ҳукмни шариат раъйидин қилиш қийин бўлур, қози эрса уни осон ҳал қилур. Қози мужтаҳид¹ доно ва порсо бўлмоғи лозим. Аммо у маълум вақтларда ҳукм қилмағай: очликда; ташналикда; ҳаммомдан чиқиб турғон пайтида; дилтанг бўлғонида.

Маълумки, қозининг иши ҳукм қилмоқдур, аммо имтиҳон қилмоқ эмасдур. Сўзни қисқа қилиш зарур. Геэроқ гувоҳга, ё онтга ўтсин. (Қози) даъвода мол кўплигини билса, қила олғунча тафтиш қилсун, шунда у хатога йўл қўймағай. (Қози) ўз ҳузурига одил котиблар қўйсин. У ҳаргиз ўз илки била қарз ҳужжатлари ясамасин ва ёрлиқ ёзмасин, ўзининг сўзин ва хатин қадрласин, азиз тутсин. Қозига яхши ҳунар — илм ва мулойимликдир...

Эй фарзанд, бу ҳунарни билғондан сўнг тижорат² ҷўлин ҳам олдингга олғи, токи ундин улуғ наф топайсан...

Ўттиз иккинчи боб


ТИЖОРАТ ВА БОЗОРГОНЛИК РАСМИ ЗИКРИДА

Эй фарзанд, ҳар ҳолда тижорат ва бозоргонлик пеша ҳисобида эрмасдур, аммо уни яхши санъат деса бўлур, чунки ҳақиқатда унга назар қилсанг, унинг расм-русуми худди пешавар³ларнинг расм-русумига ўхшашдир. Улуғлар дебдурларки, бозоргонлик ақлсизлик асосига, фойда топмоқ тартиби ақл асосига қурулмиш, бу — агар жоҳиллар бўлмаса эрди, жаҳон вайрон бўлур эди, деган гапдур. Бу сўздин мақсад улдурки, ҳар киши молини зиёда қилмоқ тамаъсида бўлса, бир танга учун мағрибдин машриққа борур, ўзин тоққа, дарёга урур, жонин, танин ва молин мухотарарага⁴ солар, йўғнинг поимнлигидин⁵, ҳайвонотдин (дарранда, ҳайвондин) қўрқмас, шунинг учун мағрибдин машриққа, машриқдин мағрибга бориб ҳалққа неъмат келтиурлар. Ложарам⁶ жаҳоннинг ободонлиги унинг била вожиб бўлур, бу иш бозоргондин бошқа ҳалқдан зоҳир бўл-

¹ Мужтаҳид — бирор ишда тиришувчи, тиришқоқ. ² Тижорат — савдо-сотиқ.

³ Пешаварлар — ҳунармандлар. ⁴ Мухотара — қўрқинчли, хатарли. ⁵ Ноимн — хавфли. ⁶ Ложарам — чорасиз, ноилож, шунинг учун, албатта.





мас. Бундоқ хавотирлиқ ишни ақлининг кўзи кўр бўлғон киши ихтиёр қилур.

Бозоргонлик икки нав бўлур ва иккови ҳам хатарликдур: бири муомала ва бири мусофириликдур. Муомала муқимларга¹ хосдурким, касод молларни фойда та маъ била сотиб олурлар. Бундай мол хатарлидур ва бул ишда далир², пеш³ бин⁴ киши керакдурким, касод матони суд⁵ умиди била олғай. Демак, ҳар тариқа йўл била бозоргон ўзининг моли ва танига далир бўлмоғи, бебок⁶ бўлмаслиги, ўзининг нафи учун ўзгаларнинг зиёнин тиламаслиги керакдур. Зердаст⁷ бўлғон киши била муомала қилғай, ўзидин улуғроқ одам билан муомала қилмағай. Ул шундоқ улуғ киши била муомала қилиши мумкини, ул диёнатли ва муруватли бўлғай, фирибгар кишидин қочғай. Матонинг яхши, ёмонин билмағон одам била муомала қилмағай ва моли оз одам била ҳам муомала қилмағай. Агар муомала қилса, фойдадин тамаъ қилмағай, токим икковининг орасидағи дўстлик вайрон бўлмағай.

Фойдадин умид этса, нася била муомала қилмағай-ким, оз суд кўп зиён келтуур.

Ушоқ (майда) нарсаларга назар солмагилки, паст назарлик улуғларга зарар еткарур. Бозоргонлик зарарининг асли — беҳуда харж қилмоқдур. Агар молдин суд қилсанг, суддан егил, то суд қилмағунча сармоядин емагил, нединким бозоргонликнинг катта зиёни сармоядин емакдур. Матонинг яхшиси, улдурким, ботмон тош била олиниб, мисқол била сотилса. Аммо суд умиди била ғалла олмоқдин парҳез қилғил, нединким ғалла-фуруш ҳамиша бадном ва бадният бўлур.

Диёнат камоли савдода ёлғон сўз айтмамакдур, нединким коғир ва муслумоннинг орасида савдода ёлғон сўз айтмоқ кўп ёмон феълдур. Сотмагунча ҳеч молни қўлдин бермағил. Муомалада шарм қилмағилки, улуғлар дебдурлар, шармдин кўп умид ва орзулар ҳосил бўлмағусидур ва лекин кўп бемуровватлик ва беҳаёлик ҳам бўлма, бу фойда бермас. Дебдурларки, бозоргонликнинг асли тасарруф ва муруватдур, нединким булар молни омон сақламоққа сабаб бўлур.

¹ Муқим — бир ерда истиқомат қилувчи, доимий турувчи. ² Да-лир — юракли, шижоатли, жасур, ботир, далил. ³ Пеш — илгари, олдин. ⁴ Бин — кўрувчи, ⁵ Суд — фойда. ⁶ Бебок — кўрқмас, тор-тинмас, ҳаёсиз, беларво. ⁷ Зердаст — бироннинг қўли остидаги шахс, бўйсунган.

Ҳикоят: Эшитибманким, бир кун бир бозоргон бир бўёқчининг дўконида юз тиллога мато савдо қилди ва савдодин сўнг унинг била бўёқчининг орасида ҳисоб қилурда бир танганинг устида хилоф воқеъ бўлди. Бўёқчи муҳташам киши эрди, деди: «Эй тожир¹, сен бир танганинг устида эрта тонгдин пешингача низо қилурсан, ўзга тожирлар бундоқ қилмас эрдилар».

Алқисса (тожир) кўп сўзлаб, қичқириб бўёқчининг бошин оғритди ва бўёқчи бирор тариқа йўл била бул ғавғодин қутулмоқ бўлди. Охири бўёқчи танг бўлиб, унга бир танга берди ва тожир тангани олиб кетди. Бир киши бу ҳолни кўрди ва тожирни кўп мазамат қилди.

Бўёқчининг шогирди тожирнинг изидин бориб, унга деди: «Эй тожир, менинг шогирдона ва ширинкомамни берғил». Тожир ҳалиги тангани унга берди ва ул тангани олиб қайтиб келди. Бўёқчи шогирдига деди: «Эй ҳаромэода, ул тожир эртандин то пешингача бир танга учун урушиб, ҳалқдин ҳеч шарм қилмади, на тамаъ била унинг изидин бординг?» Шогирд тангани устодига кўргузди. Бўёқчи ҳайрон бўлуб ўзига дедики: «Субҳон-оллоҳ, бу шогирд хушрўй эрмасдур ва бағоят ёшдур, бошқа бир ҳеч гумон ҳам йўқдур. Ул тожир бунча баҳиллик била нечук бундоқ саховат қилди?» Бу сўздин сўнг тожирнинг изидин бориб деди: «Эй хўжа, мен бугун сендин кўп таажжуб иш кўрдим. Бир танга учун бутун жамоанинг орасида мунозара қилиб, менинг бошимни оғритиб, ул тангани олдинг. Ундин сўнг ул тангани шогирдимга ширинкома учун бердинг. Менинг бошимни оғритмоғинг надин эрди?». Тожир деди: «Бу ишга таажжуб кўргузмағил. Мен бир бозоргон киши дурман. Бозоргонликнинг шарти шундоқдурки, савдо вақтида агар киши бир дирам зиён қилса, гўё умрининг ярми кетғондек бўлғусидур. Мурувват вақтида агар кишидин бемурувватлик зоҳир бўлса, ўз аслининг нопклиғига далилдур. Демак, мен умримни кам қилғудек зиён этмадим ва аслимнинг поклиғига гувоҳлик ҳам бердим».

Бозоргоннинг сармояси оз бўлса, ўзгаларга баҳс қилиб улуғ ишларга аралашмасун. Ўз ҳолига лойиқ мато олсун ва унинг била ўз бахтин имтиҳон қилсун.

¹ Тожир — савдогар.

Бундай пайтда агар зиён қилса ҳам, сармоядин ортиқ зиён бўлмағусидур.

Агар бир киши, фалон жойга еткурғил деб нома топширса, бурун номани ўқиб кўрсин, ундин сўнг олиб кетсин, нединким чирмаб топширилғон номада кўп балолар бўлғусидур ва нечук ҳол бўларин билиб бўлмағусидур. Ҳар бир одам нома топширса, бурун очиб ўқимоқ керакдур. Чунки бозоргон ҳар шаҳаргаким борса, ёмон хабар тарқатмасин, ҳатто таъзият, мотамли хабарни ҳам еткурмасун, шодлик хабарин айтурда нуқсон қилмасин. Йўлдошсиз ҳеч йўлга қадам урмасин ва тажрибакор ҳамроҳ талаб қилсин. Манзилга етғонда кўп карвоннинг орасига тушсин ва молларин кўп одамнинг ўртасига қўйсин. Агар пиёда бўлса, отлиқлар била ҳамроҳ бўлиб юрмасин, бегона кишидин йўл сўрамасин. Агар яхши одам эканин билса, сўрсун, нединким кўп нопок одамлар бўлурки, йўлни нотўғри кўрсатурлар. Ҳар кишиким йўлда йўлиқса, очиқ юзлик била салом берсин, ўзини мустар, фамнок қилиб кўргузмасин. Озуқсиз йўлга кирмасин ва ёзда қиш либосин олмай юрмасин.

Гарчи йўл бехатар бўлса ҳам, бадрақа¹ ва раҳдор² ни хушнуд қилсин. Бориб бир жойга тушғонда, амин (тўғри кўнгил) ва диёнатлик одамнинг уйифа тушсин. Уч тоифа била суҳбат тутсин: бири жувонмарди иёр киши била; бири муруватлик одам била; бири йўл биладурғон ва ўзгаларнинг ҳақин ҳимоя қилатурғон киши била. Молини осойиш ва фароғат вақтида исроф қилмасин, токи бир вақт келиб зарур бўлса ранж чекмасин. Ҳар ишни қила олса, ўзи қилсин ва бошқа кишига буюрмасинки, фирибгар кишилар кўп бўлұр. Аммо ростлик ва диёнатликни бозоргонликка сармоя деб билсин. Олмоқ ва сотмоқда чаққон бўлсин, кўп олиб, кўп сотсин. Қила олса, кишига насия қилмасин. Ҳар кимга насия мато бермасин. Агар насия қилса, бир неча одамлар била қилмасин: андоқким, матоси оз одам била, янги бой бўлғон одам била, сайид била, ёш бола била, қозининг вакиллари, шаҳарнинг муфтилари ва ходимлари била. Ҳар одам бу тоифалар била насия муомала қилса, ҳаргиз пушаймонликдин ва дардисарликдин қутулмоғусидур. Имтиҳон қилмағон одамдин бехатар бўлмасин, имтиҳон қилғон одамни ҳали

¹ Бадрақа — йўл бошловчи, карвон бошлиғи. ² Раҳдор — йўл соқчиси.

имтиҳон қилинмағон одамдин илгари тутмасин, нединким, умрида бир имтиҳон қилинмағон одамнинг қўлига тушгусидур. Масалда бордурки, имтиҳон қилинғон дев, имтиҳон қилинғон бўри имтиҳон · этилмағон одамдин яхшидур.

Кишини киши орқали имтиҳон қил, ундин сўнг ўзинг имтиҳон қилиб кўр, нединким бир одам бироға мувофиқ бўлмаса, бошқа бироға мувофиқ бўлиши мумкин. Аммо ҳар кишини текшириб кўриб, ишда имтиҳон қилғил, тўғридан-тўғри имтиҳонга ўтмағил ва сўзига ишониб қўймағил. Нақд чумчукни насия товусдан афзал бил.

Сафар қилсанг, дарё йўлининг ўн беш тилло фойда-сидин қуруқлик йўлининг ўн тилло фойдасини илгари тутғил, нединким дарё йўлининг суди тезлашар ва зиёни бошдан ўтар. Оз фойда учун барча сармояни барбод бермағил. Қуруқ йўлда агар хатар етса молга етади, аммо жон қолади. Молнинг иложи бўлур, дарёда эса ҳам молга, ҳам жонга эзиён ва зарар етар. Дунёнинг ишини подшоҳнинг ишиға ўҳшатибдурлар: оз-оздин келур ва бирдин кетур, лекин таажжибот осорин¹ кўрмоқ учун бир мартаба кемага миссанг, раводур. Баҳо қўймасдан олмоқ ва сотмоқ қилмағил.

Савдо жадалида ишни ўзгаларнинг қўлига бермағил. Ўзингнинг суд ва зиёнларингни ҳамиша ўзинг ҳисоб қилғил, нединким ҳисоб қилмоқ ва на чоғлик суд ва зиён бўлғонин билмоқ бозоргон учун кўп фойдали ишдур. Ҳамма вақт оз ва кўп фойдани, оз ва кўп зиёни фикр.эт ва мутолаа қил, токи суд ва зиёнингдин ғоғил қолмағайсан. Кишига хиёнат қилмоқдин қочилки, ҳар ким бирор кишига хиёнат қилса, ўзига хиёнат қилғонидур.

Ҳикоят: Шундоқ эшитдимки, бир кишининг қўйлари бағоят кўп эрди. Унинг бир порсо ва диёнатлик чўпони бор эрди. У ҳар куни қўйларни соғиб, ҳар на ҳосил бўлғон сутни қўй эгасининг олдига келтирур эрди. Қўй эгаси ул сутга ярим ҳисса сув қўшиб, чўпонга сотғил деб берур эрди. Чўпон унга бундоқ насиҳат берур эрди: «Эй хўжа, мусулмонларга хиёнат қилмағилки, ўзингга зарар еткарурсан». Ул киши чўпоннинг насиҳатини эшитмади ва ул ишни қилур эрди.

¹ Таажжибот осорин — ажойиботларни.

Бир кеча баҳор вақтида чўпон қўйларни осойиши учун бир сел оқадиғон паст жойга қўймиш ва ўзи баланд жойга чиқиб уйқуга бормиш эрди. Иттифоқо кўп ёмғир ёғиб, сел оқиб келиб қўйларни оқизиб кетди ва барча қўйлар ҳалок бўлди. Сўнгра чўпон шаҳарга келди. Қўй эгаси унга деди: «Бугун нима учун сут келтурмадинг?» Чўпон деди: «Эй хўжа, мен сенга неча бор: «Сутга сув қўшмағил, охирини ўйлағил», — дедим. Лекин менинг сўзимни ҳаргиз эшитмадинг. Охири сутга қўшғон сувларинг ҳаммаси йиғилиб, ўтган кечада бир сел бўлиб шундай оқдики, ҳамма қўйларни оқизиб кетди».

Бас, эй фарзанд хиёнатдин қочғилки, ҳар киши бир мартаға хиёнат қилса, унга ҳеч одам асло эътиимод қилмас. Ростликни пеша қилки, норостлик улуғ қароқчиликдур. Олмоқ ва сотмоқда мулоийм бўлғил ва кишига ваъда қилмағил, агар ваъда қилсанг хилоф этмағил. Олғувчи одамга ёлғон сўз демағил ва агар сўз десанг, рост сўзни айтғил... Муомалада олмоқ ва бермоқ ҳужжатиға огоҳ бўлғил, ҳужжат бермоқ тиласанг тики аввал ҳақни қўлга олмағунча ҳужжатни қўлдий бермағил.

Ҳар жойга борсанг, ошно талаб қил. Билмағон киши, жоҳил ва нопоклар била сафар қилмағилки, дебурлар: аввал рафиқ, кейин йўл.

Ҳар на олмоқ тиласанг, кўргузмай олмағил. Ҳар на сотмоқ тиласанг, бурунги нархидин огоҳ бўлғил ҳамда шарт ва паймон била сотғилки, охирида дардисарликдин қутулғайсан. Ҳукмронлик йўлини илгари тутғилки, улуғларға улуғроқ иш — уй асбобин тузатмоқ ва керак нарсаларни олмоқдур. Аммо бирор нарса олмоқ тиласанг қутлуғ (яхши) вақтда олғил. Ҳар турли керак нарсалардин бир йилга етадиғон қилиб икки ҳисса олғил. Ундан кейин нархдин хабардор бўлғил. Нарх оғир бўлғон чоғда ул олғон нарсангнинг ярмини сотғил, тики бир йилга етадиғон озуқинг муфт¹ бўлғай. Бу ишдин ҳеч гуноҳ, бадномлик бўлмағусидур ва ҳеч одам бу бобда сени бахил одам деб ўйламас, нединким бу иш кадхудолик зарурати жумласидандур ва бахилликдин эрмасдур, бу ишда ҳеч айб йўқдур. Кадхудоликка зарар етмасин десанг, шундай тадбир қилғилки, даҳлинг харжингдин зиёда бўлсин, тики кадхудолиғингга

¹ Муфт — текин.

халал етмасин. Агар дахлингни зиёда қилмоқ тариқин билмасанг, дахлингдан зиёда харж этмакни тарк эт-
фили.

Агар бозоргонлик пешаси сенга насиб бўлмаса, шарофатлиғ илм ўрганмоқ ва ундан шуҳрат қозонмоқ тиласанг, тиб илмидан судмандроқ¹ илм йўқдур...

Уттиз учинчи боб ТИБ ИЛМИ РАСМИ ЗИКРИДА

Эй фарзанд, агар табиб бўлсанг, тиб илмининг усулини яхши билғил, недиким бу илм яхши илмдур ва ул фойдали илмлар жумласидандур. Билғил, одамларнинг танасида нимаики бўлса, ё табиатга тегишли бўлади ёки табиатдан ташқари бўлади. Табиатга дахлиғи уч хил бўлади: биринчи хили танинг барқарорлигини ва мустаҳкамлигини сақлайди, иккинчи эргашувчи (тавобеъ) дирки, танини бу ҳолдан бошқа бир ҳолга айлантиради, учинчи хили эса, табиатдан ташқари бўлиб, бевосита ёки билвосита танага зарар етказади.

Инсоннинг танасин ушлаб турғучи нарсалар ё моддий ёки сурати ҳиссий бўлур. Моддадин узоқ бўлғон унсур тўрттадур: ўт, сув, тупроқ ва ҳаводур. Ёки мижоз — ул элементга яқин бўлур. Уларнинг миқдори тўққизта бўлур: бири мўътадил, саккизтаси номўътадилтурки, уларнинг тўрттаси содда, тўрттаси мураккабдур. Ана шуларнинг барчаси мижозга яқиндор. Бундин ахлот миқдори тўрттадур: қон, сафро, балғам, савдо (сариқ-яшил суюқлик). Ахлотнинг яқинлари ана шулар. Масалан, аъзонинг таркиби қисми бир таълимотга қарағонда тўртта, иккинчӣ бир таълимотга қарағонда иккитадур. Бу баён қилғонларнинг маъноси шундайки, аъзонинг таркиби аклотдандур, ахлотнинг таркиби эрса мижоздандур. Мижознинг таркиби унсурдандур. Элемент одам танасидин узоқроқ моддадур, ахлот яқин моддадур.

Сурати ҳиссий уч турда бўлғусидур: қавий², ал-афъол³ ва арвоҳ⁴. Қавий ҳам уч қисмдур: нафсоний, ҳайвоний ва табиий. Нафсоний олти қисмдур: кўрмоқ, маза билмоқ, эшитмоқ, ҳидламоқ, қувват-ҳаракат. Бу қисм-

¹ Судмандроқ — фойдалироқ.

² Қавий — энергия. ³ Ал-афъол — ҳаракат. ⁴ Арвоҳ — руҳ.

лар аъзонинг сони била баробардур. Қувват-ҳаракат уч бўлимдин иборатдур. Булар: хаёл қилмоқ, фикрламоқ ва хотира. Ҳайвоний қавий икки хилдур: фаол, нофаол. Табиий қавий уч хилдур: ишлаб чиқарувчи, ташкил этувчи, сингдириш.

Ҳаракат-қувватнинг миқдори ҳам нафсоний, ҳайвоний ва табиий бўлғусидур. Нединким, ал-афъол қавий биринчидур ва ҳаракат-қувватнинг таъсиридур. Шундай бўлғоч ал-афъол қавий миқдори била мос келғусидур.

Арвоҳ уч қисмдур: нафсоний, ҳайвоний ва табиий. Шул боисдин ҳам арвоҳ қувватнинг ҳодимидур. Шу сабабдин ал-афъол миқдори қавий миқдори била мос келғай. Танинг мустаҳкамлиғи ва барқарорлиғи бирон бир нарсага бўғлиқдур. Масалан, сёмизлик мижоз соvuқлигининг оқибатидур, қизиллик қоннинг, сариқлик сағронинг оқибатидур, қон томирининг ҳаракати, ҳайвоний кучнинг оқибатидур ёки ғазаб ҳайвоний кучнинг, нофаол ҳаракатнинг оқибатидур, иффат мўътадил даражадаги шаҳват қувватининг оқибатидур, донишмандлик сўзловчининг руҳий вазминлигининг оқибатидур.

Танинг бир ҳолдан иккинчи ҳолға айланиши зарурӣ сабаб деб аталади. Бу олти хилдан иборат: биринчи — ҳаво; иккинчи — таом; учинчи — ҳаракат; тўртинчи — уйқу ва бедорлик; бешинчи — киши табиатининг хушнудлиги ва маъюслиги; олтинчи — тандаги ўзгаришлар, масалан, ғам, ғазаб, ҳавф ва шунга ўхшаш руҳий ҳолат. Буларни шунинг учун зарурӣ дерларки, одам булардан ҳоли бўла олмайди, булардан ҳар бири инсон танасида ҳаракатга эга бўладилар. Агар инсон шуларнинг биридан нотўғри фойдаланса, касаллик ва иллат пайдо бўлғусидур. Табиатдан ташқари уч тур бордур: ўзаро ўхшаш аъзоларнинг касаллик сабаблари, ўзаро ўхшаш бўлмағон аъзоларнинг касаллик сабаблари ва боғланиш бўлмасликнинг сабаблари.

Аъзоларнинг ўзаро ўхшаш касалликларининг сабаби ёки иситма касали, бу беш хил бўлади: беморликка сабаб бўлувчи — яра, бу ҳам беш қисмдур; беморликка сабаб бўлувчи намгарчилик ёки қурғоқчилик. Бунинг ҳам ҳар бири тўрт қисмдур. Ўзаро бир-бирига ўхшамагон аъзолар касаллигининг сабаблари ёки нохушликнинг сабаблари, яратилишда тушғон bemorliknинг сабаби ёки миқдори ёки ададда тушғон bemorliknинг

сабаби бўлур. Яратилишдағи беморликнинг сабаби ё шакл беморлиғининг сабаби бўлади, ё қўрқув касаллигининг сабаби бўлур ва бу етти қисмдур, бунга сержаҳллик сабаб бўлур. Бу икки қисмдур. Миқдор беморлиғининг сабаби уч хилдур, адад беморликларининг сабаби икки хилдур, аъзоларнинг бўғин-бўғин бўлиб ириши тўрт хил бўлади. Касаллик уч қисмдур: ўхашаш аъзоларнинг касаллиги, ўзаро ўхашаш бўлмоғон аъзоларнинг касаллиги. Аъзоларнинг бўғин-бўғин бўлиб иришини муштарак касаллик дейилади. Бундай касаллик ўхашаш аъзоларга ва ўзаро ўхашаш бўлмағон аъзоларга тушади.

Ўхашаш аъзоларнинг касалликлари саккиз қисмдур: тўрттаси муфрад¹, тўрттаси мураккабдур. Тўртта муфради шулардан иборат: иссиқ, совуқ, нам, қуруқ; тўртта мураккаби шулардан иборат: иссиғу нам, иссиғу қуруқ, совуғу нам, совуғу қуруқ.

Ўзаро ўхашаш бўлмағон аъзоларнинг касалликлари тўрт хилдур: ташқи кўринишнинг касаллиги, миқдор касаллиги, аҳвол касаллиги, адад касаллиги. Ташқи кўринишнинг касаллиги тўрт хилдур: бу касаллик шаклга, айрим аъзоларнинг нуқсонига, асабиятга, юмшатишга келиб тушади. Миқдор беморликлари икки хилдур: бир нарсани тортириш йўли била касаллик туғилади, бир нарсага зарар келтириш била касаллик туғилади. Аъзолар аҳволининг касалланиши ҳам икки хил бўлади: ё бир аъзо ўз жойидин йўқолади, ё бошқа аъзолар била фасодга мойил бўлади. Абад беморликлари ҳам икки хил бўлади: ё кўпайиш йўли била касаллик пайдо бўлади, ё камайиш йўли била касаллик туғилади.

Бўғин-бўғин ириш эса ё ўхашаш аъзоларга, ёки ўзаро ўхашаш бўлмағон аъзоларга, ёхуд ҳар икковига тушадур.

Ирз² уч қисмдур, ҳаракатга тааллуқли бўлғон ирз; касалнинг ташқи аломати ёки қайт қилишга тааллуқли бўлғон ирз; ёхуд отилиб чиқишида пайдо бўлғон ирз. Ал-афъолга тааллуқли бўлғон ирз уч хилдур; қайд қилишга тааллуқли бўлғон ирз уч қисмдур; отилиб чиқишида пайдо бўлғон ирз ҳам уч қисмдур.

Билиш керакки, тиб илми икки қисмдур: назарий ва амалий. Амалий қисмини баён қилдим. Энди буларнинг

¹ Муфрад — содда. ² Ирз — симптом.

назарий қисмини қандай қидириб топиш кераклигини баён қиласан, токи ҳар бирининг изоҳини ва мақсудини билгайсан, ўзинг китобдан излағайсан.

Юқорида сўзлағонларимни Жолинус⁴⁰* ҳаким «Ўн олти» («Ситта ашар»⁴¹*) номли китобида изоҳлайдур ва мукаммал баён қиласадур, юқоридағиларнинг баъзиларини эса «Ўн олти»дан ташқарида изоҳлайдур. Аммо истиқсот илми қанча бўлмасин, табибга керакдур (бу илмни) «Ўн олти» трактатига кирғон «Истиқсот» китобидан излағил. Мижоз илмини эрса, «Ўн олти» трактатига кирғон «Мижоз» китобидан излағил. Ахлот илмини «Ўн олти»га кирғон «Қуввати табия» китобидаги иккинчи мақоладан излағил. Табиатнинг қуввати ҳақидағи илмни «Қуввати табия» китобидан излағил, бу китоб ҳам «Ўн олти»га кирғон. Ҳайвонларнинг қувватлари ҳақидағи илмни «Ўн олти»га кирғон «Аннабз» китобидан излағил. Нафсоният қуввати ҳақидағи илмни «Буқрот ва Афлотун қарашлари» китобидан излағил. Бу китобни ҳам Жолинус тасниф қилғон, «Ўн олти» китобига кирмағон. Агар шу илм юзасидан кучли олим бўлишни истасанг ва ҳамма вақт изланишни давом эттирсанг, истиқсот ва мижоз илмини «Ал қави ва-л-фасод» ва «Ас-Самоъ ва-л-олам» китобларидан излағил. Қувват ва ҳаракат илмини тиласанг, «Ан-Нас», «Ал-Ҳисс ва-л-максус» китобларидан излағил. Аъзолар илмини «Ал-Илал ва-л-амроз ал-мараз» китобининг биринчи мақоласи «Ал-Ҳайвон ва ақсому-ал ал-мараз» китобидан излағил. Бу китоб ҳам «Ўн олти» китобига кирадур.

Фасл. Ундан кейин беморни шиша ичига бавл қилидириб кўрғил, бавл қилғонда сийдикнинг рангиға қаралғил, агар сийдик оқ бўлса ва тиниқ бўлмаса, у киши бир ғамдин касалдур. Агар оқ ва тиниқ бўлса, бир кароҳатдан касалдур.

Агар сийдик гуруч ранг бўлса, унда майдамайдар нарсалар бўлса, ошқозон бузилиш касалидур. Агар сийдик ёғдек кўринса, шишанинг тубила бир чизиқ кўринса, бу ўлим яқинлиғи аломатидур. Агар зъяфарон ранг бўлса, унинг касали иситма ва сафродур, қон сафро била ҳам қўшилғон бўладур. Агар сийдикнинг усти сариқ, таги қора бўлса, ҳужайралар йиринглашадур, бунда дори қилмагил. Агар сийдикнинг усти қора, шишанинг ости сариқликка, кўк рангга мойил бўлса, бемор тузалади. Агар бемор алаҳласа ва сийдиги қизил-

га мойил қора бўлса ёки қон аралашғон бўлса, ундан эҳтиёт бўлғил. Агар сийдиги қора бўлиб, устида қон бўлса, бундай беморнинг яқинига бормағил, агар сийдиги қора бўлиб, унда кепакдек нарса пайдо бўлғон бўлса ёки устида қон турғон бўлса, ул касалдан умид узғил. Агар сийдиги сариқ бўлса, унда офтобдек бир нарса ярқираб кўринса ёки қизилга мойил сариқ бўлса, касали қондандур, бу бемордан қон олсанг тезроқ тузаладур. Агар сийдиги сариқ бўлиб, унда оқ чизиқлар кўринса, касаллик тузалиб кетадур. Агар сийдиги кўк рангга мойил сариқ бўлса, қора жигарнинг касаллиғидур. Агар сийдиги кўк рангга мойил оқ бўлса, унда майда қуртдек нарсалар кўринса, бувосил касалидур..

Сийдикни кўриб бўлғонингдан кейин касалликнинг турларини қидирғилки, касалликнинг турлари кўпdir ва ҳаммаси бир хил бўлмайдур.

Фасл. Энди гарчи сўз узоқ бўлса ҳам бу илмнинг илмий томонин баён этгумдур, чунки илм ва амал во-басталикда бир-бирига жисм ва руҳдекдур. Жисм руҳсиз, руҳ жисмсиз бўлмағусидур. Агар муолижа қилмоқ истасанг шуни билғилки, беморнинг муолижаси икки хил бўлур. Шунинг учун табиб токи беморнинг қувватидин, мижознинг ҳолидин, иллатнинг сабабидин, беморнинг ёшидин, сўзидин ва табиатидин огоҳ бўлмағунча ҳеч қачон муолижага қўл узатмаслиги лозим.

...Беморликнинг аломатлари турлича бўлуб, улар қўйидагичадур. Агар беморни кўргон вақтингда уни уйқуда ётғондек хаёл этсанг ва сўз айтғонда жавоб берса, аммо сени танимаса, кўзин ярим очиб яна юммаса, бу ёмон аломатдур. Агар ҳудсиз бўлса, қўлин силтаб тортиб урса ва ётғон жойида изтироб ва фифон қилса ёмон аломатдур. Яна агар ҳушсиз бўлса ва ҳар вақт қичқирса, бармоқларини тишлаб тишига қисса, бу ҳам ёмон аломатдур. Агар бемор кўзининг оқи аввалгисига нисбатан кўпроқ оқариб кетса ва қароси бурунғидин зиёда қаро бўлса, тилини оғзининг атрофида айлантиrsa, қаттиқ-қаттиқ нафас олса, бу ҳам ёмон аломатдур. Агар бемор ҳамиша қайт қилса, ранги қизил, сариқ, қаро, умуман ҳар турли рангга айланса, бу ҳам ёмон аломатдур.

Бу айтилғон аломатлар қайси беморда зоҳир бўлса, унга муолажа қилмағил, чунки фойдаси йўқдур. Қайси беморда бу аломатларни кўрмасанг, унинг тузалишига умид боғлағил.

Фасл. Шундин сўнг беморнинг томирига қўл урғил. Агар томири қаттиқ урса, билгилки, қон ғолибдур. Агар қўлининг кичик бармоғининг остидаги томири қаттиқ урмаса, яъни суст, мулоийм урса, балғам ғолибдур. Агар қўлдаги катта бармоқнинг томири қаттиқ урса, бу рутубатнинг ғолиблиғидур. Агар катта бармоқнинг томири мухолиф урса ҳам унинг майли қайси тарафга кўпроқ бўлса, ўша тарафга ҳукм қилғил.

Буни билғонингдан кейин, касаллик овқат била ки-фояланса, дори ва малҳам била тузаладигон бўлса, маъжусун ишлатмағил ва дори беришга журъат қилмағил. Бемор тинчлик ва оромдан тузалса, қайт қилдиришга ортиқча ҳаракат қилмағил, агар иш ҳаддан ўтса, дори қилишга ва тинчлантиришга машғул бўлғил. Касални асло қўрқитмағил, касаллик ўтиб кетмасдан илгари даволағил. Қорин бандаси ва беқаноат bemорга қаттиқ парҳез буюрмағилки, у қабул қилмайдур. Сен унинг еган таомини йўқ қилишга ҳаракат қил.

Тиббиётнинг энг яхши нарсаси дорини ва касални билишдур. Бу илм ҳақида кўп гапирдимки, баъзи кишилар узоқ сўзлашни яхши кўрурлар.

Бундан сўнг фойдали илм — илми нужумдурки, уни ўрганишга ҳаракат қил ва бу илм кўп фойдалидур.

Ўттиз тўртинчи боб

НУЖУМ (ЮЛДУЗЛАР) ВА ҲАНДАСА (ГЕОМЕТРИЯ) ИДМИ ЗИКРИДА

Эй фарзанд, агар мунажжим¹ бўлмоқ истасанг, ҳаракат қилиб риёзиёт² илми устида кўпроқ машаққат чекғил, чунки илми аҳком³ яхши илмдур, уни батамом билиб бўлмайдур ва уни тўғри билғон, хато қилмағон одам йўқдур. Аммо, ҳар ҳолда, аҳком илмининг самараси бордур. Ҳаракат қил, токи унинг усулини яхши билғил, нужумларнинг тақвим⁴ муқаддимасини тўғри тузғил. Нужумларнинг толенини дуруст билғил. Агар нужум толени яхши билсанг, башоратнинг асли ҳам тўғри келғусидур, тахминий толега эътимод қилмағил.

¹ Мунажжим — юлдузшунос, астроном. ² Риёзний — математика фанига тегишли, математик. ³ Аҳком — ҳукмлар, қонунлар, фалсафа.

⁴ Тақвим — тўғрилаш, планеталарнинг ҳол ва ҳаракатларини кўрсатувчи йиллик жадвал, календарь, тўплам.

Намудорот¹ ҳисоби тўғри чиқғондан сўнг нужумлар ҳолатидан чиқорғон ҳукминг ҳам тўғри бўлғусидур.

Масалан, толе (юлдузнинг) чиқиши ва толе дараҷасидан, ой ва ойнинг бурж² ларидан ва нужумларнинг ойга қандай қилиб яқинлашувидан хабардор бўлғил. Яна шундай нужумлар ҳам борки, уларнинг чақнаб туришидан огоҳ бўлғил. Булар шундай нужумларки, улар худди оқ нарғиз гулига ўхшайдур ва худди нарғиз янглиғ бўйсунғондек кўринурлар. Улар юксак мартаба, бахт-саодат нишоналари била тўлғон — буларнинг ҳаммаси офтоб била намоён бўлур. Буларнинг ҳеч биридан ғофил бўлмагил.

Сен башорат қилишга оид жадвални тузғон вақтингда, нужумларнинг ҳолатини, шунингдек, намудоротни, ой ва унинг чамбар йўлини, хўжангта тегишли бўлғон ой чамбарининг белгисини, чамбар белгиси ва нужумлар ҳаракатини, қачонғача бу белгиларнинг ҳар бир чамбарда мавжуд бўлишини ва қай хилда бўлишини, хўжанинг хонадонида муҳтоҷликни ва бу муҳтоҷликдан қутулишни кўрсатувчи ой ва нужумларнинг силжишини, уларнинг намудорот дараҷалари устидан баланд кўтарилишини, хўжа хонадонининг устида турғон нужумлар ҳаракатининг баланд кўтарилишини, ҳаракатсиз нужумларга ҳаракатли нужумларнинг яқинлашувини ёки дараҷа ва ҳаракат бўйича юлдузларнинг тутилишини, дараҷанинг зарарли таъсирини, чақнаб турувчи дараҷани, яъни қуёш дараҷаларининг кўтарилиши, пасайишини билмасдан туриб жадвал тузмағил, яширип сирларни очмағил, буларнинг ҳеч бирини унутмағил.

Ўн икки белги ва дараҷалар, учбурчаклар, чегара, шакл, баландлик ғуруб³, ғамхона, шодлик, офат, авж ва энг паст (қўйи) кабиларни билғонингдан кейин бахт ва толедан хабар берувчи хилма-хил нужумларга, булатли осмонга қарагил, ой ва нужумларнинг ҳолига назар ташлағил, масалан, бахтли ва бахтсиз, эзгулик ва ёмонлик, интилиш, яқинлашиш ва тармоқланиш, нурдан узоқлашиш, яқинлашишдан узоқлашиш, яқинлашув ва итариб ташлаш, нур бериш, фикр бериш, куч бериш, табиий хоссани бериш, келушувнинг буэили-

¹ Намудорот — гороскоп — ўрта аср мунахжимларининг юлдуз қарайдиган асблори. ² Бурж — қадимги астрономияда қуёшнинг йиллик доирасидаги ўн икки нуқтанинг ҳар бири, масалан, буржи ҳамал, буржи савр. ³ Ғуруб — куннинг ботиши.

ши, қаршилик, яратиш, қўшилиш, уларни зиёда қилиш планета ҳарақатининг беш тури каби буларнинг ҳаммасидан огоҳ бўлғондан сўнг ҳукмлар тўғрисида сўзлағил, шунда сенинг ҳукминг тўғри бўлғай. Бу жадвалнинг ҳукми эътиомдли устодлар томонидан шундай мөҳнат била юзага келмишки, булар ёзув била машҳур бўлмиш эдилар. Унинг ўртасига қарағонлар, кенг жойнинг йиғиндинси кўрғонлар. Сен унинг тартибини яхшилаб ўйлаб кўргил, яъни бир хато рўй бермасун. Шунча эҳтиёт қилғонингдан кейин ҳам, ҳар қандай ҳукм этсам, шундай бўлади, деб эътиомд қилмағил ва сўзга ишонмағил.

Яширин фикрларни сўрасалар, айтилиши мумкин бўлғон ҳамма масалани айтаверма, шунда ҳукмингнинг кўпичи чиқиши керак.

Туғилишга келғонда, мен буни ўз устозимдан эшитғонманки, ҳақиқатда одамнинг туғилиши анодан туғифон вақти бўлмайди. Эрнинг уруғи анонинг бачадонига тушади ва бачадон қабул қиласди. Буни аслий туғилиш дейилади, яхшилик ва ёмонлик у била боғланур. Бола анонинг бачадонидан тушғон соатидаги кўринишига буюк таҳвил кубаро¹ дерлар, таҳвилнинг йилдан-йилга ўтишини ўрта таҳвил дерлар... Эркак уруғида нимаики кўринса, анонинг қорнига ҳам ўша ўтади...

Буюк таҳвили кубародаги тулуъни² ўтғон устодларнинг йўли бўйича баён қилғил, шундан кейин қандай ҳукм қилсанг, юқорида айтғонимдек қил. Агар вақт масаласини сўрасалар, аввал вақт намудоротига ва унинг соҳибига қарагил, ундан кейин ойға ва ойнинг буржига, унинг соҳибига ҳамда ойга яқинлашиб борадигон нужумга, ойга тескари бўлғон нужумга қарагил, буни ё тулуъда ёки тиккада топурсун. Агар тиккада бир нужумдин кўпроқ нужум кўрсанг, ким устун турғонлиғин, кимнинг толеи баландлиғин ўшал нужумга қараб гапирғил, шунда сен тўғри гапирғон бўлғайсан.

Фасл. Мен аҳком³ шартларидан бир қанча сўзни баён қилдим. Энди, агар, эй фарзанд, муҳандис ва танобчи бўлсанг, ҳисобни яхши билғил. Зинҳор бир соатни ҳам ҳисобни такрорлашдан ҳоли ўтказмағил, чунки ҳисоб шиддатли илмдур. Агар ҳар вақт ер ўлчасанг,

¹ Таҳвили кубаро — энг улуғ нарсанинг бир ҳолдан бошқа бир ҳолга кўчиши, ўзгариши. ² Тулуъ — кўриниш, қуёш ёки ой. ³ Аҳком — башорат қилиш.

бурчакларни аниқла, қовурғалари хилма-хил бўлғон шаклларни хор қилмағил, «буни ўлчайман, бошқаларни тахмин била биламан» демагил, чунки ўлчағон вақтда кўп фарқлар вужудга келади. Бурчакларни яхши билишга ҳаракат қилғил, чунки менинг устодим ҳамма вақт менга: «Эй фалони, ҳисоблашда бурчаклардан гоғил бўлмасликка ҳаракат қил, чунки қавссимон бурчаклари бўлғон кўпёқли шаклларни, ўтмас бурчакларни ўлчашда катта фарқ қилиб қолади»— дер эрди.

Агар бир шакл сенга қийин бўлиб кўринса ва маълум бўлмаса, унинг ўлчовини тахмин била қилмағил. (Бундай шаклнинг) ҳаммасини мусаллас ёки мураббага бўлғил, чунки ҳар бир шаклни шундай қилса бўлади, шундан кейин ҳар бирини дуруст ўлчасанг, ҳисоб тўғри чиқади. Бу бобда айтмоқчи бўладигон сўзим кўпдур, аммо зарурларини айтдим.

Ўттия бешинчи боб

ШОИРЛИК РАСМИ ЗИКРИДА

Эй фарзанд, агар шоирлик қилмоқчи бўлсанг, ҳаракат қил, токи сўзинг осон ва фойдали бўлсун, ғомиз¹ ва мушкул сўздин парҳез қилғил ва ўзинг билиб ўзгалир унинг шарҳига муҳтоҷ бўлғудек сўзни айтмагил, нединким шеър айтғон киши халқ учун айттур ва ўзи учун айтмас. Бир хил вазн ва бир хил қофияга қаноат қилмағил, санъатсиз ва тартибсиз шеър айтмагил. Шеърда зарб, яъни оҳанг, яхши садо, мунг бўлса ва шаклда алъал бўлса, яъни вазни тўла бўлса, яхши бўлур. Шоирларнинг расми-одатига кўра уларнинг санъатларидан гоғил бўлмағил, чунончи, шоирларнинг зарур усуслари шулардан иборат: музавваж (бирлаштирувчи)², мужонис (ўхшаш), мушокил (шаклдош), мукаррар (такрор), мусаммат, муставий (тeng), мушшобеҳ (ўхшаш), музмар (яширин), мулаввян (бўялан), мувассал (уланган), муқаттаъ (кесик), мустазодд (қарама-қарши), мустаор (кўчма маъноли), муздаваж (бирлашиш), мувозана (баробарлик), музмин (эскирган), ҳаракатдан қолған), мусажжаъ (қофиядош), мувашшаҳ (зийнатланган), мавсул (қўшилган),

¹ Ғомиз — тушунилмайдиган ва иоаниқ. ² Қавс ичидаги таржи-малар бизники. (С. Д.)

мухаллаъ, мустаҳиёт (бўртмоқ), мустаҳил (мумкин эмас), зуқофиятайн (қўш қофияли), ражази мақлуб (ҳарбий мазмундаги шеърларни декламация қилиш), мақлуб (тескари), мутобиқ (уйғун), муташобиҳ (ўхшатиш), мураддаф (радифли) ва буларга ўхшаш нарсалар.

Аммо сўзингнинг баланд¹ бўлишини истасанг ўт, олов² сўзларни ишлатмагил; лекин бошқача қилиб, яъни мумкин қадар сўзни истиорот шаклида ишлатғил ва кишилар тушуниши мумкин бўлғон тил била баён қилғил. Мадҳда истиоротни ишлатғил, агар ғазал ёзмоқ бўлсанг, осон, равон ва латиф сўзлар била ёзғил ва машҳур қофиялар била музайян қилғил, совуқ ва фарид вазнлар, қофияларни қўлламагил, ошиқона, латиф сўзларни илкингдан бермагил ва яхши масалларни ҳам унумтағил. Шундай ёсанг, токи хос³ ва авом⁴га хуш кўриниб, шеъринг машҳур бўлғай.

Оғир вазн ва аruz била айтмағил, нединким аruz ва оғир вазн ўзи оғир ва совуқ (табиатли) ва латиф лағез ҳамда зариф маънидан ожиз бўлғон одамларга яхшидур. Агар бирон киши аruz вазнига талабгор бўлса, бу вазнда шеър ёзишинг мумкин. Аммо яхши шеърни шоирлик, алқоб⁵ ва нақд имти била ўрганғил. Токи агар шоирларнинг орасида мунозара бўлса, ё сенинг била бир киши фикрини очиқдан-очиқ сўзласа ёки сени синааб кўрса, ожиз бўлмағайсан. Арузнинг доираларини ва уларнинг номларини, доираларда пайдо бўладигон баҳрларнинг отларини билғил.

Ҳар сўзники шеърда айтмоқ бўлсанг, мадҳия, ғазал, ҳажв ёки марсия ёзмоқ бўлсанг сўзни батамом ва мукаммал ишлат, ҳаргиз сўзни нотамом айтмағил. Насрда айтилғон сўзни назмда айтмағил, нединким насрий сўз раият манзиласидандур, назм эса подшоҳ мартабасидандур. Агар бирор нарса раиятга лойиқ бўлмаса, подшоҳга ҳам лойиқ эрмасдур.

Ғазални гўзал ва равон айтғил, мадҳ айтишда қавидил ва баланд ҳиммат бўлғил. Ҳар одамга лойиқ сўзни ва ҳар кишининг қадрига мувофиқ шеърни билиб ёзғил. Ҳар одамда диловарлик⁶ бўлмаса уни шижоат ва баҳодирлик била тавсиф этмағил ва агар ҳар одамки

¹ Баланд — таъсирчан. ² Ўт, олов — киноя, истеҳзоли. ³ Хос — юқори табақа. ⁴ Авом — умум, ғоддий кишилар. ⁵ Алқоб — лақаблар, номлар. ⁶ Диловарлик — қаҳрамонлик.

белига ҳаргиз пичноқ осмағон бўлса, унга шамшир била шерни ўлдиурсан, найза била Бестун тогин гардундан¹ ошиурсан, ўқни мўр² кўзидан ўткарурсан демагил. Ҳар одамки эшакка минмағон бўлса, унга сен Дулдулни, Буроқ³ ни ва Раҳш⁴ ни яхши сурарсан демагил ва ҳар кишига муносиб сўзни айтғил. Аммо шоирга мамдуҳ⁵нинг табиатидан огоҳ бўлмоқ ва унга қандай сўз хуш келишин билмоқ вожибдур. Унинг хоҳишига лойиқ мадҳ қилғил. Шундан сўнг унинг инъомидан қанча миқдор дилҳоҳинг бўлса, шунча кўз тутғил ва ҳимматингни паст тутмағил, ҳар қиссада ўзингни банда ва ходим деб кўп айтмағил, агар мадҳ қилғон кишининг шул сўзга лойиқ бўлса, айтғил. Ҳажв қилмоқни одат қилмағилки, ёмон бўлур... Гарчи шеърда муболага ва дуруғни яхши дерлар, лекин ундан бўлса ҳам дуруғни ҳаддан оширмағил, дўстларнинг, муҳташамларнинг баланд мартабали эканини айтмоқни вожиб билғил. Аммо ғазал ва марсияни бир тариқда, ҳажв ва мадҳни бир услубда ёзмағил. Ҳар вақт бир кишини мадҳ ва ситойиш⁶ қилсанг мадҳнинг зиддин айтмағил, нединким мадҳнинг зидди ҳажв бўлур. Ғазал ва марсияда ҳам шундоқдир.

Ҳар на ёзмоқ бўлсанг, ўз таъбинг била ёзғил ва ўзгаларнинг сўзини такрор қилмағил. Агар шундоқ қилмасанг, ундан кейин табиатинг очилмағай, шеър майдони сен учун кенг бўлмағай ва шеър ёзишда аввалти аҳволингда қолурсан.

Таъбинг очилиб, шоирликка қодир ва моҳир бўлғоннингдан сўнг агар бир ердин бирон ғаройиб маънили сўз эшиитсанг ва ул сўз сенга хуш келса, уни олиб бошқа бир ерда истеъмол этмак тиласанг (ул сўзни истеъмол қилдим деб) мукобара⁷ қилмағил, яъни баланд парвоз гапни истеъмол этмағил. Агар одамларнинг сўзи ўзини мадҳ қилиш била боғланса, сен уларнинг мақташлариға қарши ул сўзни ҳажвда келтирғил. Агар у ғазалда бўлса, сен марсияда келтирғил, токи киши бу сўзларнинг қайси ердан олинғонин билмай қолсин.

¹ Гардун — фалак, осмон. ² Мўр — чумоли. ³ Буроқ — диний риоятларга кўра Мұхаммад пайғамбар «Меъроҷ» кечаси кўкка миниб чиққан учар от. ⁴ Раҳш — жуда югурек от. ⁵ Мамдуҳ — мақталаётган киши.

⁶ Ситойиш — мақташ. ⁷ Мукобара — кибрланиш, катталик қилиш.

Агар мақтаниш, мамдуҳ талаб бўлсанг ва бозор ишин қилсанг, мудбиррўй¹ ва палид жома² бўлмағил. Ҳамиша тоза рўй³ ва хандон билғил. Нодир ҳикоятларни ва кулгили сўзларни эсда сақлағил, чунки мамдуғнинг олдида шоирнинг бундан бошқа чораси йўқдир.

Уттиз олтинчи боб

ҲОФИЗ ВА СОЗАНДАЛИК ЗИКРИДА

Эй фарзанд, агар ҳофиз бўлсанг, хушфеъл, қувноқ бўл, ҳамиша пок, мутайиаб⁴ ва хуш забон бўлғил ва ўз ишингга машғул бўлғил, ярамас хулқ, қўпол башара бўлмағил. Ҳамма вақт оғир йўл⁵ларни чертмағил, чунки барча машқ ва оҳангни бир хилда чертиш шарт эрмасдур, нединким одамларнинг барчаси бир хилда бўлғон эрмаслар, таъблари ҳам бир-бирига мувофиқ эрмас, яъни ҳалқ мухталиф⁶ дурлар. Шул важдин бу фаннинг устодлари санъатга шундоғ тартиб бермишларки, аввал подшоҳлар мажлиси учун хисравона достонлар тузмишлар, ундин сўнг вазнисиз бир оғир йўл тузмишларки, уни икки суруд⁷ била айтса бўлур ва унга оғир йўл деб от қўймишлар. Бу йўл қариларнинг ва хирадмандларнинг таъбига мос келмуш эрди ва бул йўлни мазкур қавм учун туздилар. Ундин сўнг эрса кўрдиларки, ҳалқнинг барчаси қарилар ва хирадмандлар эрмасдурлар. Шундан кейин ложарам йигитлар учун бир йўл тузатдилар. Ундан кейин енгилроқ вазнлик шеърлар учун енгил йўллар тузиб, уларга хафиғ⁸ деб от қўйдилар, оғир йўлдан сўнг бу хафиғ йўлни чертдилар. Мутриблар⁹ қарилар ҳам йигитлар ҳам ундан баҳраманд бўлсинлар, дедилар. Ундан кейин ёш ўғлонлар ва латиф¹⁰ таъб одамларнинг баъзилари бебаҳра қолдилар. Мазкур қавм учун тарона айтмоқни пайдо қилдилар, токи мазкур қавм ҳам баҳра ва роҳат топғайлар, чунки барча вазнларнинг орасида таронадан латифроқ вазн йўқдур. Демак, буларнинг барчасини бирдек қилиб чертмағил ва бир хилда куйламағил, менинг баён қилғонимдек чертиб, айтғил. Бас,

¹ Мудбиррўй — толесиз. ² Палид жома — ифлос, кир кийим.

³ Тоза рўй — очиқ чехрали. ⁴ Мутайиаб — хушрўй. ⁵ Йўл — мақом, оҳанг. ⁶ Мухталиф — ҳар хил. ⁷ Суруд — ашула, қўшиқ. ⁸ Хафиғ — вазни енгил. ⁹ Мутриб — созанда. ¹⁰ Латиф — юмшоқ, мулойим, гўзал, ёқимли.

барча улус сенинг созингдан, овозингдан баҳраманд бўлсин.

Бир мажлисда ўлтурсанг мажлис аҳлига қарагил, агар эшитгувчи қизил юзлик ва мош-биринч¹ соқоллик бўлса, пайвас² зер³ тор била чертғил; агар сариқ юзлик бўлса бўш тор била чертғил, агар қора юзлик, наҳиф⁴ ва савдойи бўлса, кўпроқ уч тор била чертғил, агар оқ, семиз ва мартуб⁵ бўлса, кўпроқ бам⁶ била чертғил, нединким бу рудни⁷ одамнинг тўрт таъби учун муҳайё қилмишлар. Бу айтғонларимда мутриблиқ, яъни шеър айтмоқ шарти ва расми йўқдур. Ҳофизлик қилсанг, шеър ёзмоқни ҳам билсанг, ўз шеърингни айтмоқ-қа ҳарис⁸ бўлмагил, нединким сенинг шеъринг ўзингга хуш келса ҳам, бошқага хуш келмаслиги мумкин, чунки ҳофизлар халқ шеърининг ровийси⁹ дур, ўз шеъринг ровийси эмас.

Агар сени бир мажлисга олиб борсалар, унда икки киши нард ўйнаб ўтироғон бўлса, гарчи сен нардбоз бўлсанг ҳам, ҳофизликни тарқ этиб уларнинг таълим ва томошасига машғул бўлма, чунки сени ҳофизлик учун келтиришишлар, нардбозлик учун келтироғон эмаслар.

Ҳар сурудни ўрғонсанг вазндин ғоғил бўлмагил, вазнсиз тарона айтмагил ва ғазал ёзмагил. Куйлар вақтингда сурудинг бошқа жойдан, созинг бошқа жойдан бўлмасин. Агар бир кишига ошиқ бўлсанг, бутун кунни бошидан охиригача ўзингга хуш келғон ғазални айтмоқ била ўткармагил (бундай ғазал) ўзингга хуш келса ҳам ўзгаларга хуш келмагусидур. Ҳар сурудни бошқа бир маънида айтғил.

Шеър ва ғазални кўп ёд билғил ва ҳар турли шеър ёзишни ўзингга лозим билғил. Ҳар вақтнинг ўзига муносиб ғазалларни ўқигил: баҳорда ҳазонга муносиб, ҳазонда баҳорга муносиб, қиша ҳозига муносиб ва ёзда қишига муносиб ғазалларни ўқимагил.

Агар назирсиз¹⁰ устод бўлсанг ҳам мажлис ичидаги ҳариф¹¹ ларга қарагил, агар мусиқийдан завқ олғувчи қарилар ва хос одамлар бўлса, мутриблиқ қил, яхши

¹ Мош-биринч — мош-гуруч. ² Пайваста — ўзаро боғланган, туаш, доимий, узлуксиз. ³ Зер — мусиқийда энг ингичка ва нозик овоз.

⁴ Наҳиф — озгин. ⁵ Мартуб — рутубатли, ҳўл, нам. ⁶ Бам — музикадаги баланд тон. ⁷ Руд — музика қуроли. ⁸ Ҳарис — берилib кетмоқ, ҳирс қўймоқ. ⁹ Ровий — ҳикоячи, қисқа айтuvчи, ривоят қилувчи.

¹⁰ Назирсиз — беназир — мислсиз. ¹¹ Ҳариф — улфат.

Йўлларни ва наволарни чертғил. Қарилик ва дунёning мазаммати¹ дан кўпроқ суруд айтғил. Агар мажлис аҳли ёш йигитлар бўлса, енгил йўлларни кўпроқ чертғил ва осон суруд айтғил. Агар мажлис аҳли сипоҳий ва баҳодирлар бўлса, уруш қилмоққа ва қон тўкмоққа ва иёрик қилмоққа оид маҳсус шеърларни ўқифил. Бундай вақтда улуғ йўллардан — ироқ, наво, фарёд ва буларга ўхашларни чertаман деб мажлисни совутмалил. Яна диққат қилиб қарагилки, мазкур базмда ҳар киши қайси йўлни яхши кўради, шу кишига коса ет-ғон чоқда уни айтғил. Ундай вақтда ул одамлардан бирор нарса умид қилсанг, шуни топасан, нединким ҳофизлик яхши ҳунардирки, эшитғон одамларнинг кўнглини олурсан.

Ҳар мажлисдаки бўлсанг, бодани ва набизни оз ичғил, чунки сен танга олишинг лозим. Тангадан эса қанча берсалар, рози бўлғил. Ҳарғиз умматларга² истиза³ қилмағил ва ишрат аҳли маст бўлғон пайтда сен ўз дўйстларинг била сўзлашмакка машғул бўлғил, нединким, танга бу ишдан ҳосил бўлур.

Ҳофиз бўлсанг арбада⁴ қилғувчи бўлмағил, токи арбада сабабидан ҳофизлик тангаси қўлингдан кетмасин ва бошинг ёрилиб, тўнинг йиртилиб, танбууринг синиб уйингга қайтиб бормағил, нединким ҳофизлар мастрарнинг муздури⁵ бўлурлар. Арбада ва густоҳлик⁶ қилғон муздурга музд⁷ бермаслар.

Агар мажлисда бир одам сени мақтаса, таъриф қилса, сен унга меҳрибонлик кўргизғил ва у қайси сурудни хоҳласа шуни айтғил, токи ўзгалар ҳам сени таъриф қилсунлар, маст бўлғонларидан сўнг ул таърифга лойик танга берсунлар. Агар мастрар бир йўла суруд айт десалар, уни айтмоқ сенга малол келмасин, ҳар на буюрсалар, шуни чertғил ва шуни айтғил, нединким мутрибларнинг улуғ ҳунари мастрарнинг ишига сабр қилмоқдур. Агар сабр қилмасалар, муздуруллик инъомидин маҳрум бўлурлар. Яна дебдурларки, ҳофиз кўр, кар ва соқов бўлмоғи керакдир. Агар ҳофиз бир мажлиста борса, унда кўрғон ва эшитғон нарсаларни ўзга жойга бориб айтмасун. Бундай мутриб ҳамиша азиз ва аржуманд бўлур.

¹ Мазаммат — ёмонлик, кўрлик. ² Уммат — бир тилда сўзлашувчи инсонлар мажмуи. ³ Истиза — жанжал, кураш. ⁴ Арбада — шовқинсурон, тўполон, қий-чув, ғазаб. ⁵ Муздуур — ёлланиб ишловчи, мардикор. ⁶ Густоҳ — одобсиз, андишасиз, тортинимайдиган. ⁷ Музд — иш ҳақи, хизмат ҳақи, тўлов.

ПОДШОҲГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚ ЗИКРИДА

Эй фарзанд, иттифоқо, подшоҳ хизматига ўтиб, хослар жумласига қўшилсанг, подшоҳ ҳар қанча сени ўзига яқин тутса ҳам, унга *fappa*¹ бўлмағилким, унинг яқинлиғидан узоқлигини яхши кўргил. Аммо ҳар турли хизматдан қочмағил, нединким подшоҳга яқин бўлишнинг охри узоқликдур. Агар подшоҳ сени ҳар қанча имн² қилса, сен ундан ноимироқ бўлғил ва ўз ҳаддингдан асло ошмағил, нединким сенинг семирмоғинг унинг қурби³ била ва ўлиминг ҳам унинг тифи била бўлғусидур. Ҳар қанча азиз бўлсанг ҳам, ўз ҳаддингни билмакдан ғофил бўлмағил. Подшоҳнинг муродидин ўзга сўзни айтмағил, ҳар бир сўз устида у билан мунозара қилмағил, нединким, ҳар одам подшоҳ била мунозара қилса, ажалидан бурунроқ ўлғусидур. Үткир тифнинг дамига мушт урмоқ ниҳоятда аҳмоқликдур.

Подшоҳга яхшилик қилмоқнинг йўлин тузғил, токи ул ҳам сенга яхшилик қилғай. Агар подшоҳга ёмонликни ўргатсанг, у ёмонликни олдин ўзингга қилур.

Ҳикоят. Дебдурларки, амир Фазлун Биссувор ибн Ҳомоннинг^{43*} Ганжада подшоҳлик қилғон замонида Дайламий халқининг улуғларидан бир муҳташам одам унинг муқарраби⁴ ва мушовари⁵ эрди. Ул ҳамиша подшоҳга ёмонлик ўргатур эрди. Мамлакатнинг муҳташам⁶ одамларидан ҳар ким бир гуноҳ қилса, уни банд қилиб зиндонга солур эрди. Подшоҳга дер эдиким: «Озод одамга озор бермағил ва озор берғондан сўнг уни ўлдирғил». Мана шул дайламийликнинг машварати⁷ била кўп одам подшоҳнинг қўлида ҳалок бўлди.

Иттифоқо бир кун шу дайламийлик кенгашдор бир гуноҳ иш қилди. Подшоҳ буюрди, уни банд этиб, зиндонга солдилар. Дайламийлик подшоҳнинг олдига киши юбориб дедиким: «Мен минг тилло берурман, мени подшоҳ ўлдирмасун». Подшоҳ деди: «Мен сенинг ўзингдан ўрганмиш эрдим, сен ўзинг, озодга озор бермағил ва агар озод берсанг ўлдирғил, деб ўргатар эрдинг».

¹ *Fappa* — мағурланиш, ² Имн — омон, кавфсиз, ³ Қурб — яқинлик, ⁴ Муқарраб — яқин турувчи, яқин дўст, ⁵ Мушовари — кенгашиш, маслаҳатчи, ⁶ Муҳташам — ҳашаматли, ҳайбатли, ⁷ Машварат — кенгаш, маслаҳат.

Дайламийлик ёмонлик ўргатмоқнинг шумлиғидан ўз жонидан айрилди.

Эй фарзанд, барча орзуларнинг охирини нуқсон билғил, давлатга ғарра бўлмағил. Подшоҳнинг хизматида ҳурматли бўлғил, нединким неъмат ҳашаматдан сўнг зиёдароқ бўлур, подшоҳ хизматининг иззати тавонгарликдин¹ зиёдадур. Агар подшоҳнинг амалида ҳар қанча семирсанг ҳам ўзингни ориқ кўргизғил, токи имн бўлғайсан. Кўрғилки ориқ қўй ўлимдан имн бўлур.

Дирам учун подшоҳнинг хизматин тарқ этмағил, нединким дирам гулдек хушранг, хушбўй, машҳур ва азиздур ва лекин умри гулнинг умридек бебаҳодир ва яроқсиздур. Подшоҳнинг хизматида ҳар қанча дирамни кўп жам этсанг, унинг бақоси йўқдур. Подшоҳнинг хизмати дирам судининг сармоясидур. Бас, суд тилаб сармояни қўлдан бермағил, нединким сармоя ўз жойида турса, ҳамиша суд умиди бордур. Аммо сармоя қўлдан кетса, суд умиди йўқолур.

Ҳар одам дирамни ўзидан азизроқ тутса, азизликдан хорлиқларга тушгусидур. Азиз одамнинг мол жамига рағбат этғони ўзин ҳалок қилғонидур.

Молни ўлчов ва андаза била жам этғил ва ўзга ҳалқقا ҳам ундан насиб берғил, токи ҳалойиқнинг тили сенинг мазаматинг била боғлиқ бўлғай. Подшоҳнинг хизматида улуғ мартаба топғондан сўнг ҳаргиз подшоҳга хиёнат қилмағил. Агар хиёнат қилсанг ул мартабадан тушғонингдур ва хорлик домига етишғонингдур, нединким подшоҳ бир кичик кишини улуғ қилса ва у бунинг эвазига хиёнат кўргузса, бу иш ул кишининг иззат ва улуғликдан маҳрум бўлмоғига сабабчидур, нединким агар у кишига меҳнат ва хорлик етишмаса эрди, ўз валенеъмати баробаринда яхшилик қилғон кишига ёмонлик қилмас эрди.

Ҳикоят. Амир Фазлун Биссувор бир кун ўзининг ҳожиби Абу Асирни Бурдаъ вилоятига сипаҳсоларликка юбормоқчи бўлди. Абу Асир ҳожиб деди: «То қиш фасли бўлмағунча бормасман, нединким Бурдаънинг обу ҳавоси ниҳоятда ёмондур». Унга амир Фазлун деди: «Бундоқ эътиқод яхши эрмас, нединким ҳеч киши ҳаргиз беажал ўлмағусидур». Ҳожиб деди: «Айтғонинг ду-

¹ Тавонгар — кучли, қудратли, бой, бадавлат.

рустдур, лекин то кишининг ажали етмаса Бурдаъга бормагусидур».

Эй фарзанд, дўст ва душман ишидин ғофил бўлмагилки, сенинг нафинг дўстга ва зараринг душманга етсин. Улуғлика муносиблик улдурки, дўстга яхшилик, душманга ёмонлик била жазо еткургайсан.

Давлатга, неъматга молик бўлғонингдин сўнг халойиқга наф еткурғил, саховатни халқдин дариф қилмагил... Давлати камолга етғон одамнинг хизматига бормагил, чунки камолга етиш — залолатга яқиндур.

Қариғон давлатманднинг атрофига яқин бормагил, чунки қарининг умри узоқ бўлса ҳам, халойиқ уни йигитларга қарағонда ўлимга яқинроқ тутарлар. Агар подшоҳнинг хизматида ҳамиша барқарор бўлмоқ тиласанг, расул алайҳуссаломнинг катта амакиси ҳасрати Аббос ўз ўғли Абдуллоҳга айтғондек бўлғил. Ул ўз ўғлига деди: «Эй фарзанд, билғилким, бу киши, яъни Умар сенга эътимод қилди ва барча халқдин илгари тутди. Энди, агар (сенга) душман ғолиб бўлмасин десанг, беш хислатни маҳкам тутғил, шунда сен ҳамиша имн бўлғайсан. Биринчиси шуки, ҳаргиз ёлғон сўзламагил, икинчиси, подшоҳ олдида ҳеч кишининг айбин айтмагил, учинчиси, подшоҳга ҳеч важҳ била хиёнат қилмагил, тўртинчиси, подшоҳнинг фармонига хилоф иш қилмагил, бешинчиси, подшоҳнинг сири, ҳасрати, кучсизлигини ҳеч бир одамга айтмагил, нединким киши буш беш хислат била ўз мақсадига етса бўлур».

Подшоҳнинг хизматида нуқсон қилмагил. Агар багогоҳ нуқсон қилсанг ўзингни нодонликка солғил ва ўзингни ул нуқсонни билмағондек кўргизғил, токи сенинг қасд била қилғонингни подшоҳ билмасин ва бўлмағонингга ишонсин.

Ҳамиша хизматга машғул бўлғил. Агар буюрмаса ҳам ўзгалар қилмоқчи бўлғон хизматни сен қилишни тилағил ва бажарғил. Ҳамиша хизматда ҳозир бўлғил, сени ҳар вақт сўраб қолсалар (тезда) топсунлар, недин подшоҳлар ҳамма вақт хизматкорларини имтиҳон қилурлар ва сени ҳамиша муқим кўрсалар, улуғ нағфиъ¹ ишларни сенга эътимод қилиб буюрурлар, токи кичиклик ранжин чекмагунча улуғлик роҳатиға ета олмағайсан...

¹ Ноғиъ — фойдали.

Ҳамиша подшоҳнинг ғазабидан қўрқғил. Икки нарсани ҳаргиз хор ва саҳл¹ тутмағил: бири подшоҳнинг қаҳри, яна бири донишманднинг панди. Ҳар одамки бу икки нарсани саҳл ва хор тутса, ўзи хор бўлур ва агар сен бу даражадан илгари ўтиб, подшоҳ надимликлариға восил бўлсанг, надимлик шартларини билмоғинг керакдур.

Уттиз саккизинчи боб

ПОДШОҲГА НАДИМЛИК ҚИЛМОҚ ОДОБИ ЗИКРИДА

Эй фарзанд, агар сени подшоҳ ўз надимлиғига талаб қиласа ва сенда надимлик хислатлари бўлмаса, қабул қилмағил, нединким ҳар киши подшоҳнинг надимлиғини қабул қиласа, ул дастлаб ўзида надимликка қанчалик хислати борлигини аниқламоғи лозим. Чунки подшоҳ хизматида жулус² рухсатин топғондан сўнг, аввал беш сезгиси ҳиссиёти унинг фармонида бўлиши керакдур ва яна одамларга жирканч кўрингудек бадрўй бўлмаслиғи керак, токи бу кўринишдан подшоҳга малол етмасин ва яна форсий, арабий тил била иншо ёза билсин, токи агар бир вақт подшоҳ иншога ҳожатманд бўлса надим шу ишни биткара олсин. Яна керакдурким, надим шоирликни ҳам билсин ва форсий, арабий байтларни кўп ёд ўқисин, токи бир вақт подшоҳга шоир керак бўлса, бошқа жойларга киши юбориб шоир талаб қилиб юрмасин, шоирлик хизматини ўша надимнинг ўзи бажарсин. Бундан бошқа, надим илми тиб ва илми нужумни ҳам бўлсин, токи табиб ва мунажжим керак бўлса, сен бу бобда ҳам билғонингни баён қилғайсан, бу била надимлик шартин бажо келтиурсан. Подшоҳ эрса сенинг ҳамма илмдан хабардор эканингга эътимод қилғай ва хизматинг маъқул бўлғай. Яна со зандаликдан ҳам хабардор бўлғайсан, токи подшоҳ бир хилват қиласа, мутриб бундай хилватга кира олмаса, сен соз чертиб вақтини хуш қилғайсан, шу муносабат била подшоҳ сенга муҳаббат пайдо қилғай. Яна керакдурким, муҳоки муҳоко³ бўлғайсан. Яна кўп кулгили ҳикояларни, ажойиб сўзларни, нодир қиссаларни ёд билғайсан, нединким ҳикоят билмағон надим... ноком⁴ бўлур.

¹ Саҳл — осон, енгил, қулай. ² Жулус — ўтириш, мажлис.

³ Муҳоки муҳоко — бир-бiri билан сўзлашиш. ⁴ Ноком — истагига етмаган, маҳрум, бебаҳра, ноchor, ноилож.

Яна керакдурким, нардоэликни ва сатранжбозликин ҳам билғайсан, лекин қиморбоз бўлмағайсан. Яна қуръон, тафсир илмидан хабардор бўлғайсан ва ҳадис, шариат илмининг ҳар туридан зуфунун бўлғайсан. Агар подшоҳнинг мажлисида бу илмлар ҳақида орага сўз тушса, сен жавоб берғайсан, шунда қози, муфтиларни талаб қилишга ҳожат бўлмағай.

Яна ўтган подшоҳларнинг қиссаларини кўп ўқифон бўлишинг лозим. Сен барча подшоҳларнинг хислатларини ўз подшоҳнинг олдида сўзлаб берғайсан, токи шу сўзларинг подшоҳнинг кўнглига таъсир этгай...

Ҳар сўзнинг истеъмол вақтини билғайсан, вақтга номуносиб сўз айтмағайсан. Мардона ва баҳодир бўлғайсан, нединким подшоҳ ҳамиша ҳам ишрат ва томошага машғул бўлмағусидур. Баъзи вақт подшоҳ муҳорба ишига машғул кўргузгусидур, Бундай вақтда баҳодирлик кўргизғил, токи агар ўлсанг яхши от била ўлғайсан ва сенинг қабила, фарзандларингнинг ҳақини тўлаб туриш подшоҳга вожиб бўлғай. Агар ўлмай қутулсанг ишинг улуғ бўлғай ва подшоҳга мұттамад¹, мұттабар бўлурсан. Бу айтилғонларнинг ҳаммаси сенда бўлса, шундан кейин подшоҳнинг надимлиғига лойиқ бўлғайсан.

Агар мақсадинг нон емоқ, шарбат ичмоқ, ҳазил айтмоқ бўлса, бу надимлик эмасдур, балки насимлик² дур.

Надимликнинг барча тадбири билғил, токи хизматинг бекор кетмағай. Мажлисида подшоҳнинг ҳолидан ҳаргиз ғофил бўлмағил ва подшоҳнинг ғуломларига қарамағил. Соқий сенга коса берса олғил, аммо унга назар қилмағил ва ўзингни сақлағил, токи подшоҳ сени унга мойил кўрмасин ва қози Абдумалик Ақайрийнинг бўйнига тушғон иш сенинг бўйнингга ҳам тушмасин.

Ҳикоят. Эшитдимки, халифа Маъмун қози Абдумалик Ақайрийни^{44*} ўзига надим қилди. Қози набизни кўп ичар эрди, шунинг учун подшоҳ уни қозиликдан маҳрум этғонди. Бир куни мажлисида бир ғулом соқий бўлди ва ул қозига набиз берди. Қози набизни олур вақтида ғуломга қараб бир кўзи билан унга ишорат қилди ва бир кўзини юмди. Унга Маъмун халифанинг кўзи тушдү. Қози халифанинг кўрғонин билиб қолди. Қози ғуломга қилғон ишоратини халифадан яширмоқ учун бир

¹ Мұттамад — ҳурматли, ишончга сазовор. ² Насимлик — разиллик.

күзини ишорат қилғондек юмуқ тутди. Халифа бир соатдан кейин қасд била: «Эй қози, күзингга нима тушди?» деб сўради. Қози деди: «Эй халифа, билмадим, ушбу соат кўзим юмуди». Шундан кейин қози то ўлгунча хоҳ йўлда кетаётғон бўлсин, хоҳ уйга кетаётган бўлсин, одамлар била кетаётғон вақтда ҳам, якка ўзи бўлғон вақтда ҳам ва ҳатто зиёфатга кетаётғон вақтда ҳам асло кўзини очмади, токи халифанинг кўнгли шубҳадан холи бўлмагунча.

Демак, ҳар киши подшоҳга надим бўлмоқ тиласа, келажакни кўргувчи, ақлли ва огоҳ бўлиши лозим. Шунда подшоҳ хизматида кўп вақт яхши от била умр кечирғай ва ишни охирига етказғай.

Ўтиз тўққизинчи боб

ДАБИРЛИК ВА КОТИБЛИК ЗИКРИДА

Эй фарзанд, агар дабир¹ ва котиб бўлсанг, ёзма нутқни яхши эгаллағил, хатни яхши билғил ва кўп ёзмоқни одат қилғил, токи яхшироқ моҳир бўлғайсан.

Ҳикоят. Ундоқ эшитиб эдимки, ҳожиб И smoil^{45*} шанба куни девонхонада^{46*} ўтириб, бир нарса ёзар эди. Котибларга қараб деди: «Ҳар шанба куни ўзимнинг котиблигимда нуқсон кўраман, бунинг сабаби шу жиҳатданки, мен ҳар жума куни девонхонага келмайман ва ҳеч нарса ёзмайман. Бир кун то пешингача хат ёзишни тарқ этғонимнинг нуқсони менга таъсир қилур ва хатимда нуқсон кўурман».

Бас, эй фарзанд, ҳамиша хат ёзишга машғул бўлғил, номада кўп арз ёзмоқни одат қилғил ва номани истиоралар, ибратли ҳикоялар, масаллар, шеърлар, ибратли фикрлар била бойитғил. Агар ёзув форсча бўлса, бу сўзларни форс тили била ёзиги ўтирмағил, чунки бундай сўзларни халқ тушунмайдур, у яхши эмас, хусусан, қадимғи форс дарий тилини кўп халқ тушунмайди, шунинг учун дарий тили била ёзмағон маъқул.

Араб ёзувидағи қофия — бир санъатдур, у ёқимли эшитилур, аммо форс тилидағи қофия ёқимсиз эшитилади. Энг яхиси форсча қофияни татбиқ этмаслик керак. Аммо сенинг ўзинг қадимғи дарий тилида гапир-маслиғинг керак, энг юксак услугуб била, нозик ва қисқа сўз била гапирғил.

¹ Дабир — иш юритувчи.

Номада сажънинг ўзи бир ҳунардур, лекин сажъ форсча номада нохуш кўринур. Ҳар сўзниким ёсанг ширин, мустаар¹, мухтасар² ёзғил. Котибға соҳиб идрок бўлмоқ ва котиблик сирларин яхши билмоқ, рамзли сўзларни англамоқ лозимдур.

Ҳикоят. Шундоқ эшитғонманки, эй фарзанд, сенинг бобонг султон Газнавий (Маҳмуд) Бағдод халифаси Алқодир биллоҳга^{47*} нома ёзиб юборди ва дедиким: «Мовароуннаҳри менга берғил, йўқ эрса қилич била олурман ва раият³ менга мутиъ бўладилар. Агар сен Мовароуннаҳр тасарруфининг ёрлигини юборсанг, мен у ёрлиқни халойиққа кўргузурман, токи сенинг фармонинг била раият менга мутиъ бўлғайлар».

Алқодир биллоҳ элчи юбориб деди: «Оlamда менга Мовароуннаҳр раоёсидан⁴ мутиъроқ қавм йўқдур, ҳаргиз бермасман. Агар сен мендан фармон етмай туриб уларга қасд қилсанг, барча оламни сенга душман қилурман».

Султон Маҳмуд бу сўздан танг бўлиб, халифанинг элчисига қараб: «Менинг ҳақимда бу сўз муносиб эмас эрди. Энди Қодирга айтғил, мен икки минг фил била бориб, халифани филларнинг оёғи остида вайрон қилурман ва Бағдод тупроғини филларга юклаб Газнинга олиб келурман ва филларни восита қилиб катта таҳдид⁵ таҳвиф⁶ кўргузурман».

Халифанинг элчиси қайтиб келиб, халифага мазкур хабарни еткурди. Халифа бунинг жавобини элчига топшириб юборди ва элчи султон Маҳмуднинг вилоятига етди. Султон Маҳмуд таҳт устида ўтириб эрди. Ҳожиблар⁷ муқарраб⁸ лар, амирлар сипоҳийлар атрофида сафтотриб туардилар ва маст филларни келтириб, улуғ ҳайбат била кўчаларда қатор қилиб қўймиш эрдилар. Шундан кейин элчини кўринишга келтирилар. Элчи номани султон олдига қўйиб деди: «Амиралмўъминин юборғон номасин ўқидим, унга лойиқ жавоб ёзиб юбордим»— деб мени сизга йўлламиш». Ҳўжа Абу Насир Маскон^{48*} султоннинг муншийси эди. У номани олиб очиб ўқиди. Номанинг бошида «бисмиллоҳир ал-раҳмо-нур раҳим» деб ёзилғон эди. Ундан кейинги сатрда

¹ Мустаар — ўзлаштирилган. ² Мухтасар — қисқартирилган, қисқача. ³ Раият — бир ҳукмдорга тобе ҳалқ. ⁴ Раоё — тобе ҳалқлар.

⁵ Таҳдид — қўрқитиш, дўқ қилиш. ⁶ Таҳвиф — қўрқитиш. ⁷ Ҳожиб — дарвозабон. ⁸ Муқарраб — яқин турувчи, яқин дўст.

«алиф, лом, мим» деб ёзилғон эди ва номанинг охирида «алҳамдулиллоҳ раббил оламин...» деб ёзилғон эди, бошқа бирорта сўз ёзилмағон эди.

Султон Маҳмуд ҳамма котиблар била ўйлашиб кўриб «бу қандай сўздур»— деб қуръондаги ҳар байтники алиф, лом, мим бўлса ўқиб, тафсир қилдилар. Ҳеч бири унинг сўзига жавоб эмас эрди. Ниҳоят, Абу Бакр Қаҳновий^{49*} (у ўтироғонича йўқ эрди, оёқ устида турғон ёш йигит эрди) шундай деди: «Эй худованд, халифа сизга алиф, лом, мимни ёзиб юборғони йўқдур. Сиз уни фил била қўрқитиб ва хавф бериб нома юбормиш эрдингиз ва Бағдоднинг тупроғини филларга юклаб Фазнинг келтурумиз, деб эрдингиз. Шу жиҳатдин халифа: «худо филбонларинг бошига не қўйларни солғонин наҳотки тушуммамишсан?»— деб ёзмишдур. Сизнинг фил юришингизга жавоб ушбудур».

Султон Маҳмуд бағоят диёнатлиғ одам эрди. Бу сўзни эшитгач ҳайратда қолиб, кўп вақтга қадар бошидин хуши қочди ва йиғлаб, зорлиқлар қилиб, халифадин узр тилаб, унга мактуб йўллади. Абу Бакир Қаҳновийга хильъат бериб, тарбият қилиди ва надимларнинг орасидан ўрин берди. Кўрмасмусан, Қаҳновий бир сўзнинг сабаби била шунингдек улуғ даражага етди.

Ҳикоят. Эшитибманким, Сосонийларнинг салтанати замонида Абу Али Самжул^{50*} деғон шахс Нишопурда ҳаким эрди. Айтур эдиким, мен Хурросон амирининг сипаҳсолари дирман, лекин амирнинг даргоҳига бормас эрди. Бу замон Сосонийлар давлати замонининг охири эрди. Уларнинг Абу Алини зўр била қўлга киргизгудек қуввати йўқ эрди. Абу Али уларнинг отига хутба ва сикка¹ ўқиб, ақча чиқарабди ва бир оз ҳадя юборарди. Улар Абу Алидин ложарам² рози бўлардилар. Уша замонда Абдужаббор Хўчоний деғон бир одам бор эрди. У одам Хўчонда хатиб эрди. Ул фақиҳ³ ва одоб илмини яхши билур, эс-ҳушлик ва доно котиб эрди. Абу Али уни Хўчондин чақириб келтириб, ўзига котиб қилиб олди ва баланд мартабага кўтарди. Абу Али ундин бемашварат ҳеч иш қилмас эрди, нединким ул бағоят кифоятлиғ⁴ одам эрди.

Аҳмад Рофеъ Хурросон амирининг котиби эрди, кўп фозил ва муҳташам одам эрди. Мовароуннаҳрнинг жа-

¹ Сикка — олтин, кумуш ва чақа пул устига урилган тамға.

² Ложарам — чорасиз, шубҳасиз, воилож.

³ Фақиҳ — диний илм.

⁴ Кифоятлиғ — етук.

ми иши унинг қалами остида эрди. Ул Абдужаббор Хўчоний била қаттиқ дўст эрди. Хусусан, фазли илм муносабатидан бир-бирига дўстлик қилур эрдилар. Бир кун Хурросон амирининг вазири амирга деди: «Агар Абдужаббор Хўчоний Абу Алига котиб бўлмаса эди, Абу Алини осонлик била қўлга киргизса бўлур эрди, нединким Абдужабборнинг тадбири била Абу Али шундоқ густоҳликларга¹ иқдом² кўргузадур. Абу Алига шундоқ нома ёзмоқ керакдурки, агар сен менга чокарлик³ қилиб итоатимда бўлсанг, ушбу нома етишгач Абдужабборнинг бошини кесиб, тўрвага солиб, борғон қосид⁴га топшириб, даргоҳга юборғил. Шундан кейин сенинг итоатингнинг ростлиғини билурман, нединким ҳарнаки қилурсан, унинг тадбири била қилурсан. Агар юбормансанг, менким Хурросон амиридурман, сенинг устингга бостириб борурман, урушга омода⁵ бўлғил».

Бу тадбирни иттифоқ қилишfonдан сўнг ҳамма деди: «Бу нома Аҳмад Рофеънинг хати била ёзилсин, нединким Аҳмад Абдужабборнинг дўстидур. Ул одам юбориб Абдужабборни хабардор қилур ва Абдужаббор бир тарафга қочиб кетар». Бу маслаҳатдан сўнг Хурросон амири Аҳмад Рофеъни чақириб деди: «Абу Алига ушбу тариқа нома ёзғид ва номани ёзғонингдан сўнг уч кечакундуз ушбу маконда бўлғил, ҳеч жойга кетмағил. Сенинг мутобеъ⁶ларингдан ҳеч одам қошингга келмасин, нединким Абдужаббор сенинг дўстингдур. Агар у қўлга кирмаса, сен унга хабар юбориб, қочишга йўл кўрсатғон бўлурсан».

Аҳмад ҳеч чора қила олмади ва ўз-ўзига деди: «Қошкийди, мен ҳаргиз котиб бўлмасам ва шундоқ фозил, донишманд дўстим менинг хатим била ўлмағай эди». Ниҳоят, «ан юқатталу», яъни «агар ўлдирсалар, оёқ-қўлни михласалар»— деғон араб ибораси ёдига яушди. Аҳмад ўз-ўзига деди: «Бу рамзни Абдужаббор билур ва ўзга киши бу сўзнинг сирига тушунмас. Энди мен дўстлик шартини бажо келтирай».

Номани ёзиг бўлғондан сўнг номанинг охирига, яъни унвон⁷нинг бир тарафиға нозик қалам била бир алиф, иккинчи бир тарафиға бир нун ёзди, яъни «ан юқатталу»га ишора қилди. Номани Хурросон амирининг қўлига

¹ Густоҳлик — ибосизлик, тортинмаслик. ² Иқдом — қадам. ³ Чокар — хизматкер. ⁴ Қосид — элчи. ⁵ Омода — тайёр, тайёрланган. ⁶ Мутобеъ — тобе. ⁷ Унвон — мактубдаги адрес.

берди. Амир номанинг увонига қарамай, ўқиб муҳр босди, хатни Жаммозабон отлиқ бир ишончли кишига топширди, лекин уни хат мазмунидан огоҳ қилмади ва деди: «Бу номани Абу Алига элтиб берғил, у сенга бир нима берса олиб келғил» ва Аҳмад Рофеъни эса уч кунгача уйдан чиқармадилар, уч кундан сўнг қўйиб юбордилар. У дилтанг бўлиб уйига келди.

Жаммозабон Нишопурга келиб, мазкур номани Абу Алига топширди. Абу Али номани олиб ўпди ва Хуросон амирининг ҳоли-саломатлигин сўради. Абдужаббор ҳам бу мажлисда ўтиргон эди. Абу Али номани унга бериб деди: «У муҳрни йиртиб, хатни олиб ўқифил. Фармонда ҳар на хабар бўлса маълум қилғил».

Абдужаббор номани олиб увонга қаради: бир тарафда бир алиф ва бир тарафда бир нун кўрди. Дарҳол «ан юқатталу» ояти ёдига тушди. Билдики, бу номанинг қатли бобида келмишдур. Муҳрини очмай, номани ерга қўйиб, бир қўли била бурнини ушлаб: «Бурнумнинг қонини ювиб келаман» деб ташқарига чиқди ва бир жойга бориб пинҳон бўлди. Абу Али унга мунтазир бўлиб бир оз вақт ўтиргондан кейин деди: «Ташқари чиқиб Абдужабборни чақириб келтиринг». Аммо ташқари чиқиб уни топмадилар. Бир кўрғон киши деди: «Абдужаббор мажлисдан чиқиб, бир отга миниб кетди».

Абу Али бошқа бир котибга номанинг муҳрини очиб ўқишини буюрди. Ул котиб номани ўқиди, Жаммозабоннинг олдида аҳвол маълум бўлди. «Бу номада не сўз ёзилғонин ким айтдики, ул чиқиб қочди»— деб барча таажжуб қиласарди. Абу Али гарчи бу ишга шодмон бўлса ҳам, аммо Жаммозабоннинг олдида кўп ғамгин ва хижолатлиғ бўлиб кўринди ва шаҳарга муноди¹ қилди. Абдужаббор пинҳоний бир одам юбориб дедиким: «Мен фалон жойда ўтирибман». Абу Али бунга хушҳол бўлиб, унинг омонлиғига шукур қилиб айтиб юборди: «То Жаммозабон кетгунча ўша жойда бўлғил». Бир неча кундан сўнг Жаммозабонга хилъат бериб, бутун бўлғон ҳолнинг мазмунини бир номага ёзиб: «Бизларнинг бу ҳолдан ҳеч хабаримиз йўқдур»— деб онт ичди ва кўп узрлар била номага зинҳор жавоб ёзишини тилади. Хуросон амири ҳам бу ҳолнинг сиридин ҳайрон бўлиб, тезда нома юборди ва деди: «Гуноҳини бу шарт била афв

¹ Муноди — хабар бериш, жар чақириши.

қилурманки, бу номада на сўз ёзилғонин қандай қилиб билғонини айтсин». Шу аснода Аҳмад Рофеъ айтди: «Менга омонлик берғил, токи у розни мен сенга айтайн».

Кейин унга омонлик берди. Аҳмад барча аҳволни айтиб деди: «Мен унга хабар бердим». Шундан кейин Хуросон амири Абдужабборнинг гуноҳин афв қилди ва ўзининг юборғон номасини қайтаришни талаб қилди. Шу рамузни¹ ўз кўзи била кўрмоқ истади. Номани қайтариб келтирдилар, шу рамузни амир ўз кўзи била кўрди, у Аҳмаднинг айтғонидек эрди. Абдужабборнинг донишлиғига ва унинг идрокига таажжуб қилдилар.

Эй фарзанд, котибликнинг яна бир шарти улдирки, котиб бўлғонингда ҳамиша подшоҳ ҳузурида ҳозир бўлғил ва ҳар ишнинг отини билғил. Барча ишни имтиҳон қилғил, бир ишдан фаромуш бўлмағил, ҳамма ишни ёдингда сақлағил ва барча девоннинг² ҳолидан огоҳ бўлғил. Ҳамма омилнинг³ муомалаларин билғил ва ҳар турли ишни билмакда тажассус⁴ қилғил. Мазкур изланишларнинг суди сенга ҳозир кўринмаса ҳам, кейинчалик киши мазкур изланишларга муҳтоҷ бўлиб қолади. Лекин билғонингни бирорга айтмағил, агар ноилож бўлсанг ва айтсанг ихтиёр ўзингда. Зоҳирда⁵ вазир ишнинг имтиҳонига машғул бўлмағил ва лекин ботинда⁶ барча ишдан огоҳ бўлғил. Барча ҳисобга қодир бўлғил ва ҳар дақиқа иш била машғул бўлғил. Бу ишлар котибнинг ишидур. Подшоҳнинг сирини айтмағил ва ҳар бир ишдан подшоҳни огоҳ қилғил..

Хаттотликка қодир бўлиб, ҳар турли хатни ўқиб, ёзмоқни билсанг, улур ҳунардур. Лекин буни бошқа бир кишига зоҳир қилмағил токи ҳар қандай хатни ҳаммага машҳур қилмағил ва сендан подшоҳнинг эътимоди кам бўлмасин. Алдамчилик била шуҳрат қозонмағил, агар киши одамлар орасида ёлғон-яшиқларни сўзловчи бўлса ва буни ким сўзлағонин билмасалар, балки сенинг бўйнингга тушар. Ҳар қандай таҳқирланғон, паст ишни қилмағил. Бекор қолғон чоғларнингда хатингни уйдирма қилмағил. Ҳожат вақтида бир нав ишни бажарғилки, у бир кун ишингга яраб, улур ишларга сабабчи бўлсин ва ҳеч одам сендан даргумон бўлма-

¹ Рамуз — имо-ишорат. ² Девон — давлатнинг кирим-чиқимлари ёзиладиган дафтар ва шу ишлар олиб бориладиган маҳкама. ³ Омил — амалдор. ⁴ Тажассус — қидириш, излаш. ⁵ Зоҳирда — очиқдан-очиқ. ⁶ Ботинда — зимдан.

син. Нетайким кўп муҳташам ва фозил котиблар хато қилишдан ҳалок бўлдилар.

Ҳикоят. Эшитибманки, Рабеъ ибн Мутаҳар ал-Қусвий ҳожиб Исмоилнинг девонхонасида бағоят улуғ ва муҳтарам котиб эрди. У музаввар¹лик хатини ёзарди. Бу хабар ҳожиб Исмоилнинг қулогига етди. Ҳожиб Исмоил ҳайрон бўлди ва шунингдек фозил ва доно кишини музавварлик журми² била ўлдириб юборишга андиша қилур эрди. Ҳожиб энди нима иш қиласини билмасди, унинг ўзига бу розни ҳаргиз изҳор қила олмас эрди.

Иттифоқо, бир кун соҳиб (ҳожиб Исмоил) касал бўлди. Ҳамма ҳалқ уни кўргани борди. Ҳатто Рабеъ ҳам соҳибнинг олдига бориб ўтирди ва сўради: «Эй соҳиб, касалингиз нечукдир, қайси шаробни ичарсиз ва қайси таомни ерсиз?» Соҳиб деди: «Шаробдан фалон шаробни ичарман ва таомдан сен ейдиган таомни танавул қиласанки, у музавварлик таомидур». Котиб билдики, ҳожиб Исмоил унинг ишидан огоҳ бўлибдур. У деди: «Эй худованд, сенинг бошинг ҳақи энди бу ишни қилмасман». Соҳиб деди: «Агар бундан сўнг қилмасанг, бурунғи қилғон гуноҳларингни афв қилурман!»

Демак, музавварлик қилмоқ улуғ гуноҳдур, ундан парҳез қилмоқ керакдур. Мен ҳар пешанинг сўзини айтиб тамом қила олмасман, ҳар бобдан сенга бир неча керак сўзни айтарман, бундан ҳар бир воқеа сенга маълум бўлгай. Агар котиблик даражасидан ўтиб, вазирлик мартабасига етсанг ҳар сўзга вақти била амал қилғайсан.

Қирқинчи боб

ВАЗИРЛИКНИНГ ШАРТ ВА РАСМЛАРИ ЗИКРИДА

Эй фарзанд, агар вазирлик мансабига етсанг, турли ҳисобот йўлларини, муомала тариқини яхши ўрганиб олғил, подшоҳга ҳамма вақт тўғри йўлларни баён қилғил, инсофлик бўлғил. Барча молни ўз уйингга жам этмағилки, кўп нарсага ҳирс қўйғон киши кўп нарсадин тезроқ ажралур. Агар сени ўз ҳолингга қўйсалар ҳам, кейинроқ қўймаслар. Сенга вақти била берсалар ҳам, кейин сендин талаб қилурлар. Подшоҳнинг молини

¹ Музаввар — сохта, ёлғон. ² Журм — гуноҳ, жиноят.

яхши сақлағил. Агар есанг, икки бармоқ била егил, токи томоғингда қолмасин.

Узга амалдорларнинг қўлини буткул боғламағил, нединким ўтга ўтин солмасанг, кабоб хом қолур. Ўзгаларга ярим тангани едирмасанг, ўзинг бир тангани ея олмассан ва агар едирмай есанг, у амалдорлар хомуш ўтираслар ва барча пинҳон ишларни ошкора қилурлар.

Валинеъмат подшоҳ ҳақида инсофлик бўлғонингдек, лашкар ҳақида ҳам инсофлик бўлғил ва арзимас нарсаларга назар солмағил. Оз маблағ учун кўп лашкарни ўзингга ва подшоҳга душман қилмағил. Агар кифоят қилмоқ ва мол жам этмак тиласанг, вайрон мамлакатларни обод қилғил, токи чандон даромад ҳосил бўлғай ва ўзгага зараринг етмағай.

Ҳикоят. Бундоқ эшиздимки, форс подшоҳларининг бири бир важҳ била ўзининг вазирини маъзул этиб¹, вазирлик мансабини бошқа бир кишига берди. Маъзул бўлғон вазирга деди: «Сен қайси жойни ихтиёр этсанг, ўша жойни сенга берурман, то ўзингнинг хеш ва ақраболаринг била унда макон тутиб, ризқ-рўзингни еб, осойишта яшағил». Вазир деди: «Менга ризқ-рўз даркор эрмас ва мен барча нарсамни подшоҳга бердим. Мен ҳаргиз ободон мулк тиламасман. Агар менга тараҳум қилсангиз, ўз мулкингиздан бир вайрон кентни беринг, токи мен ўзимнинг мутааллиқотим² била унга бориб, обод қилиб ўтирай». Подшоҳ бюрдиким: «Ҳар қанча вайрон кент вилоятимда бўлса, унга беринг!?). Подшоҳ фармонин бажармоқ учун кишилар мамлакатнинг бошидан оёғигача ахтариб, бир қарич вайрон ерни топмадилар. Охирда қайтиб келишиб: «Мамлакатда унга бергудек вайрон ер топмадик»— деб хабар бердилар. Вазир подшоҳга қараб деди: «Эй худованд, мен билур эрдимки, менга бергудек вайрона йўқдур, аммо муддаом шулдурки, бу вилоятни мендин олдинг, энди уни шундоқ одамга берғилки, бир вақт ул одамдан қайтиб олур бўлсанг, менинг қайтиб берғонимдек бўлинин ва шу ободонлик била яна сенга топширсин». Подшоҳ бу сўзни эшиғондин сўнг мутаассир бўлиб, маъзул бўлғон вазирга узрлар айтди ва хилъатлар кийдириб, яна вазирлик мансабини унинг ўзига қайтариб берди.

¹ Маъзул этиш — ишдан бўшатиш. ² Мутааллиқотим — тааллуқли нарсаларим.

Демак, вазир бўлсанг ҳамиша вайроналарни обод қилғил ва додгар бўлғил, токи ҳамиша подшоҳнинг олдида тилинг узун бўлсин. Деҳқонга парвариш ва ободонликка қўшиш кўргузиб, жаҳондорлик қилғил. Билки, жаҳонни лашкар била, лашкарни зар била, зарни ободонлик била ва ободонликни адл-инсоф била қўлга киргузса бўлур. Демак, адл ва инсофдин ғоғил бўлмағил. Агар ҳар нечаким рост ва бехиёнат бўлсанг ҳам ҳамиша подшоҳдан қўрқғил. Агар подшоҳ ёш ўғлон бўлса ҳам уни кичик деб ўйламағил, нединким, подшоҳзодалар сув қушларининг чоғасидек¹ дурки, улар юзмакни ўргонишга муҳтоҷ эрмаслар. Демак, оз фурсатда сенинг яхши ва ёмонлиғингдин огоҳ бўлурлар. Агар подшоҳ улуғ ва балоғатга етғон бўлса икки хил хулқа эга бўлур: ё донодир ёки нодондур. Агар доно бўлса, сенинг хиёнатингта ҳеч рози бўлмас ва бир важҳ топиб сенинг қўлингни қисқа қилур ва агар худ нодон ва жоҳил бўлса... сени ёмонроқ важҳ била ишдан маъзул этиб, ўлимга ҳукм қилур, донодин жонинг омон қолур, нодондин бирор важҳ била ҳам қутула олмассан.

Подшоҳ ҳар ерга борса, ундан ажралмағил ва уни танҳо юбормағил, токи душманлар сенинг ёмон сўзингни (подшоҳга) айтиб, подшоҳни сендан мутағайийр² қилмасинлар. Подшоҳнинг ҳолидан ҳаргиз ғоғил бўлмағил, чунки подшоҳ даргоҳидағи акобирларнинг³ барчаси жосусингдурлар ва аҳволингни подшоҳга айтурлар. Подшоҳнинг ҳар нағасидан огоҳ бўлғил, токи ҳамиша эминда бўлғайсан, яъни заҳарни заҳар тузатмишдур. Атрофдағи подшоҳлар ҳолидан ҳам огоҳ бўлғил, нединким дўст ва душман подшоҳнинг на егонин ва на ичгонин билғай. Сен уларнинг мамлакатидан ўз мамлакатингдан кўра ҳам яхшироқ огоҳ бўлғил.

Ҳикоят. Ундоқ эшитдимки, Фахруддавланинг замонида Исмоил бинни Аббод икки кун уйидин ташқари чиқиб, девон маснадида⁴ ўлтурмади ва кўриниш бериб, девон ва халқ аҳволин сўрамади. Фахруддавланинг жосулари бу аҳволни келиб айтдилар. Фахруддавла унга киши юбориб, ул орқали шундай нома йўллади: «Сенинг паришон ҳоллиғинг ва дилтанглиғингни эшитдим, қайси воқеага кўнглинг машғул бўлиб, паришонлиғ етишғонин айтғил, токи биз ҳам ўшал ишнинг маслаҳа-

¹ Чоғасидек — боласи, жўжасидек. ² Мутағайийр — ўзгарган.
³ Акобир — энг улуғлар, энг катталар. ⁴ Маснад — тахт.

тин қылғаймиз. Агар биз тарафдин дилтандык етғон бўлса ҳам айтғил, токи биз сенга узр айтайлиф. И smoил бинни Аббод деди: «...ул ҳазратдин бу бандага ҳеч бир дилтандык етишғон эрмас ва мамлакатнинг ҳоли тартиблиғи ва фароғатдадур. Ул ҳазратнинг давлатидин ҳамиша вақтим хушнуддур, бул банданинг кўнгли паришонлиғи тезда зойил бўлур»¹. Учинчи кун хушҳоллик била Фахруддавланинг олдига келди. Фахруддавла сўради: «На важҳ била кўнглингга паришонлиғ етди?» И smoил бинни Аббос деди: «Қашқарга юборган жосуларимнинг бири ёзиб юбормишки, хоқон ўзининг сипаҳсоларининг қулогига бир сўз айтибдур, аммо ул на сўз деғонин билмабдур. Бу сўзни эшитғонимдан сўнг, яъни Қашқарда хоқон сипаҳсоларига на сўз деғонлигин бул ерда туриб билмағонимдин жуда дилтанд бўлиб, томоғимдин нон ўтмади. Ушбу кун «Хоқон на сўз деғони менга маълум бўлди»,— деғон яна бир хабар келди. Шундан сўнг кўнглимга хушҳоллик етиши ва дарҳол даргоҳингизга келдим».

Бас, эй фарзанд подшоҳларнинг ҳолидин хабардор бўлғил ва барчасининг аҳволин ўз подшоҳингга маълум қилғил. Сенинг ихлосмандлиғинг ва хайриҳоҳлиғинг ўз подшоҳингга зоҳир бўлсин, токи дўст-душман қўлидин омон қолғайсан.

Агар бирорвга амал берсанг, муносиб одамга берғил. Мол-дунёга тамаъгир бўлғон жоҳилларнинг ва бедодгарларнинг² қўлига халқни тошишимағил ва сармоясиз амалдорларга улуғ амал бермағил.

Бир кун Абу Зар Жамҳардин: «Сосоний авлодининг иши амал бобида нима учун тубанликка тушди?»— деб сўрадилар. Абу Зар Жамҳар деди: «Шу жиҳатдинки, улар улуғ ишда кичик амалдорлардан мадад талаб қилдиларки, уларнинг иши бу ерга етди».

Муфлис ва бенаво омилларга³ амал бермағил, хусусан улуғ амал бермағил, чунки у ўзининг қорни тўймагунча сенинг беҳбудингга⁴ қарамағай. Омилким қувватлик ва молдор бўлса, билки ул ўз ишига асло машғул бўлмас, тезда сенинг ишинг била ишғол бўлур. Чунончи, кўрғилки, экинга сув бермоқ тиласалар, экин солмаси⁵ сув ичиб ҳўл турғон бўлса, сув тезроқ экинга

¹ Зойил бўлмоқ — йўқолмоқ, тарқалмоқ. ² Бедодгар — зулм қиливчи. ³ Муфлис ва бенаво омиллар — камбағал ва бечораҳол амалдорлар. ⁴ Беҳбудингга — ишингга. ⁵ Экин солмаси — экин ариғи.

етар ва агар солма қуруқ турғон бўлса, то солма ўзи сувдин тўйматунча экинга сув юбормас. Бас, бенаво омил ҳам қуруқ солмадекдурки, бурун ўзи тўяр, ундан кейин сенга берар.

Ўз сўзингни улуғ тутғил ва фармонингни улуғ ҳи-соблағил, ҳеч одамга унинг хилофини қилдирмағил.

Ҳикоят. Эшитдимки, Абул Фазл Балъамий¹* Суҳайл Хўчонийни Самарқанднинг соҳибдевонлигига буюриб, хилъат ва ёрлиқ берди. Суҳайл кетар куни хайрлашмоқ ва фармон тиламоқ учун Абул Фазлнинг олдига борди ва айтадургон сўзин айта олмай хилват (жой) талаб қилди. Жойни холи қилдилар. Суҳайл деди: «Эй худованд, мен банда кетаман, маъмур бўлғон иш устига борғондан сўнг, албатта сизнинг тарафингиздин неча фармонлар бандангизнинг олдига борур. Энди сиз мен қулингизга бир нишон қилсангиз эрдики, токи мен банда қайси фармонни айтарни ва қайси фармонни қилмаслиғимни билсам». Абул Фазл деди: «Тўғри, эй Суҳайл, яхши сўз дединг. Билурманки, бу сўзни сен кўп вақт андиша қилмишсан¹, бизга ҳам андиша қилмоқ керакдур, аммо дарҳол жавоб бериб бўлмағусидур. Сен бир неча кун таваққуф қилғил»². Суҳайл уйига кетди. Абул Фазл дарҳол Сулаймон бинни Яхё ал-Маонийни соҳиб девон қилиб, унга ёрлиқ ва саруло бериб юборди. Суҳайлга деди: «Сен бир йил уйдан чиқмай ўтиргил». Суҳайл бир йил уйда ўтириди ва Абул Фазл бир йилдин сўнг уни олдига чақириб деди: «Эй Суҳайл, бизнинг икки фармонимизнинг бири рост ва бири ёлғон эканин қачон кўрмиш эдинг. Улуғ жаҳонни биз шамшир била итоат қилишга ўргатурмиз. Бизнинг кичикларга беадаблик ва нофармонлик ўргатиб, фармон била иш қилмағил деганимиз камоли аҳмоқликдур. Бизнинг фармонимиз бирдур, ҳар на қилмоқ тиласак буюрмиз, дарҳол ул ишни қилурлар ва ҳар ишни қилмоқ тиламасак, ҳаргиз буюрмасмиз. Бизнинг ҳеч одамдин қўрқинчимиз йўқдур. Бизнинг ҳаққимизда шундоғ гумон қилибсан, бу сенинг ожизлиғингдур. Сен бу ишда бизни пиёда қилмоқчи бўлмишсан, биз ҳам сени амалдан пиёда қилдик, токи сен ушбу гумон била ҳеч бир амалга ярамагайсан».

Бас, эй фарзанд, то ўлгунча ёлғон фармон ёзмағил. Агар қайсики амалдор сенинг фармонинг била иш қил-

¹ Андиша қилмишсан — ўйлаб кўргансан. ² Таваққуф қилғил — тўхтаб турғил.

маса, унга қаттиқ уқубат қылғил, то ўзинг тирикликда фармонингни муazzам тутмасанг, сендин сўнг ҳеч ким сенинг фармонинг била иш қилмас. Ундоқким, ҳали ҳам ўтғон вазирларнинг фармони била иш қилурлар. Бас, подшоҳ била вазирнинг сўзи бир бўлмоғи керакдур, то амр қатъий, ҳурмати барқарор ва давлати пойдор бўлмоғи зарур.

Набизни ичмағилки, ундан ғафлат пайдо бўлур. Агар вазир ҳам, подшоҳ ҳам набиз ичишга машғул бўлса, мамлакатда ҳалал¹ пайдо бўлур.

Бас, ўзингни ва подшоҳингни омон сақлағил ва айтғонимдек бўлғил, нединким вазир мамлакатнинг посбони бўлур ва посбонга посбон керак бўлғони ниҳоятда айбдур. Бас, агар вазир бўлмай, сипаҳсолар бўлсанг, унинг шартларини энди айтурман.

Қирқ биринчи боб

СИПАҲСОЛАРЛИК ШАРТЛАРИ ВА ОДАТЛАРИ ЗИКРИДА

Эй фарзанд, агар сипаҳсолар бўлсанг лашкарингга эҳсон кўргузғил, ҳам ўз тарафингдин, ҳам подшоҳ томонидин уларга яхшилик расмини тузғил. Ҳамиша ҳайбатлик бўлғил, лашкар чекмак ва уруш қилмоқ тариқин билғил. Уруш куни ўнг тарафга ва сўл тарафга кўп уруш кўргон саркардаларни юборғил. Шижоатлироқ саркарданни ёки баҳодирроқ қавмни лашкарнинг орқа жаноҳига² қўйғил, токи лашкарнинг орқаси қувватлик бўлсин. Агар душман қанчаки ожиз бўлса ҳам уни ожиз кўрмагил ва унинг ҳақида ҳам қувватлик душман ҳақида қилғон эҳтиётингни қилғил.

Урушда далирлик қилмағилким, далирлик сабабидин лашкарни барбод қилурсан ва баддил бўлмағилким, баддиллик жиҳатидан ўз лашкарингга ҳазимат³ еткарасан.

Жосус юбориб, хасмнинг ҳолидан огоҳ бўлмоқдин ғофил бўлмағил. Қеча-кундуз тилла юборишдин тақсир қилмағил. Уруш куни лашкарга назар қилғил ва икки лашкар бир-бирига рӯбарӯ бўлғон чоқда очиқ юзлик ва яхши сўзлик бўлғил. Лашкарингга деғилким, «Душман лашкари шундай бир итки, биз уни бир соатда

¹ Ҳалал — нуқсон, камчилик. ² Жаноҳ — қанот. ³ Ҳазимат — орқага қайтиш, чекиниш.

қириб ташлармиз». Лашкарни бирданига юбормағил, подшоҳнинг олдига фавж-фавж¹ лашкар юборғил. Сар-ҳанг ва саркардаларнинг отларини бир-бир тутғил, уларни танҳо-танҳо тайинла ва буюргил: «Эй фалончи, сен ўз тобеларинг била юргил» ёки «Эй фалончи, сен ҳам ўз тобеларинг била борғил». Ҳар одамки аъло мурод масла-ҳатчилар жумласидан бўлса, ўз қошингда сақлағил.

Ҳар бир киши уруш қилса, урушда бирор кишини йиқса, мажруҳ қилса ёки ўзи мажруҳ бўлса, бирор душман кишини тутса, ё отни тутиб келтурса, ё бош кесиб келтурса, ёки бошқачароқ яхши хизмат қилса, унга ўша хизмати учун икки чандон мукофот берғил, сарупо тақдим қилғил, иш ҳақини ва вазифасини бурунгидин зиёда этғил ва молингни худди шу вақтда сарф қилғил, токи мақсудинг тезроқ ҳосил бўлғай. Бу сабаб била ўзгалар ҳам мардоналика ҳаракат қилғайлар ва сен ғалаба қозонғайсан.

Агар шу билан ҳамма мақсудинг ҳосил бўлса, сен шошиб қолмағил, ўзинг шитоб қилмағил ва жойингдин тебранмағил, душмандга от солмағил, нединким сипаҳ-солар шикаст топса улуғ ор бўлур.

Агар урушга кирсанг мардана ҳаракат қилғил ва кўнглингга қочмоқ фикрини келтурмағил. Үлимга кўнггул қўйғил, нединким ҳар одамнинг муроди ўлим бўлса, уни ҳеч лашкар жойидан кўтара олмас.

Зафар топсанг қочфоннинг изидан қувмағилки, бу ишда хатар кўп бўлади. Менинг отамнинг хулқ-атвори шундоқ эрди, сulton Маҳмуд ҳам шу хилдағи одатни кўзда тутиб, қочfon одамнинг изидан қувмасди ва дер эдики: «Қочfon киши жонини аямай ҳаракат қилур ва ҳар киши жон била сатъ кўргузса, албатта, зафар топар».

Урушда зинҳор бир қадамни кейин қўймағил. Агар бир қадамни кейинга қўйсанг, албатта, ҳазимат¹ топарсан. Ҳамиша жаҳд қилки, турғон жойингдин, илгари юргил ва ҳарғиз бир қадам кейин юрмадил.

Ҳамма вақт лашкарга хуш сўз айтғил ва бир луқманон, бир коса сув топсанг, улар била баҳам кўрғилки, бир парча ноннинг қилғон ишини кўп зар ва саруپолар қила олмағусидур. Лашкарнинг кўнглини ҳамиша хушҳол тутғил. Агар улар сендин жонини дариг тутмасин десанг, улардин сен нонингни дариг тутмагил... Агар сени подшоҳлик шарафига еткурса, подшоҳлик тариқин яхши тутғил.

¹ Фавж-фавж — гурӯҳ-гурӯҳ.

Қирқ иккинчи боб

ПОДШОҲЛИК ШАРТИ ВА РАСМИ ЗИКРИДА

Эй фарзанд, агар подшоҳ бўлсанг, порсо бўлғил ва кўзингни, қўлингни халойиқнинг аёл ва атфолидин¹ йироқ тутғил. Пок ва имн бўлғилки, пок ва имнлик покдилликдур.

Ҳар иш қилсанг ақл фармони била қилғил ва ақлдан бемаслаҳат иш қилмағил, нединким подшоҳнинг вазирлари ақлдур.

Ҳеч ишда шитоб қилмағил. Ҳар ишгаки киришар бўлсанг олдин ўша ишдин чиқмоқни яхши кўзлағил ва ўша ишнинг охирига қарагил. Ҳар бир ишнинг ўлчогин билғил ва барча ишни ўйлаб қилғил. Барча ишга, сўзга ақл юзи била қарагил, токи ботилни кўра олгайсан.

Ҳамиша ростгўй бўлғил, кам сўзлағил ва оз кулғил, токи кичиклар сенга густоҳ ва далир бўлмасинлар, нединким дебурлар: «Подшоҳ учун энг ёмон иш халқнинг густоҳлиғидур».

Ҳар наки ато² қилсанг, мустаҳиқ қилғил ва ўзингни азиз тутғил, лашкар ва раиятнинг кўзига хор кўринмағил. Ҳеч одамдан зинҳор бир нарса тиламағил ва бандаларга раҳмдил бўлғил, аммо бераҳмларга раҳм қилмағил. Ҳамиша лутф ва карамни одат қилғил, лекин сиёсатлик бўлғил. Барча ишни буткул вазирга таслим қилмағил, унинг раъийга ҳамиша муҳтоҷ бўлмағил. Вазир ҳар одамнинг ҳақида ҳар сўзни айтса эшитғил, аммо дарҳол қабул қилмағил. Вазирга айтиғилки: «Ўйлаб кўрурман, агар маъқул бўлса, у ишни қилмоқни сенга буюрурман. Ўзинг бу ишни бахшиш била имтиҳон қилғил, токи унинг наф ва зарари сенга маълум бўлғондин кейин ҳар наки ҳукм қилсанг қилғил». Агар хоҳ қари, хоҳ йигитликда подшоҳ бўлсанг, қари кишини вазир қилғил, йигит одамга вазирликни бермағил. Агар сен қари бўлиб, вазиринг йигит бўлса, номуносиб ишдур. Агар сен йигит бўлиб, вазиринг ҳам йигит бўлса, икки йигит бир ўт бўлиб мамлакатни куйдирадур.

Вазир хуш суратлик ва узун бўйлик, кенг қоринлик, қари одам бўлса яхшидур. Қисқа бўйлик, бадрўйлик,

¹ Аёл ва атфолидин — (аёллар) хотини ва бола-чақаларидан.

² Ато — бағишлиш, ҳадя қилиш.

тахиф¹ суратлик киши бўлса, унда ҳеч ҳайбат ва шукуҳлик бўлмағусидур. Узун соқоллик одам вазирликка яхшироқ муносибдур.

Ҳикоят. Ундоқки, бир куни султон Тўғрил^{52*} Хуросон фозилларидан бир кишини вазир қилмоқ тилаб, бир донишманд кишини вазирликка ихтиёр этди. Ул донишманднинг соқоли ниҳоятда қалин ва узун эрди. Шундоқ эдики, унинг соқоли бедидан ошоққа тушарди. Уни келтуришиб, султоннинг пайғомини унга еткурдилар ва дедилар: «Биз сени ўзимизга вазир қилдик, нединким сендин муносиброқ одамни топмадик». Ул донишманд деди: «Султонга айтингларки, вазирлик кўп хусусият ва ҳунари бўлғон кишига яхши бўлур. Банданинг эрса соқолидан ўзга ҳеч хусусияти ва ҳунари йўқдур. Подшоҳ менинг соқолимга алданмасин, ушбу хизматни бошқа одамга буюрсин».

Эй фарзанд, агар бир кишини вазир қилсанг, уни тамкинлик била узоқ тутғил, токи мамлакатнинг ишлари тўхталиб қолмасин. Аммо вазирнинг хеш ва ақраболарига ҳеч амал бермағил.

Фуқаронинг ҳолидан хабардор бўлғилки, подшоҳлар — чўпон, фуқаролари қўй рама²си манзасида бўлур. Агар чўпон қўй рамасини сақлашга урунмаса, ра ма қисқа вақт ичидаги ҳалок бўлур.

Ҳеч одамдин хизматни дариф тутмағил ва лекин ҳар кишига иш буюрсанг ўзига муносиб ишни буюрғил, номуносиб ишни буюрмағил, ундоқким, фаррошликка муносиб одамга шаробдорликни буюрмағил, шаробдорликка муносиб кишини ҳазинадор қилмағил. Алқисса, ҳар кишига ҳар ишни буюриб бўлмас. Агар иш билмайон кишига бир ишни буюрсанг, у киши ўз манфаати учун бу ишни билмаслигин айтмаса, ул иш дуруст ва фойдали бўлмағусидур. Бас, ишни билғон одамга буюрғил, токи дардисарликдан қутулғон бўлғайсан.

Агар бир чокарга иноят қилиб уни улуғ ва муҳташам қилмоқ тиласанг, уни амалсиз ҳам ҳашаматлик ва неъматлик қилса бўлур. Агар бир нодонга хизмат буюрсанг, ўз нодонлиғингга гувоҳлик берғон бўлурсан.

Подшоҳлиғингда ҳеч одамнинг фармонингни хор тутишига йўл қўйма, сўзингни хор тутма — ўзингни хор тутғон бўлурсан, нединким подшоҳликнинг роҳати,

¹ Таҳиф — енгил. ² Рама — гала, тўда, сурув (қўй, эчки каби ҳайвонлар суруви).

амрини юритмоқдадур, йўқ эрса подшоҳ била раиятнинг хулқи бирдек бўлиб қолур. Подшоҳ била раиятнинг фарқи фармонбардорликдадур.

Ҳикоят. Эй фарзанд, эшитдимки, сенинг бобонг сulton Маҳмуд Фазнавийнинг замонида бир киши бор эрди. Унга Абул Фатҳ Бустий^{53*} дердилар. У Нисанинг омили эрди. Султон бошқа бир омил юбориб, уни туттириб келтириди ва барча мол-мулкини хоса¹ликка олди, ўзини қаҳр била зинданга солдурди. Бир неча муддатдин кейин у киши зиндандан қочиб Фазнинга борди ва сultonнинг олдига кўп тазарруль қилиб, зор йиғлаб ўлтурди. Султон унга раҳм қилди ва ёрлиқ бериб юборди. У Нисага бориб, мазкур номани кейинги омилнинг қўлига берди. Омил ўйлаб туриб, ўз кўнглида деди: «У қайтиб яна Фазнинга кетғай». Алқисса, номани ўқимади ва мазмунига амал қилмади. У киши (Абул Фатҳ Бустий) яна Фазнинга бориб сultonнинг боғдан танҳо чиқадигон йўлини устида кутиб турди ва сultonга йўлиқиб, Ниса омилидин шикоят қилди. Султон яна нома берди. У киши деди: «Берғон номангишни омил эшитмағусидур». Шу вақтда сultonнинг кўнгли бошқа бир иш била машғул эрди. Шу жиҳатдин унга деди: «Мен худ нома бердим, бас, уни қабул этмасалар бошиннга тупроқ сочғил!». У киши деди: «Эй сultonни олам, фармонингни эшитмасалар, ёнди тупроқни менинг бошимга сочмоқ керакдур». Султон ўйлаб қолди ва деди: «Мен хато қилмишман, тупроқни менинг бошимга сочмоқ керакдур». Дарҳол икки ғуломни юбориб, Ниса вилоятидағи омилни дорга остирди ва жар солдири: «Ҳар ким подшоҳининг фармонидин бош тортса, жазоси ушбудур». Шундан кейин ҳеч ким фармонга хилоф иш қилмади.

Ҳикоят. Эй фарзанд, сенинг тоғанг сulton Маъсуд^{54*} салтанат таҳтига минди, у шиҷоат ва мардоналиқ тариқин яхши билур эрди. Аммо мамлакатдорлик² тариқин ҳеч билмасди. Подшоҳликдин кўра канизаклар била айш-ишрат қилмоқни яхши кўтар ва барча молларини шу ишга сарф қиласди. Уммол³ ва лашкарлар унинг шундай ишга машғул бўлғонин кўриб, нофармонлик⁴ йўлин тутдилар ва халойиқнинг ҳолига футур етди. Лашкар, раият густоҳ ва далир бўлдилар.

¹ Хоса — подшоҳ моли. ² Мамлакатдорлик — мамлакатни бошқариш. ³ Уммол — солиқ солувчи, ундирувчи, амалдор. ⁴ Нофармонлик — итоатсизлик, бўйсунмаслик.

Бир куни Фаррова қалъасидин бир хотин келиб, омилнинг зулмидин додхоҳлик қилди. Султон Маъсуд унга хат берди. Хотин у хатни олиб бориб омилга кўргузди. Омил хатнинг мазмунига амал қилмади. Хотин яна келиб султондин адолат тилади. Султон унга яна хат бермоқни буюрди. Хотин деди: «Омил сенинг ҳатингни қабул қилмағусидур». Султон деди: «Мен ўзим хат бердим, унга амал қилмасалар, мен нима қилай!». Хотин деди: «Эй султон, подшоҳ бўлсанг шундоқ бўлғилки, сенинг ҳукмининг қабул этсинлар ва тики бандалар зулм ва балога гирифтор бўлмасинлар, сен эрса ишрат таҳтида ҳамиша барқарор бўлғил». Султон бу хотиннинг сўзидан хижолатманд бўлиб, хотиннинг доғига етди ва у омилни тутиб дарвозага осди. Шундан кейин султон фафлат уйқусидин уйғонди ва ҳеч одам унинг фармони қабулида тақсир қилмади.

Бас, эй фарзанд, ҳар бир подшоҳнинг ҳукми юрмаса, у подшоҳ эмасдур ва подшоҳлик фармон раволикка вобастадур¹. Фармонни рано қилдирмоқ сиёсат била бўлур. Демак, сиёсат қилмоқда камчиликка йўл қўймоқ яхшимас.

Сипоҳийни раиятга мусаллат² қилмағил. Сипоҳийни на янглиғ тарбият қиласанг, раиятга ҳам шундоқ меҳри-бонлик кўргузғил, тики мамлакат обод бўлғай, нединким подшоҳ офтобдекдур, офтоб бирорга соя солиб, яна бирордин юз ўгирмас. Раиятни лашкар била мутеъ этса бўлур ва лашкарларни раият била хушҳол, ободон этса бўлур. Асло зулмни кўнглингга келтурмағилки, одил подшоҳнинг хонадони кўп йиллар боқий қолур ва золимнинг хонумони тезда барбод ва нобуд бўлур, нединким адл ободонликнинг нишонидур ва зулм вайронлик аломатидур. Ҳукамолар дебдурларки, одил подшоҳ олам хуррамлигининг сарчашмасидур, золим подшоҳ жаҳон хароблигининг селоба³сидур.

Мазлумлар дуосидан ғоғил бўлмағилки, уларнинг дуоси, албатта мустажобдур. Хилватда кўп ўтирмағил, лашкардин ва ўзга халойиқдин қочмағил, агар қочсанг, улар ҳам сендан қочарлар. Раиятнинг ҳолига қараашда тақсир қилмағилки, бу тақсиринг душманнинг тавфиридур. Аммо лашкар тутсанг, барча лашкарни бир қабиладин тутмағил. Агар подшоҳ барча лашкарни бир

¹ Раволикка вобастадур — бажарилишга боғлиқдир. ² Мусаллат — қўлга олиш, молик бўлиш. ³ Селоба — тўфон.

қабиладин тутса, лашкари забун бўлур, нединким улар ҳамиша бир-бирлари била иттифоқ бўлурлар ва ҳаммасига бирдек сиёсат қилиб бўлмас. Агар ҳар турли қабиладин лашкар тутсанг, у ҳолда бир тоифа иккинчи тоифадин бийм¹ қилур ва иофармонлик қила олмаслар, сенинг фармонинг эса лашкарингга раво бўлур. Шундоқки, сенинг бобонг султон Мажмуднинг тўрт минг турк ғуломи ва тўрт минг ҳинду ғуломи бор эрди. Туркларни ҳиндулардин қўрқитарди. Бу икки тоифа бир-биридин қўрқиши натижасида мутеъ ва фармонбардор бўлур эрдилар.

Эй фарзанд, гоҳ-гоҳ лашкар улуғларини нон емак, набиз ичмак учун ўз мажлисингга чақириб, карам ва меҳрибонлик кўргузғил ва саруо бериб кўнгилларин хуш қилғил. Лекин кишига оз нарса бермоқ тиласанг кўп халқнинг орасида бермағил, токи ҳимматинг пастлифи маълум бўлмасин. Масалан, мен саккиз йил Фазнинда султон Мавдуднинг^{55*} надими² бўлдим. Унда уч ишни ҳаргиз кўрмадим: бири улки, агар инъом икки юз тиллодин оз бўлса, уни кўп халқ орасида ҳеч кишига бермасди, хилватда парвоначисига³ буюриб берур эрди. Иккинчиси, ҳаргиз тиши кўрингудек қаттиқ кулмас эрди, учинчиси, ҳар қанчаки қаттиқ қаҳри келса ҳам ҳаргиз «бехамият» дейишдан бошқа дашном қилмасди. Бу одат бағоят яхши ишдур. Эшиғон эдимки, Рум султонининг одати ҳам шу хилда экан. Бас, эй фарзанд, сахий бўлғил ва паст ҳиммат бўлмағил, ийӯк эрса кўпнинг орасида ҳимматингни кўргузмағил. Агар шундай қилмасанг, халқ сенга душман бўлур. Гарчи ҳатто сенга бирон-бир душманлик қила олмасалар ҳам, ҳар ҳолда сенга бир душман бўлса, хизмат қилмаслар ва душманингта дўст бўлурлар. Аммо жаҳд қилиб подшоҳлик шаробидан маст бўлмағил. Олти хислатдан воз кенмағил ва уларни маҳкам тутғил, масалан: ҳайбат, адл, саховат, муҳофазат, мулоҳимлик ва ростгўйлик. Ҳар подшоҳ бу олти хислатнинг биридан узоқ бўлса, подшоҳлик шароби мастилиғига яқин бўлур. Ҳар подшоҳ подшоҳлик шаробидин маст бўлса, подшоҳликдин жудо бўлғондин сўнг бу мастилидин айрилур. Шунинг учун подшоҳ бўлсанг бу ишларга эҳтиёт бўлғил ва олам подшоҳларининг ҳолидин шундоқ хабардор бўлиб

¹ Бийм — қўрқув, қўрқинч, хавф. ² Надим — яқин хизматкор, маҳрам. ³ Парвоначи — вазирнинг мувонини.

турғилки, уларнинг нафас олғонларидин ҳам ҳатто ғоғил бўлмагил.

Ҳикоят. Мен отамдин эшидимки, у шундай деди: Фахруддавла ўзининг биродари Азудуддавладин бир амаллаб қочиб, кўздин ғойиб бўлди ва ҳеч жойда мақом қила олмай, менинг бобом Қобуснинг даргоҳига омонлик тилаб келди. Бобом унга омонлик бериб, кўп лутғ ва қарам қилди, нединким бобом Фахруддавланинг тоғаси эрди. Фахруддавланинг отаси била бобом Қобус Ҳусн Фирузоннинг қизидан туғилмиш эрдилар. Шундан кейин Азудуддавла бобом Шамсул Маолий Қобуснинг олдига элчи юборди ва элчи келиб номани топширди. Номада шундай дейилмиш эрди: «Биродарим у ерга борибдур. Сен била менинг орамизда дўстлик биноси маҳкамдур ва икки юрт бир юртдур. Биродарим менга душмандур. Уни тутиб менинг олдимга юборғил. Бу ишнинг мукофоти учун мен сенга вилоятимдин қайси шаҳарни тиласонг, ўшани берурмен, токи дўстлик бурунғидин зиёдароқ бўлғай. Агар бу бадномликдин қоссанг, унга заҳр бериб ўлдурғил, токи менинг муродим ҳосил бўлсин ва сенга бадномлик бўлмасин. Ҳар на тиласонг уни қабул қилурман».

Амир Қобус деди: «..., шундоқ улуғ подшоҳ мендек кишига то қиёматгача бадном бўлгудек сўзни айтмаса керак эрди». Шундан кейин элчига деди: «Азудуддавла бағоят ғоғил кишидур. Нечук бундоқ мумкин бўлмағон сўзни айтадур?». Элчи деди: «Эй худованд, Азудуддавлани Фахруддавлага сотмағил, яъни Фахруддавлани Азудуддавладин илгари тутмағилки, Азудуддавла сени ўзининг туғишғон биродаридин ҳам дўст тутар ва айтарки, худди шу мактубни берғон куни эшидим: «Бир кун дўстим Қобус ҳаммомга борди, ҳаммомда оёғи тойиб йиқилди. Мен дилтанг бўлиб дедим: у қирқ ёшида қариб қолдимики, забун бўлиб, қуввати кетиб йиқилибди». Элчининг бу сўздин мақсади: «Менинг подшоҳим сенинг ҳолингни кўп яхши билур»— демоқ эрди. Қобус деди: «Умри узоқ бўлсин, менга кўп шафқат қилибдур. Лекин унинг учун мен ҳам ғам ерман: фалон ойнинг фалон кунида, сени бу тарафга юбормасидан бир кун илгари кечаси фалон уйда ўтириб шароб ичди ва фалон жойда ётиб ухлади. Нуштегин соқиј ярим кечада унинг қошига келди ва у уйқудин туриб ичкари саройга бориб, учок¹ка чиқди. Шу чоғда қаттиқ ша-

¹ Учок — том.

мол эсди ва у учокдин тушар вақтида оёғи дуруст тегмай, зангу¹нинг иккинчи тишидан йиқилди. У киши учун менинг ҳам кўнглум анчагина азобланди ва дедимки: қирқ икки ёшдағи подшоҳ шунча шароб ичиб, учокдин туша олмайдигон ва ярим кечада уйдин чиқа олмайдигон даражада ожиз бўлиб қолибдими, бундоқ ҳодисага гирифтор бўладур?». Бу сўз била Қобус элчига ўзининг ва уларнинг ҳолидин хабардорлигини ҳам билдиради.

Эй фарзанд, атрофдағи подшоҳларнинг ҳолидин огоҳ бўлғондин сўнг ўз вилоятинг, раият ва лашкар ҳолидин ҳам огоҳ бўлғил. Агар ўз шаҳрингнинг ҳолини билмасанг, бегоналар ҳолини қандай қилиб билурсан?

Ҳикоят. Эй фарзанд, тоғангнинг ўғли султон Мавлуд бинни султон Маъсуднинг замонида мен Фазнинг борғондим. Менга кўп эъзоз ва эҳтиром қилди. Бир неча муддатдин сўнг мени имтиҳон қилиб, ўзига хос надим қилди. У ҳамиша таомни менинг била бирга ерди. Хоҳ ўзга надимлар била бўлсин, хоҳ бўлмасин, мен унинг суҳбатида ҳозир эрдим.

Бир кун субҳидамда надимлар била набиз ичиб ўтиргон вақтда лашкарга кўриниш берди ва барча лашкар келиб салом бериб қайтдилар. Ҳўжа Абдулло Развозоқ Аҳмад бинни Ҳасан Маймандий^{56*} унинг вазири эрди. Бир мунҳий² бир хат келтириб ҳўжага берди. Ҳўжа ичкари кириб, у хатни Али ходимга берди ва Али ходим султонга берди. Султон набиз ичиб ўтириб эрди, ўшал хатни ўқиди ва Ҳўжага қараб деди: «Буюрғил, мунҳийга беш юз таёқ урсинглар, токи бундин буён хабар келтурса шарҳ билан ёзиб келтурсин, нединким бу хатни: ўтган кеча Фазнинда икки минг ўйда ош пиширмамишлар, деб ёзмиш. Мен у уйлар кимларнинг уйлари дур, қайси кўчада, қайси маҳаллада эканин билмасман». Ҳўжа деди: «Мунҳийнинг гуноҳин афв қилинг, бу жиҳатдан у мужмал гаплар ёзиб дур. Аммо агар шарҳ била ёзса, бу сўз бир улуғ китоб бўлурки, уни бир мажлисда ўқиб тамом қилиб бўлмағусидур. Ноилож ошни зикр этибдур, аммо ошнинг рангин ва навин ёзмабдур. Энди тараҳҳум қилсангиз, бундан буён ҳар сўэни мужмал қилмай, фалон киши, фалон маҳалла ва фалон ош деб шарҳ ва тафсил била ёзсин». Султон деди: «Бу навбат афв қилдим. Агар яна шундор ёзса, гуноҳи ўз бўйни дадур».

¹ Зангу — нарвон, шоти. ² Мунҳий — хабарчи.

Бас, эй фарзанд, ҳамиша лашкар ва раият ҳолидин хабар олғил, хусусан вазирнинг ҳолига тафаҳҳус¹ қилғил ва шароб ичишга йўл қўймағил, нединким сен барча аҳлу аёл ва ҳонумонингни унга топширғонсан. Агар унинг ҳолидин ғофил бўлсанг, ўзингдин, ҳонумон ва мол-мулкингдин ғофил бўлғонингдур. Атрофдағи ўзингга баробар подшоҳлар била зоҳирда дўст бўлсанг ҳам, ботинда² дўст бўлмағил ва агар ботинда душман бўлсанг, зоҳирда ошкор қилмағил.

Ҳикоят. Шундоқ эшитибманки, Искандар Румий бир кун ўз душманига қарши урушга бормоқ бўлди. Унга дедилар: «Эй малик³, хасм ғофилдур, унга шабхун⁴ урмоқ керакдур!». Искандар деди: «Ўғирлик била зафар топмоқ менга ордур!».

Бас, подшоҳлика улуғ ишларни одат қилғил, нединким подшоҳ барча кишидин улуғроқдур. Унинг гуфтор⁵ ва кирдори⁶ ўзгаларнинг гуфтор ва кирдоридин улуғроқ бўлмоғи керакдур ва бундоқ гуфтор ва кирдор била улуғ ном ҳосил қиласа бўлур. Паст ҳиммат подшоҳнинг номи баланд чиқмағусидур.

Ҳукмингни улуғ тутғил ва ҳар муҳаққар⁷ нарсаға ҳукм қилмағил. Агар бирор нарсаға ҳукм қилсанг, унинг хилофини қилмағил, нединким хилоф иш қилмоқ барча кишига ёмондур, хусусан подшоҳга ёмондур.

Подшоҳлик пешасининг шартларини баён қилдим.

Агар деҳқончилик ё бозор пешалари насибинг бўлса, улар янада яхши пешадир. Сен ҳар бирининг шартларини бажо келтириғил, токи ишинг ҳамиша ривож топғай ва муродга етғайсан.

Қирқ учинчи боб

ДЕҲҚОНЧИЛИК ВА БОЗОР ПЕШАЛАРИ БАЕНИ ЗИКРИДА

Эй фарзанд, агар деҳқон бўлсанг барча деҳқондан шиностароқ⁸ бўлғил ва ҳар бир экинни эксанг, вақтидан ўтказиб экмағил. Агар вақтидан ўн кун бурун экканинг икки кун вақтидан сўнг эккандин яхшироқдур.

Ҳўқизни жуфт этиб, барча асбобин муҳайё қилғил. Зўравон, қувватли ҳўқизларни сотиб олғил, охурига

¹ Тафаҳҳус — атрофлича текшириш, суриштириш. ² Ботинда — ички томондан. ³ Малик — подшоҳ. ⁴ Шабхун — кечки ҳужум. ⁵ Гуфтор — сўз, сўзлаш, сұҳбат. ⁶ Кирдор — қилиқ. ⁷ Муҳаққар — таҳқирланган, ҳақоратланган, арзимас. ⁸ Шиностароқ — билимдонроқ.

алафни ва дон-дуналарни солғил. Уни шу хилда тарбият қилғилки, ҳўқизларинг зўрликда ва семизликда барча ҳалойиқнинг ҳўқизидин илгари бўлсин. Агар бир ҳўқизинг ишга ярамай қолса, тезликда яна бир ҳўқиз олишга ҳаракат қилғил, токи экин вақти ўтмасин. Агар экиш ва ўриш вақти бўлмаса, ҳамма вақт ер суриб, шудгор қилишдин ғоғил бўлмағил. Сўнғри йилнинг тадбирини ушбу йил қилғил. Экинни бақуввати бўлмаса, ер сенга фойда бермас.

Ҳамма вақт ерни тарбият қилғил, деҳқончилик пешасидин бархурдор¹ бўлғайсан.

Агар ўзга пеша қилмоқ тиласанг, бозор пешаларини қилғил. Ҳар бир пешани қилсанг ҳам чобук бўлғил ва покиза иш қилғил. Шунда сенинг үшинг ҳамма пешаварларнинг ишидан яхшироқ бўлғай.

Хариф ва ошналаринг кўпайсинг. Оз фойдага қаноат қилғил ва харидорни кўп лажож ва оғир баҳо била ўзингдин қочирмағил, токи мазкур пешада ризқинг зиёда бўлсин. Ҳалқ сенинг олдингга бир нарсани олмоқ ва сотмоқ учун келса, дўстимсан ва биродаримсан демакдин тақсир қилмағил, токи сенинг бундоқ меҳрибонлиғингни кўриб улар молларига оғир баҳо қўйишдин шарм қилсинлар ва сенинг мақсадинг ҳосил бўлсин. Шунда ҳамиша ҳамма пешаварларнинг орасида яхши отинг чиққай. Аммо рост сўзлағил, баҳилликдин парҳез қилғил. Савдонгни яхши ишга сарф этғил, қашшоқларга инъом берғил ва ўзингдин қавийларга ниёзманд² бўлғил. Савдода кўп қаттиқ бўлмағил, ғариблардин кўл фойда истамағил ва мустаҳқни хушҳол қилғил.

Ўз подшоҳинг ҳақида ростлиғ қилғил, аммо подшоҳнинг хизматига ҳарис бўлмағил, сипоҳийларга аралашмағил. Бозор ҳалқи била бозори бўлғил. Тош ва тарозини рост қилғил. Ўз ақчанг ҳақида икки дил ва икки ҳамён бўлмағил. Шерикларингга хиёнат қилмағил, ҳар пешаким қилсанг, унда ҳийла қилмағил ва ҳамиша ҳамма ишингни бирдек қилғил. Агар молдор бўлсанг, муҳтоҷга қарз бермоқни ғанимат билғил.

Ёлғондин онт ичмағил ва киши била қаттиқ муомала қилмағил. Пок дил бўлғил, токи савдонгда, фойдангда баракат бўлғай. Ҳар бир пешадурки менинг

¹ Бархурдор — баҳраманд, фойдаланувчи. ² Ниёзманд — ҳожатманд, ўтинувчи.

айтғонимдек бұлса, барча пешаварларнинг жувонмарди бүлғайсан. Энди билғилки, жувонмардликнинг барча шармларини құдратим етгунча баён қилурман.

Кирк түртінчи боб

ЖУВОНМАРДЛИК¹ ЗИКРИДА

Эй фарзанд, агар сен жувонмардлардек ҳаракат қылмоқ тиласанг дастлаб жувонмардлик нима әканлигин ва унинг қандоғ пайдо бўлурин аниқ билғил. Билғилки, одам уч хил сифатга эгадур. Барча шахс, у хоҳ доно, хоҳ нодон бўлсин, шу уч нарса била хушнудур... Бу уч нарсанинг бири ақл, бири ростлик ва бири жувонмардликдур.

Халқнинг даъвосига ҳақиқат била қарасанг, ҳеч киши ақл, ростлик ва жувонмардлик билан ёлғон даъво қилмағусидур. Недиким бу уч сифатга эга бўлмағон ҳеч киши йўқдур. Аммо одатнинг тундлиғи (шиддатлиғи, ғазаби) ва хиравлиғи (даҳшатли қоронғулар) халқнинг асли йўлини боғлаб қўяди. Инсон асли барча илмни ўргана олади. Одамнинг тани кўзга кўринадурғон ва кўзга кўринмайдурғон моддалардин туэйлғон. Демак, инсоннинг баданида бир қисм табиий кучлар: осмон гумбази, юлдузлар, моддалар, унсурлар, нафас, шакллар, жонлар, ақллар мавжуддурки, уларнинг ҳар бири алоҳида бир оламдур, яъни мураккаб бир мажмӯъ бўлмишдур. Бас, кўрмасмусан, бу улуғ жаҳонда кўк гумбази ҳам, юлдузлар ҳам, табиий кучлар ҳам — буларнинг бари хилма-хил моддалар бўлсалар ҳам, табиат бандида бир-бирларига боғлиқдурлар, яъни ўт ва сув барча сифатда бир-бирига зиддур. Андоқким, ўт ва сув барча сифатлари била зиддурлар, тупроқ ва ел ҳам бир-бирига зиддур. Демак, Ер тупроқ, ўт ва сувнинг ордасида воситачи бўлиб, уларнинг орасини улуг банд қилиб боғлайдур. Шу тариқа ердаги қурғоқчиликнинг олов била, совуқликнинг сув била боғланиши орасида банд пайдо бўлди, лекин қувват моддаси била маъзур банд узилди. Кўп фалакдин, фалак ҳаюло²дин, яъни ҳар бир нарсанинг асл моддаси ва моҳиятидин, ҳаюло нафасдин, нафас ақлдин ушбу қиёс била жудо бўлди.

¹ Жувонмард — инсонпарвар, саҳий.

² Ҳаюло — модда.

Одам жисмида тириклик ва оғирлик табиат қуввати орқали жам бўлди. Сурат, чеҳра, ҳаё, қувват, ҳаракат фалакдин жам бўлди. Ёшта жисмоний сезги, яъни эшитмоқ, кўрмоқ, искамоқ, тотмоқ, сийпаламоқ ҳаюлодин жам бўлди; ёд этмоқ, тафаккур қилмоқ, хаёл этмоқ, сўз айтмоқ, тадбир қилмоқ жон орқали жам бўлди. Одамнинг баданидағи шариф¹ нарсаларнинг манбай йўқдур ва уларнинг ўрнини кўрсатиб ҳам бўлмас. Нединким жувонмардлик, донишлик, камолот, шариф—буларнинг ҳаммаси ақлнинг сармоясидур ва олий ақл ташаббуси била баданда пайдо бўлдилар. Демак, тан жон била, жон нафас била ва нафас ақл била тириклик дур. Ҳар кишини тирик кўрсанг, у жонсиз эмасдур, ҳар одамни жонли кўрсанг, у нафассиз эмасдур, ҳар кишини нафасли кўрсанг, у ақлсиз эмасдур. Бу аҳвол барча одамда мавжуддур. Лекин тан била жоннинг орасида беморлик пардаси бўлса, жондин танга модда, яъни қувват ва ҳаракат етишмас. Ҳар кишининг ҳафаси била жони орасида оғирлик ва нодурустлик пардаси бўлса, нафасдин жонга модда тамом етишмас. Ҳар бир одамнинг нафаси била ақли орасида жаҳл хирадлик пардаси бўлса, ақлдан жонга фикр, тадбир, жувонмардлик ва ростлик етишмас. Демак, ҳақиқатан, ақлли ҳамиятсиз бўлмағусидур. Лекин олий файзга руҳоний йўли боғланса, бундай ҳолда бемаъни фикрлар туғиладур.

Дунёда мардумлик, яъни жувонмардлик даъвосини қилмағон ҳеч одам йўқдур, лекин, эй фарзанд, сен жаҳд қилиб ўзгалардек бўлмағил ва бемаъни даъво қилмайил. Файзи олийни ўрганмоқ ва идрок қилмоқ зикринда руҳоний йўлни таълим ва тафҳим² била очиқ тутғил, токи сендан маъно даъво қилмағайлар.

Эй фарзанд, билғилки донишлар ақл ва жувонмардликдин алфоз³ била жасадсиз бир неча сурат ясадурлар. Бу суратлар тан, жон, ҳавос⁴ ва маоний⁵ суратидур. Дебдиirlарки, бу суратнинг тани — жувонмардлик, жони — ростлик, ҳавоси — донишмандлик, маонийси — сафодур. Бу суратларни ҳалққа тақсим қилдилар: бир гуруҳга тан тегди, ўзга нарса етмади, бир гуруҳга тан, жон, ҳавос ва маоний тегди. Тан етгон гуруҳ иерлар ва сипоҳийлардурки, ҳалойиқ уларга жувонмард-

¹ Шариф — тароватли, шарафли, азиҳ, қадрли, олижаноб.

² Тафҳим — тушунтириш, англатиш. ³ Алфоз — сўзлар, лафз.

⁴ Ҳавос — ҳислар, сезгилар. ⁵ Маоний — маънолар.

лар деб от қўйдилар; тан ва жон етғон гуруҳ зоҳирда маърифат соҳибидурларки, ҳалойиқ уларга ёлғон маърифат деб от қўйдилар; тан, жон ва ҳавос етғон гуруҳ ҳукамо, анбиё ва авлиёдурларки, ҳалойиқ уларга ўоят донишманд деб от қўйдилар; тан, жон, ҳавос ва маоний етғон гуруҳ фаришталардур ва уларга жувонмардлик насиб бўлди.

Жувонмардликнинг асли уч нарсадур: бири улким, айтғон сўзингни ўзинг қиласанг; иккинчиси улким, ростликка хилоф қиласанг; учинчиси улким, хайр ишини илгари тутсанг. Одамдағи қолғон барча сифатлар бу уч нарсанинг остидадур.

Эй фарзанд, агар сенга мушкул бўлса, мен бу уч сифатни тадбир била, бу қавмнинг ҳар бирига мартаба ва андозасига лойиқ тақсим қилурман. Билғил, жувонмардлик ва иёрлик шундай кишига сазовордурки, унинг бир қанча ҳунари бўлсин. Бу ҳунарлардин бири: жасур, мард, сабр-матонат, ваъдага вафо қилмоқ, пок дил ва пок забон бўлмоқ бўлса, яна бири улким; ўз манфаатин кўзлаб асирларга озор бермаса, бечораларга мадад еткурса, ёмонларнинг ёмонлигини яхшилардин йироқ тутса, рост сўз айтса, ўз танидин дод берса, яхшига ёмонлик еткурмаса, зиёнидин омон тутса, одамларга зиён-зарар еткурмаса, яхши қарағилки, бундай ишларнинг ҳам охири ул уч сифатга вобастадур.

Ҳикоят. Айтурларки, бир куни Кўҳистондағи бир уйда иёрлар жам бўлиб ўлтирас эрдилар. Бир киши эшикдин кириб, салом бериб деди: «Мен Марв иёрларининг элчисидурман. Улар сизларга салом юбордилар ва дедиларки, бизлар бир масалани сўрармиз. Агар бу масалага жавоб берсангиzlар, сизларнинг улуғлигинизга рози бўлурмиз. Агар тўғри жавоб бера олмасангизлар сизлар бизларнинг улуғлигимизга иқрор бўлингизлар». Улар элчига дедилар: «У масалани сўрағил». Элчи деди: «Улар сўраб юбордиларки, жувонмардлик недур ва жувонмардлик била ножувонмардликнинг орасида фарқ недур? Агар бир иёр бир йўлнинг бошида ўтиргон бўлса ва бир киши унинг олдидин ўтиб кетса. Бир оз фурсатдин сўнг унинг изидин яланғоч қилични қўлга олиб бошқа бир киши ўтса. У ўтиб кетғон одамини ўлдирмоқ учун йўл бошида ўтиргон иёрдан «фалон киши шу ердан ўтдими» деб сўраса, қандай жавоб бермоқ керакдур. Ўтмади деса ёлғон сўз айтғон бўлур,

агар ўтди деса ғаммозлик қилғай. Бу икки иш ҳам жувонмардлик тариқидан эмас».

Күхистон иेरлари бу масалани ва бу сўзни эшитғонларидин сўнг ҳайрон бўлуб, бир-бирларига қарашдилар. Ўуларнинг орасида Афзал Ҳамадоний деғон бир киши бор эрди. У деди: «Жувонмардликнинг асли — айтғон сўзни бажармоқдур. Жувонмардлик била ножувонмардлик орасидағи фарқ сабрдур. Йўл устидағи иеर ўтиргон жойидин бир қадам илгари ёки бир қадам кеинроқ ўтириб: «Мен бу ерда ўтириб эрдим, ҳеч киши бу ердан ўтғон йўқдур», — деб жавоб берса, у шу тадбир била рост сўз айтғон бўлур».

Демак, эй фарзанд, бу иеरларни эсга солса-да сипоҳийлар ҳам бу расм ғора бўлмоқлари шарттурки, сипоҳийнинг иши иеरлик иши била тамом бўлур. Лекин каримлик, меҳмондорлик, сахиийлик, тўғрилик, ҳақшунослик, пок жомалик, яхши яроғланиш сипоҳийга хосдур. Сипоҳийга тавозеъ ва сарафкандалиқ¹ бир ҳунардур, иерга айбдур. Аммо бозор одамларининг жувонмардлиғида ҳам анча шартлар бордурки, уларни мен ўзга пешаварларнинг бобида зикр қилдим, такрор қилмоққа ҳожат йўқдур... Жувонмардлик одоби шундоқки: нифоқ жиҳатидин ҳеч одамнинг пардасин йиртмаслар; ҳалойиқни бир ишда саҳв² этиб, омонлик тилаб келса баҳиллик қилмаслар; ... ҳалқнинг орасида кишига кўп панд³ бермаслар. Кишининг ҳаргиз қони тўқилишига саъй этмаслар. Қатли вожибга ҳам фатво бермаслар, нединким хато фатвони тузатса бўлур, аммо бегуноҳ ўлдирилғонни тузатиб бўлмас, ўлғон асло тирилмас. Авомни гуноҳга далир қилмаслар.

Аҳли тасаввуфнинг жувонмардлигини ўтғон устодлар кўп китобларда зикр этибдурлар, мен уларнинг ҳаммасин баён қила олмағайман.

Эй фарзанд, менинг арзим бу китобда сенга панд бермоқдур. Агар сен ушбу гуруҳ била ҳаммажлис бўлсанг, сен уларга оғир тушмасил ва улар ҳам сенга оғир тушмасин. Бу тоифанинг жувонмардлигини сенга айттурман, нединким, яхши зиндагонлик қилмоқда бу тоифага ўзга тоифадин кўп ранж етишар ва ўзларин барчадан баландроқ кўрарлар. Жувонмардликнинг асосий фазилати, манманликни бошидин чиқармоқ ва ўзтага

¹ Сарафканда — боши эгилган, камтар. ² Саҳв — хато, янгилиши.

³ Панд — ўғит, насиҳат.

қасд қилмасликдур. Яна бу тоифанинг адаб ва жувонмардлиги икки нав бўлур: бири тасаввуф дарвешларига хос бўлур, бири муҳибларга мансуб бўлур. Мен иккала навини ҳам баён қилурман.

Билғил, дарвешликнинг шарти улдирким, у ҳамиша мужаррад¹ бўлғай.

Ҳикоят. Шундоқ эшитдимки, бир вақт икки сўфи йўлдош бўлиб бир тарафга борур эрдилар. Бири мужаррад эрди ва бирининг ёнида беш тиллоси бор эрди. Мужаррад сўфи ҳеч хавфсиз борур эрди ва ҳамроҳ талаб қилмасди. Ҳар жойгаки борса, у жой қанчалик хавотирли бўлса ҳам у ҳеч андиша қилмас ва ўтириб роҳат қиласр эрди. Беш тиллоси бор сўфи ҳам унинг била кетиб борарди. Аммо доимо бадбуруш, мутаффакир ва андуҳгин эрди. Бир вақт бир қудуқнинг бошига етдилар. Бу ер ҳаддин зиёда хавфли ва ўғриси кўп эрди. Мужаррад сўфи мазкур қудуқдин сув ичиб, бехавотир ётиб роҳат қилди, аммо беш тиллоси бор сўфи хавфдин ухлай олмади ва ҳамиша ўзига дер эдики: «Оҳ, на қилай?!» Бунинг овози мужаррад сўфининг қулоғига ётиб уйғонди ва унга деди: «Эй фалончи, сенга нима бўлди, тинмай: «Оҳ, на қилай»,— дерсан?». У деди: «Эй биродар, менда бешта тилло бордур. Бу жой хавфликдур, сен бу жойда бехавотир ухларсан, мен эрса хавотирдин ухлай олмасман ва ҳатто ўтира олмасман ҳам».

Мужаррад сўфи деди: «Тиллонгни менга берғил, токи мен бу тиллонга бирон чора қилай». Сўфи тиллони унга берди. У олиб тиллони қудуққа ташлаб юборди ва деди: «Мана энди, «оҳ, на қилай»нгдан қутулдинг. Энди тинчгина ўтиргил, фароғат била ухлагил. Билғилки, мужаррад кишининг ҳеч оғатдин хавфи бўлмагай».

Эй фарзанд, билғилки, агар назаринг бир бўлса, барча оғатдин омон юргайсан. Агар биродаринг ҳақида жанжал қилсанг ҳам, ўзинг ҳаққингда биродаринг била ҳеч вақт мукошафа² қилмагил. Манманликни бoshингдан чиқарғил ва соҳиби беғараз бўлғил. Тасдик ва тажаррудга назар қилғил ва ҳеч нарсага иккилик кўзи била қарамагил.

¹ Мужаррад — яланғоч, ҳоли, тавҳо. ² Мукошафа — очиш, фош қилиш.

Эй фарзанд, билғилки, агар киши сидқи дил била сувга оёқ қўйса, сув ҳам унинг оёғи остида қаттиқ бўлур. Агар бирон киши бу бобда сенга авлиё кароматидан бир ҳикоят қиласа ва ул ҳикоят ақл тариқидин йироқ бўлса ҳамда сенга номумкин кўринса ҳам унга рой, эътиқод қилғил. Дарвеш шундай кишидурки, у ҳар бир нарсага сидқ кўзи била қарағай, унинг зоҳири ва ботилини бир бўлғай ва кўнглини тавҳид фикридин холи қилмағай. Қаттиқ андиша ва оҳисталикни ихтиёр этғай, токим тафаккур ўтига куймағай, нединким бу тариқа соҳиблари тафаккурни улуғ ўт деб билурлар, сидқ суви эса унинг тасаллиси бўлур. Демак, улар ишрат ва рақс, самоъ¹ни тасаллига дом қилмишлар, агар дарвешлар самоъ оҳангига мойил бўлмасалар, ҳамиша тафаккур ўтига куярлар, нединким ҳар кишида тавҳид тафаккури бўлмаса, унга самоъ қилмоқ маҳолдур... Дарвеш: ...мулойим сўзлик бўлғай; тан ва жомасин пок тутғай; сафарни дўст тутғай ва биродарларига ҳамма вақт хизмат қилғай; сафарга ҳар одам ҳамроҳ бўлмоғ тиласа ман этмағай ва белини устидин боғлаб, халқ орасига бормағай; ҳар ердин жой берсалар, унда ўтиргай; ичкари кирғон вақтда салом берғай; яхши одамлар била суҳбат тутғай, беҳуда сўзлашмағай; бир ерга чақирсалар тезроқ борғай, токи азиз бўлғай. Бир иш қилмоқ бўлса, кўпнинг ҳукми ва ризоси била қилғай... Агар ҳожат юзасидин бир жойга кетмоқ, ё либос киймоқ, ёки либосни танидин чиқармоқ тиласа, кўпдан рухсат олғай; халқдин яширин равишда ҳеч нарса емағай ва халқнинг олдида кўп сўзламағай... Кўп халқнинг орасида шитоб била юрмағай...

Бу гуруҳ ранж била топғон нонни ганж билғай. Нонemoқ вақтида сүфра²дан ғойиб бўлмағай, токи ўзгалар уни келур деб интизорлик чекмағайлар. Халқнинг олдидаги нонга қўлин урмағай. Агар бир иллат сабаби била таом егуси келмаса сүфра ёйилмасдин бурун узр айтғай.

Эй фарзанд, жаҳд қилки, ҳар қандай сифатга эга бўлсанг ҳам олдинни кўрадигон бўлғил ва жувонмардликка яқин бўлғил, токи жаҳон аҳлининг яхиси бўлғайсан.

Агар жувонмардлик йўлида юрмоқ тиласанг ҳамиша уч нарсани кўзда тутғил: кўзни ёмон назардин, қўл-

¹ Самоъ — ашула. ² Сүфра — дастурхон.

ни ёмон ишдин ва тилни ёмон сўздин сақлашни. Уч нарсани дўст ва душманга очиқ тутғил: уй эшигини, суфра бошини, ҳамёнингнинг бοғичини.

Ҳаргиз ёлғон сўз демагилки, барча ножувонмардлар ёлғон сўз айтмоқдадурлар. Агар ҳар киши сенинг жувонмардлиғингга эътиқод қилса, агар у азиз киши бўлса ҳам, сенинг олдингда ўзини хор тутар, агар улуғ душман бўлса ҳам сенга ўзини таслим қилур ва барча ҳалқнинг орасида сенинг жувонмардлиғингга эътимод этар.

Бас, жонинг борича кўшиш қилиб жувонмардликни эгаллағил. Ва яна ҳаргиз ўтғон иш юзасидин итиқом¹ қилмоққа машғул бўлмағил, хиёнат қилмоқни асло ўйламағил, нединким хиёнат қилмоқ жувонмардликнинг шарти эмасдур.

Эй фарзанд, огоҳ бўлғилки, сўз кўпдур. Агар ҳар тоифанияг жувонмардлигини айтсам, сўз чўзилур, аммо сўзни мухтасар қилурманки, айтғонларимнинг барчаси юқорида баён этилғон фикрларга тобедур.

Билғилки, камоли жувонмардлик шулдурки, ўз молингни аниқ билғил, киши молини киши моли билғил, ҳалқ молидин тамаъ қилмағил. Ўз қўлинг била қўймағон нарсани олмағил. Ҳалққа яхшилик қила олмасанг ҳам ёмонлик қилмағил. Оламда жувонмардроқ киши ҳамиша менинг айтғонимдек тирикчилик қилғай, токи ҳам бу дунёни, ҳам охиратни топғай.

Эй фарзанд, билғилки, бу китобнинг неча жойида қаноатни зикр этдим ва яна такрор қилурман. Аммо ҳамиша дилтанг бўлмасликни тиласанг, қаноатлиғ бўлғил, ҳасадчи бўлмағил, токи вақтинг ҳамиша хуш бўлғай. Нединким, барча ғамнокликнинг асли ҳасаддур. Билғилки фалак гардишининг таъсиридин одамга нек² ва бад³ етар. Менинг устозим дердики: «Фалак таъсири била одам бўйини узатғай ва оғзини очғай. Фалакдин бир саъб⁴ етса, одам бўйнида кўтарғай ва агар бир луқма етса, оғзига олғай...».

Фалак таъсири ҳам шул икки ишдин ташқари эрмасдур. Бу тариқани илгари тутиб, қаноатга одат қилсанг, озод баданинг ҳеч кишининг бандаси бўлмас. Ҳаргиз тамаъни хаёлингга келтурмагил. Нек ёки баддин наин-

¹ Итиқом қилмоқ — ўч олмоқ. ² Нек — яхши. ³ Бад — ёмон.

⁴ Саъб — қийин, оғир, машаққетли.

ки олдингга келса, рози бўлғил. Билғилки, одам тоифаси хилма-хилдур... Лекин уларнинг бир-биридан кам бўлмоғи ниёз ва тамаъ жиҳатидиндур. Шунинг учун киши тамаъни тарқ этиб, қаноатни одат қиласа, барча жаҳон аҳлидин бениёз бўлғай. Демак, ҳеч кишидин тамаъ талаб қилмағон киши жаҳонда энг азиз, муҳташамдир. Ул ҳеч одамга ниёзи бўлмағай, тамаъгир ва ниёзманд паст ва хордир. Нединким, бундай киши ўз моли ва жувонмардлиғидин тама қилғай.

Ҳикоят. Шундоқ эшитибманки, Шайх Шибли бир кун бир мачитга борди ва икки ракъат намоз ўқиб, бир оз вақт осойиш топди. Ул мачитда ёш уғлонлар жам бўлиб китоб ўқир эрдилар. Ўғлонларнинг таом ейдигон вақтлари бўлиб қолди. Буларнинг орасида бир бойнинг ўғли ҳам бор эрди ва бир фақирнинг ҳам ўғли бор эрди. Бойнинг ўғли олдида ҳалво, фақирнинг ўғли олдида қуруқ нон эди. Бойнинг ўғли ҳалво ерди, фақирнинг ўғли ундан ҳалво тилади. Бойнинг ўғли унга деди: «Агар ҳалво емак тиласанг, менинг итим бўл, шундан сўнг ҳалво берурман». Фақирнинг ўғли деди: «Мен сенинг итингман». Бойнинг ўғли деди: «Шундоқ бўлса, итдек ҳурғил». У бечора ит янглиғ ҳурди, шундан кейин бойнинг ўғли бир бўлак ҳалво берди. У ҳар вақт итдек ҳурарди ва бир бўлак ҳалво оларди. Шайх Шибли ҳар вақт уларга қараб йиғлар эрди. Бир куни муридлари ундан сўрадилар: «Эй Шайх, не важдин йиғларсан?». Шайх деди: «Кўрингларки, беканоатлик ва тамаъгирлик одамнинг бошига на савдоларни солур. Агар бу ўғлон қуруқ нонга қаноатли бўлиб, ундин ҳалво тила маса эрди, ўзидек бир ўғлоннинг ити бўлмасди».

Бас, агар зоҳид ва фасиқ бўлсанг ҳам, қаноатли бўлғил.

Эй фарзанд, билғилки, мен шу қирқ тўрт бобда ҳар хил ишлар тўғрисида сўз дедим ва ҳар боб ҳақидаги масалалар юзасидин панд-насиҳат қилдим. Аммо ақллилик бобини зўрлик била айта олмасман. Ақлни кишига зўрлик била ўргатиб бўлмас. Билғилки, ақл икки хилдур: бири туғма ақлдур, уни азалий дерлар, иккинчиси касбий ақл, буни муктасиб дерлар, касбий ақлга дониш ҳам дерлар. Бас, агар азалий ақл бўлмаса, мен ва сен ҳеч илож қила олмасмиз. Сен муктасиб ақлни пеша қилмоқда камчил қилмағил, қурбинг етғонича ўр-

¹ Ниёз — эҳтиёж, муҳтожлик.

ганғил. Ақллилар тоифасидин бўлмасанг ҳам, донишлар тоифасидансан, иккисидан бирига эга бўлғонинг яхшидур, нединким дебдурлар, агар ота бўлмаса, онадин яхши киши йўқдур. Агар оқил бўлмоқ тиласанг ҳикмат¹ ўрганғилки, ақл ҳикмат била камолга етар. Аристотолис донишдин: «Оқилнинг қуввати нимада?»— деб сўрабдурлар. Донишманд: «Барча кишининг кучи сақатдандур, ақлнинг кучи эса ҳикматдандур»,— дея жавоб бермишдур.

Эй фарзанд, билғилки, ҳар неки иш менинг одатим эрди, ҳаммасини сенинг учун бу китобга ёздим, бу фаяқат сенинг учундур, яъни барча фикр ва тушунчаларимни сенинг учун китобга ёздим ва ҳар бир илм, ҳар хунар ва ҳар пешаким билур эдим, ҳаммасини қирқ тўрт бобда баён этдим.

Билғилки, кичикликдин менинг одатим шундоқ эрди. Мен олтмиш уч ёшимни шу сират ва шу одатда ўткардим. Бу китобни сана тўрт юз етмиш бешда бошлидим. Агар бундин буён ҳам... тирик бўлсам, яна шу одат била бўлурман. Агар сен бундин яхшироқ хислатни билсанг, ўша била бўлғил. Шуларни ўзимга раво кўрдим, сенга ҳам раво кўрдим. Агар сен менинг бу пандларимни эшиитмасанг ва булар била иш қилмасанг, сенга менинг зўрим йўқдур. Ҳар қандай киши бу китобни ўқир, тушунар ва шу китоб юзасидин иш кўрур, нединким менинг ҳар бир сўзим бахтнинг аломатидур.

¹ Ҳикмат — фалсафа.

ИЗОҲЛАР

1. *Мутаваккил* 847—861-йиллар орасида ҳукмронлик қилган аббосийларнинг учинчи халифаси.
2. *Сүкрот* — юонон олимларидан бўлиб, эрамиздан илгари 469—399-йилларга яқин яшаб ўтган.
3. Афлотун Платон — эрамиздан илгари 427 йилда туғилиб, 343 йилда вафот этган юонон олими.
4. *Муҳаммад Закариёй Розий*. Машҳур эрон табибларидан бири. У Рай шаҳрида 240 ҳижрий йили (854—5 мелодий йили) да туғилди, 320 ҳижрий йили (932 мелодий йили) да вафот этди.
5. *Хисрав Парвез* Ануширавон (Хисрав I) 579 йилда вафот этгандан кейин таҳтни унинг ўғли Ормизд IV эгаллайди. Аммо 90-йилларнинг охирида Миҳран қабиласидан бўлган Ормиздинг сипаҳсолари Баҳром Чубин бошчилигига Ормиздга қарши исен кўтарилади. Баҳром ўз яқинлари билан пойтахтга юриш қилади. Бу вақтда 'пойтахтда Испахпат уруғидан бўлган Виндол ва Вистахм номли икки ака-ука бошчилигидаги оқсуяк гуруҳи Баҳром Чубиннинг келишини кутмасдан мустақил равишда ҳаракат қиладилар. Бу гуруҳ Ормиздни қўлга оладилар ва унинг иккала кўзини ўйиб олиб кўр қиладилар, кейин ўлдирадилар. Унинг ўрнига Ормиздинг ўғли Хисрав II ни подшоҳ қилиб тайинлайдилар. Хисрав II кейинроқ «Парвез» лақабини олади, «Парвез» сўзининг маъноси музaffer, ғалаба қилувчи, голиб демакдир.

Аммо Хисрав Парвез ўзини ўраб олган давлат кишиларига, қўшинларига ишонмайди ва Ктесифонни ташлаб, Византия императори даргоҳига боради, улар билан келишиб, яна ўз ватанини эгаллайди. Аммо Хисрав Парвезнинг душманлари уни зинданга ташлайдилар ва зинданда ўлдирадилар.

6. *Абузурж меҳр* Сосоний Нўширавоннинг афсонавий вазири бўлиб, асли оти Бузургмехрdir. Бу номга арабча тус берилиб «Абузуржмеҳр» дейилган.

7. *Абу Сувор Шопур* (Шовур) бинни Абдуал Фазл. Абу Сувор Шовур бинни Абу ал Фазл Шиддадидлар сулоласидан саккизинчи

амир Бус Сувор (ёки Абул Асовар) Шовур (ёки Шопур) ибн Фазл қақида сўз юритилади. Шиддадидлар тарихи кам ўрганилган. Улар курдлардан бўлиб, 340 ҳижрий (951—2 мелодий) йилида Арронда ҳукмронлик қилганилар. Амир Бус Сувор Двинанинг ҳокими сифатида эсга олинади. Маълумки, салжуқийлар 1021 йилданоқ Арманистонга ҳарбий юриш қилдилар. Арманистон Византиядан ёрдам сўрашга ҳракат қиласди. Бу курашга Шиддадидлар ҳам тортилган эди. Жумладан, Бус Сувор аввал византияликлар томонига ўтди, аммо улардан норози бўлиб салжуқийларга қўшилди, улар билан 1047 йилда муносабатни тиклади. Тўғрулбекнинг Арманистон билан бошлаган урушини унинг валинаҳди Олп Арслон давом эттиради. Олп Арслон узоқ вақт Аня шаҳрини қамал қилгандан сўнг, уни забт этади (1064 й. 6 июнда). Аня шаҳри олингандан сўнг бир қанча вақт салжуқий ноибларни ҳукм сурадилар. 1072 йилда эса Абу Сувор бу шаҳарни ўз ўғли Манучага таг-туги билан сотиб олиб беради. Шу вақтдан бошлаб Шиддадидлар икки шажараға бўлингандилар, улардан бири Ганжада ҳукмронлик қиласдилар, иккинчи шажара эса, Анида яшадилар. Бу камбағал маълумот тахминий бўлса ҳам, «Қобуснома» авторининг Бус Сувор ҳузурига келганидан дарак беради. Афтидан, бу вақтда Ганжа Шиддадидлар томонидан олинмаган, византияликлар қўлида бўлган бўлиши мумкин. Шундай тахмин қилиш мумкини, «Қобуснома» автори Кайковуснинг Бус Сувор ҳузурига келиши 1021—1047 йилларининг ўрталарига тўғри келади.

8. *Гургон* Журжон вилоятининг маркази бўлиб, бу Қаспий денгизининг шарқи-жанубий қирғофида Гургон дарёсининг ҳавзасидаги вилоятdir. Беруний Журжонда бўлган вақтида бу вилоятнинг ҳокими Кайковуснинг бобоси Қобус бинни Вушмагир¹ эди.

9. *Фирузон* Дайлимий. Дайлимий вилоятининг ҳукмдори. 289 ҳижрий (901-мелодий) йилида Исмоил Сомоний қўшинлари жангда ўлдиради.

10. *Хорунар Рашид*. Аббосийлар сулоласининг халифаларидан бири (786—809), «Минг бир кеч» асаридағи эртакларнинг қаҳрамони.

11. *Ануширавон*. Асли исми Хисрав I бўлиб, лақаби Ануширавондир. Баъзи манбаларда «Нўширавон» деб ҳам юритилади. «Ануширавон» сўзининг маъноси «абадий руҳ эгаси, ўлмас руҳ эгаси» демакдир. Унинг отаси Қубод ўлгандан сўнг (531 йил) Ануширавон отасининг таҳтини эгаллайди (531—579) ва Маздак қўзғолонини бостиради. Шунинг учун воқеаномаларда адолат тимсоли сифатида шуҳрат қозонган.

¹ Е. Э. Бертельс «Қабус-намэ» таржимасида, «Вушмагир» Б. Ф.Faфуров «История таджикского народа», А. А. Семёнов «Бируни — великий учёный средневековья» тўпламидаги мақоласида «Вашмагир» шаклида ёздилар.

² Энциклопедический словарь, т. 1, М., 233-бет.

12. Соҳиби Аббод. 932—1055 йилларда Фарбий Эрон ва Ироқда ҳукмронлик қилгав феодал давлати сулоласи Буидлар (ёки Бувейхидлар)² нинг машҳур вазири Соҳиби Исмоил ибн Аббод кўзда тутилади.

13. Ажам. Дастлаб араблар Арабистондан ташқари мамлакатларни Ажам деб атаганлар, кейинроқ Эрон мамлакатини ва эронликларни Ажам деганилар.

14. Аристотелис. Аристотель — юони файласуфларидан бири. У зрамиздан аввалги 384 йилда туғилди, 322 йилда вафот этди.

15. Ибн Муқла. Абу Али Муҳаммад ибн Ҳусайн ибн Муқла машҳур адабиётчи, вазир ва хаттот. У 272 йил ҳижрий (885—б мелодий) йилида Бағдодда туғилди ва Аббосийлардан Муқтадир (908—932) нинг вазири эди. Бунинг даргоҳида иби Муқла зинданга ташланади (324 ҳижрий, 936 мелодий йилида), аввал унинг ўнг қўлини кесадилар, 326/938 йили тилини суғуриб оладилар. У 328/939 йилда зинданда вафот қиласди.

16. Ал Мұєттасим. Аббосийлар сулоласидан саккизинчи халифа бўлиб, у 833—842 йилларда ҳукмронлик қиласди.

17. Шамсулмаолий Кайковуснинг бобоси Қобуснинг исми.

18. Аҳмад Жағдий. Огаҳий таржима қилган «Қобуснома»да Аҳмад Жағдий, Е. Э. Бертельс таржима қилган «Қабус-намә»да Аҳмед (Аҳмад) Сади (Саъдий) деб юритилади.

19. Ботломус. Птолемей — Мелоднинг иккинчи асрининг бошларида Искандарияда яшаган риёзиёт (математика), фалакиёт (астрономия) олимидир. У кўпроқ астрономия илми билан шуҳрат қозонган.

20. Юсуф. Шарқда кўп шоирлар томонидан ижод қилинган «Юсуф ва Зулайҳо» достонининг асосий қаҳрамони, Яъқубнинг ўғли.

21. Амр бинни Лайс. Сеністандаги Саффорийлар сулоласининг асосчиси Яъқуб ибн Лайснинг биродари ва бу сулоланинг иккинчи ҳукмдори. У 265/879, 287/900 йилларда ҳукмронлик қиласди.

22. Азҳари ҳар. «Азҳар» — оппоқ, жуда оқ; ёрқин; ой; ёввойи буқа маъносида; «ҳар» эса эшак маъносида ишлатилади.

23. Фалакул маолий. Манучехр — Қобуснинг ўғли.

24. Қорун. Тавротда Қорей деб аталади. Қорун бой одам бўлган, бу ривоят Қуръонга ҳам кўчирилган. Афсоналарга кўра у жуда бой бўлган ва куфронийлиги учун Қоруни ва бутуя бойлигини ер ютган экан.

25. Гиштасб. Қадимги Эроннинг мифологик подшоҳи. Абулқосим Фирдавсий Тусийнинг «Шоҳнома» асарининг қаҳрамонларидан бири. Йигирма еттинчи бобдаги ҳикоя «муқаддас подшоҳ» Гиштасбнинг ёшлиқ чоғида Византияга қилган саёдати ҳақидаги ривоят билан боғланади.

26. Рум. Юнон, Рим империяси, Туркия, Қичик Осиё мамлакатларининг қадимги номи.

27. Қустантана. Истамбул шаҳрининг қадимги номи.

28. *Шаҳрбону*. Сосонийларнинг сўнгги подшоҳи Иездегирнинг қизи, 637 йилда Эронни араблар истило қилганда ўлдирилган.
29. *Салмон Форисий*. Афсонавий шахс бўлиши эҳтимол.
30. *Умар ибн ал Хаттоб*. Мусулмонларнинг тўрт халифаларидан иккинчиси, 634—644 йилларда ҳукмронлик қилган. Халифаликни ташкил қилувчилардан бири.
31. *Али ибн Абу Толиб*. 656—661 йилларда ҳукмронлик қилган тўртинчи халифа.
32. *Фотима*. Муҳаммаднинг қизи, Алининг хотини.
- 33—34. *Ҳасан, Ҳусан*. Алининг фарзандлари, араб халифалиги учун бўлган ўзаро низолар даврида (680—683 йилларда) Умавийлар халифаси Язид томонидан ўлдирилади.
35. *Иёр*. Халифалик шаҳарларида маълум касбга эга бўлмаган, тасодифий иш ҳақи билан яшайдиган шахслар шундай ном билан аталганлар. Улардан кўнгилли қўшин тузилган эди.
36. *Сайида*. Буид Фахруддавла (976—997)нинг беваси.
37. *Искандар Зулқарнайн* — Александр Македонский.
38. *Фашёгурс* (Фигогурс — Пифагор) ёки *Фусофурас* — Юнон олимларидан бўлиб, эрамиздан иллари, бир ривоятга қараганда 608, бошқа бир ривоятга қараганда 572 йилда Сисом оролида дунёга келган. У ўз ютида таълим олди, риёзиёт илмини эгаллади, катта олим даражасига етишди.
39. *Муовия*. Умавийларнинг биринчи халифаси, 661—680 йилларда ҳукмронлик қилган.
40. *Жолинус*. Галлен Клавдий тахминан 130 йилда туғилиб, тахминан 200 йилда вафот этган. Жолинус Рим табиби ва табнатшунос бўлган. Унинг бизгача етиб келган озигина асарлари Гиппократдан кейин тиббиёт соҳасида машҳур назариётчи эканлигидан далолат беради.
41. *Ситтаи ашара*. Тиббиёт бўйича ўн олтида илмий асарнинг номи.
42. *Равий*. Бу даврнинг одати бўйича сарой ҳофизи ўз шеърини ўзи декламация қилмайди, балки саройда шоир ва ҳофизнинг шеърини декламация қилувчи махсус, ёш хушовоз йигит тайин этилади, унга равий дейилади.
43. *Амир Фазлун Биссувор ибн Хамон*. Озарбайжон ҳукмдорларидан бири.
44. *Абдулмалик Ақайрий*¹ — баъзи манбаларда «Акбар» деб ёзилган.
45. *Ҳожиб Исмоил ибн Аббод*². Буидларнинг машҳур вазири.

¹ Е. Э. Бертельснинг «Кабус-намэ» китобида «Гаффорий» деб аталади.

² Е. Э. Бертельснинг «Кабус-намэ» асарида «Саъид Исмаил ибн Аббад» деб кўрсатилади.

46. *Девон*. 1) Шөхнинг вазирлари, маслаҳатчилари тўпланадиган жой; 2) идора, маҳкама; 3) бир шоир томонидан ёзилган шеъларнинг тўплами.

47. *Алқодир биллоҳ*. Аббосийларнинг 25-халифаси, 991—1031 йилларда ҳукмронлик қилган.

48. *Хўжа Абу Наср Маскон*¹. Маҳмуд Фазнавий ва унинг ўғли Маъсуднинг соҳиби девонларидан. У нома услубининг устози ва машҳур хаттотдир. Маскон зўр тарихчи Байҳакийнинг устози.

49. *Абу Бакр Қаҳновий*. Султон Маҳмуднинг машҳур шоири.

50. *Абу Али Самжул*. Сомонийларнинг машҳур ҳокимларидан бўлиб, бир вақт Хуросонда ҳам ҳукмронлик қилган.

51. *Абул Фазл Балъамий*. Исмоил (892—907), Аҳмад (907—914) ва Наср II (914—943) Сомонийларнинг машҳур вазиридир. Балъамий 892 йилдан 938 йилга қадар шу вазифада келган.

52. *Султон Тўғрил*, 1035 йилда Урта Осиё чўлларидан зуҳур этиб, Хуросон ўлкасида равнақ топган Салжуқий туркларининг салтанатига асос солади. Тўғрил 1038 йилдан бошлаб ҳукмронлик қилади, 1063 йилда вафот этади.

53. *Абул Фатҳ Бустий*. Бу шахсни 401/1011 йилда вафот қилган Абул Фатҳ Бустий (исми, отасининг оти бир хилда) билан аralаштириласлик керак. Байҳакийнинг кўрсатувича, «Қобуснома»да тилга олинган шахс 430/1038 йилга қадар ҳаёт эди.

54. *Султон Маъсуд*. Султон Маҳмуднинг ўғли 1030—1041 йилларда ҳукмронлик қилган.

55. *Султон Маъдуд*. Шаҳобуддавла Мавдуд (1041—1048) Фазнавий сулоласининг 10-султони. Маъсуднинг ўғли, Маҳмуднинг набираси.

56. *Хўжа Абдул Рассоқ Аҳмад бинни Ҳасан Маймандий*. Султон Маҳмуднинг мактабдош ўртоғи Аҳмад Маймандийнинг ўғли. Маҳмуд уни Ҳиндистондаги бир саройга қамаган эди. Абдул Рассоқ қамоқни отаси билан тақсим қилган эди. У қамоқдан қутулгач, Мавдудга вазир бўлиб тайинланган эди.

¹ Е. Э. Бертельснинг «Қабус-намэ» асарида «Ходжа Бу — Насри-мишкан» шаклида ёзилган.

МУНДАРИЖА

Унсурулмаолий Кайковуснинг	3
«Қобуснома» асари ҳақида	27
Мавъизатномаи Кайковус	30
Бешинчи боб	30
Ота ва она ҳақини билмак зикрида	31
Олтинчи боб	31
Ҳунар афзунлиги. Баланд қадр ва олий табъ бўлмоқ зикрида	31
Еттиччи боб	40
Сухандонлик билан баланд мартабали бўлмоқ зикрида	40
Саккизинчи боб	48
Ануширавон пандларин ёд олмоқ зикрида	48
Тўққизинчи боб	50
Кариллик ва йигитлик сифати зикрида	50
Ўнинчи боб	53
Тамкин шарофатининг ва таом тартибининг баёни	53
Ўн биринчи боб	55
Шароб ичмак зикрида	55
Ўн иккинчи боб	57
Меҳмон олмоқ ва меҳмон бўлмоқ зикрида	57
Ўн учинчи боб	61
Мазоҳ килмоқ, шатранж ва нард ўйнамоқ одобин баёни	61
Ўн тўргинчи боб	62
Ишқ ва унинг одатлари зикрида	62
Ўн олтинчи боб	66
Ҳамомомга бормоқ зикрида	66
Ўн еттинчи боб	67
Ухламоқ ва осуда бўлмоқ зикрида	67
Ўн саккизинчи боб	68
Шикорга чиқмоқ зикрида	68
Ўн тўққизинчи боб	70
Чавғон ўйнамоқ зикрида	70
Иигирманчи боб	70
Уруш қилмоқ зикрида	70
Иигирма биринчи боб	72
Мол жам этмоқнинг зикрида	72
Иигирма иккинчи боб	75
Омонатни сақламоқ зикрида	75
Иигирма тўргинчи боб	77
Ўй ва ер сотиб олмоқ зикрида	77
Иигирма бешинчи боб	78
Чоҳарпой (от) сотиб олмоқнинг зикрида	78

<i>Иигирма олтинчи боб</i>	82
Хотин олмоқ зикрида	82
<i>Иигирма еттинчи боб</i>	83
Фарзанд парвариш қымыз қылмоқ зикрида	83
<i>Иигирма саккизинчи боб</i>	88
Дүст тұтмоқ зикрида	88
<i>Иигирма тұққызинчи боб</i>	91
Душмандин андиша қымыз қылмоқ зикрида	91
<i>Үттисинчи боб</i>	95
Ағв ва үқубат қымыз қылмоқ зикрида	95
<i>Үттис бириңчи боб</i>	98
Илм талаби ва қозыгарлик зикрида	98
<i>Үттис иккинчи боб</i>	104
Тижорат ва бозорғонлик расми зикрида	104
<i>Үттис үчинчи боб</i>	110
Тиб илми расми зикрида	110
<i>Үттис тұртқинчи боб</i>	115
Нұжум (юлдузлар) ва ҳандаса (геометрия) илми зикрида	115
<i>Үттис бешинчи боб</i>	118
Шоирлик расми зикрида	118
<i>Үттис олтинчи боб</i>	121
Хофиз ва созандалик зикрида	121
<i>Үттис еттинчи боб</i>	124
Подшохға хизмат қымыз қылмоқ зикрида	124
<i>Үттис саккизинчи боб</i>	127
Подшохға нағымлик қымыз қылмоқ зикрида	127
<i>Үттис тұққызинчи боб</i>	129
Дабирлик ва котиблик зикрида	129
<i>Қирқинчи боб</i>	135
Вазирликнинг шарт ва расмлари зикрида	135
<i>Қирқ бириңчи боб</i>	140
Сипаҳсоларлик шартлари ва одатлари зикрида	140
<i>Қирқ иккинчи боб</i>	142
Подшохлик шарты ва расми зикрида	142
<i>Қирқ үчинчи боб</i>	149
Декончиллик ва бозор пешалари баёни зикрида	149
<i>Қирқ тұртқинчи боб</i>	151
Жувонмардлык зикрида	151
 Изоҳлар	160

На узбекском языке

Унсурулмаолий Қайковус

ҚАБУС-НАМЭ

Ташкент «Ўқитувчи» 1986

Редакция мудири **М. Сатторов**
Муҳаррир **Р. Максимова**
Рассом **Т. Саъдуллаев**
Расмлар муҳаррири **Г. Н. Чернишев**
Техн. редактор **Н. Карлова**
Корректор **Д. Насриддинова**

ИБ № 3000

Теришга берилди 12.04.85. Босишига руҳсат этилди 21.11.85. Формати
84×108/и. Тип. қозози № 3. Кегли 10 шпонсиз. Литературная гарнитура.
Юқори босма усулида босилди. Шартли б. л. 8.82+0,42 рангли вкл. Шартли
кр.-отт. 8,98. Нашр. л. 7,73+0,2 рангли вкл. Тиражи 50000. Зак. № 1210.
Баҳоси 45 т.

«Ўқитувчи» нашриёти. Тошкент, Навоий кӯчаси, 30. Шартнома 12—10—85.
Ўзбекистон ССР нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари Давлат
комитети Тошкент «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмасининг
Бош корхонасида терилиб, 2-босмахонасида босилди. Янгийўл шаҳри. Са-
марқанд кӯчаси, 44. 1986.

Набрано на Головном предприятии ТППО «Матбуот» Государственного ко-
митета УзССР по делам издательств, полиграфии и книжной торговли. От-
печатано в тип. № 2, г. Янгиюль, ул. Самаркандская, 44.

K 17

Кайковус Унсурулмаолий.

Қобуснома / [Сўз боши С. Долимовники; Муҳаммад Ризо Оғаҳий тарж.] — Т.: Уқитувчи, 1986.— 168 б.

Кайковус У. Қабуснамэ.

74.03(3)

№ 882—86

Навоний номли ЎзССР

Давлат кутубхонаси.

Тираж 14000

Карт. тиражи 28000